

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ
УНИВЕРСИТЕТИ

ИСТИҚЛОЛ ВА ТИЛ

илмий-амалий анжуман

материаллари



ТОШКЕНТ 2008

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ДАВЛАТ ТИЛИ ЎЗБЕК ТИЛИДИР.**

*Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг 4-моддаси*

ИСТИҚЛОЛ ВА ТИЛ

илмий-амалий анжуман

МАТЕРИАЛЛАРИ

4- қисм

Тошкент - 2009

Мазкур тўпламга 2009 йил 20 октябрда Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни қабул қилинганлигининг 20 йиллигига бағишлаб Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ўтказилган олий таълим муассасалариаро илмий-амалий анжуман материаллари киритилган.

Тўплам учун масъул: ф.ф.н., доцент Х. Муҳиддинова

Таҳрир ҳайъати: п.ф.н., доцент Б. Қорасева
 ф.ф.н., доцент Н.Жиянова
 ф.ф.н., доцент О. Мўминова

Компьютерда саҳифаловчи: Д.Пўлатова

1- БЎЛИМ

ЎЗБЕК НАЗАРИЙ ТИЛШУНОСЛИГИ МУАММОЛАРИ

**Э. БЕГМАТОВ,
ЎЗР ФАТИ**

“ДАВЛАТ ТИЛИ ҲАҚИДА”ГИ ҚОНУН БЕРГАН ИМКОНИЯТ ВА САМАРАЛАР

Биз ўзаро мулоқотда бўладиган тил инсонга табиат инъом қилган мислсиз, тенгсиз неъмат, улуғ маънавий бойликдир. Бу бойлик ҳар қанча фойдаланилса ҳам ҳар заррача камаймайдиган самодай чексиз ва беқиёс уммондир. Мана шу тил буюк мутаффаккирлар ва улуғ бобомиз Алишер Навоий таъкидлаганидек, инсонни бошқа ҳайвонот дунёсидан фарқлайдиган беқиёс белги, фазилатдир. Тўғри, айрим ҳайвонларнинг ҳам турли овозлар чиқариб бирига, атроф-муҳитга қандайдир хабарни етказишга ундовчи “тили” бор. Венгер олимларининг аниқлашича, булбулнинг хониши (репертуар)ида 2 мингга яқин куй бор. Албатта, бу ҳам нимагадир ишора. Аммо бу тил инсон тили каби ҳар томонлама фикрлашни англатувчи, борлик ҳақидаги тушунчаларни ифода этувчи ҳамда умумлаштирувчи тил эмас. Улуғ мутаффаккир Алишер Навоий инсон тилини тушунча, маъно ифода этувчи тил, ўйлаш ва фикр юритишга имкон берувчи восита, у инсон қалби (кўнгил)дан чиқиб, мукаммаллашиб овозга айланувчи тил деб таърифлайди.

Дарҳақиқат, биз тил орқали, унинг асосий воситалари бўлмиш фонемалар, сўзлар, морфемалар, сўз ясовчи, сўз ўзгартирувчи қўшимчалар, услубга мувофиқ талаффуз, овоз, мақсадли оҳанг орқали ўзимизни қуршаб олган олам ҳақидаги тушунчаларнигина эмас, балки ўзимизнинг ҳис-ҳаяжонларимиз, руҳиятимиз оламини, ижобий ва салбий муносабатга баҳоларимизни ҳам ифода қиламиз. Тил инсонларнинг ўзаро алоқага, муносабатга киришувини тўлиқ таъминлайди. Ўтмишда ҳам, ҳозирги кунимизда ҳам тилда ифодасини топмаган бирорта тушунча йўқ. Тил

эркакни ўтмиш аждодларимизнинг қадимий тасаввурлари, ижтимоий, фалсафий, диний қарашлари, яшаш тарзи, ҳужжатли, орзу-умидлари, маданияти ва маънавиятига доир тушунча ва хабарлар сўзларда, гап ва матиларда ифода қилиниб, авлодлардан-авлодларга олиб ўтувчи восита, халқ (миллат)нинг тарихи, халқимиз маданияти ва маънавиятининг, миллийлиги, ўзлигининг ёрқин ойнаси, тенгсиз лисоний меросдир. Демак, тил халқнинг қадимияти, ўтмишини, ҳозирги куни ва келажagini ўзида мужассам этган улуг восита. Халқ тилининг камситилиши, уни ҳақоратлаш, унинг мулоқот ва ижтимоий доирасини чеклаш, халқни она тилидан жудо қилишга бўлган ҳар қандай ҳаракат халқнинг ўзлигини, тарихини, маданиятини ва маънавиятини ҳақоратлашдир. Шу боис "Халқнинг тилига ҳужум – унинг қалбига ҳужумдир" дейдилар.

Ўзбек халқининг она тили бўлмиш ўзбек тили ҳам халқимиз, Ватанимиз каби тарихнинг кўпгина мураккаб синовларидан ўтган. Ўлкамизни ўтмишда истило қилган босқинчилар ўзбек элати, халқини она тилидан маҳрум қилишга интилганлар, унинг ишлатилиш доирасини чеклаганлар, расмий доираларда гаплашиш ва илмий, бадиий асарлар ёзишни ман қилганлар. Айни пайтда босқинчилар ўз тилларини маҳаллий халққа зўрлик билан сингдиришга интилганлар ва бунга маълум даражада эришганлар ҳам. Жумладан, Александр Македонский, араблар ва мўғуллар истилоси давларида ҳам, Чор Россияси ва Шўролар ҳукмронлиги даврида ҳам бу ҳолат такрорланди. Хусусан, Чор Россияси ва коммунистик тузум ҳукмронлиги вақтида маҳаллий тилларни чеклаш, унинг вазифасини рус тили билан алмаштириш, бу тилни собиқ СССР ҳудудида яшовчи барча халқлар ва миллатларнинг умумий тилига айлантириш, рус тилини "иккинчи она тили" деб тан олиши барчанинг миёсига сингдириш сиёсати олиб борилади ва бунга эришиш учун барча имкониятлар ишга солиқди. Ушбу сиёсатнинг асл моҳияти ҳақида юртбошимиз И.А.Каримов айтган қуйидаги фикрлар гоёт ҳаққонийдир: "Буларнинг барчаси замирида совет мафкурасига хос бўлган, одамзотни тарихий хотира, Ватан туйғусидан жудо

қилинган қаратилган тарафли ингилишлар мужассам эканини англати, тушунини қийин эмас" (1).

Шўролар даврида ўзбек тили ўз ижтимоий наифаларининг энг муҳим томонларидан деярли махрум бўлган эди. Илм-фан, почта-телеграф, ўқув жараёни, иш юритиш, идора тили, дипломатияда ўзбек адабий тили деярли ишлатилмас эди. Катта йиғинлар, илмий анжуманлар асосан рус тилида ўтказилар эди. Ҳатто ўзбекларнинг ўзлари ҳам ўзаро мулоқотда рус тилида гаплашишни афзал кўришар, ўз нутқларида русча сўзларни қўшиб сўзлашга ҳаракат қилишар эди. Рус тилида сўзлашиш "маданиятлилиқ", "билимдонлиқ" мезонларидан бирига айланган эди. Буларнинг барчаси ўзбек тилини – она тилини менсимаслик, унга беписандликнинг ёрқин кўринишлари эди.

20-аср охирларида юзага келган қайта қуриш ҳаракати кишиларга маълум даражада эркинлик, илиқлик бергандай бўлди. Аммо шўроларнинг тилга бўлган сиёсати ўзгармаган эди. Ўтган асрнинг 80-90-йилларида турли масалаларда катта-кичик йиғинлар ўтказиш одатий тусга кирди. Бу йиғинларда ўзбек тилининг коммуникатив доирасини кенгайтириш, бунинг учун ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш ҳақида жўшқин гаплар, тортишувлар юз берди. Вазият шу даражага бориб етдики, охирида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди ва у 1989 йил 21 октябрда Қонун билан мустаҳкамланди (2). Ушбу қонун ўзбек халқи ўз мустақиллигига эришиш даражасида қўлга киритган дастлабки улкан тарихий ютуқ эди ва бу "Давлат тили ҳақида"ги Қонуннинг 1-моддасида қуйидагича қайд қилинди: "Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир" (3). Ҳали социалистик тузум ҳукмрон бўлиб турган пайтда ушбу Қонуннинг қабул қилиниши буюк тарихий воқеа эди ва бу ўша даврда республикамизнинг биринчи раҳбари бўлиб турган И.А.Каримовнинг улкан жасорати туфайли юзага чиқди.

Албатта, қонунда ўша даврдаги вазият ва ҳолат ҳисобга олинган, яъни унинг ҳар бир моддасида рус тилининг роли ва ўрни таъкидлаб ўтилган эди. Ушбу ёнбосишлар 1995 йил

21 декабрда тасдиқланган Қонуннинг янги таҳрирдаги вариантыда қўриланиб, ўзбек тилининг мустақил Ўзбекистон давлатининг давлат тили сифатида барча лисоний ҳуқуқлари ўзининг тўлиқ ифодасини топди (4). Қонуннинг янги таҳрирдаги варианты Ўзбекистонда калимдан яшаб келаётган ва республика аҳолисининг кўпчилигини ташкил этадиган ўзбек миллати тилининг қонуний ижтимоий, лисоний ҳуқуқини тиклашни кўзда tutadi. Аммо ушбу Қонун республика ҳудудида яшовчи миллатлар ва элатлар тилини заррача камситмайди, бу тилларнинг ўз коммуникатив вазифасини бажаришига, ривожланишига тўсқинлик қилмайди. Қонуннинг 2-моддасида бу таъкидлаб қўйилганидек, “Ўзбек тилига давлат тили мақоминини берилиши республика ҳудудида яшовчи миллатлар ва элатларнинг ўз она тилини қўллашдан иборат конституцион ҳуқуқларига монелик қилмайди”(5).

Демак, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги қонуни адолатли, демократик жамият қураётган ўзбек халқининг одилона, демократик қонунидир. Ушбу қонуннинг қабул қилинганига 20 йил тўлган бугунги кунда “Давлат тили ҳақида”ги қонун ўзбек халқи учун қандай имконият ва самаралар берди, дейилган саволнинг туғилиши табиий. Мана шу зарурий саволга жавоб топиш учун ушбу қонун қабул қилинганга қадар бўлган ҳолат билан мазкур қонун қабул қилингандан кейин ўзбек тилининг қўлланиши ва ривожланишида юз берган ўзгаришлар, лисоний муҳитни қуйидагича қиёс қилиш мумкин.

1989 йил 21 октябрда “Давлат тили ҳақида”ги Қонуннинг қабул қилиниши ўзбек халқининг руҳини кўтарди, унинг ўз она тилига бўлган ҳурмат-эътиборини оширди. Унинг мустақиллик йўлидаги орзу-умидларига ишонч туғдирди, халқимизга улкан мадад, маънавий озуқа, ўзлигини англаш имкониятини берди. Тилимизда ривожланиш ва жонланиш жараёнларини уйғотди. Маълумки, шўролар замонида ўзбек тилининг ижтимоий вазифалари тоят чекланган эди. Ўзбек тили илм-фан, фан-техника, почта-телеграф, расмий иш юритиш, таълим-тарбия ва маълум маънода матбуот тили сифатида деярли

истеъмоли доирасидан чиқаётган эди. Бу соҳаларда рус тили асосий тил сифатида фаолият юритар, бу ҳол ўзбек тилининг ушбу услубий соҳалари бўйича ривожига, шу соҳалар бўйича терминологиясининг тараққиётига салбий таъсир кўрсатди. Қонун мана шу чекланишларни бартараф қилди, ўзбек тилининг ижтимоий вазифалари, яъни қўлланиш доирасининг кенгайишига ва келгуси ривожига, турли функционал услубларнинг, илмий, расмий, дипломатия, спорт ва ҳарбий соҳа тиллари, кўп тармоқли матбуот тили сифатида раванқ топишига йўл очди. Ҳозирги пайтда юқорида кайд қилинган барча йўналишлар кенг амал қилмоқда.

Ўзбек тилининг ижтимоий вазифаларининг кенгайиши, шунга мос равишда нутқда услубий чекланишлардан қутулиши бу соҳаларга оид нутқ услубларининг тараққиёти ва меъёрлаштиришга йўл очди. Бунда энг асосий масала илмий терминология масаласи эди. Илмий тадқиқот олиб бориш, расмий муомала ва иш қоғозларини юритиш, ўқув-таълимий ишлар асосан рус тилида олиб борилгани учун бу соҳаларнинг ўзига хос нутқи ва услубини, унинг асосида турувчи терминологияни она тилининг ўз имкониятлари доирасида ривожлантириш зарур эди. Бу соҳаларда русча-байналминал терминлар, русча сўзлар, русча фикрлаш асосида тузилган нутқий қолиплар амал қиларди. Ҳозирги кунда кўпгина русча ва русча-байналминал терминларнинг ўзбекча, анъанавий ва янги муқобиллари топилгани ва нутқий амалиётга киритилгани давлат тили қонуни берган имкониятлардан биридир. Бу имкониятларнинг амалий натижаси сифатида ўзбек адабий тили лексикаси ва терминологияси меъёрларининг илмий асослари (6), илмий-амалий қўлланмалари яратилди (7).

“Давлат тили ҳақида”ги Қонун ўзбек тилига янги ижтимоий шароит яратиш, бу тилнинг ҳуқуқий, лисоний жиҳатдан ҳимоя қилиш, унинг лисоний хусусиятларини кенг қўламда тадқиқ қилиш, уни янада бойитиш, ривожлантиришга йўл очишдан иборат эди. Мана шу имкониятдан унумли фойдаланиб, ўзбек адабий тилини ҳар томонлама ривожлантириш масъулияти, аввало,

республикамиздаги барча тилшунослар, инёлилар, тилларваринсонлар зиммасига тушди ва ўтган давр ичида муайян ишлар амалга оширилди. Биринчи навбатда тилнинг луғат таркибини янада бойитишга эътибор берилди.

Маълумки, шўролар даврида рус тили ўзбек тили лексикасини бойитувчи асосий манба ҳисобланарди, шу тил русча-байналминнал сўзлар кириб келди. Тарихан араб ва форс-тожик тилидан кириб келган ҳаттоки баъзи ўзбекча сўзлар ҳам, жумладан, *маъхум - абстракт, мухторият - автономия, фаол - актив, таҳлил - анализ, кутубхона - библиотека, бадал - взнос, кўргазма - выставка, мадҳия - гимн, гурӯҳ - группа, захира - запас, ногирон - инвалид, синф - класс, мумтоз - классик, тўзгарақ - кружок* каби сўзлар ҳисобига истеъмолдан зўрлик билан сиқиб чиқарилди. Мустақиллик даврида бундай сўзларнинг кўли қайтадан тикланди ва ҳозирги кунда фаол қўлланмоқда: *маъруза, маъмурият, мудир, мафкура, маънавият, номзод, тижорат, назорат, мезон, даҳа, дастур, ривоят, режа, тафтиш, муҳаррир, таҳририят, тавсия, ислоҳот, кенгаш, ижтимоий, сугурта, божхона, мавзу, ҳудуд* ва шу қабилар.

Давлат тилини луғавий меъёрлашнинг дастлабки даврларида баъзи сўзларнинг миллий муқобилини белгилашда иккиланишлар ҳам бўлди ва баъзи сўз-терминлар икки вариантда ишлатилди. Масалан, *агрессия - тажовуз, баланс - мувозанат, бартер - айирбошлаш, брокер - воситачи, врач - шифокор, делегат - вакил, инженер - муҳандис, коллегия - ҳайъат, конфликт - низо, метод - усул, наркоман - гиёҳванд, принцип - тамойил, норма - меъёр, процесс - жараён* каби. Тил амалиёти бундай сўзларнинг ўзаро рақобатида миллий муқобиллари ғолиб чиққанини кўрсатмоқда.

Мустақиллик даврида қуйидагилар давлат тилини бойитишнинг асосий манбалари бўлиб хизмат қилмоқда: 1) ўзбек тилининг ўз ички луғавий бойлигидан фойдаланиш: халқ шеваларидан адабий тилга сўзлар олиш ёки янги сўзлар ясаш; 2) ўтмишда истеъмолда бўлган, кейинчалик истеъмолдан чиққан сўзларнинг айримларини қайта тиклаш; 3) чет тиллардан яввал кирган сўзларнинг зарурларини

сақлаб қолиш; 4) чет тиллардан янги, замонавий тушунчаларни ифода этувчи, ўзбек тилида муқобили бўлмаган сўзларни ўзлаштириш. Санаб ўтилган жараёнлар ҳозирги кунда давом этмоқда ва ўзбек тили лексикаси янги лексемалар ҳисобига бойиб бормоқда.

Ўзбек тилига, республикамизнинг давлат тилига қизқиш чет мамлакатларда ҳам ўсиб бормоқда. Германия, Франция, Америка, Япония, Корея каби бир қатор мамлакатларда ўзбек тили ўрганилмоқда, ўқитилмоқда, луғатлар тузилмоқда, қўлланмалар chop этилмоқда. Хорижий мамлакатлардан келган айрим тадқиқотчилар ўзбек тили юзасидан тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар. Буларнинг барчаси Ўзбекистон Республикасининг маъқул дунё миқёсида йилдан-йилга ортиб бораётганини кўрсатувчи ёрқин далиллар.

Ҳозирги кунда мураккаб муаммоларга бағишланган ўзбек тилида ёзилган илмий тадқиқотлар, юксак бадиий асарларни кўриб, қалбимиз ғурурга тўлади. Ўзбек тили ҳар қандай тушунчаларни ифодалашга қодир жаҳондаги энг бой тиллардан бири эканига амин бўламиз. Тилнинг ўзига хос қонуниятларини билиш, унинг коммуникатив имкониятларидан унумли фойдаланишда ушбу тил юзасидан олиб борилган илмий тадқиқотлар катта аҳамиятга эгадир. Бугунги кунда ўзбек тилининг тарихий-лисоний, маданий-маънавий хусусиятлари кенг қўламда тадқиқ қилинмоқда. Бу соҳаларда олиб борилаётган тадқиқотлар авалгидек рус тили қолипи асосида эмас, ўзбек тилининг ўз ички қонуниятларидан, ўз материалларидан келиб чиқиб ўрганилмоқда.

Мустақиллик даврида барча фан-техника соҳалари тилининг терминологик луғатлари янги талаблар асосида тузилди ва нашр этилди. Таълимнинг турли босқичлари учун “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талаблари асосида тилшунослик соҳасидаги ютуқлар акс этган “Ўзбек тили” дарсликлари яратилди. Ўзбек тилшунослигининг нутқ маданияти, услубшунослик, структурал тилшунослик, лингвофольклористика, лингвопоэтика, ономастика, этнонимика каби соҳалари жадал ривожланмоқда. Тилнинг

имконият ва бойликларини, лисоний воситаларини хилма-хил матиларда мустахкамлаш тил ривожига ва меъёрларининг турғунлашуви учун гоёта муҳимдир. Мана шу маънода турли фан соҳаларининг энциклопедик луғатлари тузилгани, яъни “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”нинг нашр этилгани, беш жилддан иборат “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” чоп этилгани, бир қатор ономастик луғатлар яратилгани сезиларли ютуқлардир.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, эндиликда ўзбек тили фалсафий, мантикий, ахлокий, эстетик, этнографик, этномаданият, психологик нуқтаи назардан ҳам тадқиқ қилинмоқда. Ўзбек назарий тилшунослигига ва ўзбек тилини ўқитиш бўйича илмий-методик тадқиқотларда нуткий мулоқот, нутқ одоби, нутқ маданияти, нутқ услуби масалаларига жиддий эътибор берилмоқда. Тарихчи, этнограф, файласуфлар ўз изланишларида тилга тарихий-маданий мерос сифатида ёндашиб, ундан ўзларига керак материалларни ахтаришмоқда.

Тил ўтмиш авлодларни ҳозирги авлод билан боғлайдиган, уларни бир тил - этник бирлик атрофида уюштирадиган восита ҳамдир. Президентимиз Ислам Абдуганиевич Каримов айтган қуйидаги фикрлар гоёта ибратлидир: “Она тилининг буюк аҳамияти шундаки, у маънавият белгиси сифатида кишиларни яқин қилиб жипслаштиради”(8). Мана шу қаби яқин бўлиб жипслашадиганлар орасида ўзбек зиёлилари, жумладан, ўзбек тилшунослари ҳам бор. Улар мустақиллик берган улкан имкониятларга шукроналар айтиб она тилимиз - ўзбек тилининг янада тараккий этиши, бойиши учун қўлларидан келган барча ишларни қилмоқдалар ҳамда “Давлат тили ҳақида”ги Қонун талабларининг тўла амалга ошишига масъулдирлар.

АДАБИЁТЛАР:

1. И. Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. –Б.- 92.

2. Ўзбекистон ССРининг давлат тили ҳақида. –Т.: Ўзбекистон, 1989.

3. Ўзбекистон ССРининг давлат тили ҳақида. –Т.: Ўзбекистон, 1989. –Б. 3.

4. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни (янги таҳрирда). – Т.: Ўзбекистон, 1989.

5. Ўша Қонун, 2-модда.

6. Бегматов Ҳ., Маматов А. Адабий норма назарияси. 1-, 2-, 3- қисмлар. –Т.: Фан, 1997-1999.

7. Ҳожиев А. Термин танлаш мезонлари. – Т.: Фан, 2002.

8. И. Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат ва мафкура. – Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б. 80.

О. МЎМИНОВА,
ЎЗДЖТУ

МАНСАБ ВА УНВОН НОМЛАРИНИНГ ЛЕКСИК СЕМАНТИК ЯСАЛИШ УСУЛЛАРИ

Ҳар бир давр лексемаси шу даврни тўлиқ акс эттирадиган лексемаларга эга. Жамият тараққиёти билан ишлаб чиқариш соҳалари ўзгаради, ўсади, ўз доирасини кенгайтиради. Шу муносабат билан тилнинг лексик таркибида ҳам ўзгаришлар юз беради. Яъни илгаридан қўлланилиб келаётган лексемаларнинг бир қатори истеъмолдан чиқса, бир қисми янги маънода хизмат қила бошлайди. Архаизмга айланган сўз ва атамалар янгидан ҳосил бўлиб, янги маъноларни ифодалайди.

Сўз маъноларининг ўзгариши жамият тараққиёти билан шу тараққиётга мувофиқ юз берган ўзгаришларга мутаносибликдир. Сўз маъноларининг ўзгариши деганда, биз узоқ йиллар давомида пайқаладиган тарихий жараённи кўзда тутамиз. Сўз маъноларининг ўзгариши, яъни уларнинг кенг ёки тор доирада қўлланилиши бошқа тиллардан ўзлаштирилган лексемаларда ҳам юз беради. Масалан: доктор лексемаси, аввало тиббий билим олган шахсга нисбатан ишлатилади. Шунингдек, бу лексема илмий даражанинг муайян босқичини билдиради. Доктор лексемасининг кўчма, яъни илмий даража маъносининг реаллашиши учун қаралмиш ва сифатловчиларини талаб қилади. Чунончи, шифокор маъносида “Докторлар буйрак

касани билан боғлиқ дермини"; олий илмий даража маъносида "Тарих фанлари доктори Аширф Аҳмедов". Ўтмишда халқимиз саломатлигини табиблар даволаб келганлигини яхши биламиз. Шу билан бирга, ўтган асрда рус ҳамда Европа илмий билимини олган шахслар, яъни докторлар ҳам пайдо бўла бошлади. Аслида лотин тилидан ўзлаштирилган доктор лексемаси ўзбек тилида ҳам кенг қўллана бошлади. Шу билан, жонли нутқда доктор сўзи маъносини кенгайтириб "даволовчи шифокор" маъносида ишлатила бошланди. Масалан: *Банисамизага яхши дўхтир кепти* (Тошкент шеваси). Бундан ташқари, жонли нутқда доктор лексемаси яна бошқача маъноси билан қўллаб келинмоқда. Масалан: *У яқинда ўқини тугатиб келиб, фермада доктор бўлиб ишлаётган ёшлардан* (Тош.ҳақ. газ. 1998,10-сон). Бу гапда қатнашган доктор лексемаси "ветеринария врач, яъни ҳайвонларни даволовчи шахс" маъносини англатади.

Демак, сўз маъноларининг ўзгариши сўзларнинг кенг ёки тор доирада қўлланилишига боғлиқ. Сўз маъноларининг торайиши тушунчанинг умумийликдан оддийликка қараб интилишидан, маъно тизимидан айрим маъноларнинг чиқиб кетиши, унутилишидан пайдо бўлади. Чунончи, баковул лексемаси подшоҳ саройида ҳукмдорларга аталган овқатни тоғиб кўрувчи ва овқат тайёрлаш ишига масъул мансабдор маъносини ифодалайди. Бундан ташқари, баковуллар тўй-томоша ва меҳмондорчилик ишларини ҳам бажарган. Бобурнинг "Бобурнома" асаридан келтирилган мисол буни тасдиқлайди: *Ташқаридин Хожя Пир баковул ва улуг оғалар ва неким бўлгон созанда ва хонанда келиб, Султон Маҳмуд Мирзонинг Хонзодабегимдин бўлгон улуг қизини Ҳайдар Мирзога...(35-б.).*

Майбаларда қайд этилишича, XII-XIV асрларда баковуллар харбий тоғширикларни ҳам бажарган. "Баковулнинг зиммасига қўшинларни тақсимлаш, отрядлар юбориш, улуг девондан қўшинга тегишли озиқ-овқат ва бошқа нарсаларни тақсимлаш, мўгулларнинг таомилига мувофиқ ўлжани тўғри тақсимлаш, қўшинда бировни биров хайфа қилиши ва адолатсизлик қилинишига йўл қўймаслик

катифалари юклатилган". Тарихий асарларда, жумладан, Шарафиддин Али Яздийнинг "Бафарнома"сида ҳам баковул лексемаси шу маънода ишлатилган: *Амир Хусейн уларнинг ортидан баковул жўнатди ... тамоми моллари ва отларини ўлжа олдилар* (150-б.).

Баковул сўзи ҳозирги кунда ҳам ишлатилади, лекин маъноси торайган. Хусусан, у Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари шеваларида фаол қўлланади. Баковул лексемаси тўйларда кураш, улоқ, пойга мусобақаларини бошқарувчи ва таом тайёрлаш устидан назорат қилувчи кишилар маъносини англатади. Айни шу маъно Ўзбек Миллий Энциклопедиясида қайд этилган. Баковул лексемаси бадий адабиётда маълум жойлар колоритини намоён этиш мақсадида ҳам қўлланади. Масалан: *Баковул олдида турлитуман рўмол, гилам, калиш, чопонлар бўлди. Баковул кетида тўй хизматкорлари гунажин, қўй, эчки ушлаб турди. Булар совринлар бўлди* (Т.Мурод. *От кишнаган окшом*. 11-б.). Демак, ҳозирги кунда баковул лексемасининг сарой бош ошпази мансаби ҳамда ҳарбий мансаби маънолари торайиб, шеваларда — тўй маҳалида кураш, улоқ, пойга каби мусобақаларни бошқарувчи ҳамда таом тайёрлашда бошқош бўлиб турувчи шахс маъноси сақланган.

Судья лексемасида ҳам шу ҳолатни кузатишимиз мумкин. Судья сўзи *"Суд органларида судга тушган ишларни қўрувчи ва шу ишлар бўйича ҳукм чиқарувчи лавозимли шахс"* деган маънони англатади. Шунингдек, спорт соҳасида ҳам футбол, бокс, кураш майдонларида ўйиннинг қонун-қондага биноан олиб борилишини назорат қилувчи шахс ҳам судья деб юритилади. Судья сўзининг бу маъноси мазкур лексеманинг маъно кўчиши орқали ҳосил бўлган, яъни суд жараёнида ҳам, ўйин жараёнида ҳам ҳукм чиқарувчи, ҳакамлик қилувчи шахс судья ҳисобланади. Ҳозирда судья сўзининг лексик маъноси миқдори камайди, чунки ўйин жараёнида ҳукм чиқарувчи шахс ҳакам деб юритилмоқда.

Мансаб ва унвон номларининг хилма-хил лексик-семантик хусусиятлари мавжуд. Мансаб ва унвон номларининг айримлари кўп маънолилиқ хусусиятига эга. Бунга оддий сўзларнинг ўз маъноларини кенгайтириб, кўчма

маънода қўлланилиши сабаб бўлади. Сўз маъноларининг кенгайиб янги номларни ҳосил қилишида метафора усулининг аҳамияти катта. Масалан: *элчи* лексемаси ўзбек тилида қадимдан: 1. Бир суверен давлатнинг бошқа бир суверен давлатдан дипломатик вакилларининг энг катта мартабаси, унвони ва шу унвонга эга бўлган киши; 2. Шох томонидан бирор топшириқ билан юборилган киши; 3. Урушаётган томонларнинг ўзаро музокара олиб бориши учун юборган вакили маъноларида қўллаб келинган. Шу билан бирга, ЎТИЛда *элчи* лексемасининг “дарак берувчи нарсa, белги” маъносида қўлланиши ҳам қайд этилган: *Спорт - тинчлик элчиси*. Шунингдек, *элчи* лексемаси мусулмон дунёсининг пайгамбари Мухаммад алайҳиссаломга нисбатан ҳам ишлатилган бўлиб, бу ўринда “Оллоҳ элчиси” бирикмаси пайгамбар лексемасига хос маънони билдирган.

1990 йилнинг 24 мартдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг ҳукумат бошлиғи *президент* лексемаси билан юритила бошланди. *Президент* лотинча сўз бўлиб, “*олдинда ўтирувчи*” маъносини билдиради. *Президент* сўзи давлатнинг халқ иродаси билан сайланадиган ваколатли бошлиғи маъносида қўлланади. *Президент* сўзи жаҳонда мавжуд қатор давлатларда ҳам кенг истеъмолда қўллангани учун маълум бир давлатнинг, маълум бир ҳукуматнинг бошлиғи маъносини аниқлаштириш мақсадида одатда ўша республиканинг номи ва статуси келтирилади: *Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг тактифига биноан Туркменистон Президенти Гурбангули Берdimухаммедов 24-25 февраль кунлари расмий ташириф билан мамлакатимизда бўлади* (Тош. ҳақ. газ., 2009.21.02). *Президент* лексемаси фақатгина давлат бошлиғи маъносида ишлатилмайди. Мазкур лексема муайян муассаса, жамиятнинг сайланган раҳбари, раиси маъносини ҳам билдириши мумкин. Бу маъно *президент* сўзининг бирламчи маъносини, яъни давлат бошлиғининг кўчма маъно ҳосил қилиши натижасида юзага келган. Демак, президент лексемасининг ўхшашликка кўра, яъни метафора усули орқали юзага келган маъноси ҳам ҳозирда фаол қўлланади. Бирок ушбу лексеманинг иккиламчи, яъни кўчма

маъносиини реалистинини муайян жамият ёки муассаса номинини келтирилишини талаб қилади: *Телефон қилаётган киши Тошкентдан, Фанлар академиясининг президенти экан* (А.Мухтор, Давр мен, тақдиримда, 638-б.).

Н. ЖИЯНОВА,

ЎЎДЖТУ

МУМТОЗ АДАБИЙ АСАРЛАР ТИЛИДА СОНЛАРНИНГ ОМОНИМЛИК ХУСУСИЯТИ

Сўзларнинг омонимлик хусусияти ўзига хос бўлиб, уларни шеъриятда ва бадиий асарлар тилида кўплаб учратиш мумкин. Айниқса, мумтоз асарлар тилида омоним сўзлардан фойдаланган ҳолда туюқлар яратиш давомий анъанага айланган. Бунда ёзувчи ёки шоир омоним сўзлардан фойдаланиб ўз асарларида сўз ўйинларини, ўйлаб топ шаклидаги қочиримли ҳолатларни ёки китобхонни бир муддат ўйлантириб, мушоҳада қилишга чорловчи фалсафий қарашларини ифодаб беради.

Барча сўз туркумларида бўлгани каби сон сўз туркумида ҳам омонимлик хусусият мавжуд. Масалан, етти – сон, етти – манзилга етиб олмоқ. Ҳаракат маъносида қўлланган «етти» сўзи морфологик ёзув асосида сўзлашув жараёнида юз беради, ёки юз – сон, юз – инсон аъзоси, бир – сон, бир киши деганда бир сўзи услубий вазифага эга бўлади, уч – сон, уч- ҳаракат, феъл маъносида. Сонларнинг омонимлик хусусияти ўзига хос услубий вазифа саналади. Айниқса, мумтоз шеъриятда сонлардан фойдаланиб омонимликни юзага келтириш ҳолатларини кузатиш мумкин. Фикримиз исботи сифатида Сўфи Оллаёрниинг “Саботул-ожизин” асарида мисоллар келтирамыз:

Кўяр кечликка доим нифси бад юз,

Қачон ўт туз ёнар ёлборсанг ўттуз (73-бет).

Бу байтда “ўт туз” ва “ўттуз” сўзлари омонимликни ташкил этган. Иккинчи мисрада қўлланган “ўт туз” бирикмаси инсон аъзосининг ёмон ҳолатга тушиши маъносида қўлланган бўлса, “ўттуз” сўзи 30 рақами, яъни сон маъносида қўлланган. Ёки:

*Эрур нафсинг диноги турфа еллик,
Қачон эллик қилур ёлборсанг эллик (73-бет).*

Тарихий манбалардан маълумки, эллик сони еллик, эллик, иллик, эллик шаклларда мумтоз адабий асарлар тилида қўлланилган. Масалан, Бобур бир ўринда шундай ёзади:

*Ҳар тутам нўрт эллик, яни ҳар эллик
Олти жав арзи бўлди бил бу билик (БН, 323,423)*

П.Хамдамов эллик нумератив сўзи энг кичик узунлик ўлчовларидан бири эканлигини таъкидлайди, бундан ташқари В.А.Гордлевский ҳам бу сўз турк тилида икки маънода: 1. бармоқ кенглигидаги узунлик ўлчовини, 2. 50 сонини ифодалашини қайд этган. Ҳатто “50” сони эллик шаклда қўлланилганлигини Ғ.Абдурахмонов, А.Рустамовлар ҳам таъкидлаб ўтадилар.

Маълумки, омоним сўзлар ўзбек поэзияси тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Шоирлар омонимлардан фойдаланиб туюқлар яратганлар. Сўфи Оллаёр эса сонлардан фойдаланиб сўз ўйинлари, ўйлаб топ шаклидаги мазмунни ифодалаб берган:

*Агар нафсинг сани етмиш бошингдин,
На бўлмай фойда етмиш ёшингдин (74-бет).*

Бу мисраларда шоир “етмиш” сўзини сўз ўйини сифатида қўллаган. Биринчи мисрада “етмиш” сўзи феъл бўлиб, иккинчи мисрада эса сон, яъни 70 ёш маъносида қўлланган. Яъни сенинг нафсинг бир кун бошингга етади. Бу нафси балолик 70 ёшингда сенга нима фойда беради деган фикр илгари сурилмоқда. Шоир бир ўринда шундай ёзади:

*Агар нафсинг муродин изламаксан,
Агар саксанга умринг етса сак сан (74-бет).*

Бу байтда шоир “саксан” ва “сак сан” шаклидаги сўзлардан фойдаланган ҳолда сўз ўйинини ташкил этган. “Ўзбек тилининг изохли луғати”да “сак” сўзи форс-тожик тилидан ўзлашган сўз бўлиб “ит” маъносини ифодалашини қайд этилган. Демак, мисрадаги “саксан” - 80 - сон маъносида, “сак сан” сўзи эса “итсан” маъносида қўлланган. Бу байтда Сўфи Оллаёр киноя сифатида инсон ҳолатини итга ўхшатган. Ёки:

Азал кундин агарчи хавфи йўқсан,

Агар тўқсанга етсанг кўнгли тўқсан (74-бет).

Бу байтларда “тўқсан” сон ва “тўқсан” феъли сўз ўйини сифатида қўлланган. “Тўқсан” – 90 ёш маъносида, “тўқсан” – феъл бўлиб “хотиржам бўлишлик” маъносида қўлланган. Шоир бир ўринда шундай ёзади:

Азатдин қилса қимнинг кўнглигини реиш,

Дегай ўн беш ёшин кўб, балки ўн беш (74-бет).

Бу мисраларда “ўн беш” сўзи сўз ўйини сифатида икки маънода қўлланган. Биринчисида “30” сон маъносида, иккинчисида эса “ларта” маъносини ифодалаган. Маълумки, сўзлашув жараёнида *бурун, бурунги, бултур* сўзлари қўлланади. Бу сўзлар вақтга нисбатан қўлланиб *йил* сўзи ўрнида ишлатилади. Шоир ҳам бурун сўзини қўллаган ҳолда омонимликни ташкил этган:

Бурунга боди кибр эсмай бурундин,

Бурундук сол анга кўпмай бурундин (73-бет).

Мазкур байтда қўлланган урун сўзи икки маънода, яъни биринчи *бурун* сўзи инсон аъзоси маъносида, иккинчи маратаба қўлланган *бурун* сўзи “*олдиндан, аввалдан*” сўзлари маъносида қўлланган.

Хулоса сифатида шунини айтиш мумкинки, мумтоз адабий асарлар тилида сонларнинг омонимлик хусусиятини кўплаб учратиш мумкин. Бундай омонимликни ташкил этувчи сонлар кишини ўйлантиришга, мушоҳада қилишга ундайди. Сонларнинг ўзига хос омонимик ҳолатини таҳлил этиш, маъно қирраларини очиб бериш бугунги куннинг долзарб муаммоси сифатида қарасак, шунда мумтоз асарлар тилида қўлланган сонларнинг ўзига хос вазифаларини ўрганишга ёрдам берган бўлар эдик.

О. ЖУМАЕВ,

ЎЗРФА ТИ

РЕКЛАМА ЭЪЛОНЛАРИ МАТНИНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўзбек тилига давлат мақомининг берилиши, Ўзбекистон мустақиллигининг эълон қилиниши ва халқаро миқёсда суверен давлат сифатида тан олиниши, ижтимоий –

исёсий, иқтисодий, маданий – маънавий жихатдан обрў – эътибори кундан-кунга ошиб, жаҳон миқёсига чиқиб бораётганиги каби оламшумул тарихий омиллар эндиликда кўча тили матнларининг (пешлавҳа, шиор, афиша, эълон, реклама ва ҳоказо) қай ҳолда бўлиши кераклигига ҳар бир инсоннинг диққат-эътиборини қаратмоқда. Чунки инсоний талабларга тўғри жавоб бера оладиган кўча тили матнларининг мавжуд бўлиши, вужудга келиши ҳам ички, ҳам ташқи турмуш тарзимиининг яхшиланишига, иқтисодий ҳамда моддий, маънавий жихатдан юксалишига ёрдам бериши зарур. Кўча тили турларидан бири реклама ҳисобланади.

“Реклама” – бевосита ёки билвосита фойда (даромад) олиш мақсадида юридик ёки жисмоний шахслар, маҳсулот, шу жумладан товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва технологиялар тўғрисида ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай воситалар ёрдамида қонун ҳужжатларига мувофиқ тарқатиладиган махсус ахборот.

Реклама иқтисодий доира чегарасидан чиқиб, инсоний маданият ҳодисасига айланмоқда. Авваллари санъатга тегишли бўлган вазифаларни ҳозирги вақтда реклама бажармоқда. Реклама эълонининг асосий вазифалари деб биринчи навбатда қуйида-гиларни кўрсатиш мумкин:

1. Ахборот бериш вазифаси [маслаҳат берувчи (референтив) /тўғри маънода қўлланувчи (денотатив)], реклама объекти ҳақида зарур маълумотларни ифодалашдан иборат бўлади.

2. Таъсир кўрсатиш вазифаси. Уни эмотив (маълум бир эмоционал таъсир уйғотувчи, асословчи), эстетик (реклама хабарлари санъат асарига ўхшаб таъсир кўрсатади, бу ерда мурожаат шаклининг ўзи алоҳида ўрин тутди) ва иншонтирувчи вазифалар ўзаро бирлаштиради.

Реклама эълонининг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади: реклама воситасига диққатни жалб этиш; идрок этиш учун сотиб олишга имкониятлари юқори бўлган истеъмолчига ижобий таъсир этадиган шароит яратиш; реклама ҳодисасига қизиқишни уйғотиш, маҳсулотларнинг ва хизмат кўрсатишнинг афзаллик жихатларини намойиш

нинг; уларнинг номини, марказини, мақсадини, ширини оммашантириш; уларни онда тавдалантириш ва шу орқали реклама матнининг оний лаҳзаларини узайтириш ҳамда керакли вазиятларда ўқувчининг фаол ҳаракатга ундаш. Ҳар бир реклама ўзлони ахборотни қабул қилишнинг умумийсоний ҳусусиятларига мувофиқ тузилади. Истеъмолчи бир кунда 1500 га яқин ҳар хил тиждорат хабарларини кўриш имкониятига эга бўлади. Уларнинг кўпчилигини ўқишга ўқувчи бир сонияга яқин вақт кеткилади.

Реклама ўзлонида муружаат қисқа матнда ифодаланади, тасвир одам-ларнинг диққатини жалб қилиш учун тақдим этилади. Реклама ўзлони муру-жаатни етказиш ҳусусиятига эга бўлиб, аҳолининг барча ижтимоий қатлам-ларига мўлжалланади. У тез-тез, бир неча марта, эсда қоладиган тарзда бериб борилади. Масалан,

Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти

MDIS Tashkent 2009-2010 ўқув йили учун абитуриентларни кўп босқичли ИНГЛИЗ ТИЛИ ва IELTS тизими бўйича академик инглиз тили ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА таклиф қилади.

(иккита ўқувчи ўғил бола ва иккита ўқувчи қиз боланинг стол атрофида жилмайган ҳолда китоб ва дафтарларини очган ҳолатидаги фотосуратлари)

100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шох кўчаси, 28-уй

Тел.: 276-90-94, 271-77-00

Омадли келажакка биз билан эришинг!

Хизматлар лицензияланган.

Реклама ўзлони матнининг лингвостилистик жиҳатлари босма реклама-нинг таъсир кўрсатиши ва истеъмолчи томонидан идрок этилишининг ўзига хос ҳусусиятлари билан ҳамбарчас боғлиқ. Реклама ўзлони матни тил воситаларидан максимал даражада фойдаланишни талаб этади. Реклама ўзлони матнининг прагматик аспекти унинг ўзига хос тузилиш шаклида намоён бўлади (грамматик ва лексик бирликларни таплаш,

стилистик усуллар, ўзини хос синтаксис, босма материални тайёрлаш, ҳар хил белгилар системаси унсурларидан фойдаланиш). Реклама эълони матнларини яратиш асосида иккита анъанага суянилади: қисқалик, аниқ фойдаланишлик ва маънодорлик, ахборот ҳажми. Реклама эълони матнини фойдалаш усули маълум маънода телеграф усулига ўхшаб кетади.

Ҳар қандай реклама эълонида менталитетдан (махаллий колоритдан) келиб чиқиш керак. Ўзбеклар урф-одатига кўра ҳамда нутқ маданнати нуктаи назаридан сенсираш мурожаат бирликлари фақатгина салбий маънода қўлланади. Бу бирликларда калондимоғлик, менсимаслик, ўзини устун қўйиш оттенкалари мавжуд. Шунга кўра реклама эълонидаги ушбу тил бирликлари реклама учун фақатгина салбий муносабатни уйғотади. Масалан:

ЁЗГИ СУПЕРАКЦИЯ!

3:0 *Сенинг фойдангга!*

АТИГИ 5 • 8 га

1. ЯНГИ УЯЛИ ТЕЛЕФОН

2. ЎЗ ҲИСОБИНГГА ДАСТЛАБКИ ТЎЛОВ

3. 50 ДАҚИҚА БЕПУЛ СЎЗЛАШУВ

Perfectum Mobile

Хизматлар лицензияланган.

“Ўз ҳисобингга дастлабки тўлов” ва “Сенинг фойдангга” бирикмаларининг ажратиб, таъкидлаб кўрсатилиши ўзбек тили нутқ этикасига зиддир. Мазкур рекламада унинг ёрдамчи воситалари бўлмиш ёзувлар ва айниқса берилган шахс суратида на миллий хусусиятлар, на миллий кийиниш сезилмайди. Аксинча, алвасти кўринишидаги шахс реклама кузатувчисининг гашига тегади. Натижада рекламага бўлган кизиқиш сўнади. Ушбу реклама эълони матнида битилган “Ёзги суперакция” ва “Янги уяли телефон” тил бирикмаларигина маълум бир информацияни етказишга ёрдам беради. Хулоса қилиш мумкинки, мазкур реклама матни реклама талабларига тўлиқ жавоб бера олмайди.

Реклама эълони матнида маҳсулот ёрлиғи, этикеткаси берилган бўлса, реклама қилинаётган маҳсулот ҳақида

тегишли ахборот унатилиши мумкин. Реклама тълони матнидаги кўшимча берилган тил воситалари маҳсулотнинг бошқа реклама қилинаётган маҳсулотлардан фарқ қилувчи хусусиятларини кўрсата билиши керак. Акс ҳолда тил бирликлари ортқча бўлиб қолади. Масалан,

Mac Coffee

Endi sevimli ta'm

YANGI o'rnamda!

www.maccoffee.ru

Mahsulot sertifikatlangan.

MacCoffee кадоқланган идиши ва унинг фотосурати рекламада ёрқин рангларда берилганлиги реклама билан танишувчида тасаввур уйғотади. Реклама матнида кўшимча қўлланилаётган “*Янги таъм янги ўранда*” ёзуви маҳсулотнинг ўзига хос хусусиятини бўрттириб кўрсатишга хизмат қилади. Айнан шу маҳсулотнинг бошқа бир рекламасида *MacCoffee* нинг кадоқланган ёрлигида *MacCoffee* ёзуви ва чинни идишдаги ёқимли рангдаги фотосурати акс этган бўлиб, ёнида “*Endi sevimli ta'm*” ёзуви берилган. Мазкур ёзув мавҳум бўлиб, тўё илгари бу таъм бўлмаганлигидан далолат беради. Бу эса реклама билан танишувчида *MacCoffee* га бўлган ижобий хусусиятни йўкотади.

Демак, мазкур реклама матнида қўлланган тил бирликлари маҳсулотнинг хусусиятини, сифатини ажратиб кўрсатишга хизмат қилмаган. Коммуникатив функцияси нолга тенг бўлган. Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, маълум бир маҳсулотнинг ёрликларидаги ёзув, яъни тил бирликларини яна такрор ҳолатда бериш реклама матнидаги оргикчаликни келтириб чиқаради. Реклама матнига қўйиладиган талаблардан бири ҳар бир лингвистик белги, расм ёки символлар информация ташиши учун хизмат қилиши керак. “*Sevimli ta'm*” эмас, “*ёқимли таъм*” бўлади.

Сўзларнинг ўзаро валеитлигини ҳисобга олмаслик реклама матнидаги ғализ бирикмаларнинг вужудга келишига сабаб бўлади. Масалан, *sevimli ta'm* ибораси рус тилидаги любимый вкус иборасининг сўзма-сўз таржимаси.

Ўзбек тилида *сезилми сўзи тасъи* сўзи билан валентликка эга эмас. *Ёқимли сўзи мазали, хуштаъи* сўзлари билан валентликка эга бўлиши мумкин. Демак, бир тилдан иккинчи тилга реклама матнини сўзма-сўз таржима қилиш ҳар доим ҳам ўзини оқламайди. Реклама матнида сўзларнинг жойлашиш тартиби ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади. Масалан,

\$ 0,01 (бир дақиқа учун)

тунги қўнғироқлар

RED Night тарифи

Жарангдор тун !

МТС алоқа оператори

Хизматлар лицензияланган.

Ушбу матида информация мавҳум бўлиб, аслида *тунги қўнғироқлар бир дақиқа учун \$ 0,01* бўлиши керак. Кўриниб турибдики, бу ерда ҳеч бир сўз, қўшимча ўзгартирилгани йўқ, фақат одатдаги тартибнинг бузилиши ахборотнинг нотўғри тушунилишига олиб келган.

Газета рекламаларининг кўча реклама эълонларидан асосий фарқи газета матнларининг ҳажман кўплаб гап ва сўз бирикмаларидан иборат эканлиги, яъни газетада реклама қилинаётган маҳсулот ёки хизмат ҳақида батафсил маълумотлар берилади. Кўча реклама эълонлари матнида эса йўловчи санокли дақиқалар ичида ўқиб улгуришини назарда тутган ҳолда кўпи билан 4-5 та сўздан иборат матн берилади. Кўча реклама эълонлари матнида сўз бирикмалари, гаплар билан танишиш маълум вақтни талаб қиладиган бўлса, бундай рекламалардаги бош сўзларгагина эътибор берилиб, матидаги қолган тил бирликлари назардан четда қолади.

Кўча реклама матнларининг газета рекламаларидан фарқланиб турувчи асосий хусусиятлари лисоний бирликларнинг ишлатилиш миқдорига кўра кам ишлатилишидир. Кўча матнида ёрлиқлар, ранглар, маҳсулотлар, фотосуратлар, ранглар уйғунлиги асосида уларнинг кенг қўлланиши эвазига тил бирликлари тежамли қўлланади. Кўча рекламалари матнида тил бирликларидан кўра кўрув орқали амалга ошириладиган воситалар тегишли

информацияни етказиб, Кўча рекламалари матни ҳам кўриниш, ҳам фикр юритишга асосланган бўлади.

Я. АВЛАҚУЛОВ,
ЎЗДЖТУ

ЭРГОНИМЛАР КЎЛАМИ ХУСУСИДА

Эргонимлар ифода қилувчи ономастик объектнинг маълум даражада ўзаро яқинлиги ойкодомонимларни эслатади. Аммо ойкодомонимлар моддий объектнинг номини англатса (бинонинг номи), эргонимлар (юн. ergo – «меҳнат», «фаолият») ўша объектда меҳнат қилувчи кишилар уюшмасини, жамоаси, гуруҳини англатади. Эргонимга мисол тариқасида адабиётларда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Халқаро астрономия иттифоқи, Фанлар академияси, «Спартак» жамияти номлари келтирилади. Демак, кўп ҳолда кишилар уюшмасининг номи билан ташкилот, муассаса номи битта атоқли от орқали ифодаланади. Масалан, Ўзбекистон Фанлар академияси дейилганда, аввало, илмий даргоҳ англашилса, иккинчидан, ўша даргоҳда биргаликда фаолият юритувчи илмий жамоа тушунилади.

Эргонимларни тадқиқ қилганда, унинг доирасига кирувчи икки ҳодисани фарқлаш лозим: а) ҳам ташкилот (муассаса, корхона, фирма, корпорация ва б.) ҳам кишилар уюшмасини англатувчи эргонимлар; б) фақат кишилар уюшмасининг номи бўлган эргонимлар. Қайд қилинганларнинг иккинчиси тўлақонли эргонимлардир.

Ҳозирги ўзбек тилида эргонимларнинг қуйидаги типлари учрайди:

1. Ишлаб чиқариш жамоалари (ташкилотлари) атоқли оти: «Бойсун» наслчилик заводи, «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзбеккишлоқмаш» заводи, «Тошқишлоқмаш» заводи, Муборак газин қайта ишлаш заводи, Олмалиқ кимё заводи, Тошкент кимё фармацевтика заводи, Қизилқум фосфорит комбинати, Фарғона «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси. 2. Илмий-ижодий жамоалар

(ташкилотлар) атоқли оғи: Биоорганик кимё институти, Шредер номидаги Болдорчилик, ушумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институти, Гематология ва қон қуйиш илмий тадқиқот институти, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биология институти, Дерматология ва венерология илмий тадқиқот институти, Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти, "Физика-Қуёш" илмий иншалаб чиқариш бирлашмаси.

3. Сийсий-иқтисодий, ҳарбий жамоа (ташкилотлар) номи: Ўзбекистон халқ демократик партияси, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, Ўзбекистон "Фидокорлар" халқ демократик партияси, Миллий тикланиш демократик партияси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси; Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари. Қуруқликдаги қўшинлар, Ҳарбий ҳаво кучлари, Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари, Махсус вазифадаги қўшинлар, Мухандислик-қурилиш қўшинлари, Миллий гвардия.

4. Молия, савдо-сотиқ, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари (ташкилотлар) номи: а) озиқ-овқат дўкони, гастроним, супермаркет, минимаркет ва б. номи: "Шоҳида элит", "Иноят", "Бешёғоч", "Бону", "Залина", "Мададкор", "Дилқушо" ва б. б) ресторан, ошхона, кафе, чойхоналар номи: "Шаҳризода", "Олтин водий", "Юнусобод", "Дийдор", "Бобо", "Феруза", "Нур", "Кишмиш", "Сайёр", "Турон", "Кўҳниур", "Афрўз", "Кўрғон", "Шаҳристон", "Самара". в) меҳмонхона, ателье, салон, химчистка ва бошқа шу типдаги объектлар номи: «Афросиёб» меҳмонхонаси, «Зарафшон» меҳмонхонаси, «Самарқанд» меҳмонхонаси, «Богнишамол» меҳмонхонаси ва б. г) дам олиш масканлари, томошагоҳ, оромгоҳлар номи: «Оқтош», «Зомин», «Косонсой», «Мироки», «Чимён», «Чортоқ», «Нихол», «Чинобод», «Турон», «Бўстон», «Ботаника», «Умид гулшани», «Она ва бола», «Қашкадарё соҳили», «Марҳамат», «Бойсун»; д) бозорлар, ярмаркалар, савдо марказлари номи: Қўйлик деҳқон бозори, Олой бозори, Юнусобод деҳқон бозори, Миробод деҳқон бозори, Чорсу деҳқон бозори, "Сиёб" деҳқон бозори ва б. е) банклар, фирмалар, компаниялар, хайрия

жамғармалари, акциядорлик жамиятлари номи: «Дўстликдон» акциядорлик жамияти, «Кафолот» сугурта компанияси, «Тошкентвино комбинати» акциядорлик жамияти, «Шарк» напирёт-матбаа акциядорлик компанияси, «Файз» холдинг компанияси, «Нуротамармар» акциядорлик жамияти, Бухоро «Зардўз» акциядорлик жамияти, «Нахтабанк», «Ўзтадбиркорбанк», «Ўзсаноатқурилишбанк», «Савдогарбанк», Республика Марказий банки, «Ўзбекинвест» экспорт-импорт сугурта миллий компанияси, «Ўзбекавтотур» фирмаси, «Ўзбектуризм» миллий компанияси, «Соғлом авлод учун» жамғармаси, «Саломатлик ва меҳр-шафқат жамғармаси, Республика ногиронлар жамғармаси ва б., ё) марказлар номи: Республика байналмилал маданият маркази, Маънавият ва маърифат жамоатчилиқ маркази, «Тўмарис» компьютер марказ, «Нуроний» жамоатчилиқ маркази, «Таълим маркази», Бухоро «Жайрон» экология маркази.

5. Маданият ва санъат объектлари. Бунга театр, кинотеатр, цирк, музей, кўргазма заллари ва б. атоқли отлари қиради: «Ўзбеккино», «Ўзбекнаво», «Ўзбекракс», «Ўзбектеатр», «Бадний академия», «Анор» ансамбли, Ўзбекистон давлат амалий санъати музейи, Ўзбекистон тарихи музейи, Темурийлар тарихи давлат музейи, Ўзбекистон давлат санъат музейи, Ўзбекистон халқлари маданияти ва санъати тарихи музейи, Ўзбекистон табиат музейи, Фарғона вилоят ўлкашунослик музейи, Навоий номидаги давлат адабиёт музейи, «Ичан қалъа» музей-кўриқхонаси, Олимпия шухрати музейи, , Кино санъати музейи, «Ўзэкспомарказ» кўргазмалар зали ва б.

Ушбу тип атоқли отларга кўриқхоналар номини ҳам киритиш мумкин: Китоб давлат геология кўриқхонаси, «Зомин» кўриқхонаси, Чотқол тоғ-ўрмон кўриқхонаси, Пайғамбаророл кўриқхонаси, Қизилқум кўриқхонаси, Бадайтўқай кўриқхонаси, Нурота кўриқхонаси, Зарафшон кўриқхонаси, Хисор кўриқхонаси, Кўхитанг кўриқхонаси, Вардонзе табиат ёдгорлиги, Оқбулок буюртма кўриқхонаси ва б.

6. Кундалик майший истеъмол молларининг атокли оти. Кундалик майший истеъмол моллари номи ёзма матнларда кўнгирпоққа олинган ҳолда, катта ҳарф билан ёзилмоқда. Бу жиҳатдан улар ўсимлик навлари ёзилишини аслагани. Кундалик майший истеъмол моллари номи, масалан, "Ўзбекистон" виноси ёки "Мускат" виноси ушбу арок ёки винонинг бир донаси номини эмас, балки ичимликнинг маълум нави, ўша навга кирувчи кўп миқдор (сонли) ичимликларни аслагани. Демак, улар маълум навга кирувчи нарсани умумлаштириб атайди. Мана шу жиҳатдан улар том маънодан атокли от бўла олмайди. Аммо улар кўп сонли навлардан бирини номлаши нави навдан фарқлашга ёрдам бериши жиҳатидан атокли от талабларига яқиндир. Қисқаси, бу номларни атокли отлар сирасига киритиш мунозаралидир. Уларни шартли равишдагина ономастик бирлик каторига киритиш мумкин. Масалан: 1) озиқ-овқат маҳсулотларининг фирмавий атокли оти (товар белгилари): «Атлантика сардини», «Балиқ термаси», «Вольна» (паштет), «Майда сельд балиқ», «Сабзавотли балиқ газани» (консервалар). 2) спиртли ва чанқовбости ичимликлар атокли оти: а) винолар номи: «Ўзбекистон», «Қора гўзал», «Сижжак», «Ўлакандоз», «Оқ жилвон», «Қизил жилвон», «Оқ мусаллас», «Қизил мусаллас», «Оқтош», «Юмалок», «Гулбулоқ; б) ароқлар номи: «Зарафшон», «Тошкент», «Шифобахш», «Мастона», «Андижон», «Тошкент оқшоми», «Чимён», «Турон» ва б.; в) коньяклар номи: «Ўзбекистон», «Шодлик», «Анҳор», «Самарқанд», «Афросиёб», «Тигр», «Наполеон», «Хайн» ва б.; г) шампан виноси номлари: «Ўзбекистон шампани», «Дурдона», «Наврўз», «Гулшан», «Қора марварид», «Сўғдиёна». д) бальзамлар номи: «Шохруд», «Сансик». 3) ширинликлар, десертлар ва бошқа хил кондитер маҳсулотлари номи: «Наполеон», «Кучер бола», «Мазза», «Пахлава», «Қоракум» ва б. 4) чекиш маҳсулотларининг фирмавий атокли оти: «Марлборо», «Кент», «Пайн», «Куба», «Парламент», «Честр», «Воук», «Ленд» ва б. 5) парфюмерия маҳсулотларининг атокли отлари: «Интим», «Далал», «Силвер», «Алфарес», «Эскада», «Анджено Морани», «Адидас пилк», «Кристиан»

дюр”, “Белара”, “Элинг” ва б. б) кундалик турмушда ишлатиладиган уй-рузор лажомлари, асбоблар итокли оти (товар белгилари): “Индесит”, “Бош”, “Тошиба”, “Филипс”, “Самсунг”, “Жинлинку”, “Айва”, “Сино”, “Тошиба”, “Хитачи”, “Самсунг” (музлатгичлар); “Гурбо”, “Супра”, “Хиппо”, “Скарлет”, “Магнит” (чайгўтгичлар); “Атлант”, “Нордус”, “Фая”, “Ока”, “Индесит”, “Ситроник” (кир ювиш машиналари); “Босс”, “Панасоник”, “Жинлину”, “Филипс”, “Самсунг”, “Вестел”, (телевизорлар); “Тефал”, “Эмералл” (гўшт қиймалагичлар); “Санё”, “Нова” (электр қозонлар); “Климо” (совутгич); “Симфер”, “Гефест”, “Ханса”, (газплиталар); “Самарқанд”, “Оққуш”, “Гўзал”, “Қалдирғоч”, “Жозиба”, “Версал” (юмшоқ мебеллар тўплами), “Катя”, “Лиза” (ётоқхона мебель тўплами).

Д. НОСИРОВА,
ТДПУ

ҚИЁС МАЗМУНЛИ ЁРДАМЧИСИЗ ҚЎШМА ГАПЛАР

Ўзбек тили синтактик қурилишига доир тадқиқотларда қўшма гаплар икки хил тасниф қилинган бўлиб, бирида улар боғланган қўшма гап, эргашган қўшма гап ва боғловчисиз қўшма гап деб уч турга бўлинган бўлса,¹ иккинчисида боғланган қўшма гап ва эргашган қўшма гап деб икки турга ажратилган.² Боғловчисиз қўшма гаплар алоҳида тур сифатида қаралмай, асосий икки турнинг услубий талабга кўра ёрдамчиларсиз қўлланадиган кўриниши ҳисобланган.

Бу хил қўшма гаплар тенгланиш ва тобеланиш муносабатида тузилиб турли мазмун ифодаланиш, жумладан қиёс, чоғиштириш маъноларини ифодаланиш қайд этилган.

Қиёс мазмунли ёрдамчисиз қўшма гаплар, асосан, икки гапдан (компонентдан) тузилади ва унинг таркибидаги турли гап бўлаклари қиёс қилинади:

Кўнгли ёниқнинг дили ёниқ, кўнгли очиқнинг дили очик.
(Мақол)

¹ Г. Абдурахмонов. Қўшма гап синтаксиси асослари. Т., «Фан» 1961 йил. М. Асқарова. Ҳозирги ўзбек тилида қўшма гаплар. Т., «Фан» 1961 йил.

² А. Гуломов, М. Асқарова. Ҳозирги ўзбек адабий тили, синтаксис. Т., «Ўқитувчи» 1987 йил.

Билимли ўзар, ғилмисиз тўзар. (Мақол)

Ёрдамчисиз кўшма гапларнинг бу турида қиёслаш мазмунини ифодалаш учун кўпинча яхши ва ёмон сўзлар (ўзларнинг синонимлари) ишлатилади:

Яхшини мақнаган ярашур, ёмонни мақнаган адашур.

Яхши рўзгор – жашнат, ёмон рўзгор – дўзоҳ. (Мақол)

Яхшига қора юқмас, ёмонга эл боқмас. (Мақол)

Яхшилардан ҳаргиз чиқмас ёмонлик,

Асли ёмон бўлса қилмас яхшилик. (Мақол)

Яхши юрган ерига тинчлик солар элига,

Ёмон юрган ерига ўт қўяди элига. (Мақол)

Қиёс мазмунли ёрдамчисиз кўшма гапларда баъзан кейинги гапнинг кесими қўлланмаслиги, тушиб қолиши мумкин. Бу ҳилдаги кўшма гапларнинг иккинчи қисми эллиптик гап тарзида шаклланган бўлади:

Яхшидан боз қолади, ёмондан доғ. (Мақол)

Ёмон ўғил молга ўртоқ, яхши ўғил жонга. (Мақол)

Яхшилик нур келтирар, ёмонлик зулмат. (Мақол)

Бундай кўшма гапларда зидлаш орқали қиёс мазмун ифодалангани учун улар таркибида кўпинча антонимлар, баъзан нисбий антонимлар иштирок этади.

Кучли одамнинг газабидан кўркманг,

Кучсиз одамнинг газабидан кўрқинг. (Ў.Ҳошимов)

Дўст ачитиб гапирар, душман кулдириб гапирар
(Мақол)

Бундай кўшма гапларда бир гап бўлаги қиёсланмай, бирдан ортиқ гап бўлаклари қиёсланади:

Аёл меҳри – асалдан тоғли,

Аёл макри – заҳардан хавfli. (Ў.Ҳошимов)

Қиёс мазмунли ёрдамчисиз кўшма гаплар таркибида нисбий антонимлар иштирок этади. Бундай антонимлар маълум матн таркибидагина зидлик маъносини ифодалаб келади ва шахс, предмет ёки воқеа – ҳодисани қиёслаш, таққослаш мазмунини ифодалайди. Шунга кўра, бу ҳилдаги нисбий антонимларни контекстуал антоним деб аташ мумкин.

Кулишни билмайдиган одам – бахтсиз одам,

Йиллашини билмайдиган одам – икки ҳисса бахтсиз одам. (Ҳ. Ҳошимов)

*Баҳор чоғи – беҳисоб, кўз келганда ҳисобли,
Ёшлик чоғи беҳисоб кўз келганда – санокли.*
(Ҳ. Ҳошимов)

Қиёс мазмунли ёрдамчисиз қўшма гаплар бир составли гаплардан тузилган бўлиши мумкин. Одатда бу хил гаплар икки гапнинг бирикувидан тузилади:

Ош – каттадан, хизмат – кичикдан.

Яхшидан вафо – ёмондан жавфо.

Дўстсиз бошим – тузсиз ошим.

Бундай қўшма гап қисмларида қиёс мазмунини ифодалаш учун қиёсланадиган гап бўлагидан сўнг эса, бўлса сўзлари иштирок этиши мумкин:

Қодир Тошкентда ўқийди, Камол эса Фарғонада ўқийди.

Юкоридагилардан маълумки, ўзбек тилида қиёсий мазмун ифодаловчи гаплар содда ва қўшма гап тарзида шаклланиб, қўшма гапларнинг ёрдамчисиз турида бу хил мазмун ифодаланиши устун туради. Шунингдек, қиёс мазмунли гаплар кўпинча мақол ва маталларда учрайди.

С. МАҲСУМОВА,
ЎзДЖТУ

ЭРКИН ВОҲИДОВ АСАРЛАРИДА МЕТОНИМИЯ ОРҚАЛИ КОННОТАТИВ-ПРАГМАТИК МАЪНОНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Ўзбек тилида коннотатив маънони юзага чиқарувчи кўчимлардан бири метонимиядир. Маълумки, мазмунан алокадор бўлган воқеа-ҳодиса, предмет ва уларнинг муайян белгиси ўртасида маъно кўчиши метонимия ҳодисаси сифатида қаралади. Э.Воҳидов метонимиянинг турли хил кўринишларидан фойдаланади:

1. Предметнинг ҳажминини ифодаловчи сўз шу предмет маъносини англатади:

Бошлигинг кўнглини бил сен,

Кетма пинжидан нари,

Пайтини топсанг мабодо,

Бирга юзма-юзма қил. («Насихат»)

Маълумки, сўзлашувда спиртли ичимлик ичиш жараёни бир марталик ичимлик ҳажми: юз грамм номи билан кўчма маънода ишлатилади. Ҳажмин ифодаловчи сўзнинг иҳчамланган (грамм сўзи эллипсисга учраган) ҳамда такрорланган ҳолда қўлланилиши эса ичимликни оз-оздан ичиш кераклигини кўрсатади. Бундай сўзни қўлловчи шахсларга маълумки, одатда оз-оздан, яъни *юзма-юзма қилиб ичини* учрашувнинг тугаб қолмаслигини ишташ, шунингдек, дилдан суҳбатлашишда қўл келади. Шоир сўзлашув жараёнидаги мазкур метонимик ифодани айни шу мақсадда, яъни дилдан яқинлашиб олишга ундаш маъносида қўллайди. Шеърятга халқ тилининг бундай содда шаклини киритиш мисралар халқчиллигини, дилга яқинлигини таъминлайди.

Маъно кўчишнинг бундай усулини шоирнинг бошқа мисраларида ҳам кузатиш мумкин:

Эл борки, уфқнинг ҳар тўрт ёғида

Эғни бутун бўлди шу миллионлардан. («Табрик»)

Бу мисрада миллионлар метонимик ифодаси миллион тонна пахта маъносида қўлланилиб, предметнинг миқдори меъёридан ортиқлигини ифодалайди.

Кўринадик, метонимия кўп ҳолларда эллипсис асосига курилади. Бунда муайян бир бўлак унга алоқадор сўзга тингловчи эътиборини тортиш мақсадида тушириб қолдирилади. Тушириб қолдирилган бўлакнинг семантикасини намоён этиш функциясини бажарувчи бўлак мазмунан аҳамиятли бўлакка айланади. Юқоридаги мисрада ҳам сўзловчининг мақсади – элнинг эғни бутун бўлиши жуда кўп миқдорда, яъни миллион-миллион тонналаб пахта етиштириш ҳисобига эканлигини кўрсатиш. Бу ўринда шоир нафакат пахта ва пахтанинг миқдорига, балки шунча пахта етиштиришга кетган элнинг меҳнати, меҳнат ортидан келган роҳат каби катор маъноларга ишора қилади. Шунингдек, кўчимда сўзловчининг фахр ва гурур туйғулари яққол акс этади. Бу ўринда метонимик сўз прагматик мазмун касб этади.

2. Предмет ичидаги предмет маъносини англади:

Сигинайлик ўша ташҳо

Таҳқирланган қабрга. ("Фидойилик тўғрисида ривоят")

Ушбу мисрада синининг характери қабрга нисбатан бўлмай, шу қабрга ётган инсонга қаратилади. Шоир бу ўринда одамнинг ҳос бир салбий одатга ишора қилади: инсонлар бир-бирининг қадрига тирикликда эмас, бу дунёдан ўтиб кетгандан сўнггина етадилар. Метонимик ифода орқали англашловчи ана шу яширин мазмун сўзловчининг воқеликка норозилик, афсусланиш каби муносабатларини намоён этади, нутқининг коннотативлигини кучайтиради.

Шоир «Она тилим ўлмайди» шеърида ҳам яна шу қабр тинсалига мурожаат қилади:

Беқадор бўлса, наҳот,

Тиллардаги тароват!

Йўқолди бу кун, ҳайҳот,

Қабрларда ҳаловат! ("Она тилим ўлмайди")

Ушбу мисрада бу дунёдан ўтиб кетганлар қабр сўзи орқали кўчма маънода берилган. Шоир назарида инсонларнинг ўз она тилига бўлган муносабати ҳатто қабр эгалари ҳаловатининг бузилишига ҳам сабаб бўлади. Бундай метонимик ифода орқали норозилик, ачиниш, огоҳликка даъват каби субъектив муносабатлар бўрттирилган.

1. Шахс томонидан яратилган нарса орқали шахсни англаиш:

Буқун меҳмон бўлиб чўнг санъат келди,

Том-том китоб келди, шеърият келди. ("Қозок оқинларига")

Маълумки, инсоннинг ким эканлиги у қилган ишларда акс этади. Ушбу мисрада санъат аҳли, ёзувчи ва шоирлар тўғрисидаги тушунчалар чўнг санъат, том-том китоб, шеърият каби бирликларга кўчирилиб, бунда айни шу бирликларнинг маъноси бўрттирилган. Шунингдек, мазкур кўчириш усули орқали сўзловчининг улуғлаш, фахрланиш каби муносабатлари ҳам юзага чиқади.

Кўринадики, сўз маъносининг бундай кўчириш усули ҳам бадий матннинг коннотативлигини таъминловчи

воситалардан бири бўлиб, Э.Воҳидов шеъриятида бунга
яққол кузатиш мумкин.

О. АМЕТОВА,
ТДПУ

“ЮК” СЎЗИ БИЛАН АЛОҚАДОР ИБОРАЛАРНИНГ ПОЭТИК ВАЗИФАЛАРИ

Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутудағу билиг” асаридаги
фразеологик ифода­лардан бири “юк” сўзи билан
алоқадор. Ҳозирги ўзбек тилида бу сўз ишти­рокида ҳосил
бўладиган айрим ибораларнинг мавжудлиги “Ўзбек
тилининг изоҳли лугати”да ҳам қайд этилган¹. “Қутудағу
билиг” тилида “юк” сўзи ишти­рокида ҳосил бўлган
ибораларнинг турли поэтик мақсадларда қўллангани
кузатилади. Қуйидаги байтда учорвадорларнинг ўзига ҳос
хусусиятларини кўрсатиб бериш учун қўлланган:

Бутун чын болурлар қуты йоқ буки

Кишилерке тегмес буларнын йуки. (4336)

Ишончли, чин бўладилар, мол – мулклари, ер-боғлари йўқ.

Одамларга уларнинг малоли тегмайди.

Ўзларининг кундалик ишлари билан машғул бўлиб,
бошқа ижтимоий қатламларнинг ишларига бевосита дахл
қилмаслик, энг муҳими ўзларига оид бўлган масала ва
муаммоларни иложи бори­ча ўзлари ҳал қилишга бўлган
уринишлари, бунда бошқаларга малол келмаслик снгари
ўзига ҳос хусусиятни Юсуф Хос Ҳожиб “юки тегмас” тарзида
акс этгирган.

“Юк юкла(н)моқ” асарда энг фаол қўлланган
иборалардан биридир. Бу муайян қийин ва оғир
вазифаларнинг топширилиши (ёки олиниши) билан боғлиқ.
“Юкнинг олиниши” табиийки, бошқаларнинг машаққат ва
қийинчиликларининг камай­тирилиши ёки йўқотилишига
ишора­дир:

Қутулди элиг кетти эмгеклери

Будун асгы артты йэниб йуклери. (1625)

¹Қаран. Ўзбек тилининг изоҳли лугати 5 жилд – Тошкент:
“Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2008, 79-бет

Элиг халас бўлди, машаққатлари кетди,

Юқлари енгиллашиб (ташвишлари камайиб) халк манфаати орди.

Маълумки, асардаги воқеалар ривожидавомида фаол иштирок этган кяхрвмонлардан бири Ойтулди вафот этади. У мамлакатни идора қилишда элигини ёнидаги эи фаол ва талбиркор иш бошилардан бири сифатида кўриниб келган эи. Ойтулдининг вафоти элиг учун огир мусибат бўлди. Бугина эмас, улкан мамлакатнинг улкан ташвишлари – “*баш огриқ*”лари ҳам мавжуд эди. Ана шу баш огриқларининг барчаси элиг зиммасида қолиб кетади. Шундай қийин пайтда Ойтулдининг ўгли – Ўгдулмишнинг элиг ёнига келиши, эиғ муҳими, унинг кўлидан огир ишларни олиши элиг учун жуда катта енгилликларни беради. Юқоридаги байтда шу ҳолат ифодаси берилмоқда. Элигининг ҳам жисмонан, ҳам рухан машаққатлардан бир оз енгил бўлиши юқоридаги ифода туфайли жуда аниқ ва таъсирли акс эттирилган. Ўгдулмишнинг келиши билан элиг ғам-ташвишлардан қутилади, унинг машаққатлари кетади (йўқолади), халқнинг эса доно ва оқил бошқарувчининг йўқлиги туфайли кўнайиб бориши мумкин бўлган ташвишлари камайиб, кўзда тутилган манфаатлари янада кўнайиб борди.

Агар эътибор берилса, мазкур байтда қўлланган ибора қўлланиши муқаррар бўлган бир сўзни такрорлашдан қутқармоқда, яъни тавтологиянинг олдини олмоқда. Бунинг боиси мазкур матвдаги “*эмгак*” ва “*юк*” сўзлари ўзаро контекстуал синоним вазифасини адо этиб, қийинчилик, машаққат, шунингдек, малол келадиган иш маъноларини англатади. Демак, “*машаққати кетди*” ҳамда “*юки енгил бўлди*” бирикмаларининг иккиси ҳам деярли бир хил маъно англатса-да, уларнинг икки хил шаклда баён этилиш и шеърий мисраларнинг ўзига ҳос поэтик жаранг билан ифодаланишига имкон берган. Юсуф Хос Ҳожибнинг бу иборани ниҳоятда ранг-баранг шаклларда кўзлашга ҳаракат қилгани сезилади. Қуйидаги байтда “*йук йудмақ*”дан олдин “*улуғ*” сўзинининг қўлланиши унинг янада бошқачароқ маъно нозиклигига эга бўлишини таъминлаган:

Удуг йук йудурдун бойунка, элиг,
Осал бўлма, сақлан, э қылқи силиг. (1422)
Ў бўйинингга огир юк олдинг, (эй) элиг,
Гофил бўлма, хушёрлан, эй феълу атвори гўзал.

Юсуф Хос Хожиб бу ерда “йук”даги истиоравий маънога таянган ҳолда унинг қўлланишини янада кенгайтиради. “Удуг йук” – “мамлакатни бошқарини”, “эл-юртини идора қилини” мазмунига тенг келади.

Юсуф Хос Хожиб асарида “юк” сўзи факат огирлик, машаққат, азоб-уқубат маъноларидагина эмас, балки масъулият, бурч, адо этилиши шарт бўлган қарз маъноларини ҳам англатади. Шунга мувофик ҳолда, “юк бўлмоқ” мутлақо бошқа маъноларни англатиш учун ҳам қўлланади:

Тэгурдун мэне сэн эдгулук
Мунун шукры бойнум узе болды йук.
Менга сен ҳамма эзгулик(ларни) кўрсатдинг,
Бу(лар)нинг шукри(ни қилиш) бўйинин узра қарз бўлди.

“Йук этмақ” ибораси пайдо бўлиш нуқтаи назаридан бевосита моддий олам билан боғлиқ бўлганлигига шубҳа йўқ. Бу, эҳтимол, туркий халқларнинг яшаш тарзи билан бевосита боғланиб кетадиган энг қадимий иборалардан бўлиши ҳам мумкин. Шунингдек, қуйидаги ибора ҳам ўз мазмун моҳиятига кўра туркий халқларнинг қадимий иборалари рўйхатини тўлдириши мумкин:

Нэ тэнсиз ўлум – сэн, эй явлақ ўлум,
Басунмаз сенэ этсэ йук мин толум. (1515)
Эй шавқатсиз ўлим, сен қандай ярамас ўлимсан,
Сенга минг-минг жабдуқ-қурол юкланса ҳам босилмайсан.

Ушбу фразеологик бирликлар туркий халқларнинг яшаш тарзи, дунёқараши ва урф-одатларига боғланиб кетади. Унда қадимги туркий халқларнинг олам ҳақидаги анимистик тасаввурларининг иллари кўриниб турибди. Ўлимга жонли мавжудот сиаатида қаралиши, унинг мурожаат объекти сифатида ажратиб кўрсатилиши ушбу қадимий қарашларнинг йигирма биринчи асрдаги кўринишларидир. Кўринадики, бу йўналишдаги ишлар фан учун анча

салмоқли ва жиддий ҳулюсдари келин имконини беради.
Шу боре бу йўналишдаги ишлари янада кенгрок миқёсда
тавом этирилиши керак, деб ўйлаймиз.

Г. РАХИМОВА,
УЎГУМЯ

УПОТРЕБЛЕНИЕ С АФФИКСИДАМИ ИМЕН, ОБОЗНАЧАЮЩИХ РОДСТВЕННОСТЬ В УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ

Как известно, в узбекском языке, как и в других, слова, относящиеся к различным сферам, в том числе и имена, означающие родственность имеют своеобразные лексические, грамматические особенности. Большую часть имен, означающих родственность в узбекском языке составляют общетюркские слова, которые несколько отличаются от слов, относящихся к другим сферам, своими лингвистическими свойствами, словообразованием. В употреблении отдельных словообразующих аффиксов, а так же аффиксидов в именах, обозначающих родственность, наблюдается некая специфичность.

Как известно, аффиксиды, употребляясь с отдельными самостоятельными словами, а так же словами, обозначающими родственность, служат для выражения различных модальных значений как признак, уважительность, ласкательность. Тюркские языки, в особенности узбекский язык, отличаются широким употреблением аффиксидов.

По употреблению аффиксиды можно разделить на две группы. Аффиксиды первой группы употребляются в именах собственных, хоть и служили для выражения принадлежности к различным историческим категориям (сословиям), близости, долголетия, здравия и т.п., в последние годы они употребляются не только для выражения данных значений, но и просто как аффиксиды. Данную группу составляют морфемы *хўжа* (*хозяин*), *бек*, *тўра* (*тура*), *хон*, *шо(х)*, *ваччи*, *қул* (*буквально, раб*), *нисо*, *биби*, *жон* и др. Многие из них употребляются и как

самостоятельные слова (нарицательные имена существительные), и в функции аффиксидов.

Вторую группу аффиксидов употребляют с именами, обозначающими родственность. Некоторые из них (*хон, хаджа, жон, пошна, ой* и др.) могут употребляться как в именах собственных, так и в именах нарицательных, а некоторые (*вачча, кайин*) - лишь с именами, обозначающими родственность.

Слово *хон* исторически означало лицо, принадлежащее высшему сословию, в настоящее время оно употребляется в именах собственных, и означает больше уважение, нежели принадлежность определенной категории. В словах, обозначающих родственность, полностью теряет значение категории, и означает лишь уважение. К примеру: *Хурматли отахонлар, онахонлар, бугунги тайтана сизларга бағишланади* (Уважаемые отцы и матери, сегодняшнее празднование посвящено Вам).

Слово *хон*, употребляясь со словами *ота, она, дада, бобо*, образует имена собственные *Отахонов, Дадахон Хасанов, Онахон она, Бобохонов*.

Слово *бек* также потеряв значение принадлежности к сословию, употребляется в настоящее время в качестве аффиксидов, и образует имена собственные. К примеру: *Отабек, Дадабек, Шербек, Нурбек*.

Данный аффиксид чаще образует имена собственные, мужского пола; но употребляясь с аффиксом принадлежности первого лица могут образовывать имена собственные женского пола: *Ойшабегим, Хосиятбегим* и т.д.

Слово *кайин* хоть и имеет самостоятельное значение (младший брат супруга/супруги), в словах, обозначающих родственность, выполняет функцию аффиксидов, и образует имена, означающие родство после брака. К примеру: *кайинсингил* (младшая сестра супруга/супруги), *кайинэга* (старшая сестра супруга/супруги), *кайиноти* (отец супруга/супруги), *кайинони* (мать супруга/супруги).

⁴ Исмаилов И. Туркий тилларда кави - кариношлик терминлари. Т., Фан. - 1996.

Слово *поини* (искаженное *поин* – парь) употребляясь в словах *кетин* (своя), *қуд* (сест), *қиз* (дочь, девушка), *амма* (дети по отцу), *хот* (дети по матери) является символом уважения.

Слово *жон* употребляется в качестве аффиксоида как в именах собственных, так и в именах нарицательных, обозначающих родственность, и выражает уважение, просьбу, любовь – ласку, прошение.

Слова с аффиксоидом *жон* в предложении чаще являются обращением, означают просьбу, приказ, прошение. В этом случае аффиксоид может употребляться и перед обращением, и после него, а иногда употребляются повторно: *Опажон, тез –тез хат ёзиб туринг. Жон она, тез –тез хат ёзиб туринг. Жон опажон, тез –тез хат ёзиб туринг* (Сестрица, пишите часто письма). Аффиксоид *жон* употребляясь в именах, обозначающих родственность, означает уменьшительно – ласкательность или любовь и ласку: *Болажонлар ашула айтишни бошлашди* (Детишки начали петь).

Слово *бой* употребляясь со словами означающими лицо, и собственными именами выполняет функции аффиксоида, а также употребляясь с некоторыми словами, обозначающими родственность образует имена собственные мужского пола: *Отабой, Дадабой* и т.д.

Аффиксоид *вачча* (с персидско – таджикского *бача* – дитя) употребляется в именах, обозначающих родственность обоих полов, означает «ребенка определенного лица», или «погомок определенного лица»: *тогавачча* (сын/дочь дяди по матери), *аммавачча* (сын/дочь дяди по отцу), *аммакивачча* (сын/дочь дяди по отцу).

Аффиксоид *тур* употребляется лишь в слове *куёвур* (жених).

Аффиксоид *нисо* прибавляется к собственным именам женским: *Зебинисо, Хайринисо, Лутфинисо, Кутбинисо* и т.д.

Из вышесказанного видно, что в узбекском языке аффиксоиды употребляются как для словообразования, так и для выражения различных модальных значений. Аффиксоиды употребляются как в составе имен

собственных, так и имен нарицательных, обозначающих родственность.

Так же существует разница в употреблении аффиксов: некоторые употребляются со словами, обозначающими мужской пол, а некоторые со словами, обозначающими женский пол. Есть аффиксы, употребляемые в составе слов, обозначающих родственников как мужского, так и женского пола.

М. ХАСАНОВ,
ЎЗДЖТУ

ПРОСОДИК МОРФОНОЛОГИЯНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Просодик морфология воситалари хар хил тилларда грамматик фаркланишларда турли даражада қўлланилиши мумкин. Рус тилида сўз ургуси энг асосий морфологик восита хисобланади. Чунки бу тилда сўз ургусининг кўчувчилик табияти фонемалар альтернацияси билан бирга кўпгина сўзларда морфонологик жихатдан хизмат қилади. (лежать- лежа- лечь каби). Инглиз тилида сўзда урғу олувчи ва урғу олмайдиған суффикслар мавжуд. Урғунинг ўрнига кўра сўзларни фарклаш тўлдирувчи грамматик восита сифатида сўз туркумлари ва грамматик категорияларни фарклаш учун ҳам хизмат қилади. to present (феъл) [tə pri'zent]-a present (от) ['preznt] to record (феъл) [tə ri'kɔ:d]- a record (от) ['rekɔ:d]

Ўзбек тилида сўз ургуси бир йўла фонологик ва морфонологик функция бажара олади. Просодик фонология билан просодик морфонологиянинг вазифалари кўпинча аралаштириб юборилади. Бу, айниқса, урғунинг фонологик ва морфонологик функцияларини фарклмаслик натижасида келиб чиқади. Масалан: янги'- 'янги (хозиргина, равиш), сузма' (от) - 'сузма (феълнинг буйрук майли шакли), олма' (от)- 'олма (феълнинг буйрук майли шакли)

каби. Бу ҳолатларда ургу ургули унлиларининг фарқлашини белгилари эмас, яъни ургули ва ургусиз /a'-a/ фонологик оппозицияси мавжуд эмас, чунки бу унлилар бир хил ўринда ва фонологик ҳолатда учрамайди, бинобарин улар турли парадигматик синфларга киради. Бу ўринда /a'-a/ фонологик оппозицияни ҳосил қилмайди, балки ургули ва ургусиз бўғинлар ўртасида қарама-қаршиликни, яъни контрастни вужудга келтиради. Парадигматик жихатдан фонемалар оппозицияси фарқлангандек, ургунинг функцияси синтагматик жихатдан контраст (Мартине, 1963:409) ҳосил қилишдир.

Бундай ургу функциясини фарқловчи эмас, балки кулминатив, яъни сўздаги бир бўғинни бошқа бўғинларга қараганда баландроқ талаффуз қилиш (Trask, 1996:99) билан изохлаш мумкин.

Бўғиндаги бирор товушни, кўпинча унлини баландроқ талаффуз қилиш шу товушнинг кулминатив ёки чўққи ҳосил қилувчи функцияси деб аталади. (Ўрубецкой, 1960:36). Юқоридаги мисолларда ургу бир йўла фонологик ва морфонологик вазифа бажаради, яъни сўз маъноларини ва морфологик жихатдан сўз туркумларини ва грамматик маъноларини фарқлайди.

Сўзларнинг морфонологияси тилларнинг морфологик таснифини ҳисобга олган ҳолда, сўзлардаги ўхшашлик, омофонлик, сўз шаклларини турли аффикслар (префикс, суффикс, интерфикс ва поустфикслар) ёрдамида тузишда фонемалар алмашинуви, турли фонетик ходисалар, ургунинг кўчиши ва кўчмаслиги каби хусусиятларни ўрганишни қамраб олади. Морфонология сўз ургусининг функционал жихатини ҳам ўрганади. (Николаева, 1982:5).

Сўзнинг морфонологик структураси уни ташкил қилган морфемалардаги фонемалар алмашинуви ва шу маънодор мустақил сўзнинг просодик белгиларини ўз ичига олади. Сўзнинг морфонологик

структурасидати турли ўзгаришлар, вариантлашиш ва вариациялар шу сўз таркибидан морфемаларнинг таркибига боғлиқдир. Морфонологик алмашинувлар морфемалардаги фонемалар таркибида ёки шу сўз парадигмасидан ҳосил бўлган сўз шаклларидаги урғу ўринининг кўчиши билан амалга оширилади.

Инглиз тилида сўз урғусининг ўрни хақида энг содда қоидалар қуйидагилардир:

1. а) феъл ва сифатларда урғу охирги бўғинда олинги бўғинга тушади ва охирги очик бўғин қисқа унли ёки бирор ундош билан тугайди: *surge'nder*, *poli'sh*, *asto'nish*, *ri'gid*, *expli'cit* каби;

б) баъзи сўзлардаги урғу охирги бўғинга тушади: *re'late*, *main'tain*, *su'blime*, *se'vere*, *de'fend*, *a'brupt* каби.

2. а) отларда охирги бўғин қисқа унлига эга бўлса, ёки ундош товушга тугаса, урғу биринчи бўғинга ёки орқадан иккинчи бўғинга тушади: *'elephant*, *'moment*, *com'plexion*, *sur'render*;

б) агар охирги бўғин чўзиқ унлига эга бўлса, у урғу олади: *po'lice*, *ma'chine*, *dis'pute*, *com'paign*, *sa'taggh* каби.

3. Икки ва ундан ортиқ бўғинли сўзларининг охирида чўзиқ унли бўлса, урғу биринчи бўғинга тушади: *'anecdote*, *'fahrenheit*, *'pedigree*, *'escalate*, *'moribund*, *'erudite* (Cruttenden, 1986: 19).

Баъзи тилшунослар суффиксларни бўғинни кўчира олувчи ва кўчира олмовчи (нейтрал) турларга бўладилар: *'atom-* *a'tomic*, *'solam-* *so'lemnity*, *'Newton-* *New'tonian* сўзларида суффикс кўшилиши натижасида урғу бошқа бўғинга кўчади (Giegerich, 1995:191). Лекин *'beauty-* *'beautiful*, *'love-* *'lovely* каби сўзларда урғу кўчмайди. Урғунинг кўчиши ёрдамида оддий сифат ясалмокда, яъни сўз туркумлари фаркланади. Бу ҳолда урғу морфологик назифа бажармокда, яъни морфонологик функциясини амалга оширади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Абдуанизов А.А. Ўзбек тилининг фонологияси ва морфологияси. Тошкент: Ўқитувчи 1992, 134 б.

2. Мартинс. Основа общей лингвистики// Новое в лингвистике. Выпуск Ш.М.: Иностранная литература, 1963. – с. 366-566.

3. Николаева Т.М. Фразовая интонация славянских языков. М., Изд. "Наука", 1977.

4. Трубецкой Н.С. Основа фонологии. М: Иностранная литература, 1960- С 372.

5. Giegerich H.J. "English Phonology An Introduction" Cambridge University Press 1995, 333 p.

6. Trask R.L/ A Dictionary of Phonetics and Phonology. London and New York, 1996, -424 pp.

С. ТОШНИЁЗОВА,
МРДИ

РАССОМЛИК АТАМАЛАРИ УСТИДА ИШЛАШ

Маълум бир фанни кенгрок билиш, уни чуқуррок эгаллаш шу фанга тегишли бўлган атамаларнинг маъносини тушунишдан бошланади. Халқ хўжалиги ҳамда саноат соҳаларига мансуб бўлган сўзлар атама деб юритилади. Атамалар маълум нарса ва тушунчалар номлари, баъзи жараёнлар, ҳолат, белги, ўлчов, ишлаш тартиби, фан ва техника бўлинмалари, касб ва ҳунарлар хусусиятларини ифодалаб келади.

Атамалар одатий ўзаро муомала-муносабат жараёнида истеъмолда бўладиган сўзлардан тубдан фарқ қилади. Ёзма ва оғзаки нутқда қўлланиладиган сўзлар учун полисемантиклик ҳос хусусият бўлса, атамалар бир маънога эга эканлиги билан улардан ўзгачадир. Одатий сўзлар бадний бўёққа эга ва маълум бир услубга тегишли бўлади. Атамалар бадний бўёққа эга бўлмайди, улар асосан илмий соҳа нутқида қўлланади. Лекин шундай атамалар ҳам учрайдики, улар маълум соҳага онд бўлса-да, уларни қўллаш доираси фақат шу соҳа мутахассислари билангина чекланмай, аҳолини кенг қатлами нутқида мавжудлиги

билан ҳам ажралиб туради. Рассомликка оид бўлган атамалар ана шундай атамалар сирасига киради. Негаки рассомлик оммавий санъатлар сирасига мансубдир. Шу сабабдан ҳам бундай атамаларни санъат соҳасида олий таълим олаётган талабалардан ташқари бошқа соҳа талабалари ҳам ўзлаштиришлари лозим бўлади.

Маълумки, рассомлик соҳаси ва унга тегишли ўзбек тилидаги атамалар, асосан, рус ва Европа тасвирий санъати ва унинг атамашунослиги таъсирида шаклланган. Шунинг учун тилимизда ўзбекча (ёки ўзбек тилига шарқ тилларидан кириб қолган) рассомлик атамалари мавжуд бўлса-да, лекин кўп ҳолларда русча, французча, италянча номланишлардан фойдаланилади. Ҳар бир миллат, элат, халқ тили аввало икки имкониятлар ҳисобига бойийди, тараққий этади. Рассомлик соҳаси атамалари ҳам бундан мустасно эмас, лекин юқорида таъкидланганидек мазкур соҳа атамалари асосан чет сўзлари ҳисобига бойиган.

Рассомлик атамаларини шартли равишда икки катта гуруҳга ажратиб ўрганиш мумкин:

1. Кенг доирада истеъмолда бўладиган, кўпчилик тушунадиган атамалар.

2. Тор доирада истеъмолда бўладиган, фақат тор ихтисосликка мансуб атамалар.

Биринчи гуруҳга мансуб атамаларга кишилар мактаб даврида ўқиш чоғидаёқ расм дарсларида дуч келади. Хусусан, *расм сурат, қалам, бўёқ, ўчиргич, графит, лок, портрет, соя, ёруғлик мўйқалам, тасвир, манзара* сингари сўзларнинг маъносини кўпчилик кишилар тушунади. Бошқа гуруҳга кирувчи атамалар фақат мутахассислар доирасида қўлланади ва улар махсус иш қуроллари, жараён, йўналиш, жанрлар номларини аниқлатади. Хусусан, *налитра, подиум, архангел, гамма, грунт, драпировка, композиция, контур, гравюра, мольберт, мазок, панно, силует* кабиларни ушбу гуруҳ атамалар сирасига киритиш мумкин. Кўринадик, уларнинг деярли барчаси ўзлашган сўзлардан иборат. Бу атамалар устида бир томондан ихтисосликка оид фанларни ўқитиш чоғида, бошқа томондан тасвирий санъат ўқув юртларида ўзбек тили фани ўқитиш пайтида иш олиб бориш

кутилган натижани беради. Улар мутахассисликка оид матнлардан фойдаланиш орқали ўзлаштирилса, талабалар нутқини бойитишга хизмат қилади.

Ўзбек тили фанидан дарсларда ихтисосликка оид атамалар билан талабалар нутқини ўстиришга яхши имконият пайдо бўлади. Бунинг учун қуйидаги методлар қўлланилади:

1. Европача, русча атамаларнинг ўзбекча атамалари устида ишлаш. Дарс жараёнида рассомлик атамаларининг кўп қўлланиладиган европача ёки русча кўриниши берилади, унинг билан бирга шу атаманинг ўзбекча ёки шарқона номи берилади. Масалан, *эскиз* – *мусавада*, *орнамент* – *безак*, *силуэт* – *сидирга ранг*, *колор* – *тайёр бўёқ*, *гравюра* – *ўйма сурат* ва бошқалар.

2. Бир семантик гуруҳга бирлашган атамалар устида ишлаш. Бундай атамалар маълум бир парадигмани ташкил этадиган атамалар бўлиб, улар хом-ашё, иш қуроли, йўналишлар, оқимлар сингари гуруҳлар номларини ўз ичига олади.

Масалан, хом-ашёлар гуруҳига *акварель*, *бўёқ*, *ранг*, *гипс*, *графит*, *ил*, *эмал*, *эмульсия*, *тушь*, *пигмент*, *лок*, *охра* каби сўзларни киритиш мумкин. Шу аснода бошқа семантик уяга мансуб бўлган рассомлик атамалари рўйхатини тузиб чиқиш мумкин бўлади.

Талабаларга аралаштириб берилган атамалар тавсия этилади, улар муайян семантик гуруҳга мансуб бўлганларини ажратиб олишлари лозим бўлади. Талабаларни бир семантик уяга мансуб атамаларнинг рўйхатини давом эттиришлари бу туркум атамалар устида ишлашнинг самарали усулларида ҳисобланади.

3. Ўзбек тили дарсларида рассомлик атамаларининг изоҳли лугати устида ишлаб, бу лугатдан бир семантик гуруҳга мансуб атамаларни ажратиб, уларнинг рўйхатини тузиш ҳам талабалар нутқини мутахассислик атамалари билан бойитишда мақбул усуллардан бири ҳисобланади.

4. Маълум бир соҳага мансуб бўлган атамалардан фойдаланиб матн яратиш.

Талабанинг ўзи мустақил ҳолатда матн тузганда, у маълум бир атаманинг маъносини қанчалик билиши, нутқ жараёнида ундан қанчалик тўғри ва ўринли фойдалана олиши маълум бўлади. Масалан, “Ўзбекистон Халқ рассоми Раҳим Аҳмедов” мавзусида матн яратиш вазифаси қўйиладиган бўлса, талабалар албатта *рассом, расм, ижод, ижодкор, композиция, ранг, портрет, натюрморт, устоз, шогирд* сингари атамалардан фойдаланади ва уларни зарур ҳолатларда ишлатишга этибор беради.

Санъат ўқув юртларидаги ўзбек тили дарсларида рассомлик атамалари билан ишлашни ташкил этиш учун мазкур соҳага оид изохли луғатлар, дарслик ва қўлланмаларда акс эттирилган материалларни ўзбек тили фани дастуридаги мавзуларга боғлаш зарур бўлади. Дарсликда машҳур рассомлар, асарлар ҳақидаги матнлар бўлиши мақсадга мувофиқдир. Шунда барча мутахассисликларда ўтиладиган ўзбек тили дарсларининг мавқеи ортади ва бу фанга кўпроқ қизиқиш пайдо бўлади, самараси бўлади.

Атамалар ўзбек тили дарсларидагина эмас, балки бошқа ихтисослик дарсларида ҳам давомли равишда ишланса мақсадга мувофиқ бўлади. Талабалар тўрт йиллик таҳсил давомида ўз нутқларида атамаларни қўллаш кўникмасини ҳосил қилиб бориши билан уларнинг ривожига ҳисса қўшган бўладилар, бу билан уларнинг сўз бойлиги ҳам ортиб бораверади.

Р. ТЎЛАНБОЕВ,
ТДПУ

СЎЗ – АСОСЛАШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА

Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асари XI асрнинг ўзига хос ёдгорлиги, фикрни ифода қилишнинг турфа шакл ва усуллари мужассам бўлганлиги билан ҳам эътиборни тортади. Унда муайян фикрнинг тасдиғи учун хилма-хил тасвир усулларидан фойдаланишнинг гўзал намуналари бор.

Юсуф Хос Ҳожибнинг асари дидактик йўналишда бўлганлиги учун у кўпроқ пайднорма характериға эға. Унда ўғит беришнинг устувор мавқе тутганлиги очик ҳақиқатдир. Аммо шу нарса ҳам ҳақиқатки, курук ўғит, яланғоч насихат ҳар қандай одамни бездиради. Адибнинг асарида эса бундай ҳолат мавжуд эмас. Аксинча, унда ўғитларнинг юксак бадинияти эътиборлидир. Фикримизни айрим мисоллар билан далиллашға ҳаракат қилайлик: *Тузуг юз, ачиг тил кишиг турмуштур,*

Тилигликда кетмас, кўнгулда йантур.

(Туруш юз, аччиқ тил кишини совутади.

Тирикликда кетмайди (эсдан чиқмайди), кўнгулда сақланади).

Бу Юсуф Хос Ҳожибнинг ахлокий қарашларидаги муҳим нуқталардан бирининг ифодаси. Адиб уни асардаги етакчи қаҳрамонлардан бири – Ўғдулмиш тилидан айттиради. Ўғдулмишнинг донишманд бир одам сифатида шундай мулоҳазаларни билдириши мантикий асосға эға. Аммо бу адиб учун камлик қилади. У ўз фикрининг яна бир қарра далиллашға зарурат сезади. Шунинг учун ҳам шу байтдан кейинок ўқувчи (китобхон) эътиборини тортишға ҳаракат қилади: *Мунгар менгзар эмди бу байтиг ўқи,*

Сўзи маъни бирла уқилғай тақи.

(Энди бу байтни ўқи (у) бунга жуда мос келади,

(Унинг) сўзлари маъноси (ни чақини) билан янада уқилади).

Бу байтда китобхонға мурожаат мавжуд. Аммо у матн мазмунидангина англашилади. “*Бу байтиг ўқи*” ифодасида бевосита тингловчига мурожаат оҳанги осон англашилади. Шундай кейинги байтда эса биринчи марта ўртаға қўйилган фикрға далил келтирилади: *Сўзунг сўкса йалисук, ачитса тилин,*

Сўнгукка сизиг –ул, кўнгулка йалин.

(Одам сўзида сўкса, тилида заҳар сочса,

Сўякка (урилган) тиг, дилға (ёқилган) ёлиндир).

Кўриниб турибдики, дағалюзлилик ва дағалсўзлиликнинг оқибатиға қаратилган дастлабки мулоҳаза мазкур байтда ўзининг мантикий далилини топган. Бошқа ҳолатларда ҳам далиллашнинг турфа хилларини кўриш мумкин. Буларнинг барчаси тилимиз ифода имкониятларининг беҳад бойлигини, уларни ўргани эса ниҳоятда долзарблигини кўрсатиб турибди.

2-БЎЛИМ

ТИЛ, ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ МУАММОЛАРИ

Б.ТЎХЛИЕВ,
ТДПУ

ОНА ТИЛИ ВА ЮКСАК МАЪНАВИЯТЛИ ШАХС ТАРБИЯСИ

Она тили фақат алоқа-аралашув, ўзаро мқлоқот воситасигина эмас, балки инсон маънавиятининг инъикоси, унинг ташувчиси ва ўтказувчиси ҳамдир. Бу ҳақиқат бобокалонларимиз, буюк аждодларимиз томонидан қадим замонлардаёқ жуда пухта аянглаб етилган. XI асрнинг буюк тилшуноси, мутафаккир олим Маҳмуд Қошғарий халқ орасидаги маънавий дурдоналарни излаб юрган пайтларида кўплаб халқ мақолларини ҳам қайд этган эди. Улар орасида «*Ардач баши тил*» деган мақол ҳам мавжуд. Унинг маъноси «*Ҳар қандай санъат ва фазилатнинг бошланиши тилдан бўлади*» демакдир. Демак, боболаримиз тилда инсон маънавиятининг, инсон қилмишининг асос ўзакларини мужассам ҳолда тасаввур қилгани, шунга ишонган, шу эътикод билан яшаган.

XI аср шароитида Юсуф Хос Ҳожиб шоирларни «сўз терувчилар» деб таърифлайди. XIV асрда эса Сайфи Саройи шоирларни «сўз булбули» дейди. Навоий шоирларни руҳ чаманининг хушхон булбулларига ўхшатган эди.

Сўз адиблар назарида ҳам алоҳида, мўътабар мавқега эга.

Юсуф Хос Ҳожиб тил ва сўзга катта баҳо беради. У тилни билим ва ақл-идрок таржимони деб атайди. Бу борада адибнинг айрим фикрларини эслатиш мумкин: *Киши сўз била қўпти, бўлди малик,*

Ўқуш сўз башиг ерка қилди кулик.

(Киши сўз туфайли кўтарилади, подшоҳ бўлади,

Кўп сўз бошни ерга эгади).

Кишидин кишига қумару сўз ул,

Қумару сўзи тутса асги юз ул.

(Кишидан кишига қоладиган мерос сўздир,

Мерос сўзини тутсанг, нафи юз-юздир).

Юсуф Хос Ҳожиб тил одоби масалаларида ҳам эътиборди фикрларни айтади. Унинг талқинича, тилдаги барча сўзларни иккига бўлиш лозим. Уларнинг бир қисми мутлақо айтиб бўлмайдиганлари, иккинчиси эса айтиш мумкин бўлганларидир. Аммо, дейди буюк мутафаккир, мана шу айтиб бўладиганларини ҳам ўш қисмга ажратмоқ керак. Уларнинг эса фақат бир қисминигина ишлатиш мумкин, холос. Қолган тўққиз қисми эса тилга чиқарилмагани маъқул.

Гарчи одамларнинг барчаси гапириш имкониятига эга бўлса-да, тилдан фойдаланишда улар бир неча гуруҳларга бўлинади. Агар одам гўп гапирса, уни лакма, эзма дейишади, борди-ю у мутлақо гапирмаса, бундай одамни гунг, лол деб баҳолашади. Шундай экан, инсон бу борада ўртача меъёрни топиши, унга риоя қилиши лозимдир. Аммо бу ўз-ўзича амалга ошадиган ҳодиса эмас. Бунинг учун кишида катта билим, етарли ҳаётий тажриба, энг муҳими, бой маънавий олам мужассам бўлиши керак.

Бундай фикрларни адиб Аҳмад Югнакий ижодида ҳам кўрамиз. У *«адаблар боши тил кўдазмак (сақламоқ)дир»* деб Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғот ит-турк» идаги мақолга ҳамоҳанглик билдиради. Адиб Аҳмад сўзни касал рух ва дилларга шифо деркан, бунда бадий сўзни, она тилидаги сўзни эътиборга олганига шубҳа йўқ.

Сайфи Саройи бадий сўз қудратини шоирлар истеъдодига боғлайди. Шунинг учун у: *Жаҳон шоирлари, эй гулшани бог,*

Кими булбулдурур сўзда, кими зог, —

дея шоирларни иккига ажратади. *«Сўзда булбул»* бўлганларнинг *«масзуну ширин»* ашърларига таърифу таҳсинлар айтади.

Хоразмий (XIV аср) назарида ўз она тилида пайдо қилинган китоб ажодларнинг авлодларга қолдирган армуғонидир. Шоир *«шакартег тил бида оламини»* тутуши мумкин.

Алишер Навоий сўзга ниҳоятда катта баҳо беради. У:

*Сўзким инсонни жудо айтади ҳайвондин,
Битким, суҳари шарифроқ, йўқ андин, — деб*

таъкидлайди.

Алибнинг фикрича: *Жисм бўстонига нажар сўздур,
Руҳ анжорига самар сўздур.*

Тилнинг намоён бўлиш шакли нутқдир. Нутқ инсон тафаккурининг, унинг яшаш тарзи, урф-одатлари, керак бўлса ахлоқи, маънавиятининг ҳам намоён бўлиш шаклидир.

Инсонлар, одатда ўзларини нутқ орқали намоён қилишади. Олимларнинг кашфиётлари ҳам, шоир ва ёзувчиларнинг ижод дурдоналари ҳам нутқ орқали юзага чиқади. Сўзлашув чоғида, оддий мулоқот жараёнида янги суҳбатдошга унинг нутқи, ўз фикрларини ифодалаш тарзига қараб баҳо берилади. Мазкур ҳолатни кўзда тутиб бўлса керак, XI асрда «Йилқи йидлашу, йалгўқ сўзлашу» деган мақол истеъмолда бўлган. Унинг маъноси «Ҳайвон бир-бириши ҳидлашиб билади, инсон эса ўзаро сўзлашиб бир-бирини англайди» дегани. Бу бежиз эмас.

Кўплаб дикторларга, нотикларга, сўз усталарига кўпчиликнинг ҳавас билан қарашни яхши маълум. Бу борада, айниқса, ўқитувчилар нутқи кўпчилик эътибори ҳамда эътирофида эканлиги ҳам аён ҳақиқат. Шунга қарамай кейинги пайтларда тилимизга бир озгина бепарворок, ўрни-ўрни билан эса лоқайд муносабатларнинг кўзга ташланиб қолаётганини ҳам тан олишимизга тўғри келади. Энг ёмони, ифодали ўқиш, шеър ёдлаш, декламациялар қилиш одатларимиз тобора заифлашиб кетаётгандек тасаввур уйғотади. Ваҳоланки, буюк аждодларимиз бу борада ҳам ибрат ва намуна мактабини яратиб қўйишган эди, жумладан, Алишер Навоий, Амур Темур ҳақида гапириб туриб, «шеър ёзмаса ҳам, шеъни шундай ўқир эдиларки, уларнинг шеър ўқиши кўпчиликнинг шеър ёзганидан кўра яхшироқдир» деб таъкидлаган эди. Алишер Навоий айниқса бадий сўз қудратини жуда аниқ кўрсатиб берди:

Низомий олса Бардаъ бирла Ганжа,

Қадам Рум аҳлига ҳам қилса ранжа.

Чекиб Хусриб доғи тиги забонини,

Коруф фатҳ айласа Ҳиндустонни,
 Яна Жомий Ажамда урса навбат,
 Арабда доғи чолса кўси шавакат,
 Асар бир қавм, гар юз, йўқса мингдур,
 Муайян турк улуси худ минингдур.
 Олибмен тахти фармонига осон,
 Черик чекмай Хитодин то Хуросон.
 Кўнгул бермиш сўзумга турк жон ҳам,
 Не ёлғуз турк, балким туркмон ҳам.
 Не мулк ичраки бир фармон ибордим,
 Анинг забтига бир девон ибордим.

Мухтарам Президентимиз И.А.Каримов жуда ўринли таъкидлаб ўтганларидай: «Маълумки, ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамиякки эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили - бу миллатнинг руҳидир». Сиз билан биз биргаликда бу руҳнинг мангу барҳаётлиги, жонли ва таъсирчанлиги учун қайғуришимиз керак, ҳоло.

R.RASUJOW, S.ADIJOWA,
 I.QUWONDIQOWA,
 TDPU

TIL TA'JIMI METODJARI HAQIDA

Har bir fan kabi tilshunoslik fani ham tarixiy taraqqiyoti davomida lisoniy hodisalarni o'rganishda, tadqiqot obyektni (manbaini) ilmiy tahlil qilib, uning ichki «sirlarini», muayyan jihatlarini ochishda, tabiatini, tarkibini aniqlashda, ilmiy xulosalar chiqarishda muayyan metodlar asosida ish olib boradi. Bu – mutlaqo tabiiy. Chunki metod tadqiqot manbaining (obyektining) biror jihatini, tomonini (qismini, bo'lagini) o'rganish, aniqlash, bilish usulidir. Boshqacha aytganda, tabiat va jamiyat hodisalarining, jarayonlarining mohiyatini bilish, ularning o'ziga xosliklarini, jihatlarini, belgi-xususiyatlarini aniqlash va ular haqida obyektiv ilmiy-falsafiy g'oyalar, umumlashmalar chiqarish faqat muayyan tadqiqot metodlari faolligida, ularni qo'llash orqali amalga oshadi. Demak metod

fanning mavjudligi, uning ajralmas tarkibiy qismi, mantiqiy bo'lagi (komponenti) bo'lgan ilmiylik degan tushunchaga xizmat qiladi. U fan ilmiyligini, fan taraqqiyotini ta'minlaydi, fanning ijtimoiy ongning qudratli bir qismi, turi ekanligini asoslaydi, unga xizmat qiladi.

Aytish mumkinki, har bir fan muayyan ilmiy-nazariy xulosalar chiqarishda, ta'limotlar yaratishda bevosita asos bo'lib xizmat qiluvchi qator faktlar, hodisalarga ega bo'lishidan tashqari u ushbu faktlarni tadqiq va tahlil qiluvchi metodlarga ham ega bo'lishi shart. Demak, har bir fanning mavjudligi, xulosalari, faolligi uning tadqiqot obyekti (manbai), tadqiqot maqsadi va, ayni vaqtda, tadqiqot metodlari bilan belgilanadi, o'lchanadi. Shunday ekan, fandagi ilmiylik prinsipi uchun xizmat qiladigan metod nima? Metod termini nimani anglatadi? nimani ifoda etadi? degan savolning tug'ilishi mantiqiydir, tabiiydir.

Metod etimologik jihatdan grekcha methodos so'zidan olingan bo'lib, "tadqiqot", "o'rganish" degan ma'noni anglatadi. Metod bilish nazariyasiga ko'ra, voqelikka yondashish – tabiat, jamiyat va fikrlash jarayonini – tafakkurni bilish usulidir. Binobarin, metod ushbu falsafiy ma'noda obyektiv voqelikning har qanday hodisa va jarayonlarini bilish, tushuntirish va talqin qilish yo'lidir. Ayni vaqtda metod umumiy – falsafiy ma'noda qo'llanishdan tashqari u tor (xususiy) ma'noda ham qo'llanish imkoniyatiga ega. Bu holda u muayyan fanga oidligi bilan, ayni fanning tadqiqot obyekti (manbaini) tahlil qilish bilan muhim ahamiyatga ega bo'ladi. Demak, metod maxsus, xususiy, sohaviy metod sifatida turlicha fanlarda turlicha bo'lishi bilan ajralib turadi. Boshqacha aytganda, metod umumiy va xususiy, falsafiy va sohaviy ko'rinishlarga egaligi bilan xarakterlanadi. Xullas, metod mohiyatan falsafiy va fanga oid «qurol» sifatida mavjudligi bilan o'zaro dialektik munosabatda, bog'liqlikda bo'ladi.

Falsafiy metod barcha fanlarga xosligi, barcha fanlar uchun umumiyligi bilan nisbiy mustaqillikka, alohidalikka ega bo'lib, u dialektik metod nomi bilan yuritiladi. Mazkur metod muayyan fanning ilmiy-tadqiqot metodidan farqli o'zining keng qamrovligi, barcha fanlar doirasida ish olib borishi bilan alohida muhim ahamiyatga egadir. Prof. H. Ne'matov ta'kidlaganidek,

„...dialektik bilish tadqiq manbai mohiyatiga bosqichma-bosqich uzluksiz chuqurlasha borish, soddaroq (oddiyroq) mohiyatdan murakkabrog'iga qarab siljish demakdir“⁵. Shuningdek, ayni metodning qayd etilgan muhimi, asosiy jihatlari qatorida uning ilmiy izchillik prinsipiga qat'iy amal qilish g'oyasi ham turadi. Aytilganlarga ko'ra, dialektik metod jamiki fanlar uchun metodologiya-metodologik asos vazifasini o'taydi. Boshqacha aytganda, umumfalsafiy metod – dialektik metod maxsus ilmiy metodlarga, ya'ni turli fanlarga oid metodlarga ta'sir qiluvchi umumiy ta'limot bo'lgani uchun uni metodologiya, ya'ni ilmiy tadqiqot usuli bo'lgan metodlar haqidagi ta'limot deb yuritadilar⁶.

Ammo hozirgi kunda (davrda) metodologiya, ilmiy tadqiq metodologiyasi ma'lum bir fanda qo'llaniladigan xilma-xil metodlar, tahlil usullari haqidagi ta'limot emas, balki tadqiqotchining tadqiq manbaini, obyektni qanday tushunishi va unga qanday yondashishi, tadqiqotdan qanday maqsadni ko'zlashi, boshqacha aytganda tadqiqotchining dunyoqarashi nazarda tutiladi⁷. Aniq aytadigan bo'lsak, metodologiya, birinchidan, tadqiqotchining o'z tadqiq manbai haqida qay turdagi bilimlarni hosil qilishga intilishi, bilishning qaysi turi bilan shug'ullanishdir. Ma'lumki, falsafada narsa - o'rganish obyekti haqida tadqiqotchi ikki turdagi bilimlar hosil qilishi mumkin: a) fahmiy (hissiy, empirik...) bilimlar; b) idrokiy (aqliy, mantiqiy, nazariy, teoretik...) bilimlar.

Har bir turdagi bilimni hosil qilish yo'l, vosita va usullari ham, maqsadlari ham boshqa-boshqadir. Ikkinchidan, tadqiqotchining tadqiq manbai narsaga qanday usul bilan yondashishidir. Falsafada narsaga yondashishning ikki usuli bor. Ular: a) metafizik (nominalistik) yondashuv; b) dialektik yondashuv.

Metafizik yondashuvning ham, dialektik yondashuvning ham (narsani metafizik yoki dialektik tushunish va talqin etishning) o'z tamoyillari bor. Tadqiqotchi ilmiy tadqiq jarayonida shu tamoyillarga tayanib tadqiqot olib boradi. Uchinchidan, tadqiqotchining materialistik yoki idealistik

⁵ Hamid Ne'matov. Ilmiy tadqiq metodikasi, metodologiyasi va metodlari.- Buxoro, 2006, 119-bet

⁶ S.Usmonov. Umumiy filshunoslik, 176-bet.

⁷ Qar: H. Ne'matov. O'sha asar, 68-bet.

(ruhoniyl) nuqtayi nazarda turishi va shu nuqtayi nazardan turib ilmiy tadqiqni olib borishidir⁸.

Eslatamiz, har bir metod - xoh u falsafiy (umumiy) metod bo'lsin, xoh u fanga oid (xususiy) metod bo'lsin, har birining ish olib borish, ish yuritish metodikasi, tadqiqot manbaini, obyektini (predmetini) tekshirish usuli bo'ladi. Demak, ilmiy-tadqiqot metodidan muayyan ish olib borish metodikasi farqlanadi. Boshqacha aytganda, metod voqelikni, obyektini (predmetni), hodisayu jarayonlarni - haqiqatni bilish, aniqlash yo'li bo'lsa, metodika shu yo'lni ochish va qurish qurolidir. Metodika olimning amaliy ravishda ishlash sistemasi bo'lib, u faktlarni to'plash, o'rganish, umumlashtirish usullarini nazarda tutadi⁹. Boshqacha aytganda, metodika til va nutq birliklarini umumlashtirish, tahlil qilish, tasnif qilish, kartalashtirish, amalda sinab ko'rish yo'llari bilan maqsadga etishdir¹⁰.

Tilshunoslik fani ham o'zining qator ilmiy-tadqiqot metodlariga ega bo'lib, bu tilning o'ta murakkab ijtimoiy-tarixiy, ijtimoiy-psixik, ijtimoiy-individual, ijtimoiy-fiziologik hodisa ekanligidan kelib chiqadi. Shunga ko'ra tilni tadqiq qiluvchi lisoniy tadqiqot metodlari ham turli-tumanligi bilan ajralib turadi.

Ayni vaqtda metodlar qanday, qanaqa metod bo'lishidan, qachon yaratilgan yoki qachon yaratilishidan, miqdoriy belgilaridan, tuzilishidan qat'iy nazar ularning barchasi bir maqsadga (strategiyaga) ya'ni lisoniy hodisalarning mohiyatini, yashirin imkoniyatlarini, "sirlarini" ochish, aniqlash, topish va shu asosda ilmiy - nazariy, falsafiy xulosalar chiqarishga qaratilgan. Lisoniy tadqiqot metodlari obyektning xarakteridan, tadqiqot maqsadi va tilshunos tomonidan tanlangan tadqiqot aspektidan kelib chiqqan holda nafaqat turlicha bo'ladi, balki, vazifasiga ko'ra, lisoniy materialning tadqiq qilish jihatiga qarab, o'zgarib turadi. Masalan, notanish tillardan matnlarni «ochish»da qo'llanuvchi alohida metodlar, til tovushlarining fonetik xususiyatlarini o'rganuvchi maxsus metodlar, dala amaliyotida til materiallarini yig'uvchi metodlar, lisoniy

⁸ H. Ne'matov. O'sha asar, 68-69 betlar.

⁹ S. Usmanov. O'sha asar, o'sha bet

¹⁰ A. Sherimatov, B. Choriyev. «Umumiy tilshunoslik» kursidan mustaqil ishlar. T., 1989, 70-bet.

sosiologik (lingvososiologik) metodlar va b. Demak, tilning har bir jihatini, tomonlarini, xususiyatlarini uning butun murakkabligi bilan tekshirishda turlicha metodlarning bo'lishi, faollik ko'rsatishi mutlaqo tabiiy, nafaqat tabiiy, balki mutlaqo zaruriy, qonuniy holdir.

Shu o'rinda prof. H. Ne'matovning quyidagi fikrini keltirishni lozim topdik: "...tadqiq metodlari ham fan tarixida bir-birini almashtirib turadi. Bir metod asosida ochilgan qonuniyatlar boshqa bir metoddan aniqlangan hukmlarni rad va inkor etgan hollarda ham bunday inkorni to'g'ri – dialektik tushunmoq lozim – bu qat'iy, mutlaq inkor emas, balki nisbiy, dialektik inkor – inkorning inkori, narsa mohiyatiga chuqurlasha borishning bir bosqichidir xolos. Buni bir oddiy hayotiy misol bilan tushuntirishga intilaman. Tilning turli qirralari haqida turli usullar (metodlar) bilan hosil qilingan bilimlar va ochilgan qonuniyatlar bir katta binoning old, orqa, yon, ust tomonlaridan olingan suratlari bilan qiyoslanishi mumkin. Bu fotosuratlar bir-biriga mutlaqo o'xshamasa-da, ularning barchasi bitta zotda – bir binoning shaklida birlashadi; bu fotosuratlar bir-birini to'ldirib, bino shakli haqida bilimlarimizning mukammal bo'lishiga xizmat qiladi. Binoning to'rt tomonidan suratini chizgan olimlarning birortasi ham xato yoki noto'g'ri ish qilmagan. Xatoga binoning bir tomonidan olingan tasvirini (tilning bir qirradi haqida ma'lum bir metod bilan o'rganiladigan qonuniyatni) binoning o'zi bilan tenglashtirishdadir – kim bunga yo'l qo'ygan bo'lsa, albatta, xato qilgan bo'ladi"¹¹.

**Р.НИЁЗМЕТОВА,
ТДПУ**

ЎЗБЕК ТИЛИ ДАРСЛАРИДА МАТН УСТИДА ИШЛАШ

Асарни ўқиш, таҳлил қилиш тўғрисида гап кетганда, бажариладиган иш турларини қуйидаги босқичларга монанд ажратиш мақбул саналади:

- 1) асарни ўқишдан олдин бажариладиган иш турлари;
- 2) асар устида ишлан жараёни билан боғлиқ ишлар;

¹¹ H. Ne'matov . O'zini ayt. 119-bet.

3) асар ўқиб бўлингандан кейин бажариладиган иш турлари.

Асарни ўқиндан олдин бажариладиган иш турлари сирасига дўхат ишн, грамматик материалларни ўрганиш, ўқитувчининг кириш сўзи киради.

Ўзбек тили дарсларида бевосита матн устидаги ишлар ўқиндан бошланади. Табнийки, бадний асарни ўқини ўқитувчининг ўзи ёки тили амалий биладиган, яхши ўзлаштирадиган, ифодали ўқини кўлидан келадиган ўқувчилардан бири бошлаб беради. Умуман, русийзабон болаларни ўқинига ўргатиш масалалари методик адабиётларда киман бўлса-да ёритилган. Шунга кўра, биз ўзбек тили дарсларида ўқинига ўргатиш масалаларини четлаган холда бевосита адабий материални ўқини муаммоларига тўхталамиз.

Асар устида ишлаш жараёни билан боғлиқ ишлар матнни ўқиндан бошланади. Бадний асар ёки ундан олинган парча ўқилади. Бунда ўқувчи (талаба)ларнинг талаффузига, ўқини тезлигига алоҳида эътибор берилади. Сўзларни, сўз бирикмаларини алоҳида ифода, оҳанг билан ўқини суръатнинг пасайишига сабаб бўлади. Лекин кўрсатилган инқдордан ҳам секинроқ ўқини матидаги лексик ва грамматик материалларнинг яхши ўзлаштирилмаганлигидан, айрим гаплар мазмуни тушунилмаганлигидан далолат беради.

Матиларда маъносини изохсиз англаш қийин бўлган лингвистик ва экстралингвистик жиҳатлар учраб туради. Чувои:

1. Тарихий шахслар, касб-хунарлар, лавозимларни билдирувчи сўзлар кўпроқ тарихий асарларда учрайди. Масалан, Абдулла Қахдорнинг "Ўғри" ҳикоясида элликбоши, пристав ва бошқалар. Бундай асарларда қуйидаги каби гаплар учрайди: *Сен пири қомилсан, мен сенга муҳиб.*

2. Ўтмиш буюм ва турар-жойлари билан боғлиқ сўзлар сўз бирикмалари: *човгун, толма-том ўтиб* каби.

3. Ғайриоддий сўз ишлатишлар: *патнис тузаш, омонатга ўхшамок, кўрна-тўшак қилиб ётиб қолмок. Бир овиздан, гул-гул яшнамок, ишдан бошимиз чиқмайди.*

4. Ўзбек ва рус тилларида фарқли сўз ишлатишлар: *омонатга ўхшашмоқ, бир бало бўлиб қолмоқ* каби.

5. Ўзбек халқига хос миллий удумлар: *Энгизини қим беклайди? Таомилда қанча бўлса, шунча тўланг. ...келину кўёвларини ўртага қўйиб. Марҳумга фотиҳа ўқиди. Беш кунлигим борми, йўқми? Тасаддуқ қилмоқ.*

6. Ўзбек тилига хос ушдалмалар: *чирогим, тайлогим, бўтам, ўргилтай.*

7. Ўзбекона тасвирий ифодалар: *юзи нақш олмадек, ҳурилиқо қизлар* каби.

Юқоридаги лингвистик ва экстралингвистик омиллар адабий матн мазмунини тушунишда катта қийинчиликлар туғдиради. Бу каби қийинчиликлар ва уларни бартараф этиш йўллари айрим методик адабиётларда¹ атрофлича ёритилган. Асар ўқиб бўлинганидан кейин бажариладиган иш турларига суҳбат (саволларга жавоб), матн мазмунини қайта ҳикоя қилиш, таҳлил қилиш, парчага доир режа тузиш, образларга қиёсий тавсиф бериш, асарнинг тили устида олиб бориладиган ишлар, парча устидаги ишлар якунида ўқитувчининг сўзи киради.

Баъзан ўқувчиларга асарни уйда ўқиб келиш топирилади. Лекин дарсда уни ўқиш ишлари қайта бошдан ташкил этилади. Бу нарса болаларни ажаблантириши мумкин. Шунинг учун ўқитувчи қайта ўқиш жараёнида асар мазмун-моҳиятини чуқурроқ ўрганиш имконияти борлигига болаларни ишонтириши, қизиқтириши керак бўлади. Агар ўқувчилар асарни уйда ўқиб келган бўлишса, уни яна нима учун қайтадан ўқиш ва таҳлил қилиш кераклигига ажабланишлари мумкин. «Бу ўринда ўқитувчи ўқувчиларга асар ўзида жуда ҳам кўп сир-синоатлар ва жумбоқларни яшириб ётишини кўрсата билиши керакки, улар ўқилганлар ҳақида ўйлай бошлагандагина маълум бўлар экан, деган тушунча ҳосил қилишлари лозим. Фақат қайта ўқигандагина (Белинский уни «чинакам завқ олиш» деб

¹ Кулибина Н.В. Методика лингвострановедческой работы над аудиторией. — Москва: Русский язык, 1917. — 142 с.

атаган) асар ўзининг бойликларини шундай мукофотга
лойиқ китобхонга бус-бутун, тўлиқлигича очиб беради»².

«Ифодали сўзлаш ва ўқиш малакаси бошланғич таълим
мобайнида шаклланади. Бундай сўзлаш ва ўқишга ўрганиш
учун жонли сўзлашув нутқи асос қилиб олинади. Маълумки,
нутқда сўзловчининг ўйлаб қўйган фикри акс этади ва ў
фикрлари шакллантирилади, ўқишда эса муаллиф (ёзувчи,
шоир) томонидан тузилган «бегона» матн етказилади,
бинобарин, асарни ифодали ўқишдан аввал уни олдиндан
ўрганиб чиқиш, мазмунини (ёзувчининг гоёси ва ўйлаб
қўйганини) тушуниш, фақат шундан кейингина уни
тингловчига тақдим этиш, бунда матнни шундай талаффуз
қилиш керакки, у тингловчига етиб борсин ва унга эстетик
таъсир кўрсатсин»³.

Ифодали ўқиш билан махсус шуғулланган
мутахассислар унинг эстетик таъсир кўзгаш⁴,
тасвирланаётган образдаги рухий ҳолатни кўрсата олиш
имкони⁵ каби жиҳатларига ҳам эътибор беришган. Насрий
асарда ифодалилиқ овоз даражаси ва турига ҳам боғлиқ.
Овозни салгина (тасвир талабига мослаб) ўзгартириб ўқиш
хам таъсирчанлигининг қўшимча воситаси сифатида намоён
бўлади. Бу матидаги тағзаминининг аниқланишига асос
яратади. Асарни турли оҳангда ўқишга уни ролларга бўлиб
ўқишни ташкил этиш орқали эришиш мумкин. Эпик,
драматик асарларни ролларга бўлиб ўқишнинг моҳияти
шунда яққол кўринади. Пьесани овоз чиқариб ўқиш
драматик характерлар ва драматик характернинг
мураккаблиги, ҳаётий ҳаққонийлигини кўрсатмали тарзда
намоёниш этувчи таҳлилнинг биринчи ва зарурий босқичи
саналадики, бусиз ўқувчиларни муаллифнинг асосий

² Г.И.Игнатьев Р.В. Ученик и учитель на уроке литературы (К проблеме психологического обоснования методики преподавания литературы) // Восприятие учащимися литературного произведения и методики мисольного анализа: Пособие для учителей. Под ред. Проф. А.М.Долусова. - Москва: Просвещение, 1974. - С. 68.

³ Горбушина Л.А. Обучение выразительному чтению младших школьников: Пособие для учителя. - Москва: Просвещение, 1981. - 3 с.

⁴ Горбушина Л.А. Обучение выразительному чтению младших школьников: Пособие для учителя. - Москва: Просвещение, 1981. - 3 с.

⁵ Зинилов А. Базовый асар таҳлили методикаси: Адабиёт ўқитувчилари учун қўлланма. - Тошкент, Ўқитувчи, 1989. - 12 б.

гоясини тушуниш, зиддиятни англашга, махсус китобхонлик малакаларини эгаллашга олиб келиш мумкин эмас.

Дастлабки ўқишдан кейинрок ўқувчиларнинг парча мазмунини тушунган-тушунмаганлиги сезилади. Бунга аниқ жавоб олиш учун уларга матн мазмунини сўзлатиш, қисқача рус тилида ифодалатиш каби ишлар бажарилади, болалардан қайси сўзлар, сўз бирикмалари нотаниш эканлиги сўралади. Матн мазмунини тушунишда, тағзаминини англашда қийинчилик сезилса, у ҳолда изоҳли (шарҳлаб) ўқиш усули қўлланади.

Методик адабиётларда таъкидланишича “асарни дастлабки ўқиш жараёнида лексик шарҳлар ниҳоятда қисқа бўлиши керак”⁶. Талабалар бадний нутқ оқимидан нотаниш сўзнинг изоҳини бадний идрокка зиён етказмасдан илғаб олишлари лозим. Китобда коннотатив изоҳ ҳам тилга олинади. Бундай изоҳ сўзнинг қўшимча бадний маъносини очишдан иборат бўлади. Ўқитувчи айрим сўзларни матнни ифодали ўқиш жараёнида алоҳида урғу билан ажратади. Агар дарсликда берилган луғатдаги таржима сўзнинг қўшимча маъносини тушуниш учун етарли бўлса, катта бўлмаган тўхтам талабаларнинг ушбу сўзни луғатдан кўриб олиши учун кифоя қилади. Бундан ҳам секинлашиш қизиқишнинг пасайишига олиб келиши мумкин.

Аслида яхши асар қизиқишни барқарор ушлаб туради. “Яхши асар” тушунчаси эса ҳаммада бир хил эмас. Бу ўқувчиларнинг умумий адабий тайёргарлиги, синф анъанаси, алоҳида олинган ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятлари, ўқитувчи маҳорати каби омиллар билан уйғун ҳолда баҳоланадиган ҳодисадир. Мазмуни, баднийлиги ёккан асардан парча ўқилгач, уни охиригача ўқиб чиқиш нистаги пайдо бўлади. Ана шу нистак китобхонга куч бағишлайди.

Рағбатлантирувчи саволлар бериш, муҳокама вақтида янги ахборот билан таништириш; жавобга, баҳога, умумлаштиришга ундаш; ўқув фанига бўлган жонли қизиқиш сақлаб турилади, юқори фаолликка эришилади.

⁶ Практикум по методике преподавания русской литературы в национальной школе. Под ред. З.С.Смелковой. Изд. 2-е, исправл. и доп. – Л.: Просвещение. Ленинградское отделение, 1987. – 46 с.

БАДИИЙ АСАР МАТНИ УСТИДА ИШЛАШ ТАЖРИБАСИДАН

Дарс мақсади:

1. Таълимий: Талабаларнинг матн устида ишлаш ҳақидаги билим ва малакаларини такомиллаштириш, матн устида ишлаш усуллари ҳақида янги билим, малака ва кўникма ҳосил қилиш.

2. Тарбиявий: талабаларни ватанпарварлик, миллий истиқлол ғояларига содиқлик, адабиётга, қадриятларимизга чексиз муҳаббат руҳида тарбиялаш.

3. Ривожлантирувчи: Талабаларнинг мустақил фикр юритиш, мантикий мушоҳада қилиш ва хулоса чиқаришга ўргатиш.

Дарс услуби: Ноанъанавий (гуруҳларда ишлаш, кластер технологиясидан фойдаланиш).

Дарс жиҳози: “Адабиёт ўқитиш методикаси” дарслиги, тарқатма материаллар.

Дарснинг бориши:

Ташкилий қисм.

1. Саломлашиш.

2. Давоматни аниқлаш.

3. Гуруҳнинг дарсга тайёргарлигини текшириш.

4. Ўтилган мавзунини такрорлаш.

Ўтилган мавзу бўйича талабаларга карточкалар тарқатилади.

1. Педагогик технологиялар нима?

2. Педагогик технология иштирокчилари фаолиятидаги асосий жараёнларни айтиб беринг.

3. Юнеско Халқаро жамиятининг педагогик технологияга берган таърифини айтинг.

4. Педагогик технология В.П. Беспалько таърифи?

5. Услуб нима?

6. Метод нима?

Ўтган дарсда талабаларга умумтаълим мактабларининг 9-синф “Адабиёт” дарслиги бўйича 1 соатлик қўндалик дарс

режасини ёзиб келини топирилиши эди. Талабалар ўлари томонидан тайёрланган дарс режасини тақдим этади. Бошқа талабалар дарс режасининг ютуқ ва камчиликлари ҳақида фикр – мулоҳазаларни билдирадилар. Ўқитувчи жавобларини умумлаштиради, ҳулосалайди.

Адабиётни ўрганишда йиллик режа, мавзувий режа, кундалик дарс режасидан фойдаланилади. Йиллик режа дастур ва дарслик асосида тузилиб, малака ошириш инстиутлари орқали тарқатилади. Мазкур режа асосида ярим йиллик ва чораклик режалар ўқитувчилар метод бирлашмаси томонидан ёки алоҳида ўқитувчи томонидан тузилади. Ушбу режаларга ижодий методик ўзгаришлар киритилиши мумкин.

Бир соатлик дарс режасини ҳар бир ўқитувчиларнинг ички ва ташқи имкониятлари, нутқий кўникма ва малакаларини ҳисобга олган ҳолда тузилиши лозим. Барча ҳолларда ҳам режа тузишда ДТС талаблари ҳисобга олинади. Масалан:


Янги мавзу режаси:

1.Матн ҳақида маълумот.

2.Матн билан ишлаш усуллари.

Матн маълум воқеалик ҳақида тасаввур берадиган нутқий бутунликдан иборат. Матн оғзаки ва ёзма нутққа хос бўлишидан ташқари икки хил кўринишда бўлади: а) диалогик; б) тавсифий. Диалогик матн икки ёки ундан ортиқ суҳбатдошнинг турлича мазмундаги фикр – ахборот алмашуvidан иборат.Тавсифий матн сўзловчи ёки ёзувчи томонидан баён этилган воқеа ҳодиса, нарсa ёки шахс тасвири, тавсифи ёхуд хабар, маълумот баёнидир. Маълум воқеа – ҳодисаларга, нарсa ва шаклларга оид фикр – мулоҳаза билдириш, уларни бадий – тасвирий воиталар ёки далиллар билан таърифлаш, изоҳлаш, исботлаш, асшлаш тавсифий матнга хос хусусиятлардандир.Тавсифий матн илмий, публицистик, расмий – идоравий, шунингдек, бадий услубга хосдир. Шу ўринда “Тармоқлар” (Кластер) методидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бу метод талабаларни мавзуга таалуқли тушунича ёки аниқ фикрни

эркин ва очик равишда кетма – кетлик билан узвий боғлаган ҳолда тармоқларни а ўргатади. Қалли сўз “Матн”дир.



Матн ҳажм жиҳатидан қисқа ва жуда кенг бўлиши мумкин. Тадқиқотчилар матн атамаси икки хил бирликларни номлаш учун ишлатилишини қайд этадилар:

1. Матн дейилганда, тугал мазмунга эга бўлган бир ёки undan ortiq gaplardan tuzilgan ifoda;

2. Қисса, роман, газета ёки журнал мақоласи, илмий монография ҳар хил турдаги хужжатлар ва шу каби нутқий асарлар мазмуни.

Матн туза олиш ўқувчи – талабани ҳар томонлама ривожланган, маънавий егук. Мулоҳазаси ва дунёқараши ўқтам, комил инсон сифатида етишиншига маълум даражада хисса қўшади. Адабиёт дарсларида матн устида ишлаш ўқувчи – талабаларни ўз фикрларини мантиқан тўғри баён қилиш фаолиятига тайёрлайди. Бу ишда тадрижийлик бўлиши учун қуйидагиларга эътибор бериш керак:

- тайёр матнни ўқитиш ва ўқувчининг тушунчасини аниқлаш;

- матннинг шахсини, мазмунини ўзгартириб қисқартириб ёки бирот кенгайтириб сўзлаб бериш;

- расмга қараб матн туза олиш;
- катра ёзиш;

Матнни кенгайтириш қуйидагича амалга оширилади:

- матн мазмунини мақол, матал, ҳикматли сўзлар билан бойитиш;

- содда гапни қўшма гапга, қўшма гапни алоҳида содда гапга ажратиш;

- матннинг кириш, хулоса қисмларини ўз қарашлари, мулоҳазалари билан бойитиш;

Матини қисқартириш эса қуйидаги йўлла билан амалга оширилади:

- матннинг асосий фикрини ифодаловчи гапларни ажрата олиш;

- матинни қисқа мазмунли таркибий қисмларга ажратиш;

Шундан сўнг талабалар билан матн устида иш олиб борилади.

Талабалар қуйидаги топшириқларни бажарадилар:

1. Матнга сарлавҳа топинг.

2. Матннинг режасини тузинг.

3. Матини қисқартиринг.

4. Матн юзасидан ўз фикрингизни билдиринг.

Дарсни яқунлаш.

1. Уйга вазифа: "Мен севган адабий қаҳрамон" мавзусида матн тузиш.

2. Дарсни яқунлаш ва баҳолаш.

Х. МУҲИДДИНОВА,
ЎзДЖТУ

ЎЗБЕК ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ИНДИВИДУАЛ ИМКОНияТЛАРИНИ ЭЪТИБОРГА ОЛИШ

Кейинги йилларда хорижий тиллар таълимига коммуникатив-нутқий тамойилнинг кенг татбиқ этилиши рус гуруҳларида ўзбек тилини ўқитишда ҳам нутқий мавзуларнинг етакчи ўринни эгаллашига олиб келди. Бошқа бир тилни ўргатишда грамматик билимлар аввало нутқий мақсадларни амалга оширишга хизмат қилиши керак, аммо бу грамматик маълумотлар нутқий мавзуга қараб

таълимнинг керак дегани эмас. Грамматик маълумотларни беришда ҳам ички мазмуний изчиллик ва синфлараро ушуксизликнинг таъминланиши, дидактиканинг олдийдан мураккабга, номаълумдан маълумга тамойилига амал қилиниши зарур.

Маълумки, тилга ўргатишда ўтилганларни мустаҳкамлаш янги билимларни қўшиб ўрганиб бориш орқали амалга оширилади. Бунинг учун кийин орфограммаларни ажратиш, улар устида муайян изчилликда ва мазмуний узвийликда иш олиб бориш тақозо этилади. Хусусан, русийзабон ўқувчиларнинг муайян нуткий вазиятларда ўзбек тилини лексик-грамматик воситалардан қайсыларни қўллай олиш-олмасликларини, нисмаларни биллишлари ёки билмасликларини ҳисобга олиш, грамматик материалнинг она тили дарсларида ўтилган-ўтилмаганилиги, ўқувчиларнинг қайси грамматик воситаларни осон ўзлаштиришлари, уларни нутқда қўллашда қандай қийинчиликлар мавжудлиги, қайси грамматик воситалар юзасидан фақат талаффуз ва имло билан боғлиқ қоидалар бериш зарурлиги, қайси грамматик воситалар фақат ўзбек тилига хослиги ёки қўлланишида ўқувчиларнинг она тилига нисбатан таффовут борлиги, шунинг учун уларни янги тил ходисалари сифатида бир бошдан ўргатиш кераклиги, қайси грамматик воситалар икки тилда фарқли қўлланиш хусусиятига эга эканлиги, ўқувчилар грамматик маълумотларга доир қайси қиёсий маълумотларни биллишлари кераклиги каби масалалар ҳар бир синф босқичида ўқувчиларнинг ёш хусусияти ва билим даражаси, шунингдек, тилга оид имкониятлари эътиборга олинган ҳолда ўрганиб чиқилиши мақсадга мувофиқ.

Бу ўринда яна бир муҳим ҳолатга ҳам эътибор қаратиш керак деб ўйлаймиз. Ҳозирги кунда республикамиздаги таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда таълим олувчиларнинг асосий кўпчилигини туркий тиллар вакиллари, тожик мактаблари ўқувчиларининг кўпчилиги эса икки тилли: ҳам тожик, ҳам ўзбек тилини билувчилар рус мактабларида таълим олувчиларнинг кўпчилигини эса ўзбек миллатига мансуб оналарининг фарзандлари ташкил

этади. Ўтказилган кўп сонли сўровномалар, синфлардаги ўқувчиларнинг миллий таркиби бўйича олинган маълумотномалар ҳам буни тасдиқлайди.

Жумладан, 2006-2007 ўқув йилида РТМ томонидан ўтказилган тажриба-синов жараёнида Тошкент шаҳри Мирзо Улугбек туманидаги таълим рус тилида олиб бориладиган 221-мактабнинг 6-синфида ўқувчиларнинг миллий таркиби қуйидагича эъканлиги аниқланган эди: 6 - А назорат синфида 15 та ўқувчи бўлиб, миллати таркиби бўйича 5та ўзбек (38%), 5 та рус (38%), 1 та югослав (8%), 1 та татар (8%), 1 та корейс (8%), 2 та озарбайжон (8%) миллатларига мансуб ўқувчилар ўқийдилар. 6-Б тажриба синфида ҳам 16 та ўқувчи бўлиб, миллий таркиби бўйича ўзбеклар 3 та (42%), руслар 5 та (42%), озарбайжон 2 та (10%), арман 2 та (10%), татар 1та (8%), корейслар 2та (10%), афгон 1 та (8%).

2009 йил апрель ойида Тошкент шаҳри Шайхонтохур туманидаги 180-мактабдан олинган маълумотда эса қуйидаги кўрсаткичлар қайд қилинган:

5-Б синфида 36 ўқувчидан 31 таси ўзбек, 3 таси рус, 2 таси татар миллатига мансуб; 6-А синфида 35 ўқувчидан 25 таси ўзбек, 5 таси татар, 3 таси рус, 2 таси корейс миллатига мансуб; 7-Б синфида 36 ўқувчидан 27 таси ўзбек, 4 таси татар, 5 таси рус миллатига мансуб; 8-Б синфида 34 ўқувчидан 18 таси ўзбек, 6 таси татар, 10 таси рус миллатига мансуб; 9-Б синфида 23 ўқувчидан 13 таси ўзбек, 5 таси татар, 5 таси рус миллатига мансуб. Агар 6-синф ўқувчиларининг 5-синфдан 1 йил олдин, 7-синфнинг 2 йил, 8-9-синфларнинг 3-4 йил аввал мактабга қабул қилингани эътиборга олинса, таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларда йилдан йилга ўзбек миллатига мансуб ўқувчиларнинг кўпайиб бораётгани яққол кўринади.

Демак, таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар ва рус гуруҳлари учун ўзбек тилидан ўқув дастурлари ва дарсликлари русийзабон синфлар ва гуруҳларда таянч тил билимлари турлича бўлган ўқувчилар мавжудлиги, яъни ушбу синфларда ўзбек миллатига мансуб ва ўзбек тилини яхши билладиган ўқувчилар ҳам таълим олиши назарда тутилган ҳолда тузилиши керак. Акс ҳолда, биз таълим

мазмунининг ўсиб боришига, яъни таълим самарадорлигига эриша олмаймиз.

Шунинг ҳам қайт қилиб ўтгани керакки, республикада яшовчи турли миллат вакиллари ўзбекча ва туркий тил билан халқ орасида туғилиб-вояга етганликлари сабабли ўларнинг кўпчилиги ўзбек тилини яхши тушунадилар, айни пайтда ўзбек тилини деярли билмайдиган ўқувчилар ҳам йўқ эмас. Шу боис ўзбек тили таълимини айнан хорижий тилларни ўқитиш методикаси асосида ташкил қилиш мақсади мувофиқ кўринмайди. Хусусан, таълим рус тилида олиб бориладиган умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини ўзбек тилини билиш даражаларига кўра қуйндагича дифференциялаш мумкин:

- ўзбек тилини мутлақо билмайдиган ўқувчилар;
- ўзбек тилини тушунадиган, бироқ оғзаки гапиролмайдиган ўқувчилар;
- миллати ўзбек, ammo ўзбек тилини билмайдиган ўқувчилар;
- ўзбек тилини яхши биладиган ўқувчилар.

Кўриниб турибдики, бир синфда ўқийдиган ўқувчиларнинг тил билимлари турли даражада. Таълим рус тилида олиб бориладиган гуруҳларда таълим олаётган ўқувчилар контингентининг ҳар хиллиги дарс жараёнида тил билими турли даражадаги ўқувчилар билан ишлашни тақозо этади. Ушбу вазият ўзбек тили таълимида анчагина кийинчилик, мураккаблик ҳосил қилади ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида» кўрсатиб ўтилган табақалаштирилган, дифференциялашган таълимни жорий қилиш, ўқувчиларга индивидуал ёндашиш заруриятини келтириб чиқармоқда. Ҳозирги кунда таълим тизими олдинги кўйилган асосий вазифалардан бири ҳам ҳар бир ўқувчига ички имконияти, қобилияти ва индивидуал-психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ёндашиш ва ўқувчининг ҳар бир даражада ўз имконияти даражасида мустақил равишда ҳаракат қилиб билим олиши ва нутқий қўникма, малакалар ҳосил қилишига, ички имкониятларини юзига чиқаришига ёрдам беришдан иборат.

Умумий ўрта таълим мактаблари учун ёзилаётган дарсликларда ўқувчиларнинг тил хусусиятларини ҳам эътиборга олган ҳолда такомиллаштириш, яъни туркий тили мактаблар учун кучлироқ, ўзбек тилини лингвистик тасмийида чуқур ва кенг ўргатишга мўлжалланган алоҳида "Ўзбек тили" дарсликлари яратилиши ҳамда таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар, таълим қардош тилларда ва тожик тилида олиб бориладиган мактаблар учун ўзбек тилидан бериладиган лексик-грамматик материалларни ўқувчиларнинг тил хусусиятлари эътиборга олинган ҳолда тақсимлаш керак деб ўйлаймиз.

Ҳар бир ўқувчига индивидуал муносабатда бўлиш учун, назаримизда, ўзбек тили дарсликларидаги машқларнинг миқдори ҳам кўпроқ ва даражаси ҳам турлича бўлиши керак, токи ўқитувчи дарсликдан синфдаги кучли ўқувчи учун ҳам, кучсиз ўқувчи учун ҳам ўз билими ва иқтидорига яраша машқ ва топшириқлар бера олсин. Шундагина дарс жараёнида барча ўқувчиларни тўлиқ банд қилиш, уларни зериктирмаслик, янги билим ва малакалар олиши учун шарт-шароит яратиш мумкин. Бунинг учун дарсликларимиздаги машқлар тизимида айнан шу жиҳатлар эътиборга олиниши, дарслик ҳажми кўтармаган ҳолларда қўшимча қўлланмалар яратилиши зарур. Демак, ўзбек тили дарсларида ўқувчиларнинг тил билими бўйича индивидуал имкониятларини эътиборга олиш ўзбек тили таълимида самарадорликка эришишнинг муҳим омилларидан биридир.

Н.САЙИДОВА,

Вобкент тумани КХК

МАКТАБЛАРДА ПЕДАГОГИК ЖАРАЁННИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ТОМОНЛАРИ

Таълим тизимида узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш – Кадрлар тайёрлаш миллий Дастурининг бош вазифасидир. Дастурининг узлуксиз таълимга бегушланган 3.3 - бўлимида ва "Таълим тўғрисида"ги Қонуннинг 12-моддасида бошланғич ва ўрта таълимга алоҳида аҳамият берилади.

Мактабда нисланиш тажрибалари тахлилининг кўрсатишича, педагогик жараёни лойиҳалашда икки асосий омил: вақтни тўғри тақсимлаш ва режа асосидаги мавзунинг ёритишда ўқувчилар ёши ва билим савиясини ҳисобга олинади. Ўқув жараёнига ажратилган вақтга мувофиқ танқид этишда таълим мазмуни ва унинг ўқувчилар томонидан қабул қилиниш даражасининг ўзаро мослиги дастлабки ўрнида туради. Шу сабаб, вазиятнинг мураккаблиги, ўқув фани асоаларини ўзлаштиришдаги қийинчиликларни бартараф этиш йўллари аввалдан аниқлаб олинishi шарт.

Мактаб ёшида ўқувчи айрим фанларга нисбатан кизиқувчан, айримларига эса аксинча, бефарқлик қилади. Бу эса ўқитувчининг педагогик жараёни лойиҳалашда алоҳида аҳамият беришини талаб этади. Ўқувчилар ўзлаштирган билим ва кўникмаларини ривожлантиришда ўқув – билув жараёнини эркинлаштирган ҳолда ўқувчи шахсига йўналтириш, таълимда кўпхадли микромайдонларни ташкил этиш, ўқувчи шахсига индивидуал ёндошиш, унинг мустақил таълим йўналишига эга бўлишига кўмаклашиш, ўқув фанларини интеграциялаш, ўқувчининг шахсий қобилиятига дифференциал ёндошиш, унинг лойиҳачилик, кун тартибини тўғри ташкил эта олиш қобилиятини шакллантириб, ривожлантириб бориш орқалигина эришиш мумкин. Мактабда педагогик жараён қисқа вақт ичида серкирра меҳнат қилиш, турли инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиб дарс ўтиш демакдир.

Ижтимоий тараққиётнинг турли босқичларида таълим жараёнини самарали ташкил этиш, унинг изчиллиги ва ва узлуқсизлиги таъминлашга эришиш масалалари етук мутафаккирлар ҳамда илғор педагогларнинг диққат-эътиборини жалб этиб келган. Ёш авлод таълим-тарбиясини ташкил этишнинг бу томонлари Алишер Навоий, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улугбек, Ян Амос Коменский ва бошқалар томонидан кенг ўрганилган.

Таълим жараёнининг мақсадга мувофиқ, самарали ташкил этилиши ўқув манбалари (ўқув дастури, йиллик

режаси, ўқув адабиётлари) савияси, ҳамда педагогнинг билим даражаси ва педагогик маҳоратига бевосита боғлиқдир. Ўқув материалларини ўрганиш жараёнида турли янги педагогик технологиялар асосида ақлий операцияларни бажариш натижасида, бир томондан ўқувчи билими тараққий топади, иккинчидан унинг аналитик-синтетик фаолияти шаклланади. Шу туфайли руҳшуносларимиз ўқув материалларининг мазмунига ўқувчининг "психик фаолиятини тараққий эттиришнинг мазмуни" деб ҳам қарайдилар.

Педагогик жараён доимо инсон камолоти учун хизмат қилгани боис у инсон руҳияти, психологияси билан ҳамбарчас боғлиқ.

М.МИРМАҲСУДОВА,

Ж.САМИГОВА,

ТЎМИ академлицейи

ОНА ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ГРАММАТИК АТАМАЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Умумий ўрта таълим мактабларида ўқув самарадорлигини оширишнинг энг асосий омили — ўзлаштирилган билимни ўқувчи ўз билим даражаси билан анализ ва синтез қила олишида кўринади. Она тили дарсларида грамматик (морфологик ва синтактик) атамаларни қориштириб юбормай ўзлаштиришнинг бош омили грамматик таҳлил ҳисобланади. Грамматик билимларни ўзлаштириш натижасида ўқувчиларда грамматик тушунча ҳосил бўлади. Ҳосил бўлган грамматик тушунча бундан кейин ўрганиладиган грамматик билимларни ўзлаштириш учун, ўзлаштирилган грамматик билим янги тушунчалар ҳосил қилиш учун асос бўлади.

Педагогикада қарор топган, кўп томонлама назарий, методологик, амалий, тарихий жиҳатлардан инъикосини топган тушунча терминга айланади. Биринчи бор пайдо бўлган ва етарлича чуқур асосланмаган, очиб берилмаган ва ҳозирча кенг тарқалмаган янги тушунчалар тушунчалигича қолиб кетаверади. .

Таълим натижаси ва амалиётида билимларни ўзлаштиришнинг уч даражаси ажратилади:

1. Англаб юроқ қилинган ва хотирада қайдланган, мустахкамланган билимлар даражаси.

2. Билимларни бир-бирига ўхшаш шароитларда, намуна бўйича қўллашга тайёргарлик даражаси.

3. Уларни янги, қутилмаган вазиятларда ижодий таъбиқ этишга ҳозирлик даражаси.

Ўзлаштирилган грамматик терминларни ақлий фаолият усулларида: анализ, синтез, таққослаш, тасниф қилиш, абстракциялаш, умумлаштириш, тизимга солиш, эса олиб қилиш орқали нутқда фаоллаштириш мумкин.

Бу ҳолат отларнинг синтактик вазифаси (эга, кесим, аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол бўлиб кела олиши)да содир бўлиши мумкинлигини кўриб чиқамиз:

1. Ўзбекистон – келажаги буюк давлат.
2. Она юртим – гузал Ўзбекистон
3. Ўзбекистоннинг иқлими тўрт фаслга хос.
4. Чет эллик меҳмонлар Ўзбекистонни, унинг халқини ҳурмат билан тилга оладилар.
5. Дунёдаги турли хил миллат вакиллари Ўзбекистонда аҳил, иноқ, яшашади.

Рухшунос олим С.Л.Рубинштейн ҳам она тили таълимида онгли тафаккур маҳсули(тушунча, ҳукм ва ҳулоса чиқариш)нинг таркиб топиши ва ривожланиши тўғрисида умумлаштиришнинг уч тури мавжудлигини таъкидлайди: эмпирик, назарий ва дедуктив умумлаштиришлар. Бу умумлаштиришлар ёрдамида нш тутилса, С.Л.Рубинштейн мулоҳазасига кўра топширик, ё аста-секин (эмпирик), ёки бирданига (назарий) ҳал қилиниши мумкин. Ақлий тараққиёт масаласида Н.С.Лайтс амалга оширган тадқиқот алоҳида аҳамият касб этади. У ақл сифатларини ўз ичига қамраб олувчи умумий ақлий қобилиятлар ўқувчининг назарий билиши ва амалий фаолиятидаги имкониятларини таъсирчан берувчи омил деб таъкидлайди. Опа тили дарслари учун танланган грамматик терминлар ўзига хос кўзготгич бўлиб, ўқувчилар улардан фойдаланиб ўзлаштирган билим,

қўйишма ва маънавларнинг абстракциялашдирилари, умумлаштириладилар, ҳулося чиқарадилар. Физиологик жihatдан қўйиш — тилнинг аниқ грамматик материали саналса, қўйиш воситаси — ўқув материали мазмунига мувофиқ танланган ўқитиш методи ҳисобланади.

Шундай қилиб, шакл ва мазмун ўртасидаги муносаббатнинг ўрганиш, кузатиш, турли грамматик шаклларининг маъносини матнларда очиб ўрганиш ўқув материалининг асосий белгиларига риоя қилиш, грамматик bilimларга оид материалларни изчил курсда таҳлил қилиш, турли усулларда такрорлаш натижасида ўқувчилар грамматик тушунчаларни пухта ўзлаштириладилар. Грамматик терминни ўрганиш ўқувчига тилшуносликнинг асоси бўлиш грамматика бўлимини чуқурроқ ўрганиш, сўзларнинг грамматик хусусиятларини ўзаро фарқлаш учун керак булади.

Дарсларда ўқувчиларнинг ижодий фаолияти қанча тараққий эттирилса, улар ўз олдига қўйилган муаммоли топшириқларни шунча қийналмай бажара оладилар. Ўқувчи топшириқларни ишлаш сир-асрорларини ўргана борган сайини унда ижодий фикр юритиш қobiliяти шакллана боради. Ижодий фикр юритиш ўқувчиларда эвристик лаёқатни ўстиради. Дарсларни ижодий ташкил этиш, янги ахборот технологияларидан, мультимедиялардан унумли фойдаланиш, мавзунинг изчил ўрганиш учун унинг янги терминларни хотирада узок сакловчи машғулотларни тайёрлаш ўқитувчидан заҳматли меҳнат талаб қилади.

А. ХУСАНОВ,
ТДПУ

БИЛИМ – ТАРАҚҚИЁТ КАЛИТИ

Илм-фан инсоннинг амалий эҳтиёжи, унинг ҳаёти учун зарурий шартлардан биридир. Аке ҳолда ҳар қандай илмнинг ҳақиқий маъноси пуч, рангсиз, бемаъно бир нарсага айланиб қоларди. Мана шунинг учун ҳам жуда қадим замонлардан бошлаб ҳар бир шахсни илм олишга турли воситалар орқали даъват қилади.

Шу бондан бўлса керакки, инсоният тарихидаги энг буюк сиймолардан бири Ибн Синонинг таълим беришича, илм-маърифат ва касб-ҳунар эгаллаган киши ҳар қандай мушқулни ладиллик билан енгади ва у билими — ҳунари туфайли ҳеч ҳам хор бўлмайди. Ўтмиш мутафаккирларимиз илмга чексиз мадҳиялар ўқиб, унинг ривожини ва равнақини учун чарчамасдан кураш олиб борганлар, илм йўлида азоб-уқубатлар чекиб қувғин остига олинганлар, қурбон бўлганлар. Ўқиш, билим олишга интилиш, фан сирларини эгаллаш барча халқларда ҳамма вақт қўллаб-қувватланиб келинган.

Илм ўқиш-ўрганиш ва тадқиқот, таҳлил этиш билан эришиладиган билимдир. Унинг инсон турмушида, жамият ҳаётида тутган ўрни, мавқеи ниҳоятда буюкдир. Инсон камолотида илм эгаллаш улкан фазилатлардан бири ҳисобланади. Чунки киши илм билан шарафга эришади. Илм инсон учун ғоят олий ва муқаддас бир фазилат бўлиб, дунёнинг иззатини ҳисобланади. У бойлик, тараққиёт манбаи бўлиб, ақлни мустаҳкамлайди, иззатини оширади, илм ҳар бир кишини камолга етказди, умрини боқий қилади.

Илм — зиё. У қалбни равшан қилади. Қалбни беғубор ва ёруғ туйғуларга эш (йўлдош) инсон эса, дунёни-да гўзалликка буркайди. Билим — қудрат. У инсонни янада буюк қилади. Улуғлик — комилликда. Комиллик — илмда. Камолотга эса, илмнинг ойдин йўли орқали етиш мумкин. Одамзод наслининг улуғлигини билимдан. У ақл-идрок туфайли не-не тугунларни ечишга қодир. Уқув-идрок ва билим эгаси бўлган ҳар қандай одам шарафлидир. Ақл-идрок эгаларининг нафи ҳар доим кўпчиликка тегиб туради. Билим эгалари эса азиз бўлади, ҳурмат қозонади. Бутун ишлар уқув-идрок билан амалга ошади. Барча мураккаб ишлар билим билан ҳал этилади.

Билим — барча қуфлатларга қалқон. У киши зехнини, фикрини қилич каби ўткир қилади. Билим билан қуролланган одам енгилмайди. Билимдан қудратлироқ қуч йўқ. У дунёни билиш билан баҳраманд бўлиб қолмай, шахс маънавиятини бойитишда ҳам аҳамиятлидир. Натижада илм кишилари ҳар ерда азиз ва ҳурматли бўладилар. Шунинг

учун ҳам халқ орасида илм орқали олий фазилатларга эга бўлган улуғликка ва орзу-истакларга эришган буюк кишилар кадрланадилар. Илм касб ва фазилатларнинг энг афзалидир. Киши ҳаётидаги ишларни ҳақиқий тўғри йўлга соладиган восита илмдир. У орқали яхши-ёмонни таниш, ҳалол-ҳаромнинг фарқига бориш, дўстлик ва қариндош-уруғининг фазилатларини англаш, қонун-қоидаларини тушуниш, ҳақ-ҳуқуқларини билиш мумкин. Илмсиз инсон мевасиз дарахтга ўхшайди. Илм дарахт меваларидек ҳар шахсга озуқа бериб, маданият, инсоният, маърифат дунёсига олиб киради. Ёмон одамлардан, бузук ишлардан қайтаради. Яхши хулқ ва одобли бўлишга, эътиқодларини оширишга хизмат қилади.

Билим ҳақида айтилган фикрларга қулоқ тутилса, уларда шундай ҳикматлар мавжуд. Шарқнинг буюк алломаси Абу Райҳон Беруний халқни илм олишга чақирганлар. Жумладан, Беруний илмнинг буюк кўзини шундай таърифлаганлар: „Илмлар кўпдир, улар замон иқболи (келажаги) бўлиб, турли фикр ва хотиралар уларга қўшилиб борса кўпаяди. Одамларнинг илмларга рағбат қилиши, илмларни ва илм аҳилларини ҳурматлаш ўша иқбол (порлоқ келажак)нинг белгисидир“, дейди. Бу ўринда Мир Алишер Навоийнинг сафдоши ва шогирди Ҳусайн Воиз Кошифий ижтимоий ахлоқий фазилатларни юзага чиқаришнинг асосий воситаси деб илмни тушунади. Ўзбек педагогикасининг йирик арбобларидан бири бўлган Абдулла Авлоний „Илм инсонларнинг мадори, ҳаёти, раҳбари, неъматидир“, деб таълим беради. Пайғамбаримиз илмнинг аҳамиятли эканлиги ҳақида, — Илм ўрганинглар: „Илм зулматда қуёш, ваҳшатда ҳамроҳ, ёлғизликда йўлдош, бегона юртда сирдош, оғир дамда раҳбар, душманга қарши қуролдир“ деган эканлар. Ҳадис китобларида илмнинг нақадар зарур эканлиги қуйидагича баён этилади: „Бешикдан то қабргача илм ўрган“ деб, илмнинг ҳар нарсадан юқори эканлиги, ҳеч нарса ундан юқори бўла олмаслиги кўрсатилган. Ҳадисларда „Илмга илм олмоқ йўли билан эришилгайдир“, дейилади. Демак, ислом таълимотида билим дунёни билиш билан баҳраманд бўлиб қолмай, шахс

маънавиятнинг тараккий эътириш ва бойитишда ҳам аҳамиятли экан.

Илм-фанда тўппа-тўғри йўл бўлмайди. Илм-фаннинг метни қонларига чарчапдан эринмай эмаклаб чиққан кишиларгина унинг нурли чўкқиларига етиши мумкин. Халқимизнинг „Ёшликда олинган билим тошга ўйилган нақшга ўхшар“, дейиши бежиз эмас. Чунки, ҳар бир инсон ёшлик даврини ғанимат билиб келажакда ўзи, оиласи, халқи манфаати, бахт-саодати йўлида фойда берувчи, касб-хунар асосларини белгиловчи билимларни эгалламоғи лозим. Илм-фан ва ҳар қандай хунар инсоннинг амалий эҳтиёжи, унинг ҳаёти учун зарурий шартлардан биридир. Билим, ўйлаб кўрилса, бир жилов. У барча ярамас ишлардан тийиб туради. Билим эгаси ўз тилаklarини топади, орзу-мақсадларига эришади.

Абу Наср Форобий, Маҳмуд Қошғарий, Абу Райҳон Беруний, Абдурахмон Жомий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Ибн Сино каби буюк одамлар ичидан етишиб чиққан барча уламою фузалолар, олиму фозиллар, шоиру ёзувчиларнинг барчаси ўз даврининг нуфузли, ҳурматли, эътиборли кишилари даражасига мукаммал илм эгаллаш орқали эришганлар.

И. ЁҚУБОВ,
ЎЗДЖТУ

АМАЛИЙ ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎРГАНИШДА ҚИЁСЛАШДАН ФОЙДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ

Ҳозирги давр чет тилини ўқитиш методикаси амалий инглиз тилида мулоқот қилишни ўргатишни асосий мақсад қилиб қўйганлиги барчага маълум. Мулоқот қилишни ўргатишда эса инглиз тили нутқ бирликлари: гап, жумлалар асосий материал бўлиб хизмат қилади ва бунда инглизча нутқ бирликларини талабаларнинг она тили билан таққослаш ниҳоятда муҳим. Таққослаш, қиёслаш орқали ҳар икки тилдаги нутқ бирликларининг фарқи, уларнинг ўзаро мос келиш ёки келмаслиги маълум бўлади. Мос келган ҳолатлар ўқитувчи учун қулайлик ҳосил қилади. Мос

келмаслик ҳолатлари эса интерференцияни келтириб
каради. Интерференциянинг натижаси эса ҳатоликларга
оlib бўлади. Ўқитувчи ҳар икки ҳолатни ҳам ҳисобга олиши
ерак.

Маълумки, инглиз тилшунос олими В.Д. Аракин амалий
инглиз тили бирликлари – гап жумла типларини намуна,
модellarини аниқлаб, уларни қуйидаги типларга ажратади
Биз уларни ўзбек тили билан таққослаб беришга ҳаракат
иладик):

1-тип. *I see, I have, I have a book, We live in Tashkent* каби
илар.

Ўзбек тилида: *Менда китоб бор. Биз Тошкентда
аймиз.*

2-тип. *Lobar, it seems to me, studies in form 11.*

Ўзбек тилида: *Лобар, менинг фикримча, 11-синфда
ийди.*

(У бу типга содда гаплардан каттарок, гап таркибий
смига кирмайдиган ундалма, кириш сўз каби
ементларни ўз ичига олган гапларни киритади.)

3-типга *Salima doesn't know homework because she didn't
e to the classes yesterday* каби эргашган қўшма гапларни
ритади.

Ўзбек тилида: *Салима уй вазифани билмайди, чунки у кеча
сга келмаган.*

4-тип. Савол (сўрок) гаплар ва унга жавоб гаплар.

Where do you live? In Tashkent.

Ўзбек тилида: *Сиз қаерда яшайсиз? Тошкентда.*

Бундай жавоб олдинги сўрок гап орқалиггина
унилади ва шундагина фақат нутқ бирлигини ташкил
ади. Таққослашдан кўриниб турибдики, 4 та типнинг
ртаси ҳам инглиз ва ўзбек тилларида ўзаро мос
айди. Бироқ, бизнинг фикримизча, энг биринчи тип
б: *This is a pen, It is a table, It is Winter, It is Summer*
ларни олиш лозим эди. Ўзбек тилида *Бу ручка, Бу стол,*

Ёз каби гапларга тўғри келади.

Мос келмасликини қуйидаги нутқ бирликлари
ларида ҳам кўриш мумкин: *A boy lives in Moscow*
нинг нутқ бирлиги модели *N (noun) I + V (verb) Pr*

(preposition) + N2. Унинг ўзбек тилидаги: *Ўғил бола Москвада яшайди* нутқ бирлиги модели эса $N1 + N2 + V = \text{От1} + \text{От2} + \text{Феъл}$ бўлади. Кўринадикки, ушбу таълиқларнинг моделлари ҳам мос келмайдди.

Моделлардан фойдаланиш, албатта, амалий инглиз тилини ўргатишнинг, ўрганишнинг осонлаштирадиган. В.Д. Аракин қуйидаги нутқ бирликларининг мазмуни бўйича турларини, уларнинг моделларини ишлаб чиққан. Биз уларни ҳам таккосладик. Улар қуйидагилар:

1. Предметнинг номини билдирувчи нутқ бирликлари.

This is a town. Унинг структурал нутқ модели: $P (\text{pronoun}) + V + N1$. Ўзбек тилида эса: *Бу шаҳар*. Модели: $P + N1 = \text{Олмош} + \text{От1}$ бўлади. Кўринадикки, ҳар икки тилда структурал моделлар мос келади.

2. Предметнинг йўқлигини ифодалаувчи нутқ бирлиги.

There is no map in the classroom. Унинг структурал нутқ модели: $V + NO + N1 + Pp + N2$. Ўзбек тилида: *Синфда харити йўқ*. Модели: $N2 + N1 + \text{auxiliary word no} = \text{От2} + \text{От1} + \text{йўқ}$ инкор сўзи.

3. Инсоннинг ҳолатини, сезишини ифодалаувчи нутқ бирлиги.

I have a headache. (toothache, sore throat). Унинг структурал нутқ модели:

$P (\text{pronoun}) + V + N (\text{noun})$. Ўзбек тилида: *Менинг бошим оғрийди*. Модели: $P + N + V = \text{Олмош} + \text{От} + \text{Феъл}$ бўлади. Булар энг тарқалган нутқ бирликлари ва уларнинг моделларидир. Бизнинг фикримизча, бошқа нутқ бирликлариининг ҳам шундай структурал нутқ моделларини ишлаб чиқиш ва улардан амалий инглиз тилини ўргатишда фойдаланиш лозим.

Кўпинча талабалар ўзбек тили нутқ бирликлари структурасини инглиз тили структурасига мос келади деб кўр-кўрона уни инглиз тилига кўчиради. Мос келмаслик – интерференция ҳолатлари эса чалқашинга, хатога олиб келади. Кейин талабаларининг хатоларини кузатиш қийин кечади. Шу боис амалий инглиз тилида мулоқот қилишни ўргатишда инглизча нутқ бирликлари, типлари, структураси, турларини, моделларини ўзбек тилига мос

келмиш, мос келмаслигини хусусиятини ҳисобга олиб мулоқотга ўргатиш методикасини ишлаб чиқиш ҳозирги давр методикасининг энг долзарб талабидир. Акс ҳолда амалий инглиз тилида мулоқот қилишга ўргатиш осон кечмайди. Демак, амалий инглиз тили дарсларида талабаларни тез ва осон йўл билан инглизча мулоқот қилишга ўргатишда она тили материалларидан фойдаланиш самарали натижалар беради. Бунинг учун ўқитувчи қуйидиги 2 хил усулда иш олиб бориши мақсадга мувофиқ:

1. Инглиз ва ўзбек тилларида ўзаро мос келадиган нутқ бирликлари - гаплар, сўз бирикмалари, жумлалар, уларнинг структуралари, намуналари, моделларидан намуналар келтириш, улар устида машқлар бажартириш.

Инглиз ва ўзбек тилларида ўзаро мос келмайдиган нутқ бирликлари – гаплар, жумлалар структуралари ва моделларидаги фарқларни намуналар, мисоллар орқали тушунтириб ўтиш, таъкидлаб кўрсатиш ва машқлар бажартириш орқали йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоларнинг олдини олиш.

Д. АБДУВАЛИЕВА,
ТВПИ

МАКТАБДА ШАРҚ ХАЛҚЛАРИ АДАБИЁТИНИ ЎРГАНИШ

Умумий ўрта таълим мактабларида миллий адабиётни ўрганиш ўқувчиларнинг дунёқарашини кенгайтиради, уларнинг миллий маънавий ҳодисалар моҳиятини тезроқ англашларига, сўз санъати жозибасини бевосита ҳис қилишларига асос яратади. Аммо адабий ҳодисаларнинг асл моҳиятини ниҳоятда аниқ, терең ва тўла тушуниш учун жаҳон адабиётидаги ранг-баранг жанр ва кўринишлардаги адабий асарлар билан ҳам танишиш тикозо этилади.

Назаримизда бу йўналишда Шарқ халқлари адабиётини ўрганиш ҳам алоҳида долзарбликка эга. Бу ўқувчилардаги адабиётшунослик ҳамда китобхонликка оид bilimларнинг ортишига олиб боради.

Маълумки, Шарқ халқлари адабиёти тушунчаси нихоятда кенг қамровга эга. У географик жиҳатдан Яқин Шарқ мамлакатларидан бошланиб, бутун Осиё қитъасини то Узоқ Шарққача бўлган ҳудудни назарда tutади. Миллий таркибга кўра ҳам нихоятда ранг-баранг. Бу доиранинг ичига Осиё ва Австралия қитъаларидаги барча халқлар мансуб бўлади. Тил нуқтаи назаридан эса, уларнинг яна датурфалийлигини кўриш мумкин. Бу ҳудудда ҳинд, европа, эрон, сом, туркий, мўғул, тунгус-манжур, кавказ, хитой-тибет, австронез, малая-полинезия тилларида сўзлашадиган халқлар яшайди.

Қадимги мумтоз адабиётимизнинг сеҳру синоатини, жозибасини, ўзига ҳослигини мукаммал даражада тушуниш ва ҳис этиш учун Шарқ халқлари адабиётини яқиндан билиш катта илмий-амалий аҳамият касб этади. Биз мумтоз адабиётимиздаги кўплаб асарлар, образларнинг генезияси ва поэтикасининг мана шу Шарқ халқлари адабиётига боғланиб кетишини яхши биламиз. Демак, ёш авлод ҳам бу маълумотларга эга бўлиши лозим.

Маълумки, Шарқ халқларининг адабиёти ўқувчиларимизга таржима орқали етказилади. Демак, муайян бир асарнинг ўқувчилар томонидан “ҳазм қилиниши” таржимоннинг маҳоратига ҳам боғлиқдир. Шунга кўра уларни ўқувчиларга тақдим этаётганда, албатта, таржиманинг хусусиятларига, таржимоннинг маҳоратига ҳам эътибор беришга тўғри келади. Бунда биз адабиётшуносликдги мавжуд мулоҳаза ва ҳулосаларга таянишимиз ўринли бўлади. Зеро, “таржималар оригинал поэтик матни бошқа кишилар томонидан қабул қилиш маҳсули ҳисобланади. Бир тилдан бошқа бир тилга таржима қилинганда сўзлар ва тасвир воситалари қай даражадаги муқобилликда танланган? Бунда маънога путур етмаганими? Шеър оҳанги қай тарзда сақлаб қоллинган? Поэтик матиларни бир тилдан бошқа бир тилга таржима қилиш ҳаддан ташқари нозик ва қийин иш.

Албатта, бу таржимоннинг малакаси, унинг тил ва умуммаданий иқтидорига, бадий-эстетик камолотига, шеърый зеҳнига боғлиқ. Аслиятдаги поэтик образга зарар

еткизмасдан, бадиий шаклни сақлаган ҳолда маъно кирраларининг барча нозикларини бера олиш – гоёт мураккаб вазифадир. У ниҳоятда ранг-баранг тарзда ҳал этилиши мумкин. Демак, дарсликларга шарқ адабиёти намуналарини танлаётганда масаланинг бу жиҳати ҳам иккинчи даражали бўлмайди. Зеро, ўқувчиларнинг ёши ва адабий тайёргарлик даражасига мос ва муносиб бўлган таржима асарлари уларнинг умумий адабий-эстетик дидларининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатади. Улар бадиий адабиётнинг сирли оламига ҳос бўлган нозик дурдоналар кадрига кўпроқ етадиган бўлишади. Бунинг натижасида эса, сўзсиз, ўқувчилар маънавий оламининг бойийди, уларнинг юксак маънавийли шахслар сифатида камол топишларида намоён бўлади.

Н.САБИРОВА,
Д. ГАЗИЕВА,
ЎзДЖТУ

ЧЕТ ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА ДИКТАНТ ЁЗИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Чет тилини ўрганиш – бу ўқиш, ёзиш, тинглаб тушуниш ва ўз фикрини ифодалаб гапиришдир. Ҳар бир кўникмага эришиш учун, ўрганувчи турли хил машғулотларни амалга ошириш керак бўлади, ёзишни ўрганиш жараёнидаги асосий машғулотлардан бири – бу диктантдир ёзишдир. Диктант ёзишнинг қуйидаги фойдали томонлари бор:

1. Диктант ёзишда тил ўрганувчи фаол ҳаракат қилади, тўлиқ фикр ва эътиборини ёзиш жараёнига қаратади.

2. Диктантни текшириш жараёнида ҳам тил ўрганувчи фаол иштирок этади.

3. Диктант ёзиш тил ўрганувчининг тинглаш қобилиятини кучайтиради, диққат билан ишлашга ўргатади.

4. Диктант ёзиш тил ўрганувчининг фикрлаш қобилиятини ўстиради.

5. Диктант ёзиш – тил ўрганувчининг турли нутқ услублари билан таништиради. Шу билан диктант ёзиш чет

тилини ўрганишда фойдали машғулот ҳисобланади, чунки уни турли мақсадда ёзиш мумкин. Аввало, диктант товушларини фарқлашга ўргатади. Масалан, инглиз тили грамматикасидаги ўтган замонни ясайдиган "ed" қўшимчасининг талаффузига эътибор қаратсак, [t] [d] [id] белгилари ёзилиб, кейин ўқувчи бир канча феълларни талаффуз қилишга ўрганади.

Талабанинг сўз бойлигини ошириш, ўрганган сўзларни тўғри контекстда қўллашда қуйидаги диктант тури фойдалидир. Ўқитувчи бир – нечта сўзларни талаффуз қилади, талабалар бу сўзларни ёзиб бўлгач, уларни қайси контекстда қўллаш кераклигини англаб олади. Масалан:

1. picture, button, channel, news, movie, reporter (television)
2. spoon, plate, napkin, cup, table-linen, soup, vegetables, fruits (dinner)
3. notebooks, books, pens, attention, blackboard, dictionary, chalk (lesson).

Қуйидаги диктантни ёзишда талабалар жуфтларга бўлинадилар, диктантнинг матни синфдан ташқарида талабаларга алоҳида берилади. Бунда жуфтлардан бири синфдан чиқиб, маттни ўқиб, ёнида қолган қисмини иккинчи талабага айтади, иккинчи талаба эшитганини ёзади. Шу тарзда диктант матни ёзиб бўлингач, иккала талаба биргаликда диктантни текшириб, хатоларни муҳокама қиладилар. Ушбу диктант тури талабаларни эътибор билан ишлашга ўргатади.

Қуйидаги диктант тури эса талабаларнинг фикрлаш қobiliятини ривожлантиради. Ўқитувчи бирор нотаниш матни ўқийди ва ўқиш жараёнида айрим сўзларни ёки грамматик қўшимчаларни қолдириб кетади. Талаба диктант мазмунидан келиб чиқиб, туширилиб қолдирилган сўзлар ёки қўшимчаларни эслаб, диктантни тўлдириб ёзади. Текшириш жараёнида талаба ўз билимини текшириб баҳолайди.

“Соқов” диктант ёдланган матни хотирадан ёзиб, ушбу матн қандай ўзлаштирилганини кўрсатади. Юқорида келтирилган мисоллар кичик бир намуналарлир. Диктант ёзишнинг турлари жуда кўп. Улардан дарснинг турли

босқичларида, турли мақсадларда фойдаланиш мумкин. Диктант саводхонлик даражасини аниқловчи, талабага ўз-ўзини текшириб боришга ёрдам берувчи амалий ва индивидуал иш тури. Хулоса сифатида айтиш мумкинки, диктант ёзиш талабаларнинг билимларини оширади, ўрганаётган ўқув материални мустаҳкамлашга ёрдам беради, талабани ўз нутқи, лугат бойлиги, шунингдек, хотираси устида алоҳида эътибор билан ишлашга ўргатади.

Ё. МАДРАҲИМОВА,
Нукус ДПИ

ЯНГИ ДАРСЛИК: СЎЗ ВА УНИНГ ИЗОҲЛАРИ

Умумий ўрта таълим мактабларининг 7-синфи учун “Адабиёт” дарслигининг қайта ишланган иккинчи наشري олдинги нашридан том маънодаги қайта ишлангани, тўлдирилгани ҳамда янги мазмун билан бойитилганлигига кўра фарқланади. Унинг янги ўқув дастурига тўла мувофиқ ҳолда яратилганини алоҳида қайд этиш ўрнили бўлади. Биз дарсликдаги айрим сўз ва тушунчаларга берилган лугат ва изохлар билан қизиқдик. Бу жиҳатдан ҳам дарсликнинг анчагина афзалликлари кўзга ташланади. Айниқса, унда лугат ва изохлар миқдори ва ҳажмининг ортгани кузатилади. Бу ўқувчилар учун анчагина жиддий ёрдамдир.

Сўз маъноларига эътибор айрим асарларга берилган шарҳларда ҳам муносиб ўрин олган. Деярли ҳар бир асарда болаларнинг тушунмаслиги эҳтимол тутилган ҳар бир сўз назорат остига олинган, деб айтиш мумкин. Бунга миллий реалиялар, айрим соҳаларга оид атамалар, географик номлар ва бошқаларни киритиш мумкин. Жумладан, Чингиз Айтматовнинг “Оқ кема”сида бир қарашда бундай заруратга ўрин йўқдай кўринади. Аммо, муаллифлар ундаги “автомобиль” сўзини жуда тўғри белгилашган, чунки “*турли товарлар сотишга мўлжалланган машина*” тушунчаси 7-синф ўқувчиларига мутлақо маълум эмас.

Тест топшириқларида айрим сўз ва тушунчаларнинг маъноларига, уларнинг маъно айирмаларига урғу берилгани ҳам ўқувчиларни сўзнинг сеҳрли оламига олиб киришда

муҳим усулларидан бири бўлишига шубҳа йўқ. Бунга мисол сифатида *“тушунириш”* ва *“таъсирланиш”* *“сўзларга берилган тўғри изоҳни белгиланг”* сингари тест топирикларини кўрсатиш мумкин. Бундай мисоллар китобда анчагина. Улар ўқувчиларнинг луғат бойлигини орттиради, энг муҳими, кўплаб сўзларнинг уларнинг нуткида кам қўлланадиган луғат қатламиндан фаол луғат таркибига қараб ўтишини кафолатлайди. Унинг яна битта муҳим фазилати шундаки, ўқувчилар бадий сўз сирини тўлароқ ҳис этиб, англаб борадилар. Сўздан таъсирланиш, ундан ҳузур ва лаззат олишни ўрганиб боришади. Бу борада уларнинг кўникма ва малакалари анча ривожланиб, мустаҳкамланиб боради.

Бизнинг фикримизча, китоб билан яхлит ҳолда танишиш ундаги луғат ва изоҳларга боғлиқ бўлган ўринларнинг ҳар доим ҳам мақсадга мувофиқ ва муваффақиятли дейиш кишини иккилантириб қўяди. Жумладан, айрим сўзларга берилган изоҳларни қайта кўриб чиқиш, уларни тўлдириш ва матнга муносиб ҳолда ўзгартириш ўринли бўлади. Айрим мисолларни келтирайлик:

Абдулла Авлониининг *“Ватанни суймак”* асарига келтирилган луғатларнинг биринчиси *“дўнмак”* дир. Унга берилган луғатда бу сўз *“айланмоқ”* тарзида берилган. Ҳар ҳолда еттинчи синф ўқувчисининг мавжуд тажрибасини эътиборга олган ҳолда, унинг ёнига *“ўзгармоқ”*, *“бир ҳолатдан бошқа бир ҳолатга ўтмоқ”* сингари изоҳлар қўшилса янада муносиброқ бўлар эди. Шу муаллифнинг *“Ватан”* шеърдаги *“Сенинг туйғунг юракларга савдо солур”* мисрасидаги *“савдо”* ёки *“савдо солур”* ифодасига ҳам изоҳ зарурати кўриниб турибди.

Мазкур шеърдаги *“мазина”* сўзи ҳам ўқувчилар учун тушунарли эмас. Унга, албатта, изоҳ берилиши керак эди. Шунингдек, *“тева”*, *“аъзо”* сўзларига ҳам изоҳ зарур. Китобда *“қий”* сўзига берилган изоҳ ҳам кенгроқ изоҳланса яхши бўларди. Ҳозирги ҳолатда у жуда тор маънода келтирилган. Шунга ўхшаш *“қалпоқ”* сўзига *“дўппи”* тарзидаги изоҳ ҳам ўқувчиларни тўлиқ қаноатлантирмаслиги мумкин, чунки бу

сўзини яхши оуғатда "юнқа намандан қилинган бош кийими" маъносига ҳам эга эканлиги қайд этилган.

Албатта, булар китобнинг кейинги нашрларида тузатила бўладиган жузъий ҳолатлардир. Умумий тарзда эса, бу китобнинг ниҳоятда содда ва раво тилда ёзилганини, методик жиҳатдан катта афзалликларга моликлигини қайд этиш жоиз. У ўқувчиларимиз учун муносиб совға бўлганини эътироф этиш керак ва китоб муаллифларига кейинги ишларида ижодий омад тилаб қолиш керак.

Х. ЙЎЛДОШЕВА,
М. АБДУҚОДИРОВА,
ЎзДЖТУ

УЙ ВАЗИФАСИ – МАВЗУЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Хорижий тил ўқитиш жараёнида уй вазифа жуда муҳим аҳамиятга эга. Ўқитувчи дарс режасини тузаётганда вазифа ва янги ўтиладиган мавзуларни бир-бирига боғлашга ҳаракат қилади. Ўқувчиларнинг вазифа бажаргани ёки бажармагани бутун дарс режасини ўзгартириб юбориши мумкин. Жуда кўп ўқитувчилар ўз ўқувчиларининг кўпчилик қисми уй вазифасини бажармасликларидан шикоят қиладилар. Айрим ўқитувчилар ўқувчилар уй вазифани ёқтирмаслигини ёки дарс тайёрлашга иштиёқи йўқлигини айтадилар. Ўқитувчи ўқувчиларнинг уй вазифага бўлган қизиқишини қандай кучайтириши мумкин?

Ушбу савол мени ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида айрим кузатишлар олиб боришга ундади. Бир нечта ўқитувчиларнинг дарсларини кузатдим ва ўқитувчилар билан ушбу мавзуда суҳбатлашдик. Кўпчилик ўқитувчиларнинг уй вазифа ҳақида умумий фикрлари қуйидагидан иборат:

1. Уй вазифаси дарсининг бошқа жараёнларидек жуда муҳим.
2. Уй вазифаси кунда берилиши шарт.
3. Уй вазифаси дарс охирида берилиши керак.
4. Уй вазифаси дарс бошида текширилиши шарт.

5. Уй вазифа қанча кўп бўлса шунча яхши.

Юқоридagi кузатиш ва ўқитувчиларнинг фикрларидан келиб чиқиб, уй вазифа беришдан олдин бир нечта саволларга жавоб топишимиз лозим деган фикрга келдим. Аввало уй вазифа сифатида қандай вазифа берилди, ушбу вазифа нима мақсадда, қанча миқдорда берилди, ўқувчига вазифа тушунарли бўлдимми? Қуйида ўқувчилар билан ишлашда қўл келадиган айрим фикрларни билдирмоқчиман.

1. Уй вазифа берилгандан сўнг ўқувчиларни дарсдан дарҳол чиқиб кетишига йўл қўйманг. Чунки вазифа дарс охирида берилганида, ўқувчиларнинг фикри ўзгаради ва уларнинг фикри берилган топшириқда эмас балки тезроқ танаффусга чиқишда бўлади. Шу боис уй вазифани дарснинг турли босқичларида беришга ҳаракат қилинг.

2. Ўқувчилар вазифани тушунганига ишонч ҳосил қилинг. Берилган вазифа тушунарли бўлиши жуда муҳим, акс ҳолда у бажармаслик учун бир баҳонага айланиши мумкин. Ўқувчилар вазифани қандай бажарилишини билишлари керак. Вазифа сифатида дарс жараёнида муҳокама қилинган мавзуга оид ёки бажарилган машққа ўхшаган топшириқ беринг. Берилган кўрсатмаларнинг тушунарли бўлиши жуда муҳим.

3. Вазифани мунтазам текшириб боринг, акс ҳолда, ўқувчилар ўз меҳнати қадрланмаяпти деган фикрга келади. Агар уй вазифа текширишга вақт етмаса ёки вазифа текшириш учун режаланган вақт бошқа жараён билан ўзгартирилган бўлса уларга бу вазифани қачон текшириш мумкинлигини айтиб ўтинг. Уй вазифани турли усуллардан фойдаланган ҳолда текширинг. Берилган ҳикоя ёки матнни ҳар бир ўқувчидан сўзлаб беришни ёки грамматик машқни навбатма-навбат ўқиб текшириш ўқувчиларга зерикарли туюлиши мумкин. Текшириш жараёнида дебат, мақола муҳокамаси каби барча ўқувчиларни бир вақтда фаол иштирок этишини таъминлайдиган усуллардан фойдаланинг. Уй вазифа текшириляётган пайтда хатони ўқитувчи эмас, балки ўқувчиларнинг ўзлари топишига ундаг. Бунда ўқувчилар бир-бирларининг хатоляридан ҳам

кўп нарсани ўрганиши мумкин ва ўқувчи мустақил шахс сифатида унга ишонч билдирилганини англайди.

4. Уй вазифаси жуда кўп ёки жуда кам бўлмаслиги керак. Ўқувчиларни жуда кўп вазифа билан юкламанг, чунки бу нарса вазифа бажармасликка баҳона бўлади. Ўқувчи сизнинг фанингиздан ташқари бошқа фанлардан ҳам вазифа бажариши кераклигини ёдда тутинг. Учта топшириқдан кўп вазифа бермасликка ҳаракат қилинг.

5. Ўқувчиларга уй вазифани танлаш имконини беринг. Агар икки ёки учта топшириқ ўқувчиларнинг билим даражасини инобатга олган ҳолда турли усулда бажариб келиш мумкинлигини айтинг. Масалан, ўтилган сўзлардан фойдаланиб ҳикоя, шеър, диалог ёки ҳаётий мисоллар ёзиб келишни айтинг. Бундай имконият орқали уларнинг турли қизиқишлари ҳақида билиб олишингиз мумкин. Бундан ташқари бу каби топшириқлар сўзларнинг ўзини ёдлаб келишдан кўра фойдалироқ бўлади.

6. Ҳечдан кўра кеч яхши. Агар ўқувчи вазифани ўз вақтида бажармай кейинроқ бажариб келса, уларни қабул қилинг, чунки айрим ўқувчилар бошқалардан кўриб ҳам кўп нарсани ўрганадилар ва сизнинг ишончингизни оқлашга ҳаракат қиладилар.

7. Вазифани дарснинг бошқа жараёнлари билан боғлашга ҳаракат қилинг, чунки у дарснинг бир бўлагидир. Вазифани текшириб бўлгандан сўнг, янги мавзу ўтишга шошилманг. Ўқувчилар топшириқни бажаришда дуч келган қийинчиликларни, уларнинг камчилиги ва хатоларини умумлаштирган ҳолда ўз хулосаларингизни айтиб ўтинг. Берилган хулоса ўқувчиларга ўз хатолари ва камчиликларини англаб етишлари учун катта туртки бўлади.

8. Уй вазифасидан жазо ёки рағбат сифатида фойдаланманг. Айрим ўқитувчилар ўз ўқувчилари уй вазифани бажармай келганида, жазо сифатида қўшимча топшириқлар беради, бошқалар эса вазифа бажарган ўқувчиларга қўшимча баҳо қўяди. Бу иккала ҳолат ҳам ўқувчилар орасида ноқулай ҳолат туғдиради ва уй вазифа ҳақида «яхши» ёки «ёмон» деган фикр туғилади.

9. Уй вазифа текшириш жараёнида турли стратегиялардан фойдаланинг. Вазифа ўқувчининг фақат ё олиш қобилиятини текширишга қаратилган бўлмаслиги керак. Турли ўйинлар, сахна кўринишлари орқали ҳам вазифани текшириш мумкин.

10. Хорижий тил ўрганишда она тилининг ҳам аҳамияти катта. Берилган вазифани текширишда она тили билан қиёслаш янада самаралироқ бўлади, ўқувчи она тили ва хорижий тил ўртасидаги ўхшашлик ва фарқни ўрганиб боради. Бу ўз навбатида вазифани бажаришда турли қийинчиликларга дуч келган ўқувчиларга фойдалироқ бўлади.

Уй вазифаси дарс давомида ўтилган мавзуларни мустаҳкамлаш ва ўрганилган сўз, қоида ва қолипларни ўнуткида қўллай билишда муҳим аҳамият касб этади. Ўқувчиларни тилга бўлган қизиқиши, уй вазифасига бўлган муносабатини ўзгартириш муҳимдир. Шу билан бирга ўқувчиларга тил ўрганиш жараёнида “аниқ мақсад” қўйиш ва шу мақсадга эришиш учун қандай ҳаракатларни қилиш кераклигини айтиб ўтиш. Агар ўқувчи тилни чуқур ўрганиш мақсадида бўлса, у, албатта, вазифани ўз вақтида бажаришга интилади. Ўқитувчи ўқувчи нима сабабдан вазифа бажармаганлигини аниқлаши, агар узрли сабаб бўлса, унга имкон бериши, аксинча, баҳона бўлса жавобгарликни ҳис қилишга ўргатиши зарур.

Хулоса қилиб айтганда, ўтилган мавзунинг мустаҳкамлашда уй вазифаси катта аҳамиятга эга. Ўқувчиларнинг уй вазифага бўлган қизиқиши ўқитувчининг мақоратига боғлиқдир. Вазифа режа асосида, тушунарли қилиб берилса ва унинг устида биргаликда ишланса, кўпроқ ўқувчилар уни бажаришга ҳаракат қиладилар. Биз педагоглар, замон талабига жавоб берадиган кенг дунёқарашга эга бўлган шахс тарбиясида дарсининг ҳар бир босқичини муҳим деб ҳисоблашимиз керак.

ИИШО МОНОЛОГИК НУТҚ ЎСТИРИШНИНГ МУХИМ ОМИЛИДИР

Маълумки, русийзабон ўқувчи-талабаларни ўзбек тилига ўргатиш, уларни ўзбекча сўзлашишга ўргатишда оғзаки нутқни ўстиришнинг аҳамияти катта. Шунинг учун кейинги йилларда ўзбек тили таълимида дарсларни коммуникатив тамойил асосида ташкил этишга катта эътибор қаратилмокда. Дарсликларда ҳам деярли ҳар бир машққа, агар у боғланишли матндан иборат бўлса, савол ва топшириқлар бериб берилган бўлиб, бу ўз-ўзидан талабаларни суҳбатга тортади. Бироқ ушбу суҳбатлар, ўзаро савол-жавоблар ўқувчи талабаларнинг асосан диалогик нутқини ривожлантиришга ёрдам беради. Русийзабон талабалар ўзаро мулоқот, суҳбатнинг энг осон шакллариин ўзлаштириб олганлари учун кўпинча мати бўйича бериладиган саволларгагина жавоб берадилар. Кўринадики, улар эркин нутққа эмас, балки савол берилсагина, жавоб беришга ўрганиб қолмокдалар.

Хўш, русийзабон талабаларнинг ўзларини гапиртириш, уларнинг монологик нутқини ўстириш, ёрдамчи саволларсиз боғланишли нутқда сўзлатиш учун қандай иш турларидан фойдаланиш зарур. Назаримизда, бу ўринда ижодий ишлар, баён ва иншолар ёздиришнинг аҳамияти катта. Ёзма нутқ билан оғзаки нутқ бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, ёзма нутқ оғзаки нутқни ривожлантирувчи муҳим омиллардан бири саналади. Айни пайтда, оғзаки нутқ ҳам ёзма нутқнинг равнақ топишига ижобий таъсир кўрсатади.

Нутқни ёзма равишда баён этишнинг асосий шакллариин бири иншодир. Умумтаълим мактабларда иншо ёздиришдан асосий мақсад ўқувчиларнинг саводхонлигини ошириш ва уларда билимларини умумлаштириш учун кўникма ҳосил қилишдан иборат деб қаралади. Бироқ иншо ёздиришнинг мақсади фақат шунинг ўзи билангина билан чегариланиб қолмаслиги керак.

Ишшо, яввало, тафаккур машқлариدير. Дастлабки фикрлаш ишшо машқларидан бошланади. Ишшонини мазмун-моҳияти муайян мавзу доирасида фикр юритиш, ҳар қанчан мавзу дўirisида эркин фикрлаш ва таассуротларни ижод баён қилишдан иборат. Ишшо ёзишнинг асосий мақсадларидан бири ҳам ўқувчи-талабаларни мустақил фикрлашга, ўз фикрларини эркин, мантикий ижод, чиройли, саводли ифодалашга ўргатишдир. Ишшо ёзишда талаба ифодалар жамғармасини йиғади, ўзи тўплаган сўзларни муомаласига киритади, шунингдек, ўзи учун нотаниш янги жумлаларни, сўзнинг янгида-янги маъно ифодалаш имкониятларини қидириб топади ва қўллайди. Ана шу тарзда ўқувчи ўзининг сўз бойлигини орттириб боради.

Одатда, русийзабон ўқувчи талабаларнинг деярли кўпчилиги русча фикрлаб, ўзбекча нутқ сўзлайди. Агар ишшога эътибор мактаб босқичиданок кучайтирилса, ишшо учун танланган маззулар қизиқарли ва хилма-хил бўлса, бу ўқувчи-талабалар нутқини ўстиришга бевосита таъсир кўрсатади. Натижада, улар нутқ сўзлашда қийналмайдилар. Чунки ишшо миллий тафаккурни шакллантиради, ривожлантиради ва тарбиялайди. Ушбу омилларси русийзабон талабалар ўзбек тилида равон, чиройли, хатосиз гапира олмайдилар. Русийзабон талабалар борлиқни ўзбекча тафаккур билан қабул қила олиб, ўзбекнинг кўзи билан кўра олсагина, у ўзбекча фикрлаши, ўзбек тилида эркин сўзлай олиши мумкин. Шу бонс уларни ўзбек тилига ўргатиш учун таълим жараёнида ишшо ёздирришга катта эътибор бериш мақсадга мувофиқ.

Тўғри, дарсларда ўқувчи-талабаларга «Таассуротларингиз асосида ижодий иш ёзинг», «Бирор мавзу асосида ижодий иш ёзинг», «Таассуротларингизни сўзлаб бериш» каби топшириқлар кўп берилади. Бирок ўқувчи-талабалар томонидан бажариб келинадиган ушбу ижодий ишлар, уй ишоларини таҳлил қилиб чиқиш шуни кўрсатдики, улар аксарият ҳолларда деярли бир хил ёзилади. Ушбу ишоларининг кўпчилиги 5-6 гапдан 7-8 гапгача бўлган ҳажмдаги энг содда конструкцияли гаплардан тузилади. Бунинг бонси, яввало, мавзуларнинг деярли бир хил

берилишида. Чунинчи, «Менинг Ватаним», «Менинг оилам
«Биринчи устозим», «Мен танлаган касб», «Мен севга
кахрамон», «Менинг онам» каби мавзулар умумий ўр
таълим босқичида ҳам, кейинги таълим босқичларида ҳам
такрорланиб келаверади. Бу эса, албатта, ўқувчиларнинг
қизиқишларини сўндиради, улардаги тафаккур, фикрлаш
жараёнини ҳам тўхтатиб қўяди.

Эътибор билан қарайдиган бўлсак, биринчи синфга
кадам қўйган ўқувчи (биринчи босқичга чиқишга қабул
қилинган талаба ҳам) таълим даргоҳига катта бир қизиқиш
юксак бир ишонч билан кириб келади. У ҳар бир фандан, ҳар
бир дарсдан янгилик кутади. Ўқитувчи ўз фани бўйича
берадиган билим ва малакаларни синфма-синф, босқичма-
босқич ривожлантириб борса, ана шу қизиқиш сўнмайди,
талабаларнинг қизиқишлари кучайиб бораверади. Шу боис
ўқувчи талабаларга ижодий ишлар беришда, баён ва
нишолар ёздиришда ушбу эркин мавзуларнинг сийқалашиб
кетилишига йўл қўймаслик керак.

Юқори босқичларга чиққан сари иншонинг тасвирий,
қийёсий, муҳокама иншо турларини татбиқ этиш, ўқувчи
талабаларни кўрган, билган, эшитган, ўқиганларини қийёсий
таҳлил этишга, ўзи муҳокама қилишга ўргатиб бориш керак
бўлади. Уларнинг ўзбек тилида бемалол фикрлаши, эркин
мулоқот қилиши, турли услубларда боғланишли матнлар
тузиш ва тапириб бериш малакаларини шакллантириш учун
кўпроқ адабий ўқиш материалларига, ижтимоий, миллий-
маънавий қадриятларимизни акс эттирувчи мавзуларга
мурожаат этиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу мавзуларни
ўқувчи-талабаларнинг ёш хусусиятларини эътиборга олган
ҳолда босқичма-бокич кенгайтириб, мураккаблаштириб
бориш уларнинг фикрлаш ҳамда қизиқиш донрасининг ҳам
кенгайиб боришига, шунга мос ҳолда лугат бойлигининг
ўсиб боришига олиб келади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, русийзабон
ўқувчи-талабаларларнинг ўзбекча монологик нутқини
ўстириш, яъни уларнинг ўзбек тилида эркин мулоқот қила
олиши, турли услубларда боғланишли матн тузиш ва

таъриб бериш малакаларини шакллантириш учун уларга
низо ёздирини ва таъбирини кучайтириш лозим.

З. УСМОНОВА,
ЎзДЖТУ

ХОРИЖЛИКЛАРГА ДАВЛАТ ТИЛИНИ ЎРГАТИШНИНГ АЙРИМ ЖИХАТЛАРИ ҲАҚИДА

Хорижий тилни ўрганишдаги замонавий жараёнини
тўғри белгилаш учун хорижий тилнинг ўзи нима ва хорижий
тилга ўргатиш деганда нимани тушуниш кераклигини
англаш лозим бўлади. Одатда, хорижий тил табиий
мавжудлиги шароитидан ташқарида ўрганилади, яъни
кундалик мулоқотда она тили билан бир қаторда бўлмаган
ўқув жараёнида ўрганилади. Демак, хорижий тил инсон
томонидан ижтимоий муҳитдан ташқарида ўзлаштирилади,
бунда тил мулоқотнинг табиий воситаси саналади. Масалан,
ўзбек тили Корейдан келиб ўрганувчилар учун хорижий тил
саналади. Хорижий тилни ўрганиш эса махсус
ташкиллаштирилган жараёнини ўзида намоён этади, бунда
ўқитилаётган ва ўқитаётганларнинг ўзаро ҳамкорлиги
натijasида белгиланган мақсад асосида маълум тажрибани
ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш амалга оширилади.

Хорижий тилни ўрганиш, И.В. Рахмановнинг фикрича,
“...ўқитувчи томонидан билимларнинг изчил ва мунтазам
берилиши ҳамда хорижий тил соҳасида билим ва
кўникмаларни сингдириш жараёни, уларнинг ўқувчилар
томонидан фаол ва оғли ўзлаштирилиши, тарбиялашга
нигилиб келинаётган хислатларни болаларда юзага
келтириш ва мустаҳкамлаш жараёнидир”. Бундан келиб
чиқадикки, таълим бериш жараёни – бу икки ёқлама жараён
саналиб, ўқитувчининг таълим бериш фаолияти ва
ўрганувчининг тилни ўрганиш фаолиятини биргаликда ўз
ичига камраб олади.

Юқорида қайд қилганимиздек, инсоннинг икки тилни
ўрганиши турли шароитларда, яъни ўрганилаётган тилнинг
ўз юртида ва ундан ташқарида рўй беради. Ўрганилаётган

тилнинг юртида хорижликларга тил ўргатиш қуйидаги шартларга амалга ошириш мумкин:

- бир хил маданият вакиллари ва бир тилда суҳбатлашувчилар таълим олаётган гуруҳларда;

- ўрганилаётган тил дарс ва дарсдан ташқари вақтда мулоқотнинг табиий воситаси бўлиб хизмат қилувчи турли гуруҳларда;

- ўқитувчи раҳбарлиги остида – ўрганилаётган тилнинг тарқатувчиси ёрдамида олиб борилиб, бунда ўқитувчи билан мулоқотда тилнинг табиий имкониятларидан нафакат дарсда, балки дарсдан ташқарида ҳам фойдаланилади;

Тил жамият ҳаётининг турли соҳаларида доимий мулоқот шароитида қўлланилади. Инсон ўзига янги саналган тилни эгаллашда ушбу тилга ижтимоий эҳтиёж юқори бўлиши керак; ягона мулоқот воситаси саналган тилни билиш инсоннинг мамлакатга тўлақонли кириб келиши ва яшашини таъминлайди. Инсон тилнинг тарқатувчиси билан бевосита мулоқот олиб бориш жараёнида захирасидаги барча, ҳатто тилга онд бўлмаган мулоқот воситаларидан фойдаланади. У янги тил муҳитига тушиб қолгач, ўз хоҳишларини ифодалаш учун захирасида тилга онд бўлмаган воситалар борлигига иқрор бўлади ва унинг илк кутк фаоллиги минимал даражадалигига ишонч ҳосил қилади: у кўпроқ оғзаки бўлмаган воситалардан фойдаланади, асгарики қисман тил тажрибасига эга бўлади.

Мулоқот жараёнида асосий эътибор тил шакли ва тил тизимига эмас, балки мазмунга қаратилади. Тил тарқатувчи билан бевосита мулоқотда тилни билиш орқали инсон табиий тил муҳитига тушиб қолади. Бу, албатта, мулоқот воситаси сифатида тилни ишлатиш жараёнининг ижобий хусусиятидир. Бундай шароитда суҳбатлашувчида янги тилга нисбатан турли мақиларда либ-дурустдан тил воситаларидан фойдаланиш имконини берувчи ижодий ёндашув ва маҳсулдорлик шаклланади, бу яна алоқа фаоллигини таъминлайди.

Инсон табиий тил муҳитида тилини била туриб, турли тил услубларидан фойдаланади. Тилини мулоқот воситаси сифатида эгаллаш жараёни ижтимоий қондалар ва ушбу тил тарқатувчисининг маданий билимларини ўзлаштириш ва ўрганилаётган тил ва уни эгаллаш жараёни инсоннинг янги жамиятга, янги ижтимоий шароитга мослашиши учун хизмат қилади. Хорижий тил - давлат тилини маълум мақсадда ўрганиш модели таълим олаётганларни нафақат янги мулоқот воситасига, балки тил орқали улар учун янги саналган ижтимоий ҳаёт жабҳаларига (керакли манзилни топиш, уйни ижарага олиш...) мослашишга ёрдам беради. Режалилик ва мунтазамлик, ўқувчиларнинг ёнида қолишига йўналтирилган махсус танланган ва услубий талқин қилинган таълим моҳияти, иш услуби, ўқув материални билиш даражаси, шунингдек, вақтдан маълум чекланганлик таълим олиш учун хосдир.

Хорижликларга давлат тилини ўргатиш таълими учун услубий ташкиллаштирилган тилга оид ва нутқий материалларни танлаш, аввало, ушбу материалларни ўзлаштириш қийинчиликларини ва мулоқот учун унинг муҳимлигини эътиборга олган ҳолда амалга оширилади. Тил ўргатиш жараёнида нутқий кўникма ва билимлар юзага келишини бошқариш махсус вазифа ва машқларни бажариш жараёнида амалга ошади. Шунинг учун хорижий тил таълими ўқувчиларнинг репродуктив билимлари шаклланиши билан боғлиқ, яъни берилган матнни гапириб бера олиш, тайёрланган материал даражасида фикр билдира олиш ва бошқалар. Таълим олувчиларнинг тилни эгаллашдаги натижавийлиги уларнинг мулоқотнинг янги шароитларида ўзлаштирилган ёки ўзлаштирилаётган тил материалларини қўллай олиш қобилиятлари билан белгиланади. Шу боис таълим жараёнида ўқувчининг унумсиз ва унумли фаолиятини ривожлантириш зарур.

Албатта, ҳар бир тилни эгаллаш жараёнининг асосида ўзлаштиришнинг ягона фундаментал қонунлари ётади. Бироқ тилга хос билимларни ўзлаштириш ва тилни эгаллашнинг индивидуал жараёнини осонлаштириш учун самарали усулларни излаш таълим жараёнининг асоси бўлиб

синалади. Шунинг учун ҳам услубий муаммолар ўзаро мустаҳкам алоқадаги икки хил йўналишда кўриб чиқилиши керак: таълим бераётган ўқитувчининг фаолияти томонидан ва ўқувчининг янги ўқув предмети эгаллашининг индивидуал фаолияти нуктаи назаридан қаралади

Ш.СУЛТОНОВА,
ЎзДЖТУ

РУСИЙЗАБОН ГУРУХЛАРДА ТУРГУН БИРИКМАЛАРНИ ЎРГАТИШ ТАЖРИБАСИДАН

Кейинги йилларда тил ходисаларини имконият ва унинг воқелиги, яъни тил ва нутққа бўлиб ўрганишга катта эътибор берилмоқда. Тил бирликлари имконият потенция бўлиб, унга лексема, фонема, ибора кабилар киради. Нутқ бирликлари эса тил бирликларининг, нутқда воқеланиши реаллашишидир. Уларга сўз бирикмаси, гап, матн кабилар киради. Қуйида биз тил бирикмаларидан бири бўлган тургун бирикмалар яъни ибора ва тасвирий ифодаларни русийзабон гурухларга ўргатиш ҳақида қисқача тўхталмоқчимиз.

Маълумки, иборалар тилга аввалдан мавжуд бўлган тургун бирикмалардир. Шунинг учун ҳам улар ўз хусусияти билан сўзга яқин туради ва луғатларда луғавий бирлик сифатида қайд этилади.

Русийзабон гурухларда иборалар мавзусини ўргатишда аввало бу тил бирликларининг қуйидаги хусусиятлари тушунтирилиши лозим.

1. Иборалар тилда аввалдан мавжуд бўлган тил бирликларидир.

2. Иборалар сўз каби луғавий бирлик ҳисобланади, лекин ундан англашилган маъно сўз маъносига нисбатан кенг ва экспрессив бўлади.

3. Иборалар гапда синтактик жиҳатдан битта гап бўлаги бўлиб келади.

Русийзабон талабаларга иборанинг тил хусусиятларини тушунтиришда уларнинг русча эквивалентларидан фойдаланиш ижобий натижа беради. Масалан: *панжа*

орасидан қарамоқ; смотреть сквозь пальцы; оғзи қулоғида - рот до ушей; игна билан қудуқ қазимоқ - искать иголку в стогу сена; эсхонаси чиқиб кетди, юрағи ёрилаётди - чуть сердце не разорвалось; кўрпангга қараб оёғингни узат - знай свое место.

Лекин бунда ибораларни сўзма-сўз таржима қилиб бўлмаслиги, уларнинг маъноси иборани ташкил қилган сўзлар маъносидан эмас, иборанинг кўчма, устама маъносидан англашилишини тушунтириш лозим. Бунда шаклан иборага тенг бўлган эркин сўз ~~бир~~ ~~қисм~~ ~~маларининг~~ маъносини иборанинг маъносига қиёслаш усулидан фойдаланиш мумкин. Масалан:

1) Нафис гулга кўниб турган капалак учиб кетди. Ҳасан Алишерни қилаётган ишини кўриб, капалағи учиб кетди.

Капалағи учиб кетди - сильно испугался.

2) У дўпписини осмонга отганида, дарахтга осилиб қолди.

У имтиҳондан беш баҳо олди, дўпписини осмонга отиб юргандир - радоваться.

3) Қоронғи тушуши билан кўзи ҳеч нарсани кўрмай қолди.

Кейинги пайтларда анча димоғи кўтарилиб, кўзи ҳеч нарсани кўрмай қолган - делает вид, что ничего не видит.

4. У ниҳоятда чарчаганидан, бир лаҳза дам олай деб, кўзларини юмди.

У атрофдаги бўлаётган ноҳақликларни библиб турса ҳам, кўзини юмди - сделал вид, что ничего не видит; смотрит сквозь пальцы

5) Эҳтиётлаб кўтариб келаётган тарвузи қўлтиғидан тушиб кетди.

Имтиҳондан баҳоси икки эканлигини эшитиб, тарвузи қўлтиғидан тушиб кетди. - руки опустились, упал духом.

Ўқувчиларга мустақил иш сифатида ўзбекча ибораларнинг русча эквивалентларини топишни тавсия қилиш мумкин. Ибораларни ўргатишда яна қуйидаги усуллардан фойдаланиш мумкин:

1. Ўзбек тили фразеологик бирликларининг изоҳли луғатида берилган иборалар иштирокида матн тузиш.

2. Иборалар қатнашган гапларни синтактик таҳлил қилиш.

3. Очик қолган ўрнига берилган иборалардан мосини қўйиш.

4. "Ким кўн ибора билади?" мусобақасини ўтказиш.

5. Ибора ва сўздан иборат синонимларнинг маъносини қиёслаш. Масалан:

1) Ер тагида илон қимирласа билади - зийрак.

2) Кўй оғзидан чўп олмайдиган - анқов.

3) Юлдузни бепарвои урадиган - эпчил, чаққон.

4) Илонни ёғини ялаган - айёр;

5) Шохида эмас, баргида юради - пишиқ, пухта.

6) Тўнигизга сув чиқса ҳам иши йўқ - бепарво.

7) Қовоғидан қор ёғади - жасҳли чиқмоқ;

8) Кўзини ёғ босиб кетган - димоғдор ва ҳ.к.

Маълумки, тасвирий ифодалар ҳам турғун бирикмаларнинг бир туридир. Улар ўз маъносига кўра ибораларга ўхшаб кетади, лекин улардан фарқ қилади. Бу фарқ қуйидагиларда кўрилади:

1. Тасвирий ифодалар фақат от туркуми ўрнида қўлланади: *серқуёш ўлка - Ўзбекистон; Кунчиқар мамлакат - Япония каби.*

2. Уларда асосан ижобий субъектив муносабат ифодаланади:

Оқ олтин - пахта; Ақл гимнастикаси - математика;

Қора олтин - нефть; Запори олов - газ;

Дала маликаси - маккажўхори; Ўрмон маликаси - арча;

Денгиз ҳокими - бўрон; Само бекалари - стюардессалар каби.

Тасвирий ифодаларни ўргатишда русийзабон талабаларга уларнинг мана шу хусусиятларини тушултириш муҳим аҳамият касб этади. Иборалар ва тасвирий ифодаларни ўргатишда "Ўзбек тили фразеологизмлари луғати" (Ш.Раҳматуллаев), "Ўзбек тилидаги парафразаларнинг изоҳли луғати" (Р.Расулов,

И.Умиров) каби қўллашмалардан фойдаланиш, ўқувчи-талабаларни ҳам лугат билан ишлашга жалб қилиш дарсларнинг самарали ўтиши учун шарт-шароит яратди. Умуман, ўзбек тилидаги турғун бирикмаларни русийзабон гуруҳларга ўргатиш ўқитувчидан ўз устида ишлашни, яъни талаб қилади.

М. ЭШХУШЕВА,
ЎзДЖТУ

ЎЗБЕК ТИЛИ ТАЪЛИМИДА ФОНЕТИК ИНТЕРФЕРЕНЦИЯНИ БАРТАРАФ ЭТИШ

Республикамизнинг давлат тилини бошқа миллат вакиллариغا, хусусан, русийзабон ўқувчи-талабаларга ўргатишда тўғри талаффуз масаласи жиддий муаммолардан биридир. Маълумки, иккинчи тилни ўзлаштиришда она тилининг ижобий ва салбий таъсири сезилиб туради. Она тилининг салбий таъсири интерференция деб аталиб, у тилнинг барча хусусиятларида юз бериши мумкин. Талаффуз билан боғлиқ хатоликлар фонетик интерференцияга ўзбек тилидаги нутқ товушларини нотўғри талаффуз қилиш, урғуни нотўғри қўйиш, чўзиқ ва қисқа унлиларни фарқламаслик, сўзларни талаффуз қилишда орфоэпик меъёрларга риоя қилмаслик каби ҳодисалар киради. Бугунги кунгача ўзбек тили таълимида фонетик интерференцияни бартараф қилишга қаратилган махсус машқлар тизими ишлаб чиқилмаганлиги боис рус миллатига мансуб талабаларнинг нутқида ҳатто олий таълим босқичида ҳам оддий талаффуз билан боғлиқ хатоликлар жуда кўп учрайди. Ушбу хатоликларнинг асосий сабаблари қуйидагилар:

1. Ўзбек тилининг специфик нутқ товушлари о унлиси ва к, г, х ундошларининг рус тилида мавжуд эмаслиги “Бунинг оқибатида русийзабон ўқувчи-талабалар ушбу товушлар артикуляцияси билан боғлиқ қийинчиликлар мавжуд”.

2. Рус тилида эркин урғу, ўзбек тилида турғун урғу ҳолати ҳам талаффузда ўзига хосликларни келтириб чиқаради. Жумладан, рус тилида урғули ва урғусиз

бўгинларда унли товушлар талаффузига таъсир килгани учун ўзбек тилидаги ургусиз бўгиндаги унлини ўзгартириб талаффуз этилиш ҳолати.

3. Ўзбек тилидаги талаффуз сўз охирида ундошларнинг жарангсизлашуви, сўз ўртасида ўзаро мослашуви каби орфоэпик меъёр ҳодисаларини билмаслик оқибатида сўзларни қандай ёзилган бўлса, шундай талаффуз қилиш.

4. Ўзбек тилидаги қисқа ва чўзиқ унлиларни фарқламаслик, сўз охиридаги и унлисини доим чўзиқ талаффуз қилиш ва ҳ.к.

Ушбу хатоликларни бартараф қилишга доир ишлар таълимнинг илк босқичи – бошланғич синфлардан оқ бошланиши керак. Хусусан, нутқ товушларининг артикуляциясига ўрганишни ҳатто мактабгача тарбия муассасаларидан бошлаган маъқул. Орфоэпик меъёрларга боғлиқ товушлар ўзгаришларини эса амалий жиҳатдан қуйи таълим босқичларидан оқ бошланса ҳам, унга боғлиқ қоидаларни 4-5-синфлардан бошлаб бериш керак. Хулоса қилиб айтганда, фонетик интерференцияга боғлиқ амлаий машқлар қанча эрта бошланса, ва таълим босқичларида муайян изчиллик билан мунтазам олиб борилса, бундай хатоликлар олий таълим босқичигача етиб бормади.

S.SHOKIROVA,
TBXK kolleji

O'ZBEK TILI TA'LIMIDA IQTISODIY ATAMALARNI O'RGANISH YO'LLARI

Ma'lumki, kasb-hunar kollejlari Respublikamiz ta'lim tizimining o'rta bosqichi sanalib, umumta'lim o'quv yurtlaridan keyingi bo'g'in hisoblanadi. Kollej o'quvchilariga ayrim bir kasb yoki hunar bo'yicha kasbiy bilim yoki fanning muayyan tarmoq yo'nalishlari bo'yicha chuqurlashtirilgan bilimlar beriladi. Kasb-hunar kollejlarini tugatgan yoshlar turli muassalarda o'zlari tanlagan soha bo'yicha mustaqil ish faoliyatlarini boshlashlari tufayli o'zbek tili ta'limida asosiy diqqat ixtisoslik atamalarini o'zlashtirishga qaratilishi lozim. Chunki o'rta ma'lumotli

bo'lajak mutavassis ixtisoslik atamalarining o'zbek tilidagi muqobilini bilishi shart.

Yurtboshimiz L.A.Karimov shu xususida gapirib, bunday degan edilar: "Shunga alohida urg'u berishimiz zarurki chet tillarini o'rganish minba'd ona tilini esdan chiqarish hisobiga bo'lmasligi lozim. O'z fikrini mutlaqo mustaqil, ona tilida ravon, go'zal va lo'nda ifoda eta olmaydigan mutaxassisni avvalambor, rahbar kursisida o'tirganlarni bugun tushunish ham, oqlash ham qiyin. Bu fikrni asoslab, dastavval ixtisoslikka oid atamalarni lug'aviy birlik sifatida talaba nutqining asosiy ko'rinishiga aylantirish ko'zda tutiladi. Yozma va og'zaki nutqning asosiy qismini ixtisoslik atamalari tashkil etishi bo'lg'usi o'rta ma'lumotli mutaxassisning o'z xizmat doirasida o'zbekcha erkin muloqot qila olishiga, xizmat sohasiga oid o'zbekcha matnni tushuna olishiga zamin hozirlaydi. Lekin til ta'limida davr talabiga mos ravishdagi zamonaviy texnologiya so'z birliklarini o'zaro bog'lanishda va kichik nutq bo'lagi sifatida o'rganish maqsadga muvofiqligini ko'rsatmoqda. So'zlarni ma'no va leksik-grammatik jihatdan o'zaro turlicha munosabatini o'rganish nutqda fikrlash asosida so'zlash ko'nikmasini shakllantirishni tezlatadi. Bunda birikish natijasida fe'l turkumiga oid so'zlar asosiy ahamiyat kasb etadi. Chunki, fe'llarda ayni kesimda fikrning xulosasi hukmi ifodalanadi. Chunonchi, fe'l keng ma'noda harakat bildiruvchi so'z turkumidir. Fe'l-kesim ish-harakat yoki holatini kimga yoki nimaga oidligini, chunonchi gapning markazi sifatida o'z doirasiga bo'shqa so'zlarni tortishi jihatidan hokim bo'lak sanaladi. Ot turkimiga oid so'zlarni boshqarish xususiyati bilan fe'lni bo'shqa so'zlar bilan bog'lab o'rganish ijobiy natija berishini asoslaydi.

Mamlakatimizda ijtimoiy sohadan katta o'zgarishlarning asosiy qismi iqtisodga oid bo'lganligi sababli bu sohaning atamalari nutqimizda ancha faollashdi. Chunonchi, iqtisodiyot sohasiga oid ko'pgina atamalar atamalik xususiyatini yo'qotib oddiy muloqot so'zlarga aylanib qolgan. Masalan, foyda-прибыль, mablag'-капитал, baho-цена, soliq-налог, to'lov-платёж, chiqim-расход, omonat-сбережение, оборот, акция kabi so'zlar oddiy lug'aviy birlikka aylanib, nutqda fe'llar bilan

bog'lanishda qo'llanadi. Masalan, daromad olmoq, birjada qatnashmoq, kapitalni sarflamoq, omonatni olmoq va h.k. O'zbek tili darslarida fe'l turkumini o'rganishda, faqat so'z birligi sifatida emas, balki ot turkumiga mansub iqtisodiy atamalar bilan bog'lab nutqqa singdirish maqsadga muvofiq bo'ladi.

Bunda o'zbek tili fanini mutaxassislik fanlari bilan bog'langan holda olib borilsa yaxshi samara beriladi. Ot turkumiga oid iqtisodiy atamalarning fe'llar bilan birikuvchanligini inobatga olgan holda ularni o'rgatishda quyidagi usuldan foydalanish mumkin:

1. Ergash so'z bosh so'zning birikishi, ya'ni tayanch fe'lning semantik birikuvchanligiga asoslanib atamalar turkumini belgilash. Masalan, *tuzmoq* fe'li *shartnoma*, *korxona*, *savdo* kabi so'zlar bilan birikish xususiyatiga ega.

2. Ergash so'z bosh so'z bilan tushum, jo'nalish, o'rin-payt yoki chiqish kelishik qo'shimchalari yordamida fe'l boshqaruvidagi birikma modelini belgilash orqali mutaxassislikka oid so'zni nutqiy jarayonga kiritish. Masalan, *o'zlashtirmoq* fe'lini *-ni* tushum kelishigi orqali boshqaruvli birikma hosil qiluvchi quyidagi ixtisoslik atamalarini o'rganish: *kapitalni o'zlashtirmoq*, *mablag'ni o'zlashtirmoq*, *tovarni o'zlashtirmoq* va hokazo.

3. Tayanch so'z sifatida ixtisoslik atamasini tanlab olib uning birikuvchanlik darajasini nazarda tutib fe'lga savol berish orqali birikmalar tuzish. Masalan: soliqni nima qilish kerak? - Soliqni to'lash, soliqni oshirish, soliqni belgilash va hokazo.

Bundan ko'rinadiki, so'z birikmasi shaklidagi kichik nutq birliklarini rus tilida so'zlashuvchi talabalar o'zbekcha tayyor andoza sifatida xotiralarida tez saqlab qoladilar va turli nutqiy vaziyatlarda mustaqil ravishda qo'llashda qiynalmaydilar. Chunonchi, bunday birikmalar boshqa tildagi matnning tushunilishini osonlashtiruvchi va unda ifodalangan hukm, xulosani aks ettiruvchi nutq bo'lagi hisoblanadi. Bu bo'lak tarkibidagi fe'l matnning tayanch so'zini ko'rsatib, shu tufayli yetakchi ma'noni ifodalovchi atama fe'l bilan bog'lanib asosiy mazmunini ochishga xizmat qiladi. Masalan: *soliq to'landi*, *soliq belgilandi*, *mablag' o'zlashtirildi* va hokazo.

Shunday qilib, boshqaruvda grammatik vosita orqali iqtisodiy atamalarni o'rgatish o'quvchilarning o'zlari tanlagan kasblari bo'yicha mustaqil faoliyat ish faoliyatlarini boshlashlari, ayni paytda oliy o'quv yurtlariga kirib shu soha bo'yicha bilim olishni davom ettirishlari mumkin.

Г. ИСЛОМОВА,
Н. ПИРНАЗАРОВА,
МРДИ

ТИЛНИ ЎҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохатларни ҳаётга тадбиқ этишда кадрларни тутган ўрни каттадир. Ҳозирги вақтда замон талабига асосан барча илм масканларида, олий таълим даргоҳларида ва хорижий тил чуқур ўргатувчи умумтаълим коллежларида ўқув жараёни сифатини ДТС талабаларидан келиб чиқиб, тўғри ташкил этиш, ҳар бир илм олаётган ўқувчиларга замонaviй талаб даражаларида таълим бериш ҳар бир педагог олдига қўйиладиган биринчи талабдир.

Ҳозирги вақтда талабанинг танқидий ва эркин фикрлаши ва бутун имкониятларини ишга солишига қаратилган усуллар ривож топмоқда. таълим жараёни такомиллаштириш учун компьютер алоқасини, шунингдек информуюцион алоқа технологиясини амалга тадбиқ этиш ва ундан самарали фойдалана олиш керак бўлади. Бу борада кенйинги вақтда бир қатор илмий ишлар бажарилди ва ижобий натижаларга эришилди. Эндиликда чет тили ўрганаётган талабаларга фақат дунё миқёсида энг янги билимларни ўзлаштириб қолмасдан, яна ўқув жараёнида интернетдан, телекоммуникациянинг бошқа воситаларидан унумли фойдалана олиш бўйича кўникма ва малакаларга эга бўлишлари мумкин.

Талабалар интернет орқали қуйидаги вазифаларни бажаришлари мумкин: электрон почта орқали ўрганилаётган тилда гаплашувчи кишилар билан мулоқот қила олиши; дидактик материалларни тўлдириш учун турли

хил ахборотлардан фойдаланиш; электрон кутубхоналардан
тегишли маълумотларни эгаллай олиш; телекоммуникацион
лойиҳаларда иштирок этиб, ўз билимларини мустахкамлаш.

Маълумки, инглиз тили асосан икки хил турга бўлиб
ўрганилади: British English ва American English. Бу ўринда
савол туғилиши мумкин, улар бир-биридан фарқ қиладими?
Бу фарқлар асосан қайси жиҳатларда кўзга ташланади?
Буюк Британия асосан инглиз тилини ҳеч қандай
ўзгаришларсиз ўрганишни, асосан грамматикани тадбиқ
қилишга интилса, америкаликлар ундан фарқли равишда
инглиз тили ўзлари учун шаклда қўллайдилар, шу боис
уларда ўз шеваларининг таъсири сезилиб туради.

Чет тили ўқитишнинг мазмуни ташкил этувчи
асослардан бири нутқни ўстиришдир. Нутқ ўстириш учун
оғзаки машғулотларда кўпроқ фойдаланиш мумкин: матнни
ўқиб, лугат ёрдамида уни таржима қилиш ва матнни гапириб
бериш ва ҳ.к. Бундай турдаги машғулотлар албатта ўз
маҳсулини кўрсатади. Чет тилини ўқитишда асосий восита
инглиз тили муҳити ҳисобланади. Бадний таълимга
йўналтирилган чет тили дарсликлари бунда муҳим восита
бўлиб, қўшимчалари эса техник ва визуал воситалардир.

Анъанавий грамматик таржимавий услуб амалда
қўллаш учун энг осон услубдир. Бунда ўқитувчидан чет
тилида раво сўзлай олиш ва дарсга мукаммал тайёрланиш
талаб қилинмайди. Муаллим устозлик эмас балки
таржимонлик вазифасини бажаради, холос. Янги педагогик
технология эса ўқитувчидан юқори даражадаги малакани,
яъни, аввало, дарсда инглиз тили муҳитини яратиш учун
дарс жараёнини инглиз тилида олиб боришни, иккинчидан,
инновацион методларни амалга ошириш учун юқори
билимли ва маҳоратли бўлишни талаб этади. Берилаётган уй
вазифаларини талабалар ўз компьютер сайтлари орқали
мустақил равишда ўқиб ўзлаштириб оляптилар. Ҳозирги
давр педагогик методиканинг янги технологияси ана шу
каби усулларни тақозо этади. Чунки талабалар янгиликка
интилувчан, мустақил ишлашни хуш кўрадилар. Ҳар дарсда
ана шунга ўхшаш янгидан-янги усуллардан фойдаланиш
нафақат дарсни жонлантиради, балки талабаларнинг инглиз

тида бўлган қизиқиш ва хавасларини орттириб, дарс самарадорлигини оширади. Натижада шундай тил дарсларида ўқитувчи олдинга қўйган ҳам таълимий, ҳам амалий мақсад ўзиниқ амалга ошади.

M.V. DADAMIRZAYEVA,
O'zDJTU

CHET TILINI O'QITISH USLUBI

Yevropa davlatlarining deyarli barchasida chet tillarni o'rgatish va o'rganish bo'yicha zarur bo'ladigan malaka va bilim ko'nikmalari mezonlari belgilab olingan. Mazkur mezonlar talabiga ko'ra chet tilini mukammal o'rganish uchun belgilangan oltita daraja bo'yicha maxsus kurslarda o'qish va har bir daraja orasidagi sinovlardan muvaffaqiyatli o'tish kerak.

A (boshlang'ich)		B (o'rta)		C (oliy)	
/ \		/ \		/ \	
A1	A2	B1	B2	C1	C2

Har bir darajaning o'ziga hos vazifalari bo'lib, ular besh xil ko'rinishda beriladi: tinglab tushunish, o'qib tushunish, suxbat, yozma nutq va chet tilida o'z fikrini mustaqil ifodalay olish. Bu vazifalar daraja oshgan sari murakkablashib boradi. Misol uchun, A1 darajaga ega bo'lish uchun nomzod kundalik xayotda bo'ladigan oddiy gap va iboralarni tushuna olishi va ulardan foydalana olishi kerak. O'zini va boshqalarni tanishtira olishi, oilasi va yashash joyiga oid savollar bera olishi va shu kabi savollarga o'zi ham javob bera olishi kerak. B2 darajasini olgan o'rganuvchi esa o'zining mutahassisligiga tegishli va boshqa murakkab matnlarning asosiy mazmunini tushuna oladi. Chet ellik suxbatdoshi bilan hech qanday qiyinchiliksiz so'zlasha oladi va har qanday mavzu bo'yicha o'z fikrini aniq bildirsa oladi. Chet tilini mukammal o'zlashtirgan kishigina C2 darajasini olishi mumkin. Bu holda undan nafaqat murakkab mavzular bo'yicha suxbatlashish, dalil va isbotlar keltirish talab qilinadi, balki o'rgangan chet tilida maqola yoki hikoyalar yozish qobiliyatiga ham ega bo'lishi kerak. Demak, xorijiy til malaka va ko'nikmalarini nafaqat hosil qilish, balki ularni shakllantirish va

rivojlantirish kerak. Bunga esa integrallashgan yondashuv yordamida erishish mumkin.

Hozirgi kunda, masalan Fransiyada, chet tilini o'rgatish uchun mo'ljallangan darsliklar va dars usullari muammoli o'qitish texnologiyasiga asoslangan, chunki muammoli o'qitish bilimlarni ongli va mustahkam o'zlashtirish, atrof-muhitga o'zining faol munosabatini belgilab olishda talabalar bilish faoliyatini jonlashtirishda katta imkoniyatga ega. Muammoli o'qitishning samaradorligi esa ko'p jihatdan talabalarning ijodiy faoliyatiga, muammoni ifodalash va yechishga bo'lgan tayyorgarligiga bog'liq. Shuningdek, muammoli o'qitishning barcha metodlari zanjirida asta-sekin oddiydan murakkabga o'tish zarur, chunki o'rganilayotgan mavzuning mohiyatini, ulardan foydalanishning kerakli metodik materiallari va qoidalarini talabalar bilmasa va anglamasa, o'qituvchi ularning ijodiy faoliyatini tashkil eta olmaydi. Muammoli o'qitish mashg'ulotlarini har xil metodlar yordamida tashkillashtirib o'tkazish mumkin, masalan: «Tarozi», «Yelpig'ich», «Skarabey», «Aqliy hujum» va boshqalar. Mazkur metodlarning mohiyati shundaki, ular yordamida talabalar o'z g'oyalari, fikrlari, dalillarini yozma va og'zaki shaklda ixcham bayon etishni, o'z nuqta'i nazarlarini himoya qilishni va munozara madaniyatini ham o'rganadilar. Keng tarqalgan metodlardan yana biri – «kundalik tutish» metodi, bunda guruhning har bir a'zosi yon daftarchasiga bir hafta davomida muhokama qilinadigan muammo bo'yicha tug'ilgan fikrlarini qayd qilib boradi. Takidlash lozimki, chet tilini o'rgatishda qo'llaniladigan metodlarning aksariyati vaqt jihatidan chegaralangan usullar yordamida amalga oshiriladi va dars davomida ona tilidan foydalanish taqiqlanadi.

Ayni vaqtda mamlakatimiz yoshlari ham Yevropa miqyosidagi diplomlarga ega bo'lishga haqlidirlar, chunki ular bilimga chanqoq, o'ta zukko va tirishqoqdirlar. Biroq qanchalik bilimdon bo'lmasin talaba, u faqat auditoriya darslari bilan kifoyalanib qolsa ko'zlangan maqsadga erishish qiyin bo'ladi. Xorijiy til malaka va bilim ko'nikmalarini mukammal darajaga etkazish uchun talaba nafaqat auditoriyada balki mustaqil

ravishda ham shug'ullanishi lozim, chunki bu ko'nikmalar faqat doimiy va uzluksiz tarzda shug'ullanganda shakllanishi mumkin.

М.МЎМИНОВА,
М.МИРМАҚСУДОВА,
ТЎМИ академик лицейи

АФОРИЗМЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШДА КЎП ТИЛЛИ ЛУҒАТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Халқимизда ихчам шаклда бериладиган, кам гап билан кўп таъсирга эга бўладиган доно, пурхикмат сўзлар борки, биз уларни одоб дурдоналарига қиёс қиламиз. Илмий тилда улар афоризм деб аталади. Улар таркибида нафақат халқимизнинг ҳаётий тажрибалари асосида юзага келган доно фикрлари, балки мутафаккирлар, йирик маданият ва давлат арбоблари, олимларнинг ибратомуз гаплари ҳам мавжуд. Бугунги кунга келиб тил ўрганиш, халқнинг менталитетига кириб бориш йўлида афоризмлардан фойдаланиш кенг тус олган. Шу боис афоризмларни тўплаш, уларнинг турли тиллардаги изоҳлари, эквивалентлари берилган луғатларни чоп этишга кенг эътибор қаратилмоқда. К.М.Кароматова ва Ҳ.С.Кароматовлар ҳаммуаллифлигидаги ўзбекча, русча, инглизча мақоллар тўплами, Йўлдош Парданинг “Уммон дурлар” номли Навоий хикматларининг ўзбек, немис, инглиз тилларидаги таржималар тўплами шулар жумласидандир. Ушбу луғатлар ёрдамида ёшлар тарбиясида катта аҳамиятга эга бўлган инсонийлик, меҳнатқашлик, муомала одобига риоя қилиш, яхши ҳуқққа эга бўлиш, дўст тутинишни билиш, ваъдага вафо қилиш, қарз бериш ва олиш одоби каби ҳаётий масалалар ҳақида турли халқларда билдирилган шакли ҳар хил бўлса-да, мазмун-моҳияти бир хил бўлган фикрларни ўқувчига тез ва осон етказиб берилади. Масалан:

Ўзб. Ёмон сўзинг қаноти бор.

Рус. Плохая молва на крыльях летит.

Eng. Bad news has wings.

Ўзб. Кейинги пушаймон, ўзингга душман.

Рус. Радумье на грех наводит.

Eng. Better be sure than sorry.

Ўзб. Хато қилмоқ бордир, Туғатмаслик –ордир.

Рус. Человеку свойственно ошибаться.

Eng. Err is human, To.

Ўзб. Сахийнинг қўли очик, қўли очикнинг йўли очик.

Рус. Торопному бог подает, а у скупого черт отбирает.

Eng. Fish to catch a great one. Venture a Small.

Одатда, бу каби мақолларнинг аналогияси ҳар доим ҳам айнан таржима бўла олмайди, мазмунан мос келади, холос. Лекин Алишер Навоий қаламига мансуб қўйидаги ғазаллар тили ўткир ижодкор томонидан таржима қилинганки, биз унда Мир Алишер ҳазратларининг ижодий салоҳиятларини сеза оламиз. Масалан:

Ўзб. Киши айбинг деса, дам ўрмагилким, ул эрур кўзгу,

Чу кўзгу тийра бўлди, ўзга айбинг? Зоҳир айларми?

Eng. Should a man find fault with you, Hit him not as he is a mirror,

Should the mirror breaks, Then what reflects your faults.

Ўзб. Билмаганин сўраб ўрганган олим,

Ортаниб сўрамаган ўзига золим.

Eng. He be a scholar who asks what he knows not,

He be an evil doer for himself if of shame he asks not.

Ўзб. Яхшилик қила олмасанг, ёмонлик ҳам боре қилма.

Eng. If you can't do good for others,

Never dare to do wrong for others.

Алишер Навоий, Ибн Сино, Фаробий, Яссавий каби мутафаккир олимларимизнинг бу каби бебаҳо дурдоналари ўқувчиларимизга турли тилларда етиб бориши миллат гурури билан бир қаторда афоризмлар, ҳикматли сўзлар салмоғининг нақадар беқиёслигини ҳам кўрсатади. Дарс жараёнида ушбу луғатлардан фойдаланиш ўқитувчи учун енгиллик ҳосил қилса, ўқувчиларни китоблар воситасида сўз оламига олиб кириши, уларни мутоалага ўргатиши билан ҳам таълимий, ҳам тарбиявий аҳамият касб этади. Афоризмларнинг турли тиллардаги структураларини қиёслаш ушбу тил соҳибларининг маънавий дунёси билан таништириш учун ҳам катта манба бўлиб хизмат қилади.

3- БЎЛИМ

ЎЗБЕК УСЛУБШУНОСЛИГИ ВА НУТҚ МАДАНИЯТИ МУАММОЛАРИ

Э.БЕГМАТОВ,
М.ОДИЛОВА,
ЎЗРФАТИ

НУТҚИЙ ОДОБ МЕЪЁРЛАРИ

Ҳозирда олий таълим муассасаларининг филология факультетларида нутқ маданияти ва нотиклик санъатидан таълим берилаётгани маълум. Ушбу маданий-маърифий ҳаракат бизнинг жамиятимиз тарбия қилаётган комил инсоннинг тилга муносабатини ҳам, етук инсон бўлиб етишишини ҳам, тўғри, адабий нутқ ва нотикликнинг баркамол намояндаси бўлишини кўзда тутади. Аммо нутқ маданиятини, нотикликни эгаллаш осон иш эмас. Бунда киши нутқининг ҳам лисоний, ҳам нолисоний хусусиятлари намунали бўлиши талаб қилинади.

Ўтмиш аجدодларимизнинг таълим беришича, шахс нутқининг қандай бўлиши унинг тилга бўлган муносабати, одоб-ахлоқига боғлиқдир. Мана шу масалада ота-боболаримиздан ниҳоятда бой ва қимматли лисоний, маданий ва маънавий меърос қолган. Халқ оғзаки тилида, баъзи ёзма манбаъларда ушбу меъроснинг ноёб манбалари мужассамлашган бўлиб, улардан бири Ш.Шомақсудов, Ш.Шораҳмедовлар тўплаган "Маънолар мағзани" номли китобида¹ ўз ифодасини топган. Биз мана шу ноёб фикрларнинг нутқ одобига оид ўринлари ҳақида фикр юритамиз ва уни қуйидагича таснифлаган ҳолда таҳлил қиламиз:

1. Тил бу одамнинг дили билан чамбарчас боғлиқ. Шу сабабли тил, нутқни дилнинг калити деб айтиш мумкин. Одамларнинг нияти, мақсади унинг тилида намоён бўлади; Дилда бори тилга чиқар (79). Дили тўғрининг тили тўғри (79).

¹ Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. "Маънолар мағзани. — Тошкент: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси", 2001 (Мақоли ва сўзларидан ва расмлар ўша китоб беллариники).

2. Тил дилда бордини ифодалар экан, демак, айтмоқчи фикрни ҳам, уни ифода этадиган тилни ҳам дилда яхшилаб пишириш ва кейин сўзлаш лозим: Дилда пишир тилда гапир (9); Билмагунча сўзлама (9); Кўп ўйла, оз сўзла (9);

3. Сўзлашдан олдин нутқий вазиятни, сени тингловчини, унинг ҳолатини ҳисобга олиб кейин гапир; Акллига сўз айтсанг уқиб олар, аҳмоққа сўз айтсанг аклинг олар (71); Сўзинг кумуш бўлса, тингловчи тилла бўлсин (33); Ўликка йиғлаган эссиз кўзим, нодонга сўзлаган эссиз сўзим (71);

4. Сўз, яъни тил қудратли нарсаси, у улуг маънавий бойлик уни кадрла, чунки тилга муносабатинг сенинг қандай одамлигингни кўрсатиб туради: Сўз кадрини билмаган-ўз кадрини билмас (272); Сўз кишининг ўзаги, одоб унинг беадаги (272); Ёр ғазнаси сўз (274); Сўзининг бойлиги, одамнинг чиройлиги (271); Сўз қиличдан ўткир (272); Куч эгмаганни сўз эгар (272);

5. Нутқнинг қандайлигини, коммуникатив сифатларини унинг маъно-мазмунини белгилайди. Шу сабабли нутқнинг мазмунли, фойдали, мағизли бўлсин: Ким гапирганига бокма, нима гапирганига бок (193); Маъноси йўқ гапдан донаси бор чўп яхши (210); Сенга бор эса сўз билурдин мазох, Ўзум сари бокма, сўзум сари бок (А.Навоий, 193); Иш кўпу, темир оз, гап кўп, кўмир оз (70);

6. Нутқ мазмунангина эмас, балки, ифодали, таъсирчан, чиройли тил эстетикаси талабларига жавоб берадиган бўлиши керак; Юзинг чиройли бўлгунча, сўзинг чиройли бўлсин (386); Ҳусн сўзда, уят кўзда (386); Таом лаззати – ўзида, одам лаззати сўзида (386);

7. Нутқ одоби ва маданиятининг зарур фазилатларидан бири, нутқнинг лўнда ва қисқалиги, оз сўз билан кўп нарсани ифодалай олишидир: Кўп билган оз сўзлар, оз сўзласа ҳам соз сўзлар (193); Узун сўзининг маъноси қисқа (308); Оз сўз соз сўз (308); Оз сўзла – соз сўзла (308); Гапнинг қисқаси яхши, қисқасидан ҳиссаси яхши (308); Ипнинг узун яхши, гапнинг қисқаси яхши (308);

8. Нутқ дегал, кўпол бўлмаслиги керак: Нутқинда кўпол сўзларни ишлатишдан қоч, буша риоя қилиш, нутқ одоби ва ахлоқининг зарур шартидир: Яхши топиб гапирар, ёмон қопиб гапирар (390); Бировнинг ўзак гар, бировнинг сўзи гар (390); Яхшининг гапи мой, ёмоннинг гапи лой (390); Ўзи совуқнинг сўзи совуқ (391); Ириган оғиздан – чирган сўз чиқар (391); Ёмоннинг юзи курсин, гапирганининг сўзи курсин (391);

9. Нутқ одоби ва маданиятини ўтмиш аجدодларимизнинг тажрибалари ва насихатларидан ўрган, уларнинг бу борадаги ўғит насихатларига амал қил: Оталар сўзи хитоб бўлур, Ани йиғсанг китоб бўлур (273); 'Эл газнаси – эски сўз (274); Тил газнаси эски сўз (274).

Ўтмиш аجدодларимиз нуткий одобнинг бир қатор нолингвистик меъёрларини белгилашган. Тилимизда мана шу талаб, шарт ва меъёрлар ифода этувчи бир қатор сўзлар, сўз бирикмалари, гаплар ва қуйма жумлалар мавжуд. Уларнинг барчаси ҳақида ушбу мақолада гап юритишни иложи йўқ. Шу туфайли биз қуйида ушбу тушунчаларни ўзида ифода қилган сўз ва сўз бирикмаларини келтириш билан қифояланамиз. Буларни икки катта гуруҳга ажратиш мумкин: 1) Нутқ одобининг ижобий томонларига оид тушунчаларни ифода этувчи сўз ва иборалар ва 2) Нутқ одобига зид бўлган салбий ҳолатларни ифода этувчи сўз ва иборалар.

Биринчи гуруҳга мансуб сўз ва иборалар: ўйламагунча сўзлама; оз сўзла; (сўзни) дилда пишир; ўйлаб гапир; тек (тинч) турганинг олтин; сақланган (айтилмаган) сўз-соп олтин; айтар сўзни айт; бир гапдан қолмоқ; аста (шошмай) сўзламоқ; ширин сўз; сўз (гапиришни билмоқ); гапиргандан гапирмаган яхшироқ, индамаган ундан яхшироқ; гапни гапир уққанга; қулоқсизга сўз айтма; қуйма (уқадиган) қулоқ; дилда бори тилга чиқади; дил – хазина, тил – қазини; дили тўғрининг – йўли тўғри, тили тўғрининг дили тўғри; ачитиб (ростини айтиб) гапирмоқ; чин гап; чин демоқ; ҳақ сўз; ростгўй; ростгўйлик; тилини суйсанг, рост сўзла; сўзи ҳақнинг юзи пок; искарт (мўлжал, меъёр)дан ортик гапирма; кўп билган, оз сўзлар; камгаплик; оз сўзламоқ;

кўп тингламоқ; оз сўз – олтин; оз сўз – соз сўз; оз сўзла, соз сўзла; ўн ўйла, бир сўзла; кўп гапирма, оз гапир; гапнинг қисқаси яхши; сўзни кадрла, сўз кишининг ўзати; сўзни эилаб айт; сўз қилинчадан ўткир; сўз чимилдиқцаги келин; сўз нади (бўйинни); эр газнаси сўз; халқ сўзи; эл сўзи; сўз чечак; сўз(нинг) сози, оз сўз; кўп дема; сўз (узокка) етади; сўз (ел кирмаган ерга) киради; сўз (бошингни) эгади; сўз (юксакка) кўтаради; сўз бузади; тил бахтли қилади; тил севдиради; тил бор бол; тил – шакар; энг чучук нарса – тил; очик тил ош едирар; бир сўз тўрга элитади; тилнинг суяги йўқ; тил суяксиз; тилни тийиб юр; тек (жим) юр; тилинг боғла дил билан, дилинг боғла тил билан; тилингни ботир қилма; тилни билиш – дилни билиш; тил – дил тилмочи; чин; чин сўз; ҳақ гап; сўзнинг тувраси (тўғриси) яхши; тўғри сўз; тўғри сўзла, рост гап; тўғри гап; ширин сўз; ширин гап; сўзинг чиройли бўлсин; ҳусн сўзда; одам таъми – сўз; одам лаззати – сўз; яхши сўз; иссиқ сўз; мазали сўз; чучук тил; топиб гапирмоқ; гапни ёғлаб гапирмоқ; сўзи сийловли (одам); билиб сўзламоқ; яхши гап – мой, ёмон гап – лой ва б.

Иккинчи гуруҳга қуйидаги сўз ва иборалар киради: Оғзига келганни сўзламоқ; ўйланмаган сўз; англамай айтмоқ; айтишмоқ (тортишмоқ)да; аччик тил; тили аччик; гапи гапга ўхшамас, оғзи гапдан бўшамас; гапи тўмтоқ; ириган оғиздан чириган гап; кўп гап; пичир; пичир – пичир; сўзнинг ёмони – санчик; тил учида сўзлаш; гап ковламоқ; деворнинг қулоғи бор; деворнинг сичқони бор; шакар тилга инонма; ёлғон; ёлғончи; дуруғ (ёлғон); дуруғчи; ўтрук (ёлғон); ёлғон гап; ўтрук сўз; ёлғон -ёндирар; тўмтоқ (гап) жумбоқ (тушунарсиз); иғвогар; гийбат; гийбатчи; сўз қувмоқ; кўнгилсиз гап; кўп гап (сўз) – эшакка юк; эзма; сўз узун бўлса – эсноқ; узун сўзнинг маъноси қисқа; сергаплик; сергап бўлмоқ; кўп сўзламоқ; ортик(ча) сўз; сўзнинг хам миқдори бор; эви билан сўзламоқ; майда гап; сўз ўғриси; сўз ўлдиради; сўзга сўзи ўхшамас, оғзи сўздан бўшамас; тилга ихтиёрсиз, элга эътиборсиз; бездирадиган тил; тил бор – боло; тилда оғу; тил – захар; сўз (ўринсиз) гўрга элитади; сўз (ноўрин) ўлдиради; сўз бошни ёради; сўз суякдан ўтади; тил

юғирлиги бошга; тил бўшлиғи бошга етади; узун тил бошга етади; узун тил – бошга тўқмоқ, бўйинга сиртмоқ; ёмон сўз; оғизнинг жияғи йўқ; дарвозасиз оғиз; суяксиз тил; тил – бало; фойдасиз сўз; ёмон тил; ёмон гап; ёмон сўз; аччиқ тил; ўринсиз сўз; қахрли сўз; совуқ сўз; қоғиб гапирмоқ; сўзи гор; лақиллаб сўзламоқ; сўзи тузсиз; сўзи совуқ; чирик сўз сассик сўз; ёмон (киши) захри тилида; курук сўз; курук гап ва б.

С. ҲОЖИЕВ,
ЎзДЖТУ

ПАРАФРАЗЛАРНИНГ ПРОЗАИК АСАРЛАРДА УСЛУБИЙ ВОСИТА СИФАТИДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Парафразлар поэзиядагина эмас, балки улар сўз санъаткорлари томонидан прозаик асарларда ҳам фаол ишлатилади, прозаик асарларнинг бадиий маҳорат билан яратилиши муҳим восита сифатида аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан парафразлардан прозаик асарларда қуйидаги мақсадларда фойдаланилади:

1. Асар қаҳрамонларининг тавсифи тўлақонли бўлиши мақсадида ҳам улардан фойдаланилади. Прозаик асарларда гапга тенг парафразларни учратамиз. Масалан, Ўлмас Умарбековнинг “Одам бўлиш қийин” романида “Абдулла иссиқ қозон ичида қайнади” деган жумлада сувга тушиб қайнаш маъноси назарда тутилмайди, балки ёзувчи унинг ҳақиқатдан ҳам ҳаётда қийналганлигини таъкидлайди.

2. Прозаик асарларда парафразлар асарда жумлаларнинг қисқалигини таъминлаш мақсадида ҳам ишлатилади. Бунда локализм (қисқалик, ихчамлик) ходисаси юзага келади. Масалан: Тўғри, раис телефон қилгандан кейин Тошкент радиосининг олғирлари бу хабарни кечки сўнгги ахборотга беришган эди (А.Қаҳҳор) гапидаги олғирлар сўзи орқали жумлада ихчамлик вужудга келган, чунки бу сўз радио эшиттиришни бошқариб борадиган кишилар сўз бирикмасига нисбатан қисқа ва ихчамдир.

Парафразлардан прозада фойдаланишнинг яна бир муҳим томони бор. Улар асарнинг бадиий қимматини оширади ва асар қаҳрамонларининг бирор хусусиятини очиб

беради. Сўз санъаткорлари парафразалардаги сўзлар ифодалайдиган маънони назарда тутмасдан, балки тасвирий ифоданинг яхлит мазмунидан келиб чиқиб предметларга ёндашадилар. Масалан: *Нега йўлдан урмас экан. Йигит билган занни қиз ҳам билади. Ҳозирги қизлар ота соқоли кўкрагига тушган эркактарни мусобақага чақиради, трактор минади (А.Қаҳҳор)*. Бу гапдаги *ота соқоли кўкрагига тушган* сўз бирикмаси соқолнинг кўкракка тушганлигини, соқол борлигини таъкидлаш учун қўлланмаган, балки *меҳнатда териси қотган ёши* улуг кишиларнинг характерли хусусияти назарда тутилган. Шундай қилиб, парафразаларнинг прозаик асарларда қўлланиши асарнинг ҳар томонлама бадний қимматини оширади ва ёзувчининг қанчалик бадний маҳорат эгаси эканлигини кўрсатади. Айниқса, адибларимиздан Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзода, Абдулла Қодирий каби йирик сўз санъаткорлари парафразалардан ўз асарларининг таъсирчанлигини ошириш, эмоционаллигини бойитиш ва бадний қимматини кўтариш мақсадида кенг фойдаланганлар. Уларнинг яратган асарларида парафразаларнинг икки хил, яъни ижобий ҳам салбий маъноларни ифодалаганини кўрамиз. Масалан, А.Қаҳҳорнинг “Кампирлар сим қокди” ҳикоясидаги барча парафразалар ижобий маъноларни билдирса, А.Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” романида эса бунинг аксини кўриш мумкин. Шу икки асар номланишининг ўзиёқ бунга мисол бўла олади. “Кампирлар сим қокди” ҳикоясининг номи кўтаринкиликдан, қандайдир бир воқеадан дарак берса, “Меҳробдан чаён” романининг номи ўзларни диндор кўрсатувчи аслида мунофиқ одамларнинг жирканч башараларини очик ташлайди. Меҳроб-масжиднинг энг улуг жойи, чаён эса инсонларни чақиб оладиган заҳарли ҳашорат. Зиддиятнинг ифодаланишини қаранг: масжидда - оллоҳнинг уйида инсонларни чаён сингари чақадиган кимсаларнинг бўлиши тасаввурга сиғмайди. Аммо шундай одамлар бўлар экан-да?! Яна шундай одамлар образи *меҳробдан чаён* парафразаси орқали жуда яхши тасвирланган. Бу эса асар номининг таъсирчанлигини таъминлаб, ўқувчилар эътиборини ўзига тортади. Демак, парафразалар ҳоҳ ижобий,

лоҳ сазбоний маънони ифодаласини, баъдий асарда кучли тасвирий восита вазифасини бажаради.

Парафразалар баъзан ийрим асарларнинг номи ёки баъзи мақола ва ҳикоялар сарлавҳаси бўлиб келиши мумкин. Парафразалар бу ҳусусияти билан китобхон эътиборини ўнганга жалб қилади. Масалан, М.Шайхзоданинг *“Ғизал мулкисининг султони”* номи (*“Шарқ юлдузи”*) мақоласи орқали ўқувчилар *ғизал мулкисининг султони* ким эканлигини билишга кизикадилар ва тез билиш учун мақолани ўқишга киришиб кетадилар. Ҳ.Олимжонга нисбатан Нуриддин Шукуров *“Поэзиямизнинг ёрқин юлдузи”* деган бирикмани қўлаган (Ўзб.тили ва адабиёти, 1979. 5-сон). Бу сарлавҳа ҳам ўқувчи олдида муаммо қўяди. Мақола билан танишилсагина муаммо ҳал бўлади. Яна шундай сарлавҳа-парафразаларга *“Меҳробдан чаён”*, *“Кампирлар сии қоқди”*, *“Сарбадорлар”*, *“Кафасиз кўмилганлар”* кабиларни мисол сифатида кўрсатиш мумкин.

Парафразаларнинг сарлавҳа бўлиб келиши ўша асарнинг ёки мақоланинг моҳиятини очиб беришда хизмат қилади.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, матбуот саҳифаларида учрайдиган парафразаларни кўнлаб учратиш мумкин. Масалан, ҳар ҳафтанинг жума кунларида чиқадиган *“Туркистон”* рўзномасида *“Ойнаи жаҳон”* да парафразасининг доимий равишда сарлавҳа сифатида ишлатилишини кўрамиз. *“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”* рўзномасининг 1992 йил 13 март ва 7 май сонларида сарлавҳа сифатида келган *“Ўзбек эстрада санъати асосчиси”* Б.Зокировга нисбатан ҳамда *“Симо лочини эди”* парафразалари Ю.А.Гагаринга нисбатан ишлатилган.

Парафразалардан жозибадорлик ва образлилик, нутқни бойитиш, унинг мазмунини кучайтириш мақсадида фойдаланиш билан чегараланилмайди, балки жамиятимизнинг олға кадам қўйишга тўсқинлик қилаётган иллатларни фойш қилиш, улардан кулиш ва уларга қарши курашга чакириш мақсадида ҳам ишлатилади.

Инсоният тарихида ҳаминша жамият, хусусан, тиббиёт томонидан спиртли ичимликларга нисбатан қаттиқ кураш

олиб борилади. Шу жихатдан ҳам арокка нисбатан нафрат, кулгу уйготиш маъносида *тентак сув ва оқ амал* бирикмасининг қўлланилиши бежиз эмас. Масалан, *тентак* сўзининг ўрнига “*коньяк*”ми, “*старка*”ми буюрмадингиз-да бўтам.... (“Шарк юлдузи”) – Бизнингча, далада, завод ва фабрикаларда ишлаб, кимёвий моддалардан захарланган, уйда эса чарчокни унуттиш, кўнгил очиш учун ва “*оқ амал*” дан Яна бир карра захарланаётган эркакларимиз ногирон фарзандлар эмас, соғлом, гўзал ва ақлли, етук, ширин-шакар ўғил-қизларни дунёга келтиришлари учун мазкур “Эркаклар учун юз бир маслаҳат” китобини ўкиб чиқишлари лозим (“Туркистон”). Ушбу гаплардаги *тентак сув ва оқ амал* сўз бирикмалари ижобий маъно эмас, балки салбий маъно ифодалайди. Ёки айрим юлғич магазинчи ва омборчиларга нисбатан *кемир калимуш*, ўз манфаатларини ўйлаб иш кўрадиган одамларга нисбатан *табиат қушандалари*, СПИД касаллигини ифодаловчи *XX аср вабоси*, Сталинга нисбатан *XX асрнинг буюк жаллоди*, ўғри ва фоҳишаларга нисбатан *жамиятнинг яраси* каби сўз бирикмалари қўлланилади, бу сўз бирикмаларида ҳам *тентак сув ва оқ амал* сингари маъно ифодалайди. Шунингдек, баъзи бировлар ўзини маданиятли инсонлар сирасига қўшиб, яъни маданият белгиларидан бири ҳисобланиш галстукни тақиб олади, бироқ уларнинг қиладиган иши буларнинг акси бўлади. Ана шундай пайтда галстук сўзига нисбатан *маданият бўйинтуруғи* парафразаси қўлланилади.

Бундай парафразалардан жозибадорлик, гўзал манзара, юксак-инсоний хислатлар ёки жамият олдидаги буюк вазифаларни кўрсатиш уларга хос эмас. Бундай парафразаларнинг маъносида фош қилиш ва ўқувчи ёки тингловчини зийрак бўлишга ундаш хусусиятлари ётади. Шу хусусиятлардан келиб чиқиб, уларни куйидаги гуруҳларга таъсирини кўрсатиш мумкин:

1. Масхаралаш, енгил кулгу уйготувчи парафразалар. Масалан: *тентак сув*, *ёпиқ эшиклар калити* (арок), *кемир калимуш*, *табиат қушандалари*, *маданият бўйинтуруғи*, *оби замзам*, *ўпка дориси* ва ҳ.к. Масалан: *Тентак сувдан* ичиб олишади-да ўзларини *ёпиқ* кўрсатмоқчи бўлишади (“Ойла ва жамият”).

2. Кўркинч, нафрат туйғуси уйғоғидан парафразалар: XX асрнинг кабоси, XX асрнинг буюк жасллоди, ўйнаш, жамиятнинг яраси кабилар. Масалан: XX асрнинг буюк жасллоди Сталин ва у яратган тузум — улкан хибсхона гўла табиқ тили (“Туркистон”). Жанубий Америкада ҳам XX асрнинг кабоси ҳисобланган — Синд билан халок бўлаётганлар сони йилдан-йилга кўнайиб бормокда (Телевидениедан).

3. Фонг қилиш, кесатик маъносини ифодалайдиган парафразалар: *табиат кушандалари* (одамлар), *қора кучлар*, *улус мамлакат* кабилар. Масалан: табиат кучоғида дам олиб, табиатга зарар етказадиган *табиат кушандаларининг* сони йилдан-йилга кучайиб бормокда (“Табиат” газ.), бироқ нонлож у *улус мамлакатга* қанчалик садоқат билан хизмат қилмасин, ўша давр аламларини қалби тўрига ютишга мажбур эди (“Ўзб.адабиёти ва сан.”).

Мисоллар таҳлилидан кўринадики, биринчи гуруҳ парафразалари нисбатан кўп сонни ташкил этади. Фикримизча, бунга сабаб, ўзбек халқи камчиликларига барҳам беришда, энг аввало кулгу, масхаралаш воситаларига мурожаат қилинган. Кейинчалик оғирроқ чораларни қўлайди. Ана шундай этник хусусият парафразалар маъносида ҳам кўринади. Аммо бундай салбий маънода қўлланадиган парафразалар жуда кам миқдорда учради. Парафразаларнинг аксарияти гўзал образлар яратиш, таъсирчанлик, жозибадорлик каби ижобий хусусиятларни акс эттиради.

Бизга маълумки, тилимизнинг бойлиги ва унинг таракқиёт даражаси фақат лугат таркибининг бойлиги билан чегараланиб қолмайди, балки тилдаги сўзларнинг очилмаган маъно қирраларининг кашф этилиши, вужудга келаётган парафразалар ва уларнинг услубий қулайликлари билан белгиланади. Сўзларнинг янги маънога бойлиги, тил таракқиётида катта ўрни тутувчи ижобий ҳодисадир. Сўз маъноларининг сифат жиҳатдан таракқий этиши асосида кўпинча сўзларнинг кўп маъноли бўлиши, улар синонимияси ҳамда парафразаларнинг вужудга келиши ётади. Масалан: яқиндагина қабул қилинган фармоннинг ўзи билан қанчадан қанча талабалар, саломатлик посбонлари, заҳматқаш

муаллимларнинг ташвишлари енгиллашди ("Ўйлаб, ва
сан") ташвишдаги саломатлик посбонлари бирикмаси тиббиёт
халмлари итамаси ўрнида ишлатилган. Бу билан тиббиёт
халмларининг юксак даражадаги бурчи ва уларнинг
вазифаларига енгилгина ишора берилган, яъни уларнинг
вазифаси посбонлик эканлиги таъкидланган.

Айниқса, парафразаларнинг матбуот тилида,
публицистик услубда кенг қўлланишининг қулайлиги
шундаки, улар бир томондан тилдаги бошқа услублардан
бўёқдорлиги билан ажралса, иккинчи томондан
тасвирланаётган предмет ёки воқеа-ҳодисага шахсий
муносабатни ҳам ифодалайди. Бу билан биз парафразалардан
хоҳлаганча фойдаланиш керак демоқчи эмасмиз, балки
улардан қайси йўналишда бўлмасин, ўринли фойдалана
билиш лозимлигини таъкидламоқчимиз, холос. Уларга
қаддан ташқари берилиб кетиш нутқимизни
сунъийлаштиради, асар ёки бирон бир мақола қимматини
ошириш ўрнига салбий таассурот уйғотиши мумкин.
Матбуот тилида ҳам баъзан ноўрин қўлланган парафразалар
учраб туради. Масалан, *марказий ойнаи жаҳонниг* (*хайрли
тун кичкинтойлар*) кўрсатувида, қуёнча ва зағизгон билан
биргаликда чўчка боласи хрюшка ҳам иштирок этади. Лекин
бу миллий тарбия кўрган ўзбек болалари учун доимий
хушхаллик ва ҳаромлик рамзи бўлиб қолаверади ("Халқ
сўзи"). мисолдаги *ойнаи жаҳон* сўз бирикмаси телевидение
сўзига нисбатан қўлланилган, аслида бу ифода телевизор
сўзи ўрнида келади. Қиёсланг: бундан 30-40 йиллар муқаддам
ирилган ўзбек фильмларини ойнаи жаҳон орқали томоша
қилар экансиз, уларда янговчи дилбар, фусункор қўшиқлар
сизни гўё сеҳрлаб қўяди ("Халқ сўзи") гапида *ойнаи жаҳон*
телевизор сўзига мос равишда тасвирий ифода сифатида
танланган. Шунини қайд этиш лозимки, телевидение билан
телевизор сўзларининг маъносини чалқаштирмаслигимиз
керак. Телевидение тасвири узокқа узайтириш жараёни,
телевизор эса узокдан келаётган тасвири кўрсатувчи
воситадир.

Кузатишлар шунини кўрсатадики, ҳозирги пайтда
телевизор деган номни иккинчи ўрнига қўйиб, унинг

таъсирий ифодасига зўр берилмоқда. Фикримизча, бундай қўллаш ўрниди эмас, чунки *ойинан исихон* предметнинг таъсирий ифодаси, *телевизор* сўзи эса унинг доимий ўз номидир. Парафразлардан зўрма-зўраки фойдаланиш, уларни кераксиз ўрниларда қўллаш, нутқни гализлаштиради, унинг таъсир кучини камайтиради, бадний қимматини туширади. Аммо юқоридегидек аниқ бир мақсад билан парафраза яратиш ёки мавжудларидан фойдаланиш нутқнинг коммуникатив вазифасини бекаму кўст амалга оширишда муҳим воситалардан бири бўлиб хизмат қилади.

Хуллас, парафразалар бадний асар ва матбуот тилининг таъсирчанлигини, унинг бадний қимматини ҳамда фикрдаги образлиликни ва маънодорликни оширувчи услубий восита бўлиб қолмасдан, балки у прозада ҳам кенг қўлланиладиган услубий воситадир.

Б.ҚОРАЕВА,
ЎЗДЖТУ

НОТИҚ ВА ТИНГЛОВЧИ ОРАСИДАГИ ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ ПЕДАГОГИК ЖИХАТЛАРИ

Кўпчилик олдида амалга ошириладиган оммабоп нутқларнинг энг юқори даражаси - бу тингловчилар билан ўзаро алоқага киришиш, яъни нотик ва тингловчилар рухий ҳолатидаги уйғунликдир. Нотиклик маҳорати таълим - тарбия, инсон руҳиятига онд асосий билимлардан, қонун-қоидалардан хабардор бўлишни ва нутқ жараёнида бевосита улардан тўғри фойдалана олишни талаб қилади. Нотик кўпчилик олдида чиқар экан, у қайсидир маънода педагог бўлиши зарур. У бир вақтнинг ўзида ҳам таълим бериши ва буни тарбия билан қўшилган ҳолда олиб бориши зарур. Ижтимоий тараққиёт жараёнида мафкуралар алмашади, фанларда ўзгача ёндашувлар юзага келади. Лекин инсоният тараққиёти жараёнида келажак авлод таълим - тарбияси учун тарихий анъаналарнинг энг яхши томонлари сақланиб қолади, ижодий ёндашувлар билан давом эттирилади. Бугунги педагогика фани ҳам нафақат ёш авлодни, балки бугунги давримиз кишиларини ҳам тарбиялаш ҳақида баҳс

юртнинг. Нотиклик михораси асосиди таълим тарбия
назариясининг асосий наифлири туради. Нотиклик
михорасининг маълум, нутқини танқид этган усуллари,
нотиклик усуллари ҳам умумий дидактик қоидалари,
маълумотларга асосланади. Таълим нафарини таълимнинг
маъмуни, моҳияти, ва усуллари билан қилиб берилади.
Маърузалар таълим жараёнида тингловчилар диққатига
хавола этиладиган меъёрлардан бири саналади.

Нотик маъруза бўйича тайёр билимларнинг
тингловчиларга етказиш билан чегараланиб қолмайди.
Нотик тингловчиларни маъруза бўйича фикр - мулоҳаза
юрткини ҳам ундайди. Агар маърузада бир неча муаммо
муҳокама қилинса, бундай маъруза тингловчилар фикр
доирасини кенгайтиради, уларни шу муаммолар ечими
бўйича фикр - мулоҳаза билдиришга мажбур қилади. Таълим
жараёнида икки томон шиттироқ элади, яъни нотик ва
тингловчидан иборат бўлади. Шунинг учун ҳам бу жараёнда
нотик ва тингловчи шу жараёнга ҳос бўлган ўзаро
муносабатларга киришади.

Нутқ - бу нотикнинг тингловчиларга билим, кўникма
ва маъна берилиш, уларда янги ҳақиқатларни очиб билишга
қодир бўлган ижодий, мантикий тафаккур тарбиясидир.
Нотик томонидан тайёрланган нутқини тинглаш жараёни жа
макон ва замонда маълум бир жойни, маълум бир вақт
тушунчасини ўз ичига олади. Нутқини тинглаш давомида
тингловчилар билимларни, маълум бир кўникмаларни
ўқатиришни, қабул қилиш, фикрлаш, мулоҳаза юрткиш
ишқатларини бажарадилар. Бу жараёни қайта қилиш
жараёни саналади, чунки бир вақтнинг ўзида шиттилан,
қабул қилинган билим ва маъналар муҳокама қилинади.

Маъруза жараёнида нотик ва тингловчилар ўртасида
юшга келадиган умумийлик, уйғунлик биргаликда фикрлаш
фаолияти ва шунга ҳос ҳис - туйғулар ифодаси орқали юзга
чиқади. Нотикнинг нутқ предметида муносабати, унинг
кичкиши, ўзига бўлган қатъий ишончи тингловчиларни
маъруза бўйича муносабат билдиришга ундайди. Халқ
мақалларида шундай бир ҳикмат бор, яъни сўзининг ярми
нотикники бўлса ярми тингловчиникидир. Нотик

тингловчиларни ўз диққат-этиборида ушлаб туриши, уларнинг фикрларини уқиб, хис-ҳайжонларини сезиб туриши зарур. Шундай ҳолдагина нотик ўз нутқининг қай бир жойини ўзгартириши, тулғиши мумкин бўлади. Нотик интеллектуал салохият маси бўлиши зарур, унинг дунёқараши, билим доираси кен бўлиши, жула кўп масалалар бўйича фикр билдира олиши, исгалган мавзуда баҳс-мунозара юрита олиши унга муваффақият олиб келади.

Нотик ва тингловчилар ўртасидаги энг яхши муносабатлар, асосий кўрсаткичлар уларнинг бир-бирларини яхши тушунишга ҳаракат қилишларидаёқ бошланади. Агар тингловчилар нотикнинг дастлабки сўзлари, фикрларидаёқ уни ижобий қабул қила бошласалар, бу ҳолат тингловчиларнинг хатти - ҳаракатларидаёқ намоён бўлади. Уларнинг аудиторияда ўтиришлари, ўзларини тутишлари, нотикни диққат билан тинглаб туришлари, кўз қарашлари, юздаги жилмайиш, хайрихоҳлик билан тинглаб туришлари, ўрни билан кулишлари, қарсакларидаёқ яхши муносабатларнинг бошланганини кўриш мумкин. Шу вақтдан бошлаб залда тинчлик, осойишталик ҳукм суради.

Нотик ва тингловчилар алоқаси ўзгариб турувчи жараён, у тўлиқ ва нотўлиқ бўлиши мумкин. Агар аудиторияда тингловчиларнинг барчаси диққат билан нотикни тинглаётган бўлсалар, унга муносабатини билдириб турган бўлишса, бундай алоқани тўлиқ дейиш мумкин. Бу муносабат нотўлиқ ва қисман ҳам бўлиши мумкин. Тингловчилар диққатини тўлиқ жалб қилиш учун нотик овози, кўз қарашлари орқали доим тингловчилар билан алоқада бўлиб туриши зарур. Баъзан нотиклар барча тингловчиларга секингина кўз югуртириб чиқадилар. Энг аввало, нутқни бошлашдан аввал психологик пауза қилиш керак бўлади, бундай пауза узоғи билан 5-7 сониягача бўлиши мумкин. Нотик нутқида овоз, ритм бир хилла бўлмаслиги керак. Нотик ифодаляётган фикрлар турлича оҳангда таълаффуз қилиниши, паузалар билан ажратиб турилиши лозим. Баъзан нотик катта паузаларни қилиши мумкин, бунда мазмун жиҳатдан бошқа фикрга ўтиляётганда, хис-туйғуларни билдириляётганда,

айтиляётган жумлялар, фикрларнинг олдингиси ёки кейингисига нисбатан муҳимлигини таъкидлаш, муносабат биланриш учун бундай паузалар қилиш мумкин бўлади. Нотик имкон даражасида ҳар бир сўзнинг талаффузига куч сарфлаш керак бўлади.

Ҳозирги замон нотиклик санъатига хос бўлган уйғунлик бу таҳлилий, таъсирий, тасвирий воситаларнинг қўлланишидир. Ҳозирги замон нотиклик санъати ҳам тарихий анъаналар асосида иш кўради. Нутқнинг фақат маълумотлар, ахборотлардан иборат бўлиши нутқни оддий, қуруқ сўзлардан иборат нутққа айлантириб қўяди.

Мавзунинг тушунарли бўлиши, нутқдан кўзланган мақсадни амалга ошириш учун нотик бугунги мавжуд бўлган фан ютуқларидан, энг қулай, самарали бўлган усуллардан фойдаланиши нотик нутқининг мантикий жиҳатларини таъминлайди.

О. ДАДАЖОНОВА,
ЎЗДЖТУ

УНДАЛМАЛАРНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

(Муҳаммад Юсуф шеърлари мисолида)

Инсонларнинг маънавий камолотга етишувида, жамиятнинг ривожига она тилининг ўрни жуда муҳимдир. Чунки, тил энг асосий алоқа воситаси сифатида муайян ахборот ташувчи оддий белгилар системасигина бўлиб қолмай, балки тингловчига таъсир қилувчи қудратли восита ҳамдир. Шу сабабли, тилнинг экспрессив таъсир этувчи вазифаси тилшунослик ва адабиётшуносликни кизиктирувчи муҳим объектдир. Экспрессивлик хусусиятлари лингвистик таҳлиллар асосида тушунилади. Демак, ҳар қандай бадний таҳлил лингвистик қонуниятларга таянгандагина илмий асосга эга бўлади. Бугун биз мурожаат қилмоқчи бўлган ундалмалар ҳам “сўзловчи нутқи қаратилган шахс”, жонли ва жонсиз предметни ифодалашига кўра кучли стилистик восита ҳисобланади”¹².

¹² Шайхмуродов А., Расулов И., Қўшиқов Р., Қўсимова А. Ўзбек тили стилистикаси. – Ў.: Ўқитувчи, 1983.

¹ Ахмедов Н.И. Ўзбек тилида мурожаат бирликларининг семантик-коннотатив таъкиди. Фил.фан.номинат.реф. –Т., 2008.

Ундаймалар сўзловчининг тингловчига муносабатини ифодалайди: ижобий, салбий, нейтрал кўтаринки таътана маъноларини беради. Булар ўқувчининг эътиборини тортиш учун жуда муҳим ҳисобланади.

Маълумки, ундаймалар асосан сўзлашув, публицистик, бадиий услубларда қўлланилиши, ҳозирги кунда ундаймалар мурожаат бирликлари ҳам деб аталмоқда ва моҳияти жиҳатидан кенгайтириб қалқин қилинмоқда: "Мурожаат бирлиги бирикмаси семантик таркибида "ундаш, даъват қилиш, буюриш" каби семалар билан бир каторда "эътиборни жалб қилиш, бировга қарата айтилган гап, чакирик", сўзловчининг тингловчига бўлган муносабати каби турли коннотатив маъноларни ифодаловчи семалар ҳам мавжуд".

Эътиборимизни Муҳаммад Юсуф шеъриятида мурожаат бирликларининг услубий вазифаларига қаратмоқчимиз. Муҳаммад Юсуф шеъриятида ҳам мурожаат бирликлари ўзига хос ўрин тутаяди. Шоир ундаймаларнинг турли хилларидан унумли фойдаланган.

Шоир асарларида оддий нейтрал ундаймалар билан бир каторда шундай ундаймалар борки, улар эмоционал-экспрессив бўёққа эга бўлиб, фақат нутқ адресатини ифодаламай, уни характерлайди, унга муносабат билдиради. Бу муносабат ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Масалан, нутқда "хотин" ундаймаси салбий муносабатни билдирса, "рафиқам", "аёлим", "жуфти ҳалолим" ижобий муносабатларни билдиради:

*Бизни бировлардан не камимиз бор,
Эй жуфти ҳалолим, не камимиз бор.
Гарчи боғлар кезиб юрмадик бирга,
Эласак арзирли хуш дамимиз бор...*

Юкорида келтирилган "жуфти ҳалолим" мурожаат бирлигида вафо, садоқат, инсонийликка ундовчи семалар ҳам мавжуд.

Маълумки, баҳо характери, ундайманинг образлиги у билан келган сўзларга боғлиқ. Образли аниқловчилар, изохловчилар билан келган ундаймалар нутқ таъсирчанлигини оширади, ўқувчининг ўзига жалб қилади:

Ёхончи ёр, ёлгонларинг тугар қачон?
Ёхон йўлаб қўйсинларинг тугар қачон,
Қачон менга бир илтифот айтагайсин,
Ёхончи ёр ёлгонларинг тугар қачон? ...

Сифатловчиларнинг уюшиб келиши ҳам ундаманинг
таъсирини кучайтиради. Бу усулдан Мухаммад Юсуф
қўшимча фойдаланади:

Эй дўбодан, эй кийикнигоҳ
Ўлбасойим набиралари –
Ойдин қизлар, ойжасмол қизлар,
Ойдан тушган оқ рўмол қизлар?

Юқордаги мисраларда ундамалар мурожаат бирлиги
таъсирини бажариш билан бирга, қизларнинг бадалларини
гулга, карашларини кийик нигоҳларига, юзларини ойга,
қизларнинг поклигини эса “ойдин қизлар, оқ рўмол қизлар”
сифатловчилик бирикмалар орқали ёритади. Бу кўчимлар
мурожаатларнинг янада гўзал ифодаланишига ёрдам беради.

Ундамалар таъсирчанлигида оҳанг ҳам муҳим ўрни
тутади. Мурожаат бирликлари ундов сўзлар билан келганда,
бу яққол сезилади:

Ўксимагин, о юрак,
Бўлма хомуш, бўлма лол,
Менинг отам – оқтерак
Менинг онам – мажнунтол.

Бундан ташқари, мурожаат бирликларининг баҳо
таъсирини ифода қилишда қўшимчалар ҳам муҳим
ўрни тутати. Эгаллик қўшимчалари, кичрайтириш-эркалаш
қўшимчалари ва бошқалар:

Келинчагим, кулиб-кулиб кетдингизми?
Юрагимни тилиб-тилиб кетдингизми?

-чак кичрайтирувчи, -и эгаллик қўшимчаси билан
қўшилиб ундамага ўзига хос маъно берган.

Ёки:

Ўзим жаннатда-ю, дўзахда қўнглим,
Ялтижон, сен ўсган ўтлоқда қўнглим

Ялтиз – жонсиз нарса, ўсимлик тури. Шонр бунга худди
жонлидек мурожаат қилиб, -жон инсонларга ҳурмат

маъносини берувчи кўшимчасини қўшиб, жуда гўзал мурожаат бирлигини яратмоқда.

Ундаймаларнинг такрорланиб келиши хим экспрессивликни янада кучайтиради: мисра бошида, мисра охирида ёки ҳар мисрада турли хил кўринишларда намоён бўлади:

*Қалбга зардоб бўлиб тўлганинг алам,
Гоҳи очилмасдан сўлганинг алам
Муҳаббат, муҳаббат, ҳаммасидан ҳам
Сочга оқ тушганда келганинг алам!*

Ёки:

*Муҳаббат, сен чиройли,
Муҳаббат, сен гўзалсан
Тагин бир зум турайлик,
Гапирмайман, уялсанг.*

“Муҳаббат” мурожаати қайта-қайта такрорланиб маънога экспрессивлик берапти. Баъзан ундаймалар гап охирида ёки мисра охирида ҳам келиши мумкин. Одатда гап охирида келганда, ундалма гапдан пауза билан ажратилади: *Қандай гўзал эдинг, Бухоро*

Осмонлар гумбазлар аро.

Ёки:

*Тилинг борми, бўлса бир
Ҳайқириб бер, Оймома,
Шу кўчада бир қиз бор
Чақириб бер Оймома*

Муҳаммад Юсуф шеърларида ундаймаларнинг градациясини ҳам кузатиш мумкин. Бунда ундаймалар маъно жиҳатидан яқин ёки синоним сўзлар бўлади:

*Эй сиз, сохта шон-шухрат адолари,
Эй сиз, эл хатоси, юрт хатолари
Мансаб гадолари, пул гадолари!*

Мурожаат оҳанги охирида қўтарилади.

Муҳаммад Юсуф шеърлятида жонсиз нарсаларга мурожаат қилиб, улар билан суҳбатлашиб, эътиборни-торта олади: *Қизгалдогим, қирдан бўлак кошонанг йўқ,*

Кокил ёйсанг, ердан бўлак тошойнанг йўқ,

Ўксиб-ўксиб турганингда ўзим бориб,

Пешонангдан ўнай десам, пешонанг йўқ.

Мурожаат бирликларидаги номинатив, апеллятив, коммуникатив, коннотатив, элютив вазифалар Муҳаммад Юсуф шеърларида ҳам ўз тадқиқотчиси топиши керак. Унинг ижодида жой номи билан боғлиқ мурожаат бирликлари, миллат билан боғлиқ мурожаат бирликлари, касб-ҳунар, амал-мансаб, унвон билан боғлиқ мурожаат бирликлари, қариндошлик мурожаат бирликлари, дин билан боғлиқ мурожаат бирликлари ҳам кўплаб мисоллар учрайди.

Демак, бадний тил лексик, семантик, морфологик, синтактик, стилистик, интонацион жиҳатларидан шаклланганда, чинакам маънода бой бўла олади. Муҳаммад Юсуф тилимизнинг гўзаллигини, бойлигини, бетакрорлигини мурожаат бирликларидан фойдаланиб ҳам кўрсатиб бера олди.

Н. УМАРОВА,
ЎзДЖТУ

ЎТКИР ХОШИМОВ АСАРЛАРИДА ДИАЛЕКТИЗМЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Бадний асар тилини ўрганиш ҳозирги ўзбек тилшунослигининг энг долзарб масалаларидан биридир. Ҳар қандай миллий тил ўзининг барча хусусиятларини бадний адабиётда намоён эта олади. Бадний адабиётни “сўз санъати” деб бежиз таърифламаймиз. Бадний адабиёт сўз санъати экан, демак, у эстетик тафаккур маҳсулидир. Чунки бадний тил асардаги образлар, характерлар ва бошқа компонентларга сингиб кетган бўлади. Шу сабабли бадний асар тили ҳаминша эстетик тафаккур маҳсули сифатида таҳлил қилиниши ва асарнинг бошқа компонентлари билан узвий бирликда текширилиши керак.

Дарҳақиқат, ҳақиқий бадний асарларда ҳар бир предмет, шахс, воқеа шундай аниқ, равшан ва жонли тасвирланадики, уни ўқиб чексиз маънавий озик олинади. Лекин асарда тасвирланган воқеалар, қаҳрамонларга кизиқиб, кўпинча асар тили қанақалигини сезмай ҳам қоламиз. Ёзувчи тилининг таъсирчанлигига эътибор берган

пайтимида ҳам умумий тарзда “тили яхши, тили бой”, деб қўя қоламиз, ҳолос.

Ушбу мақоламизда ўз асарлари билан ўзбек бадий адабиётига сезиларли ҳисса қўшган машҳур ёзувчи Ўткир Ҳошимовнинг ўзига хос сўз танлаш услуби ҳақида фикр юритмоқчимиз. Ўткир Ҳошимов қаламига мансуб ҳар қандай асарни ўқиб чиққан китобхон — у ҳоҳ адабиётшунос, ҳоҳ тилишунос, ҳоҳ оддий ўқувчи бўлсин, сўзнинг поэтик ва лингвистик имкониятларидан ҳайратга тушади; оддий, аввалдан таниш бўлган сўзлар унинг назарида нозиклашгандай, маънан кенгайиб, катталашиб кетгандай туюлади. Сўзларни “жумла” деб аталадиган қаторга бу қадар мувофик ва мутлақ ўрнаштириб тизиш мумкин эканлигига қойил қолади.

Ўткир Ҳошимов асарларининг мазмуний-ғоявий ва бадий-эстетик жиҳатдан юксак даражада бўлишида ёзувчи томонидан қўлланган лисоний воситалар катта аҳамиятга эга. Ў. Ҳошимов ўз асарларида бадий, публицистик ҳамда сўзлашув услубига хос лексикадан маҳорат билан фойдаланган. Сўзлашув лексикасига хос бўлган диалектизмлар, варваризмлар, жаргон сўзлар, вульгаризмлар, паразит сўзлар бадий асар тилида қўлланилиб, маълум бадий эстетик вазифани бажариши, муаллифнинг маълум ғоясини, ниятини амалга оширишга хизмат қилиши мумкин.

Чинакам санъат асарида қўлланилган ҳар бир сўз, жумла, тасвир воситалари ҳамда махсус лексик ресурслар (диалектизм, варваризм, вульгаризм ва ҳ.к.)да ифодаланган фикрлар китобхонлар оmmasига тушунарли бўлиши — ёзувчи халқнинг дилидагини, тилининг учидагини топиб айтиши, халқ руҳи, кайфиятларини, орзу-умидларини ифодалаши керак. Бунинг учун ёзувчи, албатта, китобий тил ва услубдан қочиши; жонли халқ тили ва сўзлашув услубига яқинлашиши лозим. Халқ мақоллари, маталлари, ибораларидан моҳирона фойдаланиш асар тилининг халқчиллигини оширади.

Кўпгина ўзбек усталари қатори Ўткир Ҳошимов асарлари тилида ҳам шу ҳолат, яъни жонли халқ тили ва

сўзлашув услубига хос лексикадан усталик билан фойдаланиш кўзга яққол ташланиб туради. Ўткир Ҳошимов бадний тилга юксак баҳо бериб, шундай фикр билдиради: "Адабий тил ҳарчанд бой бўлмасин, бадний тилга тенг келмайдиган. Негаки, шева, лаҳжа, жаргонга оид сўзлар, касб-ҳунар атамалари, сўкиниш ва қарғишлар унга кирмайди. Адабий тил артиб, тоза-таб кўйилган чиройли идишга ўхшайди.

Бадний тил эса фақат сўз маъносини эмас, унинг оҳанги, "ранги", "таъми", "иси"ни ҳам таъшишга қодир.

Зиёли ошлада ўсган ўн саккиз яшар қизалоқ билан бозорда санса сотадиган хотиннинг сўз оҳанги, мадрисада ўқийдиган муллавача билан ўн йил қамоқда ўтирган одамнинг гапириши тубдан фарқ қилади. Бироқ уларнинг ҳаммаси яшашга ҳақли. Бадний тил эса уларни асарга олиб киришга ҳақли...

Шу жиҳатдан бадний тил адабий тилга нисбатан бир неча марта бойроқ ва жонлироқдир..."¹.

Ҳақиқатан ҳам, моҳир сўз устаси Ўткир Ҳошимовнинг қайси бир асарини ўқимайлик, унда халқнинг маъноли, таъсирли, бой, оригинал, жонли, ўзига хос равшан тилини чиройли кўрсата олганининг гувоҳи бўламиз. "Дафтар хошиясидаги битиклар" асарини олайлик. "Бу китобни ёза бошлаганимга қирқ йилдан ошди. Булар – менинг кузатувларим. Ўйларим...", - деб бошлаган Ўткир Ҳошимов шу узок йиллар давомида жамиятдаги турли-туман табиатли одамлар дунёқарашини, хулқ-атворини, маданий савиясини, психологиясини, касб-корини ўрганди, кузатди ва уларнинг типик хусусиятларини қаҳрамонлар нутқи орқали акс эттириб берди. Зарур бўлганда сўзлашув лексикасига оид диалектизм, варваризм, вульгаризм, жаргон ва бошқа ресурслардан ҳам фойдаланади (Ў.Ҳошимов. Дафтар хошиясидаги битиклар. Т.: 2006, 177-178 бет). Масалан:

Қашқадарёга борганимизда фалон қишлоқда табаррук ёшга кирган бова бор, ... деб қолишди...

Мухбир бола чолни гапга солди.

- Бова, ... узок умр кўришингизнинг сири нимада, деб ўйлайсиз? Зелинни кўп истеъмол қилгандирсиз? Сут-қатик ичгандирсиз?

- Зилан-пиланингини билмадим-ку, қаттиқни кўн ичган чиқарман...

- Гўшидан парҳет қилганмисиз?

- Энттама! Энт жемаган жигит-жигитба?

- Ёсвойи кўйди кўйруғини жеганман!

- Кечирасиз-ку, ичкилик масаласи...

- Бўган! – деди чол қувлик билан бош иргаб. Аммо бу укагардан наф кўрган одам йўқ. Овзимга олмай кўйганимга уш жисл бўлди!

- Уэр отахон, - дедим ганга аралашиб – Неча ёшга чиқдингиз?

- Менма? Энам айтиб эдики, сен от жили тут нишигида тувилгансан, сўғни ўша жили қаттиқ жомгир жовиб, тутларди тўкиб жуборган экан... Ўйлаб туриб кўшиб кўйди.

- Бошпуртда тўқсон жетти. Энамди айтишига қараганда жуз тўрт(Дафт. хош. битиклар).

Келтирилган мисолда Қашқадарё шевасига хос сўзлар (бова, эна, укагар); жеган, жемаган, жигит, бўган, сўғни, овзимга, тувилгансан, жомгир жовиб каби фонетик диалектизмлар; кўйди (кўйни), тутларди (тутларни) каби грамматик диалектизмлар қўлланган бўлиб, улар китобхон диққатини ўзига жалб этади. Қуйидаги мисолда эса Тошкент шевасига хос сўзлар билан бирга варваризмларнинг – чет сўзларнинг ҳам берилиши характер яратишда ёзувчига кўмаклашган:

Ўқи, болам, ўқи! Ўзиям жса-а-а “обборганман” Бунақа асарни мендан бошқаси ёзолмайди

- “Оборишга обборибсиз-ку”, бир жойида жиндай “қовун тушибди”, - дедим ростини айтиб

- Сан ўзи, мани кўромайсан...

- Бўзилманг, устоз бўзилманг... Аммо китобга киритаётганда барибир ўша жойини тузатиш керак. Сиз тасвирлаган воқеа қишда бўлади, Тўғрим?

- Тўғри, - деди устоз... Жезқазғоннинг қишини кўрмагансан-да! Изгиринда ханграган эшак шамоллаб “воспалена лўкки” бўпқолади...

- Шунақа-ку, устоз, қахратан қиш бўлса, музни кўчириб, гўр ковланган бўлса, эшакни “воспалена лўкки” қиладиган

сўз бўлса, тўргайга бало борми? (Дафт. хош. битиклар, 211-214 бетлар).

- Сан ярамас, ақлинг етмаган нарсаси аралашма, хўнми? Мани тўргайларим "зимний тўргай!" Ёзда кетиб қишда кетади, тушундингми? И ванше бунақа майда-чуйда гапларни кўтариб юрма, хўнми? (Дафт. хош. битиклар, 249-257 бетлар).

Албатта, диалектизмларни бадний нутқда қўллашнинг йўллари, усуллари бор. Айрим ҳолларда диалектизмлар қўлланади-да, агар у кенг китобхонлар оммасига етарли даражада тушунарли бўлмаса, бу сўзга муаллифнинг ўзи изох бериб ўтади. Масалан:

Туман ҳокимлигига бордим. Ўғлим тенги йигит хўшмуомалалик билан кутиб олди.

- Хизмат, почча? – деди.

Бу боланинг опасини қачон кўрган эканман, деб турсам, ўзи тушунирди...

Тушундим: бу йигит наманганлик. Наманганликлар ҳурмат қилган одамни "почча" дейди, худди Фарғонада "тоға", Тошкентда "амаки", Хоразмда "дойи" дегандек.. (Баҳор соғинчи, 411-бет).

Баъзи ҳолларда эса диалектизм матн ичида адабий тилда мавжуд бўлган синоними билан ёнма-ён ҳолатда (аниқлик киритиш мақсадида) келтирилади. Масалан:

- Теплисани найтасиз, ёшулли, кўчангизга ёп борми?

- Нима у "ёп?"

- Ёп-да, ариқ! Теплисани гўнги ариққа тушадими?

(Баҳор соғинчи, 413-бет).

Бу жумлада ариқ сўзининг синоними сифатида. Хоразм шевасида "ёп" сўзининг қўлланилишига ишора қилиб ўтилган.

Маълумки, айрим шеваларда келишикларни ўзгача қўллаш ёки алмаштириб қўллаш кузатилади. Бундай қўллашлар, яъни грамматик диалектизмлар бадний нутқда қаҳрамон нутқини характерловчи ёркин воситалардан биридир (бунда улар билан бир қаторда диалектал сўзлар ҳам иштирок этиши мумкин). Аввало грамматик диалектизмлар адабий тилнинг грамматик меъёрларидан

танқарида бўлганини учун китобхон диққатини ўнга тег
жалб қилган, ўқувчига таъбир табиий туюлади. Масалан:

*Теплицани танин билан иситмайсан, пощамсон! Мени
дидом ҳам газ билан иситутинила*

– *Ха-а-ай!* – деди салмоқтаб.

– *Ақун теплица қурошман денг, газ сўрошман денг?...*

– *Ной!* – деди усласини қисиб.

– *Ман сизга газни қайдан олай? Манга газ йўқ! Ичимдан
чиқариб берайми, оҳе?! Газни давтенаси кун сайин пасайиб
кетобди-ку* (Баҳор соғинчи, 414-бет).

Бу жумлалардаги *дидом* (*отам*), *мени* (*менинг*),
иситутинила (*исита-дишар*) каби диалектал сўз ва грамматик
шакллар Наманган шевасига хос бўлса, *ақун* (*ака*), *хай*, *нби*,
оҳе каби сўзлар, ҳамда *кўрошман* (*кўряшман*), *сўрошман*
(*сўраяшман*), *кетобди* (*кетяпти*) каби грамматик шакллар эса
Бухоро шевасига хос. “*Манга газ йўқ*” жумласи орқали
Бухоро шевасига хос бўлган жўналиш ва ўрин-пайт
келишиги кўшимчаларининг алмаштириб қўлланилиши
ҳолатига ишора қилинган.

Мисоллардан англаяпмизки, Ўткир Ҳошимов
асарларида персонажлар нутқини типиклаштириш ва
индивидуаллаштиришда диалектизмлардан мохирона
фойдаланилган.

Кузатувларимиз шуни кўрсатдики, ижодкор Ўткир
Ҳошимовнинг ҳар бир жумласида жонли нутққа хос оҳанг
баралла эшитилиб туради.

Ушбу мақоламизда тили ўткир, сўзи кескир сўз
санъаткори Ў. Ҳошимовнинг асарларида қўлланган
сўзлашув лексикасига, жонли тилга хос айрим хусусиятлар
хақида фикр юритдик. Бундай мисолларни яна кўплай
келтиришимиз мумкин.

Зеро, ижодкорнинг тилдан, унинг лексик
қатламларида фойдаланишдаги ибрат бўладиган маҳорати,
ёзувчининг ўзига хос услуби ўзбек тилшунослигида ўз
ечимини кутаётган долзарб масалалардан биридир.

Ф. ТЎРАЕВА,
ЎзДЖТУ

РЕСПУБЛИКАДА ОММАВИЙ-АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТ САМАРАЛАРИ

Матбуотнинг иқтисодий мустақилликка эришиши мустақил ва хусусий газеталар фаолиятини эркинлаштиради. Шу билан биргаликда давлат бюджетидан газета харажатларига ажратилаётган маблағнинг бошқа зарур соҳага йўналтирилишига ҳам имкон яратади. Лекин шунан кайд этиш лозимки, мустақил газеталарнинг тadbиркорлик, яъни газета саҳифаларида реклама бериш йўли билан ўз харажатларини қоплаш ниятида масъулиятни хис қилмаган ҳолда буюртма олиши натижасида газета саҳифаларида шарқона, миллий минталитетимизга мос келмайдиган маълумотларнинг ҳам чоп этилиши учраб турибди. Бу ачинарли ҳол, албатта. Мисол тариқасида 14 декабрь 2006 йилдаги “Даракчи” газетасининг 50-сонини¹, ушбу газетанинг 2005 йил 11 августдаги 32-сонини келтириш мумкин².

Умуман, матбуотнинг биринчи галдаги вазифаси инсон манфаатлари йўлида хизмат қилиш экан, журналист бирон – бир муаммони кўтариб чиқиб, уни тезроқ ҳал бўлишида объектив равишда қатнашиб, Ватан равнақи йўлида хизмат қилади. Ҳозирги шароитда оммавий ахборот воситалари ўз олдига турган вазифаларини бажариш учун қандай йўл тутмоғи лозим? Бошқача қилиб айтганда, улар эркинлигининг омиллари нимада? Бу саволларга қуйидагича жавоб қайтариш мумкин.

Сўз ва матбуот эркинлигининг ва умуман ҳар қандай демократиянинг асосини қонун устуворлиги ташкил этади. Бу жараён жамият ва давлат ҳаётининг барча томонларини демократиялаштириш билан бевосита боғлиқдир. Ўз навбатида, журналистика ушбу жараённи тезлаштиришга, жумладан, жамиятда қонун устуворлигини ўрнатишга, аҳоли

¹ Раҳмонов Б. Мен биринчи кўра қилиб қўйишқ эсимийман //Даракчи №50, 14 декабрь 2006 йил.-Б.28-29
² Жасур. Шаҳзода учун 2 метрлик торқ, Никита Маланин... //Даракчи №32, 11 август 2005 йил.-Б.21

ҳуқуқий маданиятини оширишга, сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларининг ишлари фаоллаштиришга, жамоат пайорати ўрнига орқали камчиликларни тугатишга ўз ҳиссасини қўшади. Бунинг учун эса, журналистларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга асосий урғу берилиши керак. Шундан келиб чиқиб, қуйидаги ҳулюсатга келиш мумкин, яъни матбуот билан фуқаролик соҳаси бир-бирини тўлдириб, шу асосда мустаҳкамланиб, камол топиб боради. Шубҳасиз, ўз навбатида фуқаролик жамиятининг ривожланиши ОАВнинг таракқий қилинишга, унинг янада эркинлашувида жуда самарали таъсир кўрсатади.

Бу ўринда шуни қайд қилиш керакки, фуқаролик жамиятининг камол топа бориши хилма-хил ОАВлар сони ортишига имкон беради. Шу нарса ҳам тасодиф эмаски, республика жамоат ташкилотлари тобора кўпроқ ўз матбуот органларини таъсис этмоқда. Мазкур жараён улар молиявий имконияти даражасининг мавжудлиги билан боғлиқдир. Шу ўринда “Ўзбекистон овози” (ХДП), “Миллий тикланиш”, “Фидокор” (МТДП), “Адолат” (АСДП), “XXI аср” (ЎзЛиДеП) каби нашрларни тилга олиш мумкин. Шунингдек, республикада янги нашрлар — “Халқ сўзи”, “Народное слово”, “Хуррият” газеталари чоп этила бошланди.

Бундан ташқари, иқтисодиёт, банк тизимларидаги ўзгаришларини ёритиб бораётган нашрлар сони ортиб бормоқда. Қолаверса, диний маърифий йўналишдаги “Ислом нури”, “Имом ал-Бухорий сабоқлари”, “Моварауннаҳр мусулмонлари” каби нашрлар пайдо бўлди. Нашрларнинг саҳифаларида фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг энг муҳим муаммолари бўйича мунозаралар ўтказиш, жамият қурилиши, подавлат-нотижорат ташкилотларини ривожлантириш масалаларини, суд-ҳуқуқ, иқтисодий соҳадаги ислохотларнинг асосий мақсадларини тушуштириб бериши, шунингдек, диний-маърифий соҳадаги ислохотлар моҳиятини кенг муҳокама этилиши мақсадга мувофиқдир.

Шу билан биргаликда газета саҳифаларида биринчи навбатда жамият таракқиётини таъминлашда ҳал қилувчи

куч - ёш авлоднинг ҳуқуқий онгини, ҳуқуқий маданиятини оширишга, ҳуқуқий тарбияни такомиллаштиришга, улар онгида демократик кадриятларни шакллантиришга қаратилган материалларга муносиб ўрин берилиши зарур.

Республикада ОАВни янада эркинлаштириш иши - фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг ўстувор йўналиши, деб қаралиши, ўз навбатида фуқаролик жамияти институтларининг ролни кучайтириш, жамиятни модернизациялаш ва янгилашда алоҳида аҳамият касб этади. Бугунги кунда Ўзбекистонда ОАВ муваффақиятли фаолият юртиши учун кенг ҳуқуқий майдон ташкил этилдики, у халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда такомиллашиб бораётир. Хусусан, ахборот соҳасини жадал ва изчил ривожлантириш учун зарур қонунчилик, меъёрий-ҳуқуқий база яратилди. Замонавий талаб ва стандартлар эътиборга олинган ҳолда, "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида", "Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида", "Реклама тўғрисида", "Ахборот эркинлиги принциплари ва қафолатлари тўғрисида", "Ахборотлаштириш тўғрисида" ва бошқа катор қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди.

Ахборот олиш бутун дунёда журналистлар фаолиятининг энг муҳим муаммоси ҳисобланади. Шунга асосан мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялаш, очик фуқаролик жамияти яратишнинг ана шу энг муҳим йўналиши-давлат ва хўжалик бошқарув органлари фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш, кенг жамоатчилик ва аҳолига Ўзбекистонда ўтказилаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар ҳақида мунтазам ахборот бериб боришдан иборатдир.

Республика матбуоти воқеаларни ҳолис ёритиши, зарбдор мавзуларни жамоатчилик муҳокамасига қўйиш учун кўп иш қилмоқда. Мамлакатимизда ОАВ эркинлигини таъминлашга, ўзгаришлар ва ислохотлар жараёнида улар таъсирчанлигини янада кучайтиришга, журналистлар касб малакаси ва маҳоратини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Нодавлат газета ва журналлар, радио ва телеканаллар ҳаётимизда мустахкам ўрин олиши учун зарур

парт-паронг пратин юзасидан кенг кўламли тadbирлар кўриладигир.

Глобал ахборот тизимининг шаклланиши, жаҳон миқёсда ахборот жуда тез тарқалиши, умуман ОАВ ва хусусан ҳар бир журналистдан масъулиятни оширишни талаб этади. Бу эса ўз навбатида иқсон манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш мақсадида бажарилаётган ишларнинг моҳияти ва аҳамиятини яхши англаб етишга, ижтимоий-сиёсий ислохотларни чуқурлаштиришга ва мазкур жараёнда ОАВ ролини оширишга ёрдам беради.

Ахборот соҳасидаги туб ўзгаришлар мамлакатимизда босма оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Кейинги 10 йилда уларнинг сонини икки баравар ошди. Уларнинг кўплиги бизнинг ютуғимиз албатта, лекин улардаги айрим ҳолатларда жиддийлик тус олмаганлиги ва ишларга ҳолисона эркин, масъулиятсиз қарашлари, бу биров одамни хавотирга солади. Биз биламизки, қаерда назорат ва талабчанлик йўқолса, ўша ерда масъулият ҳам йўқолади. Буларни эса айни дамда газета сонларида босилаётган мавҳум сарлавҳаларда ҳам кузатсак бўлади. Масалан, “Эътибор ва эҳтиром”, “Мағонат ва шижоат”, “Тadbиркорга омад ёр”... Бугунги кунда республика газеталарида катта-катта ҳарфлар билан ёзилган мана шуларга ўхшаш сарлавҳалар бериб борилмоқдаки, уларни бемалол шиор сифат мавҳум сарлавҳалар деса бўлади. Чунки уларнинг шиор сифатлигидан ва мавҳумлигидан бошқа хусусиятлари кўзга таълашмайди.

Журналистик материалларга шиор сифат мавҳум сарлавҳалар бериш, мақолалар моҳиятининг саёзлиги, энг асосий маълумотларни мақоланинг охирида бериш каби ҳолатлар мухбирларнинг масъулиятсизлигидан далолат бермайдими? Ёки яна бир ҳолат, “Даракчи” газетасининг 14 майдаги 20-сонда омма орасида шов-шув уйғотиш мақсадида, рекламанинг ўзига хос шакли тарзида “Гулсанамнинг эрини алдагани ва уришгани ҳақида” сарлавҳали мақола чоп этилган. Сарлавҳага кўзингиз тушиши билан Гулсанамга инебатан салбий муносабат

уйғонади, бироқ мақолани ўқиш жараёнида сарлавҳанинг бутунлай бошқа экани, яъни “Қизим исмидан ҳеч қачон уялмасин” деган мавзуда бўлиб, юқоридаги салбий фикр матнда жуда кам акс этгани маълум бўлди¹.

Хулоса ўрнида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг ОАВ ходимларига қарата айтган қўйидаги фикрларини таъкидлашни жоиз, деб ҳисоблаймиз: “Журналистларни бирон-бир иборани қўллашда, ҳар қалай журналистик одоб доирасидан чиқмасликка, ҳар қайси сўзни билиб, вазминлик билан ишлатишга чақираман”².

Ш.УМАРОВА,
ЎзДЖТУ

ЎТКИР ҲОШИМОВНИНГ «ИККИ ЭШИК ОРАСИ» РОМАНИДА ЭВФЕМИЗМЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ

Фикрни юмшоқ ва чиройли, одобли қилиб ифодалаш эвфемизм ҳисобланади. Эвфемизмлар қўпол, беодоб, тақик сўз ёки ибора маданий шаклда пардали қилиб айтилади. Эвфемизмларнинг маъноси шартли сўз бўлиб фақат контекстдагина реаллашади, улар кўпинча сўзнинг кўчма маънода қўлланиши асосида юзага келади. Эвфемизмларни юмшоқ маъноли синоним сўз ибора ёки гап деб аташ мумкин. Ўткир Ҳошимовнинг «Икки эшик ораси» романида ҳам эвфемизмлардан унумли фойдаланилган.

«Ойим уни юпатишга уринди:

- Нафасингизни иссиқ қилинг айланай, юртга келган тўй. Мана Кимсаним ҳам кетди-ку! Ўтирибман яратганга топириб.

-Ёв қувдим мунча ҳовлиқдингиз, десам, мен белида белбоғи бор ўғил ўстирдим! — деб керилади.

Ушбу мисолларда «руш» сўзи ўрнида «юртга келган тўй» йигит сўзини ... ифодалаш мақсадида «белида белбоғи бор ўғил» иборалари қўлланилган.

Холлош хола тагин фарёд қилди:

¹ Тулмобоев А. «Қизим исмидан ҳеч қачон уялмасин» // Дарвеш №20. 14 май 2009 йил. -Б.38-39
² Каримов И. «Ўзбек элики ҳеч қачон, ҳеч қиммат қарим бўлмайди». -Т.: Ўзбекистон, 2003. -Б. 4.

Бир эмас иккинчиден баробар ажралсам-а. Бу ўрнида «ўғилларим ўлди» ўрнида «ажралдим» сўзи орқали каминининг там-қайғуси акс эттирилади.

“Чучварани ҳам санабсан. Оқсоқол! Сен шохда юрсанг, мен баргида юраман”,

“Аммо тушунсанг-чи. Одамлар оёғи билан эмас, оғзи билан юради, ўзим эрта пешиндан буён туз тортмагандим”. Ушбу ўринларда «чучварани ҳам санамоқ», «Сен шохда юрсанг, мен баргида юраман» иборалари орқали ёзувчи сендан ҳали мен айёрман деган фикрни, гийбатчи сўзини эса «оёғи билан эмас оғзи билан юрмоқ», оч қолмоқчилик эса “пешиндан буён туз тортмаслик” иборалари мисолида тасвирлайди.

Дадам қўйиб берса Лазокат холамининг қўлидан судраб чоптириб кетадигандек ваъжохатда — Тезроқ! — деди. Хола эсеркиб ҳам ялиниб:

- Вой укам ваҳима қилманг, бу савдо ҳар хотиннинг бошида бор. Ушбу жумла орқали аёлларнинг ҳаммаси ҳам фарзанд туғади деб эмас, бу савдо ҳар хотиннинг бошида бор тарзида ифодаланади.

«Масълум оши» қилинганини эшитиб хурсанд бўлдим, билиб қўй. Сен энди боши боғлиқ қизсан». Ушбу мисолларда унашнлган қиз ўрнида «масълум оши», «боши боғлиқ қиз» жумлалари орқали ёзувчи фикрларни чиройли ва таъсирли ёритади.

«Бўйи етган қизнинг орзуси осмондаги юлдузга ўхшайди. Узоқдан ярақлаб кўринади-ю, на етасан, на тутасан. Юлдуз эса олисда сирли-сирли мизтираб тураверади. Талпинасан, ҳеч кимга билдирмай хаёл сурасан. Юлдузнинг ёнинга тушишини орзиқиб кутасан. Ким билсин, «юлдузи-юлдузми тўғри келибди» деган гап балки шундан чиққандир. Меник юлдузим - Кимсан акам эди».

Ушбу контекстда Кимсан акамга турмушга чиқман деган фикрни ёзувчи «бўйи етган қиз», «юлдузи-юлдузми тўғри келибди» деган жумлалари орқали таъсирли тасвирлайди.

Эвфемизмлар асарнинг тилини бойитади, бадний кимматини оширади, бадний асардаги эмоционал-экспрессивликни кучли ифодалашга хизмат қилади. Баъзан

шартли эвфемизмлар бадий адабиётда кенг қўлланилади. Масалан, «ўлмоқ» ўрнида «бериб қўйдик», «вафот этди», «ажратдик», «ҳалок бўлди», «қиз бола» ўрнида, «ҳолва», «иккиқат» сўзи ўрнида «онир оёқ, ҳомиладор, юкли» каби. Демак, эвфемизмлар нутқнинг таъсирчанлигини ошириб, ўқувчининг эътиборини тортади, асар қимматини оширишга хизмат қилади.

Ф. ЮЛДАШЕВ,
ЎзДЖТУ

АДАБИЁТИМИЗДА ИЖОДКОРЛАРНИНГ СЎЗ ҚЎЛЛАШ МАҲОРАТИ

Тил жамият ҳаётида меҳнат, ўт, сув ва нур каби буюк ҳодисалардан саналади. Инсон билиш жараёнида нарса ва ҳодисаларга хос бўлган барча хусусиятларни кузатади, уларни бир-бирига таққослайди, умумий ва хусусий белгилардан келиб чиққан ҳолда янги сўзларни ҳосил қилади ҳамда уни ўз нутқида ишлатади. Демак, сўзнинг лексик маъноси нутқда муҳим роль ўйнайди. Мустақил маъноли сўзлар мана шу лексик маъноси имконияти билангина нутқда ўз ўрнини топа олади.

Сўз инсон табиатининг ишвагар дилбари ҳисобланади. Сўзни дилда пишитмай, тилингга келтирма: аклинг билан илмингни жавобингдан билур, - дейди соҳибқирон бобомиз Амир Темур. Машҳур адибимиз Абдулла Қодирий ҳам: «Сўз сўзлашда ва ундан жумла тузишда узоқ андиша керак», - дея бежиз айтмаган. Шунинг учун ҳам сўз экан деб ҳар нарсани, тилга келганини гапиравериш керак эмас. Аввал ўйлаб, кейин сўзлаш, бу соҳада етти ўйлаб бир кесиш лозим. Ҳар бир сўзни ўз ўрнида, ўз вақтида, ўз муҳитида қўллай билган кишигина фикрини аниқ ва раво, лўнда ифода этган саналади, олдига қўйган мақсадга осонгина эришган бўлади.

Билимли шахс ўз қудрати билан маънавий бойликлар ихтироқиси, ҳаётга мазмун бахш этувчидир. Билим ва билимдонлик ҳақида Юсуф Хос Ҳожиб шундай деган эди: «Кишининг билимдонлиги унинг тили орқали намоён бўлади. Ипорни яширса ҳиди аён қилганидек, билимни ҳам яшириб

бўлмайди. У сўз орқали маълум бўлaverиоди". Биз ушбу мақоламизда ўбек алибларидан айримларининг сўз танлаш ва қўлдан маҳоратлари ҳақида қисқача тўхталмоқчимиз.

Чўлпон сўз қўллашда мохирлик, санъаткорлик намуналарини кўрсатган ижодкордир. У сўздан заргар сифатида фойдаланган публицистдир. Чўлпон ҳар бир сўзнинг жилюсини, чиройини, нафосатини топа олган. У ҳатто қўшимчалардан фойдаланишда ҳам ёқимли бир йўл топган. Унинг асарларида *ундан ҳам* ибораси ўрнида *унон-да* шакли кўп учрайди. *Ўйлаган эдимми?* Сўз бирикмаси ўрнида *ўйлабми эди?* шакли қўлланилган. Бу каби усуллар ҳам фикрнинг поэтик кўриниш олишига ёрдам қилган. Ёки: *Меҳмонхонадан чиқиб кетувчи фариштага кўзи тушди*. Бу мисолда ёзувчи ҳам қисқаликка, ҳам жозибадорликка, таъсирчанликка эришган. Абдулла Қодирий гўзал бир киз иборасини ишлатса ҳам, ўқувчи ҳафа бўлмасди. А.Қодирий *фаришта* сўзини қўллаш билан бу мохи пайкарнинг (чала таъриф) бутун хусусиятини тўла таърифлаб беради. Демак, Кумуш бу гўзал оламнинг энг гўзал қизларидан ҳам анча юқори даражададир. У абадий дунё гўзали. Олтоқ мурувватига лойик гўзалдир.

Сўзни бу даражада танлаб қўллаш, унга жиддий вазифа юклаш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Айрим ёзувчи ва шоирларда *фариштага ўхшатиш* учрайди. (*фаришта* мисол, *фариштадек* кабилар), бироқ улардаги таъриф, ўз-ўзидан етарли эмаслиги билинади. Яъни *ўхшайди-ю, ўзи эмасда...* *чиқиб кетувчи фариштага кўзи тушди* жумласида эса ўхшатиш шу даражада қиёмага етганки, нарсга ўхшатилаётган нарсага тенг, унинг ўзидир. Демак, бунда фақат ўхшовчи ифодаланган, холос. Бу санъат ка нетиорадир.

Ғафур Гулом ранглар жамулжамлигини ўз юртига кўради, шоирона парвоз билан мамлакатимиз бойлиги ва гўзаллигини таъкидлайди. Ўбек халқи ўз юртини шундай безатганки, қуёш ҳам, кўк ҳам, фayo ҳам олам ҳам гўзаллигини шу юртдан олади: *Беқасам жигдоси рангин шу буюк фayo тўғри Тошкентдан олар*. ("Тошкент" шеърн) Шоирнинг

воқеаликни эстетик баҳолашда унинг мувоғаласи билан ўхшатиш принциплари ўртасида фарқ қолмайди.

Гафур Ғуломнинг ўхшатишларида биринчи галда бўёқни қуюлтириш, жонли картина яратиш, фантазияга эрк бериш, субъектив баҳони қучайтириш туради. Масалан:

Жаҳондай бағри кенг, денгиздай сахий,

Ердай баркамол, кундай танти халқ. ("К. т. о")

Ёки: *Олтин пиёлада нишолда каби*

Етук иродамиз ундирган ҳосил. ("Теримчи қизларга")

Ушбу мисрада пахта ҳам, унинг белгиси оқлиги ҳақида ҳам айтилаётгани йўқ, бироқ бу қисқарган ўхшатишда муқояса учун олинган предмет ўхшатилаётган нарсага шу қадар яқинки, *пахта* сўзи айтилмай унинг ўрнида *ҳосил* сўзи ишлатилса ҳам пахта кўз олдимизда бор бўйича гавдаланади. Яъни пиёла чойнакни, олтин чанокнинг сарик рангини, нишолданинг оқлиги, майин ва кўпириб пиёладан тошиб туриши чанокдаги лўппи пахтани гавдалантиради. Ойбек табиат билан астойдил тиллаша олган адиб. Дилини фақат ўзи сингари чин сўз, ҳимоясиз, ёлғиз табиатга очади:

Қаришимда сув оқарди,

Маюс, етим қиз каби.

Сокин оқаётган тиниқ сувнинг одам кўзига тик қарай олмайдиган, ўқсик етим қизга ўхшатилиши шеърят тажрибасида бўлмаган. Одатда қизнинг сулувлиги, унинг чиройли юзи тиниқ сувга ўхшатиладди. Лекин сувнинг қизга ўхшатилиши айни ўринда энг муносиб, энг чин ва ҳаракатланиб турган жонли поэтик манзарани юзага келтирган. Таъсирчан қалбли санъаткор бўлгани учун ҳам Ойбек олам ва одамнинг турли ҳолатларидан туғилган хайратларини шеърга сола билди.

Маълумки, ўзбек тилида кўпинча кекса кишиларга *нисбатан* чол сўзи ишлатилади. Демак, у аниқ (конкрет) маънога эга. Мақсуд Шайхзода эса унга мавҳум маъно ҳам беради: *Қадим тунроқ башар тонгин гувоҳи бўлган,*

Чол асрлар йил санашда ундан маншқ олган.

Кўринадикки, чол сўзи *ўтган, қадимги, эски* сингари маъноларни ҳам қасб этган. Ўрни келганда шуни ҳам таъкидлаш керакки, ҳозирги пайтда жаноб, ҳазрат, тақсир

сингари кўплаб сўзлар путқда кенг ва фаол қўллана бошланди. Уйғун ўз шеърларида ҳамма нарсага жон ато килади. Табиатдаги ҳар бир нарсани инсон каби ҳаракатга келтиради, кулдиради, ғам торттиради, керак бўлганда, йиғлатади, ғазаблантиради, курашга чорлайди:

*Кумуш чойшаб ёпиб лолалар,
Қор қўйнида ухлаб ётади.
Тонг қизи кулимсаб юзини очди,
Кўкдаги юлдузлар уялиб қочди.*

*Ёки: Ҳар оқшом фируза каби уфқлар,
Зардан қулогизга сирга тақади.*

Буларнинг ҳаммаси ўз ўрнида Уйғун шеърини учун хос манзараликни, воқеабандликни келтириб чиқаради. “Жонтемир”даги қуйидаги қуйма тасвирга эътибор беринг:

*Қирчиллама шўх йигитлардай,
Пинак бузмай, чордона қуриб,
Кўк беқасам кийиб эғнига,
Оқ тагдўзи-кумуш дўпписин,
Чаккасига аста қўндириб,
Мўйлов бураб, жилмайиб тоғлар,
Балки йўллариға, жилмайиб бокқандир.*

Ушбу мисралардан маълум бўлиб турибдики, шоирнинг истиораси ҳам, ўхшатиш ёки эпитетлари ҳам- ҳаммаси ўша табиат хазиначидан олинган. Юксак маънавий калити билимдонликдир. Инсониятнинг куч ва қудрати эндиликда замонавий илмларни забт этиш билан белгиланаётир. Ҳақиқий билимни ҳеч қачон мол-дунё билан тенглаштириб бўлмайди. Мол-дунё қанчалик ширин ва мафтункор бўлмасин, барибир ўткинчидир. Билимли шахс эса ўз қудрати билан маънавий бойликлар ихтироқиси, ҳаётга мазмун бахш этгучидир.

Ҳар биримиз бизни вояга етказган, бизга энг бебаҳо бойликни, тилини ҳадя этган оналар олдида бир умр қарздормиз. Тилимизнинг софлиги учун жон қуйдирсак, фарзандлик бурчимизни адо этган бўламиз - деганда Чингиз Айтматов батамом ҳақ эди. Шундай экан, ҳаётдек гўзал, илҳомбахш, мусаффо тилимизни ҳаминша севайлик ва эъзозлайлик.

Г. АШУРОВА,
ТДПУ

МАҚОЛ ВА ШЕЪРИЙ МАЪНО МУШТАРАКЛИГИ

Абдулла Орипов шеърий услубида бир катор ўзига хосликлар кўзга ташланади. Шулардан бири унинг шеърларидаги фалсафийлик, фалсафий мушоҳада деб айтиш мумкин. Шоир бу натижага турли хил йўл ва шакллар орқали эришади. Назаримизда, улардан бири шеърий минералар катига халқ мақоллари мазмунини сингдиришдир. Албатта, бу масаланинг бир томони, холос. Унинг иккинчи томони эса шоирнинг бевосита халқ оғзаки ижодига мунтазам ва барқарор мурожаатлари билан алоқадор. Шоир меҳри тушган ифода ва иборалардан турли мавзу ва ҳолатлар, кечинма ва кайфиятлар тасвирида фойдаланади. Масалан, “Шох ва гадо” деб номланган шеърида “Сийланган жойида азиздир инсон” деган халқ мақоли қўлланган:

Ғойибдан садо келди: -Тингла, эй бандо,

Барчангга яратгум яғони макон.

Бир-биринг камситиб қилма шарманда,

Сийланган жойида азиздир инсон.

Мақол мазкур ҳолатда ҳар бир инсон кадр-қиммат топишга лойиқ ва муносибдир, деган ҳақиқатнинг бадий тасдиғи учун хизмат қилаётир. Айни шу мақолнинг ишлатилиши бошқа бир шеърда фикрнинг сиқик, байтларнинг куйма, маъноларнинг теран бўлишини кафолатлаган. Бу мақоллар асосида яратилган шеърий ҳикматларни эслатади. Жумладан, “Изҳор” шеърига эътибор қилайлик:

Қанча диёрларда сайр этиб юрдим,

Қанча манзилларда туздим ошиён.

Ва буюк ҳикматга охир юз тутдим,

Сийланган жойида азиздир инсон.

Шоир мазкур мақолдан шу даражада моҳирлик билан фойдаланганки, шеърда мақол мазмуни янада очилиб, аниқроғи, шахелантирилгандай таассурот пайдо қилади. Бу мақолнинг нисбатан қадимийроқ шакли Ғулҳанийнинг “Зарбулмасал” асарида учрайди. У Кордон тилида “Эр

тилаган ерда азиз”¹ шаклида мавжуддир. “Ҳеч ким бу дунёни кўтариб кетмайди”, деган гапни донишманд одамлар худди мақол каби такрорлаб келишган. Шоир “Ғаним бўлолмасмиз иккимиз сира” деб бошланадиган шеър охирида ёзади:

Кимга нима керак? Нечун сохта шон?

Нечун мангуликдан беҳуда талаб?

Ахир иккимиз ҳам сўнг манзил томон

Кетмасмиз дунёнинг юкин орқалаб.

Абдулла Орипов ижодида халқона ифода ва ибораларни шеър мисраларига киритишга алоҳида рағбат ва иштиёқ сезилади. Аммо бу факат халқона ифодалардан фойдаланиш учунгина қилинмайди, балки уларнинг иштироки шеър руҳини таъминлагани, унга жонли ҳаёт ифодасини бахш этганлиги учун келтирилади. Қуйидаги мисралар шундай типдаги шеърларнинг яхши намуналаридан бири бўла олади:

Ҳар қалай бахтлигимиз – тирикмиз магар,

Қолган гаплар эса ўтар-да, кетар.

Бамисли карнайга ишқи тушган кар,

Боқиб бу савдога ҳайрон ўтдик биз.

“Карнинг ишқи карнайга тушибди” деган мақолни эсламаганда ҳам, “ҳар қалай”, “ўтар-да кетар”, “ҳайрон ўтдик биз” сингари халқона ифодаларнинг қўллангани шеърга миллий руҳ ва кайфият бағишлаётганини сезмаслик мумкин эмас. Мақоллардан фойдаланиш шоир ижодидаги мунтазам, барқарор эстетик тамойиллардан бирига айланган деб айта оламиз. У қайси бир шеърнинг тугилишига дастлабки туртки вазифасини адо этса, айрим шеърларнинг мантикий хотимаси мақолга алоқадор бўлади. Унинг яна бир кўриниши эса қуйидаги шеърда яхши мужассамлашган:

Эл аро юради бир нақл,

Халқ уни такрорлаб айтади.

Кимсага ёмонлик қилмагин,

Бир кунни ўзингга қайтади.

“Яхшилик ва ёмонлик” деб номланган ушбу шеър бандларида бирданига учта халқ мақоли кўзга ташланмоқда. Биринчи бандда “Кимсага ёмонлик қилмагин, Бир кунни ўзингга қайтади” ҳикмати қўлланган. Шоир у орқали

¹ Гулзабий. Зарбулмасдан на назмолар. – Т.: Ўзбекистон адабиёт нашр., 1960, 46-б.

ўзининг яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги эстетик қарашларини ақс эттиради. Байтдаги асосий мазмун ёмонликка муносабат уйғотиш. Бу муносабат анча қадимий ва собит. Бунинг неботи эса дастлабки икки мисрада келтирилган. Бу асос битта эмас, балки бир нечтадир. Хусусан, мазкур фикр “нақл”дир. Демак, у эл-юрт орасида оғиздан оғизга, аجدодлардан авлодларга ўтиб келаётган ҳикматдир. Унинг “эл аро” юриши ҳам махсус таъкидланаётир. Ниҳоят, яна бир “далил” шуки, “халқ уни такрорлаб юради”.

Мазкур фикр кейинги бандда яна бир поғона юқорига олиб чиқилади. Энди бу гоё алоҳида олинган шахс мисолида давом эттирилади. Ёмонлик қилган одам унинг муқобилида ўзи ҳам ёмонлик кўради. Бунинг устига бундай қайтиш муқаррар ҳамдир. Ҳозирча ҳаётдаги ёмонлик ёмонликнинг эвазига содир бўлиши ҳақидаги фикр оқими мавжуд эди. Энди шоир бундай мулхаза тарзини бир қадар ўзгартиради.

Ҳап бирданига, мутлақо қарама-қарши қутбга — яхшилик томонга бурилади. Ёмонлик қилган одам—ку, муқаррар равишда жавоб олар экан, борди-ю у ёмонликни ҳаёлига келтирмасдан туриб, фақат яхшилик қилса-чи? Ҳаёт турфа оҳангларга бой. Унда баъзан оддий мантик билан изоҳлаш қийин бўладиган ҳолатлар оз эмас.

Мазкур шеърда ҳам шундай ҳолатлардан бири эътиборга олинган. Мухими, бу ерда ҳам халқ мақоли шоир фикрларини қувватлайдиган таянч вазифасини адо этади. Алоҳида таъкидлаш ўринли бўладик, шеърнинг умумий йўналиши ва мантикидан келиб чиқадиган ҳикмат мақол туфайли янада жозибалироқ ва таъсирлироқ руҳга эга бўлади.

Д. ИНОЯТОВА,
ТИХД

КАК РАЗВИТЬ РАЗГОВОРНУЮ РЕЧЬ?

После преодоления трудностей начального этапа изучения языка для многих ключевой проблемой становится развитие разговорных навыков. Казалось бы, есть продвижение в грамматике, вырос словарный запас — а речь

все ещё бедна, несвободна и приносит массу неприятных переживаний. Очень остро начинает ощущаться разница между пассивным и активным запоминанием – учишь, учишь какую-то конструкцию и вроде бы запомнил; но когда надо её употребить, она не вспоминается. Положение усугубляется различными мифами; самый распространенный из них – «маленький детям разговорный язык дается без труда, хорошо бы найти волшебный способ учить язык по-детски». Реальные же успехи основываются на двух факторах:

1. Надо устранить самые серьезные пробелы в работе с грамматикой и в изучении слов. Дело в том, разговорная речь выявляет все предшествующие недоработки. Среди множества грамматических тем есть фундаментальные, в которых ошибаться нельзя, и первая из них – это построение вопросов и отрицаний. Среди первой тысячи самых употребительных слов есть особенно трудные (примерно 200-300); они имеют по несколько значений и зачастую «работают» в совершенно непривычном для нас ключе. Такое слово кажется знакомым, но это иллюзия, и на практике эти пробелы разрушают речь.

2. Существует проверенный веками способ резка улучшить активное запоминание языковых конструкций. Психологи так объясняют феноменальные результаты этого метода: проделав предварительную работу по переводу текста, студент «вживается» в каждую фразу и сравнивая свой перевод с оригиналом, воспринимает эмоционально все правильные и неправильные моменты своего поиска. Такое эмоциональное включение и является ключом, открывающим активную ячейку памяти.

Материалы, предназначенные для усвоения; разговорные конструкции, записанные на плёнку диалоги, создаются совместно с американскими специалистами. Студент получает эти материалы в двойном наборе. Сначала он переводит их с русского на английский. После этого он начинает работать над текстом оригинала, который он сравнивает со своим переводом, подкрепляя слуховое восприятие звукозаписью. В результате разговорные конструкции ложатся на активную память, индуцируют правильную речь. Часто возникает вопрос: разве можно

учиться самостоятельно? Не сиюшете с отвстом – не только можно, но и нужно. Не путайте два разных процесса – учение и практику. Практика может быть живой, настоящей: но ест должен предшествовать свой труд, подкрепленный хорошо организованной и эффективной методикой работы.

М.ТОЖИБОВ,
ЎЗДЖТУ

БАДИЙ АСАР ПОЭТИК ТАҲЛИЛИ

Ҳаёт инсон учун синов майдони. Ҳар бир киши ўз ҳаёти давомида турли шароитларга тушади, бинобарин, турли синовларни бошидан кечиради. «Китобдан яхшироқ дўст йўк жаҳонда», - деган экан буюк мутафаккир Абдурахмон Жомий. Китоб-ҳаёт мактаби. Китоб мутолааси инсонни унга таниш-нотаниш сирли олам домига тортади. Мутолаа жараёнида киши ўзига таниш-нотаниш одамлар ўтмиши, тарихи, ҳаёти, кувончи, шодлиги, бахти ва албатта, фожiasi, гам-алам, қайғули тақдири билан тангишади.

XIX аср ўрталарида Англия адабиётида катор аёл ижодкорлар авлоди етишиб чиқди. Опа-сингил Бронтелар, Жорж Элиот шулар жумласидан. Уларнинг ичида Шарлота Бронте ҳаёти ва ижоди жаҳон адабиётида ўзига хос ўрни тутади. Унинг «Ўқитувчи», «Жен Эйр» каби романлари жуда кўп тилларга таржима қилинган. «Жен Эйр» романи жамиятнинг фаол аъзоси сифатида ёш кизнинг ҳаётда ўз ўрни учун олиб борган кураш йўли тасвиридан иборат. Ота-онасида эрта етим қолган ёш кизча Жен Эйр ўлиб кетган амакисининг беваси хонадонида қолади. Мамлакатда тақчиллик ҳукм сураётган бир вақтда бегона оғизни ёқтирмаган момо етим кизни дастлаб турли қийноқларга соряди, кейинчалик етим қолган кизлар пансионига бериб юборади. Жен Эйрни олиб кетишга келган пансион бошлиғига уни ниҳоятда салбий фикрлар билан таърифлайди. Шу боис пансионга келган ёш кизчани бошлик Брекенбриж ҳамманинг олдида етол устига чиқариб шарманда қилади, атрофдагиларни унга инсбатан ниҳоятда қаттиққўл ва совуқ муносабатда бўлишга чақиради.

Яқин қариндошларидан ажралган, бегона жойда аячли аҳволда ёлғиз қолган ёш кизча аламини ичига ютади. Узок йиллик таълим даврида минг турли азобларни бошидан кечиргади. Мамлакатда юкумли касаллик тарқалганда пансионнинг жуда кўп тарбияланувчилари оғир шароитда юшун қолганликлари сабабли халок бўладилар. Тақдир экан Жен Эйр тирик қолади. Пансионни тугатгач, борадиган жойи бўлмаганлиги сабабли шу ерда гувернантка вазифасида ишда қолади. Бирок у тақдир берган ҳаёт билан қониқадиган қиз эмасди. Шу боис ўз келажагини яратишга иштилади. Газетага эълон беради, пансиондан ташқарида иш топади. Мистер Рочестернинг қалъасида унинг боқиманда қилига гувернанткалик қила бошлайди. Айнан шу ердаги ҳаёт унинг тақдирига янги чизгилар солади: бахтини топади, онлани, фарзандли, жамиятнинг олди бўлган давлатли аёлларидан бирига айланади Жен Эйр. Бир сўз билан айтганда юқори табақа кибор аёллар қаторига киради. Бирок бу кунларга етгунча унинг бошидан кечирган кунлари қисқа қилиб айтганда итнинг ҳам бошига тушмасин.

Шарлотта Бронтенинг бу асари Англия XIX аср ўрталаридаги жамият ҳаётининг реал манзараларини яратган бўлса-да асарнинг иккинчи бир қирраси XVIII аср Англия маърифатчилиқ адабиётига уйғунлашиб кетади. Адиба ўз романида нафақат инсон фожiali тақдирининг бахтга айланишидаги реал ижтимоий руҳни, балки бундай бахтга эришиш жараёнида инсоннинг ўзидан талаб қилинадиган индивидуал сифатларни ҳам кўрсатиб бера олган. Жен Эйр таланти, саъят ва адабиётни тез ва мукаммал ҳис қиладиган истеъдод соҳибасигина эмас, балки тиришқок меҳнаткаш, сабр-бардошли, энг муҳими агрофдагиларни тўғри тушунадиган, меҳрибон, ғамхўр инсон ҳам эди. Шу боис унга қанча зулм ўтказганликларига қарамасдан момосининг фарзандларини оғир кунларда ташлаб қўймади, уларга ёрдам қўлини чўздн. Айниқса, ўзининг орзусига эришиб ўғай она —сингилларини топганида улар билан ўз бахтини бўлишишга шошилди. Совган кишии мистер Рочестер ногирон бўлиб, кимсисиз оғир аҳволда қолганида ҳам уни танилаб кетмади, муҳаббатига содиқ

қолди. Унга фарзандлар туғиб берди, уни бахтли инсонга айлантирди, жамиятга қайтарди. Мен кўпинча аёлларнинг ўз тақдиридан нолиганликларини кўп эшитаман. Оғир шароитларда жамиятда ўз ўрнини топа олмаган аёллар, ҳатто ўз фарзандларини ташлаб нопок йўлларга кириб кетмоқда. Шунда мен уларга: «Тўхтанглар опа-сингиллар! Бу кунлар ўтар-кетар, иймондан ажралиб қолманг, сабр-бардошли бўлинг. Яхши инсонлардан ўрناق олинг, бахт сабрли одамларга берилади», -дегим келади.

Китоб мутолааси, мутолаадан олинган таассурот таҳлили мураккаб жараён. Бадний асар таҳлили жараёнида, аниқроғи, унинг ўзлаштирилиши мобайнида асар таҳлилининг энг муҳим бўғини асар мўлжалланган китобхоннинг интеллектуал тайёргарлиги, китобхон томонидан бадний асарни қамраб олиш имкониятларидир. Бу ўринда унинг илмий-ижодий менталитети, масъулияти, ижодий салоҳияти, ҳаётий тажрибаси, бадний асар ёзилган тил хусусиятларидан хабардорлик даражаси, бадний асар ёзилган тилни эгаллаб турган миллат менталитети, миллий кадриятлардан хабардорлиги, умуминсоний кадриятлар, фалсафий тафаккур қоида ва ғояларини ижодий қабул қила олиши каби мураккаб хусусиятлар муҳим роль ўйнайди.

Мен ҳар бир ўзбек аёлини Жен Эйр қиссаси билан ошно қилгим келади. Чунки бу китоб аёл бахти қалити сабр-тоқат ва бахтли ҳаёт учун курашда, ундан-да муҳимроғи эса, покиза инсоний туйғулар, ўзаро муҳаббат ва самимий муносабатларда эканлигини жонли мисолда кўрсатиб бера олган.

4-БЎЛИМ

ҚИЁСИЙ ТИЛШУНОСЛИК ВА ТАРЖИМА МУАММОЛАРИ

И.УМИРОВ,
ЎзДЖТУ

ТЕРМИН ВА АТАМАЛАР ТАРЖИМАЛАРИ ҲАҚИДА

1995 йил 21 октябрда қабул қилинган янги таҳрирдаги тил қонуни 7-моддасида тилнинг асосий ярусларидан бири бўлган терминологияга алоҳида эътибор берилди. Бу шундан далолат эдики, давлат тили тўғрисидаги қонун тилнинг муҳим соҳаси бўлган атамашунослик ҳамда терминологияга янгича, яъни адолат нуқтаи назардан онгли равишда ёндашиш вазифасини юклади. Бу саъй-ҳаракат шундан иборат эди. Биринчидан, байналмилал руҳидаги термин ва атамаларнинг қайта кўриб чиқилиши лозимлиги, иккинчидан, тилимизнинг софлигига путур етказмасдан, айнан, рус тили орқали кириб келган атамаларга жиддий эътибор берилиши масаласи, учинчидан, русча-байналмилал ўзлашмаларга (агар зарур бўлса) ўзбекона муқобил танлаш тамойилининг яратилиши зарурлиги, ва ниҳоят, термин ва атама танлаш мезони масаласи.

Дарҳақиқат, юқорида таъкидланган мезонлар ишлаб чиқилди. Бундай саъй-ҳаракатлар маълум маънода ўз меvasини ҳам берди. Бироқ термин ва атамаларнинг ўзгартирилиши ёки таржима қилинишида муайян нормага, илмий асосларга таянилмади. Шунинг оқибатида тилда, оғзаки нутқда ҳам турли хил хатоликлар ва чалкашликлар келиб чиқди. Шу аснода зарурий терминлар истеъмолдан чиқиб кетди, пиравордида ўринсиз сўзларнинг луғат бойлигимизга кириб келиши кузатилди. Афсусдан бошқа ҳеч нарса эмас, қанчалик эҳтиёткорлик масаласи олдиндан айтилган бўлса ҳам барибир шу нарсага йўл қўйилди: *пензионер ўрнига нафақахўр, холодильник ўрнига музлатгич, касса ўрнига газна, институт ўрнига олийгоҳ, газета ўрнига рўзнома* ва ҳоказолар. Демак тилда термин-атамалар масаласида “тилпарварлик, миллатпарварлик” ғояси илгари

суршди. Аниқроғи, тилимизнинг софлиги учун курашамиз деб, унинг нуфузли истиқболига парда тортиб қўйишимизга оғина сониялар қолди. Хайриятки, тил илмига адолат кўзи билан қарайдиган мутахассисларимиз ёрдамида бунинг олдини олишга мумкин қадар муяссар бўлди ва бўлмоқдамиз.

XX асрнинг биринчи ярим йиллигида, сўнгра 90-йиллар бошида европалашган сўзларнинг - термин ва атамаларнинг оқими нихоятда сермахсул бўлди. Аслида ҳамма замонларда ҳам фан ва техниканинг, иқтисод, сиёсат жабҳаларининг тараққиёти натижасида сўз ва терминларнинг ўзлаштирилиши масаласи бўлганлиги бизга маълум. Янги аср бошида ана шундай сўзларни туркийлаштириш, баъзан муқобилини топмаганимизда арабий, форсий сўзлар билан алмаштиришга, таржималаштиришга киришиб кетдик.

Натижада иш ижобий тус олишдан кўра салбий томонга ўзгарди, термин ва атамалар қўлланишида чалкашликлар юзага кела бошлади. Халқ кимнинг фикрига суянишини билмай қолди. Яна шунини таъкидлаш жоизки, ўша даврлардаги она тили учун бўлган ҳаракатни сўз саралаш эмас, балки сўз талашишилик жангига айлантиришди. Бунда илмийликдан кўра ҳиссиёт авжга чиқди. Айниқса, матбуотда қалам тебратувчи баъзи “учарлар” она тилисида “кашфиёт”лар яратишди. Мана ўша ихтиролар: кресло-юмшоқ ўриндик ёки ором курси, радио-овознигор, телевизор-ойна жаҳон, реанимация-жонлантириш, транспорт-нақлиёт.

XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб тилимизнинг софлигига, унинг илмий салоҳиятига, кутк маданияти масаласига эътибор кучайди. Бинобарин, тилнинг ижтимоий вазифаси ҳам тубдан ўзгарди. Ўзбек тили луғат таркибида, аниқроғи, терминологиясида истиқболли “инкилоб” юз берди. Европа ва ғарбдан табиий равишда сўзларнинг кириб келиши кузатилди. Чунки ижтимоий-сиёсий ҳаёт, жамият ва давлат тизими, фан ва техника тараққиёти, буни ҳеч қандай истисносиз талаб қилар эди. Буларнинг барчаси термин ҳамда атамаларда ўз ифодасини топиши лозим эди. Улар қуйидаги кўринишда юзага келди: бизнес, биржа, валюта, интернет, факс, кредит, фонограмма, реклама, ролек каби.

Юқорида саналган атамалар таржимага мухтож эмас, бироқ она тилимизнинг “жонкуярлари” уларга ўзбекона тўн кийдиришга ҳаракат қилиб кўришди, аммо улдасидан чиқинмади. Чунки улар халқаро термин ва атамалар бўлиб, барчага тушунарли бўлиб қолган, синов майдонидан ўтиб келган тушунчалар эди. Демак, тилнинг ташқи бойиши масаласи бугунги кунда ҳам долзарблиги билан, ҳам назорат талаблиги билан мутахассислар эътиборида турмоғи лозим.

Ҳап ўрнида шунини айтиб ўтиш зарурки, термин ва атама тушунчаси кейинги вақтларда бир-бирига синоним сифатида қўлланилмоқда ва бир нарса сифатида тушунилмоқда. Бизнингча, уларнинг ҳар иккаласи ҳам алоҳида объект сифатида ўрганилгани маъқул. Чунки ҳар бирининг тилшуносликда ўзининг илмий майдони мавжуд. Масалан, терминлар фақат фан-техникага оид тушунчаларнинг номи. Атамалар кенг тушунчани ифодалайди, яъни борлиқдаги мавжуд нарса ва ҳодисаларни, белги ҳамда ҳаракатларни номлаб келади: диск, супермаркет, рентген, рейтинг, тест, кизил, сарик, бормоқ, келмоқ каби. Биз шунинг учун ҳам ушбу мақоламизда ҳар иккала ҳодисага алоҳида объект сифатида қараб келмоқдамиз. Қиёсланг: *фонетика, морфология, редукция, ассимиляция, синтагма* кабилар термин бўлса, *манзил, сўровхона, дорихона, фахрий, ҳарорат, мадҳия* кабилар атамалардир.

Рус тилидан ва рус тили орқали ўринли ва ўринсиз деб ҳисобланаётган (баъзилар ҳали ҳам шу кайфиятда) термин ва атамаларнинг кириб келиши, уларнинг янги ва эски муқобиллари билан алмаштирилиши тил учун ижобий ҳодиса сифатида қаралгани тўғри бўлади. Чунки улар маълум бир тилнинг терминологик тизимида миллийлик деган рухнинг вужудга келишига туртки беради. Ана шундай ҳаракатлар натижасида тилимизда ўзига хослик қонуниятлар шаклланди. Энг қадрлиси шу бўлдики, бир пайтлар ноўрин равишда, турли тазйиқлар билан истеъмолдан чиққан сўзларнинг қайтишига янада имконият туғилди. Масалан, *фаол* (актив), *сўровнома* (анкета), *меъмор* (архитектор), *кутубхона* (библиотека), *гурӯҳ* (группа), *маъруза* (доклад ёки лекция) кабилар. Бизнингча, атамаларнинг

таржимасига иложи борица ўзбек тили имкониятлари даражасида ёндашганимиз маъқул. Сабаби, атамалар кенг тушунча, оммабоп услубга мойиллиги билан терминлардан фарқланади.

Ўзбек тилининг луғат таркибига кириб келган кўпгина атамалар борки, уларнинг баъзиларини тилда мавжуд муқобиллари билан алмаштириш керак. Маълум қисмини эса талаб даражасида таржима йўли билан қабул қилганимиз яхши натижа беради. Айнан шундай қилинса, тилининг ички имкониятларидан фойдаланиш масаласи ҳам ижобий йўлга қўйилади. Натижада тилининг софлигига эришилади. Масалан алмаштирилган муқобиллар: *хат боши* (абзац), *алифбо* (алфавит), *кафолат* (гарантия), *буюртми* (заказ), *гоя* (идея), *мумтоз* (классик) ва ҳоказо. Энди таржималашган атамалар: *бетараф* (нейтрал), *танглик* (кризис), *мувофиқлаштириш* (координация), *тўгарак* (кружок), *тезкор* (оператив, интенсив) ва ҳоказо.

Бу ўрнида шунини ҳам қайд этиб ўтиш керакки, баъзи терман ва атамаларнинг қўлланилишида, уларнинг таржима муқобилини берилишида қизиқ ҳодисаларга дуч келмоқдамиз. Жумладан, *телевизор* сўзини *ойнаи жаҳон* ёки *зангори экран* тасвирий ифодаси билан номлаш масаласи. Ёки *самолёт* сўзининг ўрнида *тайёра* ёки *учоқ* атамасини ишлатиш мантиққа тўғри келадими? Албатта йўқ. Лекин бундай ҳолатлар айниқса матбуот тилида кўплаб учрайди. Тўғри, *телевизор* атамаси ўрнида *ойнаи жаҳон* ёки *зангори экран* тасвирий ифодасини қўллаш мумкин, бироқ атама сифатида эмас, бадний услубда мазкур атаманинг тасвирий воситаси сифатида. Терминларга, аниқроғи, илмий услубда ишлатилиб келинаётган луғавий бирликларга ҳам муносабатини жуда яхши деб бўлмайди, яъни дублет — параллелик тушунчасига аҳамият берилмагани, умумтилшунослик қоидаларига амал қилинмаяпти. Бугунги кунда, хорижий тилларни ўрганиш мақсад қилиб қўйилган бир пайтда фақат ўзбекона терминлар яшаш ўринлими? Йўқ, албатта. Лисоншунослик ёки тилшунослик терминлари билан лингвистика, лисоний воситалар билан биргаликда лингвистик воситалар, кўп маънолилик билан полисемия,

маънодошлик билан синонимия терминлари параллел равишда қўлланилса, тилимизнинг софлигига зарар етмаса керак. Ундан сўнг, илмий тилда, илмий услубда дублет гушунчасининг қўлланилиши фойдадан холи эмас. Бизнингча, бундай йўл ўрганилаётган ходисани анча енгиллаштиради, ойдинлаштиради.

Хуллас, халқ бойлиги ҳисобланган тилга ҳоҳлаган сўзни ҳоҳлаган пайтда киритиб, ҳоҳлаган пайтда чиқариб юборилиши мумкин деб ҳисоблаш хато. Илмий термин ва атамалар тизими адабий тил луғавий таркибининг ажралмас қисми сифатида фан ва техника тараққиёти ҳамда жамиятдаги ўзгартиришлар билан чамбарчас боғлиқдир. Шунинг учун термин ва атамалар тизими доимий назорат талаб қиладиган соҳалардан биридир. Унга жамиятнинг ҳар бир аъзоси онгли ёндашгани маъқул бўлади.

Н. ҚАМБАРОВ,
ЎзДЖТУ

ЎЗБЕК ТИЛИДАН ИНГЛИЗ ТИЛИГА ТАРЖИМА МУАММОЛАРИ

Бир тилдан иккинчи тилга ва иккинчи тилдан биринчи тилга таржима қилиш муаммолари бир хил бўлмайди. Зеро, улар ўртасида умумий масалалар бўлиши мумкин. Мазкур мақолада биз асосий эътиборимизни ўзбек тилидан инглиз тилига таржима муаммоларига қаратмоқчимиз. Ўзбек тилидан инглиз тилига таржима қилишда кўпроқ инглиз тили хусусиятлари инобатга олинади.

Бу хусусиятлар қуйидагилар билан белгиланади. Биринчидан инглиз тили герман тиллари оиласига киради. Қиёсий типологик жиҳатидан бу аналитик тилга мансубдир. Аналитик тил бир қатор хусусиятларга эга. Жумладан инглиз тилида келишик категорияси ривожланмаган, унда аксарият ҳолларда предлоглар қўлланилади. Сўз тартиби ўзбек тилига нисбатан бошқача, яъни ўзбек тилида сўз тартиби эга+иккинчи даражали гап бўлаклари+кесим. Инглиз тилида эса эга+кесим + иккинчи даражали гап бўлаклари. Сўз ва уларнинг маънолари аксарият ҳолларда

бир-бирига тўғри келмайди. Сўз қатламларига келсак, ўзбек тилидаги сўзларнинг аксарияти форс, араб, рус тили орқали инглиз ва француз тилларидан ўзлаштирилган.

Ўзбек тилининг яна бир ахамиятли жиҳати ундаги турли услуб ва жанрда қўлланиладиган сўз ва сўз бирикмалари инглиз тилида бир-бирига мос келмайди. Бунда биз сўзнинг информатив ҳажми билан бир қаторда, унинг услубий мослиги масаласини назарда тутяпмиз. Ўзбек тилидан инглиз тилига таржима қилиш муаммолари ҳали махсус тадқиқот объекти бўлмаган, бундай таржимага оид айрим масалалар илмий мақолалар даражасида ўрганилган. Номзодлик диссертацияларида бундай масала мавжудлиги ҳақида баъзи жузъий фикрлар юритилган.

Бунинг бир қатор объектив ва субъектив сабаблари бор. Биринчидан, XX асрнинг 90-нчи йилларнинг сўнгги давригача, ўзбек тилидан асосан рус тилига, ундан сўнг чет тилига, хусусан инглиз тилига таржима қилинган. Таъбир жонз бўлса, айтиш мумкинки, шу пайтгача ўзбек тилидан инглиз тилига эмас, балки рус тилидан инглиз тилига таржима қилиш муаммолари тадқиқ этилган. Иккинчидан, ўзбекча-инглизча лугатларнинг йўқлиги. Учинчидан олий ўқув юртларидан ўзбек тилидан эмас, балки рус тилидан инглиз тилига таржима қилиш анъана бўлган. Қолаверса, у пайтда ўзбек тилига давлат мақоми берилган бўлсада, ўзбек тилидан инглиз тилига таржима қилишда бир қатор муаммолар пайдо бўлган. Буларга ўзбек тилидан инглиз тилига таржима қилиш бўйича дарслик ва қўлланмаларнинг чоп этилмагани, таржимонлар тайёрлайдиган махсус бўлим ва факультетнинг йўқлиги, шу соҳада малакали мутахассисларнинг етишмаслиги шулар жумласидандир.

Ҳозир кунда ўзбек тилидан инглиз тилига таржима қиладиган амалиётчилар сони нисбатан кўпайди, малакали мутахассислар сони ортди, Ўзбекистон олий ўқув юртларининг баъзиларида, масалан, Самарқанд давлат чет тиллари институти инглиз филологияси факультети қошида таржима бўлими очилди, таржима назарияси кафедраси фаолият кўрсатмоқда. Маълумки, 1994 йили Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетига таржимонлик

факультети очилиб, у ҳозирги кунда республикага юқори маънафий кадрлар етиштирмоқда. Таржимонлик факультети қошида магистрлик бўлимида ҳар курсда 20 яқин таржимон таҳсил олмақда. Таржима муаммоларига келадиган бўлсак, уларни лингвистик жиҳатдан қўйидагиларга ажратиш мумкин: 1) фонетик; 2) лексик; 3) грамматик.

Таржиманинг фонетик муаммолари топонимлар, географик номлар, атоқли отлар, корхона, ташкилот, олий қўқув юртлари номларини ва шу кабиларни транслитерация/транскрипция қилишни ўз ичига олади. Бунда ўзбек тилидаги қ, ғ, ҳ, ь, х ва шу каби ҳарфларни транслитерацияда берилиш масалалари кўрилади. Чунки русча ҳарфларга мослашган юқорида кўрсатилган номлар баъзан икки хил йўл билан берилади. Мутахассис учун муҳим жиҳат транслитерация қайси тилдан қилингани ҳисобланади. Ўзбек ва инглиз тили товушлар системасидаги фарқларни транслитерация қилишда ҳам кўриш мумкин.

Таржиманинг лексик муаммолари унинг лингвистика билан боғлиқ барча масалаларни ўз ичига олади. Бунда сўз маънолари, унинг информатив ҳажми, турли услуб ва жанрларга тегишли сўзлар таржимаси, хос сўзлар, янги сўзлар, сўзларнинг янги маънолари, таржима қилиб бўлмайдиган сўзлар ва шу кабилар шулар жумласидандир.

Таржиманинг грамматик муаммолари сўз туркумлари таржимаси, таржимада сўз тартиби масалалари, содда ва эргашган қўшма гаплар таржимаси, феъл замонлари, аспектлари, майллари, нисбатлари ва ҳакозоларни ўз ичига олади.

Юқорида кўрсатилган муаммолар ҳали ўз ечимини кутаётган масалалар сирасига киради. Мазкур таржима муаммолари монографик тадқиқотлар, номзодлик ва докторлик диссертацияларига мавзу бўлиши мумкин. Таржиманинг фонетик, лексик ва грамматик муаммоларининг назарий ва амалий жиҳатдан тўғри ҳал этилиши ўзбек тилидан инглиз тилига таржима қилишда шу пайтгача йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш билан бирга бу икки тил доирасидаги таржима назариясига аниқлик киритиши, мунозарали жиҳатларни ёритиши ва

таржима сифатига ижобий таъсир кўрсатишига имкон яратди.

Д. ГАЗИЕВА,
А. МИРСАИДОВ,
ЎЗДЖТУ

ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИ ГРАММАТИКАСИНИНГ АЙРИМ МУАММОЛАРИ

Талабаларга чет тилини ўргатиш, табиий ҳолда она тили билимига асосланилади ва доимий ҳолатда сўзлар, ибораларнинг грамматик қолиплари икки тилда қиёсланиб, агар ўхшаш жиҳатлари бўлса, улар таянч қилиб олинади, ўхшаш хусусият бўлмаса, ушбу ўқув материаларини кўпроқ машқ қилдириб талабанинг билими оширилади.

Ушбу мақолада инглиз ва ўзбек тиларида гапнинг грамматик таҳлилида ўхшашлик бўла туриб, ўзбек тили грамматикиси дарсликларида ушбу ҳолатга эътибор берилмаганлиги ҳақида сўз юритилади. Гапнинг грамматик таҳлилида гап бўлаклари (эга, кесим, тўлдирувчи, ҳол, аниқловчи) эътиборга олинади. Биз ўқувчиларнинг диққатини тўлдирувчига жалб этиш ниятидамиз. Инглиз тилида тўрт турдаги тўлдирувчи (воситали, воситасиз, предлогли ва мураккаб тўлдирувчи) ларни ўргатишга эътибор берилади.

Ушбу ўқув материалини ўргатиш жараёнида талабанинг ўзбек тилидаги билимига асосан ёндашилади. Мураккаб тўлдирувчи (Complex Object) икки қисм: от қисм ва феъл қисмдан ташкил топган. От қисми — от ёки келишик ва эгалик олмошларидан ташкил топган, феъл қисми эса феълнинг шахсиз шакллари (инфинитив, сифатдош, отланган феъл)лардан ташкил топган. Мураккаб тўлдирувчи фақат аниқ феъллардагина учрайди. Ўзбек тили амалиётида худди шундай йиғинди (бирикма) бор, аммо ушбу ҳодиса назарияда ақс этмаган. Масалан:

Мен Қаримнинг кўчадан ўтаётганини кўрдим.

Ким? — Мен — эга

Нима қилдим? — кўрдим — кесим

Нимани кўрдим? — *Каримнинг кўчидан ўтаётганини*, мураккаб тўлдирувчи.

От киеми “Каримни” — атоқли от тушум келишигида “ўтаётганини” — феъл киеми “ўтмоқ” феълининг шахсий шакли билан ифодаланган. Шундай мисолларга мурожаат қилган ҳолда инглиз тилидаги мураккаб тўлдирувчи (Complex Object)ни ўргатишда талабада ушбу ўқув материалига кўникма ҳосил қилиш оsonроқ кечади. Лекин нима сабабдан ўзбек тилидаги мураккаб тўлдирувчи амалиётда бор, яъни оғзаки нутқда мураккаб тўлдирувчилар кенг қўлланади-ю, бироқ тил назариясида ўз аксини топмаган. Бу савол ҳалигача ўз ечимини топмасдан, долзарб муаммолигича қолмоқда.

Д. ДЖУМАНОВА,
УзГУМЯ

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ АНТОНИМОВ В РУССКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ

Использование антонимов в русском и узбекском языках имеет много общего. Так, основной функцией русских и узбекских антонимов является выражение противопоставленности, противоположности, указание на предел проявления качества, свойства, явления, отношения, действия: *«Горя много, счастья мало», - И ушли, закрыв лицо. Потеряла я кольцо* (А. Ахматова— С. 279); *Номус учун номини эмас, руҳини ўстир, Оғир кунда ёвдан қочган — ёвга дўстдир. Юрт чорласа сувларини кеч, ўтларга кир — Фидойилар керак бизга, фидойилар.* (М. Юсуф— С. 8). (Для чести не имя, а дух укрепляй, кто от врага убежал, в тяжелые дни может врагу стать другом, если родина запылает, возьми воду, войди в огонь — нам нужны самоотверженные). В данном отрывке используются антонимические пары сув — ўт, ёв (устаревшее), дўст, которые обладают яркой образностью. *Тирик инсон бир кунини оқ, бир кун тўқдир, Бир кун тўқин, бир кун бурда поини йўқдир* (М. Юсуф— С. 11). (Человек один день может остаться голодным, на другой — быть сытым, один

день у него может быть дом – полная чаша, на другой – не найдется и кусочка хлеба).

Антонимы также используются с целью актуализации высказывания или усиления образа, впечатления: *Мне холодно... Крылатый или бескрылый, Веселый бог не посетит меня* (А. Ахматова– С. 14); *Нима дейсан яни газеталарга, Канопли, канотсиэ ракеталарга. Кўзингга термулган планеталарга, Йигирманчи аср, аҳволинг ёмон* (М. Юсуф– С. 123). (Что можно сказать еще газетам, крылатым и бескрылым ракетам, планетам, которые смотрят тебе в глаза. Двадцатый век, у тебя плохое положение). Иногда антонимы используются для выражения оценки противоположных свойств, действий, состояний: *Горе душит – не задушит, Вольный ветер слезы сушит, А веселье чуть погладит, Сразу с бедным сердцем сладит* (А. Ахматова– С. 248); *Кимга кургон – уларга кенг майдон тегар, Мард мушкулни енгар, номард бўйин эгар* (М. Юсуф– С. 8). (Кому-то могильный холмик достанется, другим – широкая площадь, храбрец трудности одолеет, трус голову склоняет).

Антонимы употребляются для утверждения двух противоположных свойств, качеств, действий, и использование антонимов позволяет показать сложность и противоречивость мира: *Где день и ночь склоняясь, в жары и холода, Должна я ожидать последнего суда* (А. Ахматова– С. 191); *Бу бешифкат, Бу беозор дунёда, Бу шундай кенг, Бу шундай тор дунёда, Кимлар келиб, Кимлар кетар дунёда. Кўнгизнинг хам Ватани бор дунёда, Нега йиглар крим татар дунёда* (М. Юсуф– С. 113) (В этом бессловесном, в этом безобидном мире, в таком просторном и в таком узком мире, в мире, куда приходят и откуда уходят, в мире, где даже жук имеет свою родину, почему в этом мире плачут крымские татары).

Антонимы часто используются также для утверждения одного из противопоставляемых признаков, действий или явлений реальной жизни за счет отрицания другого: *Но не пытайся для себя хранить Тебе дарованное небесами: Осуждены – и это знаем сами – Мы расточать, а не копить* (А. Ахматова– С. 118); *О, ота юрт, Она маскан, Ўхшаингни*

топай қайдан! Сен-ку менга тор эмассан, сенсиз қандай янайин ман? (М. Юсуф— С. 25). (О, страна отца, обиталище матери, как и где я найду похожее? Ты-то во мне не нуждаешься, можешь прожить без меня, а я как проживу без тебя?).

Одной из распространенных фигур, основанных на антонимии, является антитеза: *В белом инее черные ёлки. На подтаявшем снеге стоят* (А. Ахматова— С. 143); *Ким отлик, Ким пиедадир, Ким қисқа, Ким зиёдадир* (М. Юсуф— С. 24). (*Кто на лошади, кто без, кто без достатка, кто с излишком*).

В русском и узбекском языках часто используются антонимические пары, выражающие противопоставление людей по возрасту или полу: *Қиз йўқ уйда сарин сабо эсмайди, Қиз йўқ уйда жамбил-райхон ўсмайди. Гоҳо ўғил ўз ишидан ортмайди, Қиз тасин ҳар қадамда эслайди. Кўзларига сургай юрган изингиз, Қай ўғилдан камдир, айтинг, қизингиз* (М. Юсуф— С. 60). (*В доме, где нет дочери, утром нет свежести; в доме, где нет дочери, джамбил-райхон не растет. Часто сын занят своими делами, ему не до отца; дочь же вспоминает своего отца каждый миг. Скажите, чем дочь хуже сыновей?*).

Часто в поэзии душевное состояние человека передается через описание его физического состояния: *Как беспомощно, жадно и жарко гладит Холодные руки мои.* (А. Ахматова— С. 70); *Баҳорда эшик очган кўлларим музлаб қолди, Нега болам келмайди, нега болам келмайди?..* (М. Юсуф— С. 102). (*Руки, открывавшие дверь весной, заledenели. Почему мой ребенок не вернулся домой? Почему мой ребенок не вернулся домой?*).

Особой чертой системы контраста является использование собственных имен людей как символа противоположных человеческих начал: *Демон* сам с улыбкой *Тамары...* (Ахматова А. — С. 148); *Состарившийся Дон Жуан* И вновь *помолодевший Фауст* (А.Ахматова — С. 388); *Чингизларга* Дарвозасин очмаган, Темур Малик орқасидан *Сирдарёга* сакраган (М. Юсуф— С. 76). (*Ты Хужанд, который не открыл ворота Чингизидам, и вслед за Темуром Маликом бросился в Сырдарёю*).

Часто используются окказиональные антонимы: *Сколько просьб у любимой всегда! У разлюбленной просьб не бывает* (А. Ахматова— С. 66); *Севалики, чўлларишг ҳам бизга жаннат, Тупрогшиг ҳам Макка мисол муқаддасдир* (М. Юсуф— С. 40). *(Мы любим, и степи для нас рай, и пески, как Мекка, для нас священные)*.

Особую выразительность имеет оксюморон, который позволяет острее, тоньше передать национальные особенности героя: *Хорошо твои слова баюкают: Третий месяц я от них не сплю* (А. Ахматова— С. 77). *Только ты, соловей безголосый, Эту муку сумеешь понять* (А. Ахматова— С. 92); *Ўзгизга от бўлиб чўкиб, Қизларига алла айтган, Белбогизга борин тўкиб, Тўйга бориб, тўймай қайтган* (М. Юсуф—С.23). *(Сыну был вместо коня, дочери пел колыбельные, все, что имел, всем раздавал, возвращался со свадеб голодным)*.

Х. ПЎЛАТОВА,
ЎЗДЖТУ

ТАРЖИМА ТАЪЛИМИЙ ВА ТАРБИЯВИЙ ВОСИТА СИФАТИДА

Рус гуруҳларида ўзбек тилидан олиб бориладиган дареларнинг асосий қисми талабаларнинг луғат бойлигини ва нутқини ўстиришга қаратилган бўлиб, бунда таржима машқларидан фойдаланиш алоҳида аҳамиятга эга. Таржима матилари билан ишланганда, талаба бевосита луғатга мурожаат этади, изланади, сўзнинг маъносини тушунишга ҳаракат қилади. Шу боис таржима машқларини дарс жараёнида ҳам, дарсдан ташқари уй вазифаси сифатида ҳам қўллаш яхши натижа беради. Таржима машқлари сифатида оддий терма гаплардан ҳам, боғланишли матилардан ҳам фойдаланиш мумкин. Оддий терма гаплардан, одатда, янги мавзун, грамматик қондаларни мустаҳкамлаш жараёнида фойдаланиш, кейинги босқичларда эса боғланишли матиларни таржима қилириш мақсадга мувофиқ.

Боғланишли матнлар таржимаси талабалар учун анча қизиқарли кечади, чунки бунда талабалар берилган матндан

муайян янгилик, маълумот ҳам олади.гар. Хусусан, боғланишли матнлар бўйича таржима машқларини қўйди.тача ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Аввало, матн талабаларга ўқитилади, улар учун қийин, тушунарси, сўзлар аниқланади ва лугат дафтарига ёздирилади. Бунда ушбу сўзларнинг таржимасини, аввало, аудиториянинг ўзи, яъни гуруҳдаги талабалар ёрдамида аниқлаш зарур. Сўнгга ҳар бир талаба матнин лугат ёрдамида таржима қилади. Бунда талабаларнинг сўзларни нотўғри маънода ёки шаклда қўйлашлари, гап бўлакларининг ўрнини алмаштириб юбориш каби услуб билан боғлиқ айрим хатолар ўқитувчи томонидан тўғрилаб борилиши жуда муҳим. Шу тарзда таржима қилинаётган матнни диққат билан текшириб бориш ва охирида баҳолаш керак бўлади. Аудиториядаги талабаларнинг ҳаммаси ўзлари таржима қилган гапларни ўқишлари ва уни тўғри таржима қилинган вариантини аниқлашлари лозим. Бу талабанинг фаол бўлишга, ўзи устида ишлашга ундайди.

Ўқитувчи боғланишли матнларни таржима қилиш жараёнида, энг аввало, матн мазмунини сақлаб қолиш зарур эканлигини талабаларга ўқитириши керак. Бу ўринда шуни қайд қилиш керакки, таржима учун тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ва қизиқарли мавзудаги матн танлашнинг аҳамияти катта. Шундай матн танлаш керакки, талаба шу матндан қизиқ бир маълумот, маълум даражада янгилик олсин. Шундагина талаба бошқа тилини билиши зарурлигини ҳис қилади.

Маълумки, рус гуруҳларида ҳар хил миллат вакиллари таълим олади. Шу боис матнларда миллий маънавий кадриятларнинг ёритилган бўлиши талабаларнинг фикрлаш доирасини ҳам кенгайтиради, матн таъсирида балки ҳар бир талаба ўз миллатининг урф-одатлари тўғрисида бирма-бир сўзлаб, ўз нутқини ривожлантириш имконини ҳам беради.

Русийзабон талабаларнинг нутқини ўстиришда шеърини матнларнинг таржимаси ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Маълумки, русийзабон ўқувчи-талабаларнинг ўзбекча сўз бойлигини оширишда, уларни тўғри талаффузга ўргатишда шеърини матнларни ифодали ўқитиш, ёд олдириш муҳим

ўрин тутати. Бундай иш усули айниқса қуйи таълим босқичларида, мактабгача ва мактаб таълими босқичларида жўта кен қўлланади. Юқори таълим босқичларига чиққан сари русийзабон ўқувчи-талабаларда шеър ёд олишга бўлган иштиёқ камайиб боради. Шунинг ҳам қайд қилиш жоизки, русийзабон ўқувчи-талабалар кўпинча ўзбек тилидаги шеърларни маъносини тушунимай қуруқ ёд оладилар. Маъноси ўзлашмаган сўзлар эса, турган гапки, улар нутқига енгимайди ва тезда унутиб юборилади. Шунинг учун дарс жараёнида дарсдан ташқари мустақил иш сифатида бериладиган шеърларнинг мазмунини албатта таржима қилиниб таништирилиши зарур.

Шеърини матнларнинг таржимаси устида ишлашни қуйидагича ташкил этиш мумкин:

1. Эшитиш. Аввал шеър ўқитувчи томонидан ифодали ўқиб берилади ёки дискка ёзилган шеър эшиттирилади. Бунда ўқитувчи ўз нутқига эътибор бериши мақсадга мувофиқ бўлади.

2. Луғат устида ишлаш. Талабаларга шеърда учраган нотаниш сўзлар ажратиб тушунтирилади. Бунинг учун тушунарсиз сўзларнинг маъноси шархланади ёки русча таржимаси орқали изохлаб берилади.

3. Таржима. Матн қисмларга ажратиб таржима қилинади. Бунинг учун шеърнинг ҳар бир қатори ёки ўзаро боғлиқ бўлса икки қатори ўқувчи-талабаларга ўқитилиб, мазмунини тушунтириб борилади. Маълумки, шеърини асарларда тасвирий ифодалар, кўчма маъноли сўзлар кўп қўлланади. Ўқитувчи бундай ўринларни алоҳида тушунтириши, матидаги сўз ёки бирикманинг ўз ва кўчма маъноси, услубий бўёқларини алоҳида шарҳлаб кетиши лозим. Бу она тилимизнинг жозибаси, сермаънолигини кўрсатади ва ўқувчи-талабаларда ўзбек тилига нисбатан муҳаббат ҳиссини уйғотади.

4. Тушуниб ўқиш. Матн тўлиқ ҳолда, кўчма маъноли, услубий бўёқдор сўзлар, мантикий ургу берилган ўринлар, қофияларга алоҳида эътибор қаратилган ҳолда ўқитувчи томонидан ифодали ўқиб берилади ва умумий мазмунини сўзлаб берилади. Бу билан ўқитувчи шеърини матнларнинг

таржимаси билан ишлатишда, энг аввало, шоирнинг фикрини, нима демокчилигини, шеърдаги мазмунни сақлаб қолиши кераклигини талабаларга амалда кўрсатиб беради. Боғланишли матнлар устида шу тарзда ишлаш ўқувчи-талабаларнинг дугатини, нутқини ўстирибгина қолмай, уларнинг маънавий дунёсини ҳам бойишгади. Демак, тилга ўргатишда таржимадан фойдаланиш муҳим таълимий ва тарбиявий аҳамиятга эга.

О. ЖИВЦОВА,
ТашГИВ

К СПОСОБАМ ВЫРАЖЕНИЯ ОТРИЦАНИЯ В УЗБЕКСКОМ И АНГЛИЙСКОМ ЯЗЫКАХ

Со времён античности и до наших дней отрицание является одним из объектов изучения ряда наук: философии, логики, лингвистики, математики. Проблема отрицания занимает особое место в классических, традиционных и современных исследованиях языкознания. Отрицание – не прямое отражение действительности и её связей, а способ их рассмотрения, основанного на контрасте с исходными положительными фактами.

Будучи универсальной категорией языка со сложной и многоаспектной семантикой и многообразным арсеналом средств выражения, отрицание получает отдельное истолкование в свете каждого нового направления языкознания. Отрицание – элемент значения предложения, который указывает, что связь, устанавливаемая между компонентами предложения, по мнению говорящего, реально не существует или что соответствующее утвердительное предложение отвергается говорящим как ложное.

Чаще всего отрицательное высказывание делается в такой ситуации, когда соответствующее утвердительное было сделано ранее или входит в общую презумпцию говорящих. Отрицание – одна из свойственных всем языкам мира исходных, семантически неразложимых смысловых категорий, которые не поддаются

определению через более простые семантические элементы. Отрицание может выражаться отрицательными словами, отрицательным префиксом, отрицательной формой глагола, а может и не иметь отдельного выражения или целого предложения. Существует ряд работ, посвященных сравнительному исследованию английского и узбекского языков.

Остановимся подробнее на сравнительном анализе грамматического отрицания в английском и узбекском языках. Грамматическое отрицание, несмотря на наличие в предложении взаимосвязи между подлежащим и сказуемым, является синтаксической категорией, негативно отражающей эту взаимосвязь определёнными отрицательными средствами. Грамматическое отрицание в английском языке выражается в основном отрицательной частицей *not*. Например:

Present Indefinite Tense – I do not read. (Я не читаю.)

Past Indefinite Tense – I did not read. (Я не читал.)

Future Indefinite Tense – I shall not read. (Я не буду читать.)

В узбекском языке грамматическое отрицание выражается посредством окончания *–ма*, которое ставится перед личными окончаниями глаголов. Например:

Хозирги замон – Мен билмайман. (Я не знаю.)

Аниқ ўтган замон феъли – Сиз келмадингиз. (Вы не пришли.)

Келаси замон – Улар келмайдилар. (Они не придут.)

Келаси замон сифатдоши – ўқимайдиган (нечитающий)

Таким образом, в приведённых примерах отрицательные средства отражают семантическое разделение подлежащего и сказуемого. Это и есть грамматическое отрицание. В английском языке, хотя в малой степени, всё же вторым грамматическим средством отрицания является отрицательная частица *no*. В таком случае частица *no* употребляется перед именем существительным, прилагательным, наречием и выступает как грамматическое средство. Например:

“ I am no fool, you know.” (Th. Dreiser, Sister Carrie).

“Evidently the idea was no new to her.” (E. Voynich, *The Gadfly*).

В узбекском языке другим грамматическим средством отрицания является слово эмас, которое, например, употребляется для образования отрицания формы намерения будущего времени, формы неопределённого наклонения с аффиксом -мок, формы намерения будущего времени с аффиксом – мокчи, формы намерения прошедшего времени с аффиксом

– мокчи + недостаточный глагол эмок в форме эди. Например:

Мен бормокчи эмасман. (Я не собираюсь идти.)

Бошлаш мумкин эмас. (Нельзя начать.)

Сиз бормокчи эмассиз. (Вы не хотите пойти.)

Сен ёзмокчи эмас эдинг. (Ты не хотел писать.)

Также рассмотрим один из видов семантико-синтаксического отрицания – отрицательное слово-предложение. В этом случае мы можем заметить схожесть английского и узбекского языков. Это даёт возможность заключить, что отрицательное слово-предложение как в английском, так и в узбекском языке имеет почти одинаковую особенность. Например:

«Do you know what my grandfather's name was?» – «No», - said Steerforth. (Ch. Dickens, *David Copperfield*). - Ха, сигир йўқолдими? - Йўқ... сигир эмас, хўкиз, ола хўкиз эди. (Абдулла Қаххор, «Ўғри»).

Отсюда вытекает вывод, что несмотря на различные выражения отрицания в английском и узбекском языках, существуют и точки соприкосновения по этому вопросу: в английском языке чаще всего отрицание выражается при помощи отрицательных частиц not, no, а в узбекском языке – при помощи аффикса –ма и морфологическим средством эмас, которое не имеет аналога в английском языке и является своего рода уникальным средством отрицания в узбекском языке. Делая более подробный сравнительный анализ двух языков, хочется отметить то, что отрицание до сих пор не является изученным вопросом в полной мере, и эта

тема, на современном этапе является актуальным вопросом сравнительного языкознания.

Отрицание в языке – одна из важных проблем общего языкознания, имеющая непосредственное отношение к решению такого теоретического вопроса, как структурно-семантическая организация предложения. Будучи семантически неделимой смысловой категорией, отрицание выступает важным компонентом мысли выражающего её предложения. В силу разветвлённости системы средств, выражающих отрицание, изучение выражения отрицания относится к числу проблем, которые в течение длительного времени привлекают заслуженное внимание лингвистов.

С.ЗИЯЕВА,
УзГУМЯ

ИЗУЧЕНИЕ УРОВНЕЙ ЭКВИВАЛЕНТНОСТИ ПРИ ПЕРЕВОДЕ ТЕКСТОВОГО МАТЕРИАЛА (на примерах немецкого и русского языка)

Специфика перевода, отличающая его от всех других видов языкового посредничества, заключается в том, что он предназначен для полноправной замены оригинала и что рецепторы перевода считают его полностью тождественным исходному тексту. Вместе с тем не трудно убедиться, что абсолютная тождественность перевода оригиналу недостижима и что это отнюдь не препятствует осуществлению межъязыковой коммуникации. Дело не только в неизбежных потерях, связанных с трудностями передачи особенностей поэтической формы, культурных или исторических ассоциаций, специфических реалий и других тонкостей художественного изложения, но и в несовпадении отдельных элементов смысла в переводах самых элементарных высказываний.

Предположим, мы переведем немецкое предложение «Der Student liest ein Buch» как «студент читает книгу». В большинстве случаев такой перевод будет вполне

правильным и не потребует каких-либо улучшений. Очевидно, однако, что полного тождества здесь нет. В немецком оригинале содержится указание, что речь идет о каком-то лице, известном собеседникам, и, напротив, о какой-то неопределенной книге. В переводе такое указание отсутствует, как и информация о том, что действие происходит в момент речи, а не повторяется регулярно. С другой стороны, русский язык вынуждает нас сообщить, что читающий - это лицо мужского пола. Все эти потери и добавления обычно не будут препятствовать переводу выполнять свою функцию. Попытки передать в переводе абсолютно все, что можно обнаружить в оригинале, как правило, приводят к совершенно неприемлемым результатам.

Предположим, мы захотим передать в немецком переводе все элементы смысла, которые можно обнаружить в русском предложении «Мальчик катается на коньках». Помимо вполне понятного сообщения, в нем можно обнаружить еще и другие элементы информации. Во-первых, «катается» состоит из глагола «катать» и возвратной частицы «ся», т.е. как бы «катать себя». Во-вторых, слово «коньки» явно ассоциируется с уменьшительной формой слова «конь», которое к тому же мужского рода. Если мы все это переведем, то получим что-то вроде «Der Junge rollt sich ein Rößchen». Разумеется, так никто не поступает. Мы переводим «Der Junge läuft Schlittschuhe» и несколько не беспокоимся об утрате нерелевантных элементов смысла. Вследствие отсутствия тождества отношение между содержанием оригинала и перевода обозначается термином «эквивалентность». Поскольку важность максимального совпадения между этими текстами представляется очевидной, эквивалентность обычно рассматривается как основной признак и условие существования перевода. Переводом является «замена текстового материала на одном языке (ИЯ) эквивалентным текстовым материалом на другом языке (ПЯ)». Итак, сопоставление переводов с их оригиналами показывает, что существуют несколько типов

эквивалентности, в каждом из которых сохраняются разные части содержания исходного текста. Изучение уровней эквивалентности позволяет определить, какую степень близости к оригиналу переводчик может достичь в каждом конкретном случае. Понятие эквивалентности раскрывает важнейшую особенность перевода и является одним из центральных понятий современного переводоведения.

Д. БАХРОНОВА,
ЎЗДЖТУ

ИСПАН ТИЛИДАГИ ЗООНИМИК КОМПОНЕНТЛИ ФРАЗЕОЛОГИК БИРИКМАЛАРДАН ДАРСЛАРДА ФОЙДАЛАНИШНИНГ КОГНИТИВ АҲАМИЯТИ

Мустақил республикамизнинг жаҳон майдонида обрўси ошиб, ташқи алоқалар, маданий ва иқтисодий муносабатлар ривожланиб бораётган бир даврда хорижий тилларни, жумладан испан тилини ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга. Испан тили ўқитишнинг амалий, таълимий, тарбиявий мақсадлари нафакат дарс жараёнида, балки дарсдан ташқарида олиб бориладиган қўшимча адабиётларни ўқиш, турли хил тилни ўрганишни мустаҳкамловчи ўйинлар ўйнаш, оғзаки нутқни мустаҳкамлаш кабиларда ҳам ўзифодасини топади. Ҳар бир машғулотга когнитив ёндашган ҳолда, дарсларни қизиқарли олиб бориш учун мавзудан ташқари, ўқувчи-талабаларга зоонимик компонентли фразеологик бирликлардан (бундан буён ЗКФБ) тест саволлари тузиб, уларни мустақил ишлашга ундаш мумкин. Чунки, ЗКФБларда инсонга ҳос семалар жуда кўп учрайди. 1-тест. Қуйидаги мақолнинг эквивалентини топинг:

No me llevaré otra gallina el coyote.

а) Бировга чоҳ қазисанг ўзинг йиқиласан.

б) Айтинган сўз- оғитган ўқ;

в) Бетга айтганинг захри йўқ;

г) Кўр ҳассасини бир марта йўқотасан

Бундай тестлар талабалар учун қизиқарли бўлибгина қолмасдан, уларни кўпроқ шугулланишга ундайди; биринчидан, улар мақолни таржима қилишга ва сўнгра

мақолларни синчиклаб ўрганиб мосини топишга ҳаракат қилишади. Бу каби тестлардан фойдаланганда, бир ўқ билан икки қуёنни уриш, яъни ҳам талабани мустақил ишлатиш, ҳамда хотирани кучайтириш, яъни тарбиявий аҳамиятга эга мақолларни эсга олдириш мумкин. Дарс давомида бирор испан тилидаги фразеологик бирликнинг сўзма-сўз таржимасини бериб, муқобил мақоллар ва ибораларни топишга ундаш яхши натижа беради, чет тилдаги мақоллар талабалар хотирасида яхши эсда қолади, талабани ҳозиржавобликка ўргатади ва бу ўз ўрнида сўз бойлигининг ошишига олиб келади. ЗКФБдан ташкил топган испан мақоллари фразеологик бирикмаларнинг анчагинасини ташкил қилади ва уларнинг баъзилари ўзбек тилидаги мақолларга эквивалент бўлади. Масалан: 1. *Todos son lobos de una camada*. Бўрининг еса ҳам, емаса ҳам оғзи қон. 2. *Como el perro que ladraba a la luna* (1, 256). Ит хурар – қарвон ўтар. Шу ўринда талабаларни қизиқтириш учун, ҳар бир халқнинг ички хусусиятларидан келиб чиққан ибораларни тушунтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Испан тилида “*como zorro en gallinero*” ёки “*ser un mono de imitación*” ЗКФБлари “кимнингдир жасадини чиқармоқ” маъносини билдиради, ўзбек тилида эса, бу маънони билдирувчи бошқа бир ибора бор. Бу ибора – кимнингдир арпасини ҳам ўрмоқ бўлиб, бу ерда зооним компоненти йўқ; унинг ўрнида арпа, яъни, ўсимлик компоненти мавжуд. Бу эса ўзбек халқининг қадимдан деҳқончилик билан шуғулланиб келган эканлигидан далолат беради. Яна бир “*аҳмоқни аҳмоқ десанг, арпа бўйи кўкарар*” мақолида ҳам арпа флороними иштирокини кузатиш мумкин. Машҳур тилшунос Д.Кристал бундай фразеологизмларни “миллий идиомалар” деб бежиз атамаган. Бундай ўхшатишлар ҳар бир тилда мавжуд бўлиб, уларнинг мазмунини билиш тилини ўзлаштириш жараёнини осонлаштиради. Жумладан, испан тилини ўргатишда фойдаланилаётган фразеологик бирликларда ҳам мақол ва маталлар бўлиши мумкин. Уларни тўғри тушунишда қуйидагиларни ҳисобга олиш зарур: 1. Бир тилдаги мақол ёки матал бошқа тилда бўлмаслиги мумкин; 2. Бир тилдаги маъно бошқа тилдаги

маънонинг акси бўлиши мумкин (3, 89-92). Чунки мақоллар, асосан, айрим халқнинг турмуш тарзи, урф-одатлари асосида юзага келган бўлади. Масалан, *es como el zorro que muda los años y no las mañas*; бу мақол ўзбек тилидаги “букурни гўр тузатилади”га тўғри келади ёки Алишер Навоийнинг қўйидаги мисраларни эквивалент бўла олади: *Ким, кучук или хўшиқни қанча қилма тарбият, Им бўлур, эшак бўлур, асло бўлмас одами!* Испан тилидаги “*bruto como un asno*” ибораси эшакдек калтафаҳм маъносини беради. Яъни, испанларда ҳам эшак бефаросатликни англатмоқда. *Feroz, sangriento como lobo* –бўридек ёвуз, баттол –шафқатсиз кишиларга нисбат берилган бўлса, *más fiel que un perro* –ишончли, итдек содиқ- садоқатли инсонларни таърифлашга хизмат қилади.

ЗКФБларнинг матндаги функциясини таҳлил қилишда функционал ва когнитив ёндашув зарур, улар фразеологик бирликлар томонидан ифода этилган тушунчаларнинг борлиқ ҳақидаги билим ва тасаввурларни тақдим этишга хизмат қилади. Бугунги кунда ривожланиб келаётган когнитив тилшунослик, тил ва маданият, тил ва тафаккур, ҳамда тил ва жамият билан боғлиқ бўлган турли тилшунослик бўлимлари: лингвокультурология, социolingвистика, этнолингвистика ва антропололингвистика соҳаларидаги илмий изланишлар айнан фразеологик бирликларнинг кенг қиррали таҳлилин тақозо этади. Фразеологик бирликларнинг барча тилларда мавжудлиги ўзига хос универсалияни акс эттирадиган бўлса, маълум тилга хос бўлган фразеологик бирликлар ўзига хос хусусийликни намоён қилади. Фразеологик бирликлар инсон ҳаёти, психологияси, урф-одати, менталитети, маданияти ва ахлоқи билан боғлиқ бўлган хусусиятларни ифодалайди. Испан тилидаги ЗКФБларнинг семантик-структуравий таҳлили тилдаги умумийлик ва хусусийлик масалаларини ёритишда долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Фразеологик бирикмалар фаолиятида ЗКФБлар алоҳида ўрин тутайди ва улар фразеологик бирикмалар лугат составидан анча каттагина ўрин эгаллаган. Ибораларни зоонимлар билан ифодалаш уларнинг ижобий ёки салбий

характерга ва эканлигини кўрсатади. Одатда, ҳар бир ҳайвон, ҳашарот ёки парранда айрим ўзига хос хусусиятлари билан характерланади. Масалан, чумоли, асалари меҳнатсеварлик рамзи бўлса, шер мардликни, тулки айёрликни англатади. Зоонимларни кундалик нутқимизда жуда кўп ишлатамиз; кайфиятни туширадиган ҳолатларда “*чўчқага ўхшамай кет*”, “*энақдек калтафаҳмсан-да*”, “*тулкидек айёр экан*” ва ҳ.к, ижобий ҳолатларимизда “*шердек дошюрак*”, “*булбулдек овози бор экан*”, “*охуникидек кўзлари*” каби иборалардан фойдаланамиз. Бундай оғзаки нутқдаги ўхшатишлар халқ мақол ва маталларининг яралишига ўз хиссасини қўшган, албатта. Мисоллардан кўринадики, ЗКФБларда бир хусусиятни ифодалаш учун испан ва ўзбек тилларида турли тимсоллардан фойдаланилади. Сезгир кишиларга нисбатан айтилган “*ернинг тагида илон қимирласа ҳам билади*” деган зоонимик иборасига испан тилидаги “*ve debajo del agua*” ибораси синоним бўлади. Фразеологик ибораларни турли тилларда таққослаб ўрганиш таржимашуносликда муҳим ўрин тутади. Фразеологик бирикмаларни алоҳида бир йўналишда ўрганиш, яъни зоонимик компоненти бор ибораларнинг таҳлили жуда кўп натижаларни бериши шубҳасиз.

А. МИРСАИДОВ,
ЎЗДЖТУ

МАЪНАВИЯТИМИЗГА ДОИР ТУШУНЧАЛАРНИНГ ЎЗБЕКЧА – РУСЧА – ИНГЛИЗЧА ЛУҒАТИ

Маънавиятимизга оид билимларни ўрганиш, тушунчаларни англаш ва идрок этиш бугунги куннинг ҳар бир зиёлиси учун муҳимдир. Она тилимизда маънавиятимизга оид тушунчаларнинг бошқа тиллардан муқобилларни билиш ҳаётий заруратга айланиб бормоқда. Чунки инсоннинг ҳар томонлама камолотга эришувини давримиз тақозо этмоқда. 2006 йилда республика „Маънавият“ нашриёти томонидан нашр қилинган „Комиллик калити“ лугати (Н. Маҳмудов, З. Саидкулов, Ғ.

Сотимов) ҳозирги давримиз учун ўз вақтида чоп этилган маъналардан бири бўлди. Луғат нафақат чет тилини ўрганаётган талабаларга, балки кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган. Луғат рус ва инглиз тилларини ўрганаётган ўзбеклар, шунингдек ўзбек тилини ўрганаётган рус ва инглиз тили вакиллари учун ҳам фойдалидир.

Тил ҳар бир халқнинг азалий ва бадний руҳини, ички дунёсини, тафаккур тарзию миллий табиатини, яшаш тарзию минг йиллик анъаналарини, бир сўз билан айтганда халқнинг ботиний ва зоҳирий борлигини акс эттиради. Маълум бир тушунча бир халқда мавжуд бўлса, бошқа бир халқда эса бундай тушунча учрамаслиги мумкин. Ана шунда бир халқда мавжуд бўлган, шу халқнинг ўзига хос жиҳатларини ифодаловчи тушунчалар бошқа тилларга тавсифлаш билан, яъни бир неча сўзлар, жумлалар ёрдамида таржима қилинади. „Комиллик калити“ луғатида ўзбек тилидаги маънавийтимизга оид тушунчалар, сўзлар рус ва инглиз тилларига таржима қилинган. Рус ва инглиз тилларида мавжуд бўлмаган тушунчалар, шарқона ўзига хосликни ифодаловчи тушунчалар тавсифлаш орқали ифодаланган, тушунчаларга изоҳлар берилган. Луғатда она тилимизнинг мустақиллик шароитидаги тараққиёти билан боғлиқ жараёнлар ҳам назарда тутилган ҳолда сўзларнинг маънолари рус ва инглиз тилларига таржима қилинган.

Луғатда ўзбекча сўзлар биринчи устунда қатъий алифбо тартибида берилган. Ўзбекча сўзларнинг рус тилига таржимаси иккинчи устунда, инглиз тилига таржимаси эса учинчи устунда берилган. Луғатда кўп маъноли сўзлар ҳам бор, бундай сўзларда асосан, маънавийга доир маъноларни таржима қилишга эътибор берилган. Шаклдош сўзлар таржимаси алоҳида – алоҳида берилган, рим рақами билан фарқланган: оқибат 1. – результат – result, consequence, оқибат 2. – любезность, дружелюбное отношение friendly relations; courtesy.

Луғат кўпроқ рус ва инглиз тилини ўрганаётган талабаларга, зиёлиларга кўпроқ ёрдам беради, чунки биринчи устунда ўзбек тилида берилган сўзнинг иккинчи устунда, яъни рус тилида бир неча вариантлари

берилганлиги, учинчи устунда инглиз тилида берилган таржималарда эса янада кўпроқ сўзларнинг берилганлиги ўзбек китобхонининг рус ва инглиз тилларида сўз қўллаш маҳоратини янада оширади, билими, тафаккурини янада кенгайтиради. Биринчи устунда ўзбек тилида берилган сўзларнинг синоним, омонимларини, кўп маъноли сўзларни фарклаш эса ўзбек китобхонида ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди. „Комиллик калити“ ўзбекча – русча – инглизча лугати турли миллат вакиллари янада яқинлаштиради, тил ўрганаётган ёшларимизнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

С.ШАБАНОВА,
ЎзДЖТУ

ИСПАН ТИЛИДАГИ ТИББИЙ АТАМАЛАРНИНГ ЎЗБЕК ТИЛИГА ТАРЖИМАСИ ҲАҚИДА

Таржима халқ маданиятининг ажралмас қисми ҳисобланади. Маданий тараққиётни таржимасиз, унинг бевосита таъсирисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Таржима асосан 3 тамойлга асосланади: 1) асл нусхадаги сўзга таржима тилидан тенг қийматли эквивалент топиш; 2) матн, сўз ўгирилаётган тилдан монанд муқобил вариант кидириб топиш; 3) сўзни айнан сўзма-сўз таржима қилиш.

Таржимон таржима жараёнида, дунёда ташқаридан сўз қабул қилмайдиган, фақат ўз ички ресурслари ҳисобида ривожланадиган тил бўлмаганини ҳам ҳисобга олиб иш юритиши керак. Бунинг учун ўгирилаётган тилнинг урф-одатлари, этимологияси, мамлакатлараро алоқаси ва енг муҳими тарихини ҳам билиши керак. Тиббий атамаларни таржима қилишда айрим муаммолар пайдо бўлиши мумкин. Таржимон агар тиббиётга оид маълумотга эга бўлмаса, таржимада хато-қийинчиликлар учраши мумкин. Жумладан, ўзбек тилида халқ орасида “сангрена” касаллигини “қорасон”, “холера”ни “вабо”, “стенокордия”ни “кўкрак қисилиши” деб атайдилар.

Испан тилидан тиббий атамаларни таржима қилишда бу сўзларнинг келиб чиқишини билиш керак. Испан

тилидан тиббий атамалар барча тиллардаги каби лотин тилидан келиб чиққан. Лотин тили роман тилларининг асоси ҳисобланади. У ўлик тил бўлишига қарамасдан, ҳозирги кунда тиббиётда, шунингдек, Ватикандаги католик черковига мансуб аҳолининг тили сифатида кенг қўлланилади. Ўзбек тилида айрим касалликларнинг номини лотин тилидаги вариантнинг билишимиз мумкин, бироқ одам анотомиясига, умуман тиббиётга оид барча терминларни фақатгина тиббиёт таълим муассасаларида таълим олаётганлар, шифокорлар, ҳамширалар билиши мумкин.

Испан тилида эса бундай муаммо деярли учрамайди, чунки испан тили лотин тили асосида шакллангани учун барча тиббиётга оид атамалар маълум миқдорда ўлигини саклаб қолган. Жумладан, ўзбек тилида ҳам испан тилида ҳам мавжуд тиббий терминлар: *кардиолог* - *el cardiólogo*, *ангина* - *la angina*, *гастрит* - *la gastritis*, *пулмония* - *la pulmonía*. Испан ва лотин тилида бир хил, бироқ ўзбек тилида бошқа таржимага эга бўлган тиббий терминлар ҳам мавжуд бўлиб, буларга *ошқозон* - *estómago* - *estómago*; *меъда ости беzi* - *pancreas* - *pancreas*; *кекирдак* - *trachea* - *trachea*; *ўпка* - *pulmones* - *pulmones*...кабилар киради.

Маълумки, шифокорлар беморга рецепт ёзаётганда лотин тилида ёзадилар. Испан тилини биладиганлар учун бу рецептни ўқиш ва тушуниш қийин бўлмайди. Масалан, лотин тилида ёзилган рецепт:

Rp: Sol. Corazoli 10 %-1.0.

D.t.d. № 10 in ampul.

S. 1 мл дан кунига 1-2 марта тери остига юбориш.

Бу ерда “*Rp*” “рецепт” сўзининг қисқартмаси лотин тилида - *resepto* испанчада *reseta*, “*D.t.d*” қисқартмаси лотин тилида *da talis dosis* яъни испан тилида ҳам “шунча дозиди бер” деган маънони англатади, “*S*” қисқартмаси эса лотин тилида *signa* испан тилида эса *designar* дейилиб “тайинлайман” деган маънони англатади. Ушбу лотинча сўзларнинг барчаси испан тилида ҳам мавжуд бўлганига учун уларни тушуниш осон бўлади. Бироқ лотин тилига, шу жумладан тиббиёт тилига ҳам, бошқа тиллардан кириб келган сўз ва қўшимчалар ҳам мавжуд. Булар: юнон тилидан

кириб келган олд кўшимчалар *giper-, gipo-, peri-*, Африка қабиллаларидан кириб келган "*Beri- beri*" касаллиги номи, қадимги хинд тилидан кериб келган "*Vigrxata*", "*Kumbitaka*", америкалик хиндулар тилидан кириб келган "*Xinin*", "*Ipekakuana*" кимёвий моддаларининг номларидир. Лотин тилини билиш билан испан тилидаги барча тиббий атамаларни бемалол таржима қила оламан деган таржимон янглишади. Бунинг учун тиббиётдан бохабар бўлиш ҳам керак. Испан тилида тана ҳароратини ўлчаш "*tomar la temperatura*" деб аталади. Бу ибора сифатида олинган. Агар бу сўзга ибора сифатида қарамасдан, сўзма-сўз таржима ишлатилса, "*ҳароратини олиш*" каби хунук таржима пайдо бўлади. Чунки испан тилида "*tomar*" феъли "*олмоқ*" деган маънони англатади.

Умуман, ҳозирги кунда ахборот-технологияларининг ривожини нақадар юксак савияда бўлса, тиббиёт ҳам, замонавий даволаш усуллари ҳам шу қадар жадал ривожланмоқда. Шу боис янгиликларни доимий равишда кузатиб боровчи таржимонгина ўз касбининг мутахассиси ҳисобланади ва ўз таржималарида хатога йўл қўймайди.

Д. ҲАЙДАРОВА,
ЎЗДЖТУ

ИСПАН ТИЛИДАН ОНА ТИЛИГА ТАРЖИМАДАГИ АСОСИЙ МУАММОЛАР

Чет тилидан она тилига таржима қилиш жараёни ўзининг бир қатор қийинчиликлари билан она тилидан чет тилига таржима қилиш жараёнидан фарқ қилади. Чет тилига таржима қилаётганда таржимон ҳеч қандай тўсиқларсиз асл матнни тушунади; бу ҳолда унинг асосий қийинчилиги чет тилидаги матнни бир қолипга тушириш ҳисобланади. Чет тилидан она тилига оғзаки таржима қилишдаги асосий муаммо бу-асл матнни тушуниш, чунки одатда, она тилида ўқиб чиқилган матн маъноси тезда тушунилади. Она тилига оғзаки таржима қилаётган таржимон она тилидан чет тилига таржима қилаётган таржимонга қараганда хавф остида тургандек кўринади.

Ҳақиқатан ҳам, чет тилини етарли даражада мукаммал билган таржимон она тилида ўзига яхши тушунарли бўлган матн маъносини чет тилига яхши таржима қила олади.

Баъзи ҳолда у аниқ таржима қилмай, айрим стилистик ёки бошқа хатоларга йўл қўйса ҳам, лекин асосий тоя ва маъно яхши сакланиб қолади ва музокара давом таяди. Агарда чет тилидан таржима қилаётган таржимон мати маъносини тушунмайдиган бўлса, таржимон учун бундан-да ёмонроғи бўлмайди – таржима музокараси ўтмайди, яъни таржимаса таялдуқли бўлган маъно очилмай қолади. Чет тилидаги матинни яхши тушуниш учун нималар тўсқинлик қилади?

Баъзан таржимон мати сўзларини яхши тушуна олмайдиган вазиятлар ҳам бўлади. Бундай вазият қуйдаги сабабларга боғлиқ:

а) техник жиҳозларнинг носозлиги (қулоққа ўрнатиладиган тугмалар);

б) таржимон испан тили миллий вариантлари (Аргентина, Куба, Мексика ва б.) нинг фонетикаси билан яхши таниш бўлмаслиги;

в) таржимон фонетик жиҳатдан унга нотаниш бўлган сўзни яхши англай олмаслиги.

Фонетикани билмаган ҳолда матини яхши тушунмаслиكنинг олдини олса бўлади. Таржимон ҳамма вариантлардаги испан тилида мати тинглаши керак, испан тилида сўзлашувчилар билан кўпроқ мулоқотда бўлиши керак, айниқса, талаффуз қилинаётганда эшитилмай қоладиган ёки йўқ бўлиб кетадиган фонемаларга яхшироқ эътибор қаратиши лозим. Масалан, кубинча талаффузда *d* ва ундошлар олдида *s* фонемаси тушиб қолади. Натижада тажрибасиз таржимон “*nos pagaron*” (бизга пул тўлашди) нинг ўрнига “*no pagaron*” (бизга тўлашмади) деб тушунади. Оғзаки таржимон таржима жараёнида лугатдан, йўриқнома ва энциклопедиялардан фойдалана олмайди. Бу эса ўзига хос бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқаради. Буларни бартараф этиш учун бир неча усуллар кўриб чиқилади.

1. Бирон бир илмий анжуманда таржима қилишга ҳозирлик кўраётган таржимон авваламбор, шу анжуманнинг мавзусини, мавзуга хос бўлган сўз бойлиги ва терминологиясини кўриб чиқиши керак бўлади.

2. Жуда кўп ҳолларда матиларда (асосан, публицистик ва ораторлик матиларида) негизги логини ва грек тилидан келиб чиққан сўзлар ишлатилади. Бу сўзларнинг кўпчилиги

дугатларга тушмаган, шунинг учун уларни олд ва орқа кўшимчалар орқали таржима қилса бўлади. Қуйидаги мисолларни кўриб чиқамиз: El gran lirófora. Агар -for- (phor) негизининг маъноси (олиб юрувчи, таркатувчи) ни яхши билса, lirófora сўзи тушунарли бўлади: lirófora – “лира таркатувчи, яъни “шоир” дегани. Su tradición milenaria. Milenario сўзи ҳаммага маълум бўлган mil- (минг) негизи ва лотин тилидаги “annus” (йил) сўзидан олинган -en- элементининг қисқартмаси -en- дан ҳосил бўлган. Шундан кўриниб турибдики, milenaria минг йиллик дегани. Тексти яхши тушуниш учун таржимон испан тилидаги кўп маъноли сўзларни, турғун ибора ва сўз бирикмаларини ўрганиб чиқиши керак. Шуларга амал қилган ҳолда таржимоннинг билим салоҳияти ва дунёқараши максимал даражада ошади; музокара кутилгандан ҳам яхши ўтади.

М. ҲУСАНОВА,
ЎЗДЖТУ

ИСПАН, РУС ВА ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА ЎХШАТИШ САНЪАТИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Таржима фаолияти инсоният тарихи билан тенг йилга тўғри келади. Тарихий манбааларга кўра, таржимага оид илк қўлёзмалардан намуналар Қадимги Миср хонадонлари даврига тўғри келади. Шу жумладан адабиётда айнан шеърятда ҳам таржима алоҳида ўрин тутди. Ҳар бир мамлакатнинг ўз тарихи бўлгани каби ўз адабиёти ҳам мавжуд. Адабиётнинг қайси йўналиши бўлишидан қатъий назар ўхшатиш санъатидан фойдаланилади. Испан шеърятда ҳам адибу, ёзувчилар ўхшатиш санъатини қўллайдилар. Federica Garcia Lorca ҳам Испан шеърятининг етук номоёндаларидан биридир. Унинг ҳар бир ёзган шеъри испан адабиётининг дурдонаси сифатида бутун дунёга тарқалган.

Унинг La guitarra шеъри бутун дунё адабиётшуносларига маълум.

La guitarra
E.G.Lorca
Empieza el llanto
de la guitarra.
Se rompen las copas
de la madrugada.
Empieza el llanto
de la guitarra
es inútil callarla.
Es imposible
callarla.
Llora monótona
como llora el agua,
como llora el viento
sobre la nevada.
Es imposible callarla.
Llora por cosas lejanas.
Arena del sur caliente
que pide camelias blancas.
Llora flecha sin blanco,
la tarde sin mañana,
y el primer pájaro muerto
sobre la rama.
¡Oh guitarra!
corazón malherido
por cinco espaldas.

Гитара
Ф.Г.Лорка
Начинается
Плач гитары.
Разбивается
Чаша утра.
Начинается
Плач гитары.
О, не жди от нее
Маланья,
Не проси у нее
Молчанья! Неустанно
Гитара плачет,
Как вода по каналам-
плачет,
Как ветра над снегами-
плачет,
Не моли ее о молчанье!
Так плачет закат о
рассвете,
Так плачет стрела без
цели, так песок
раскаленный плачет
О прохладной красе
камелий,
Так прощается с жизнью
птица
Под угрозой зменного
жала.
О гитара, Бедная жертва
Пят проворных кинжалов!
(Перевод М.Цветаевой)

Адиб ўз шеърларида шеър ёзиш санъатининг барча услубларидан фойдаланган, шу жумладан ўхшатиш санъатини ҳам кенг қўллаган. Бу ўхшатишлар шеърни жўн ва содда бўлиб қолишдан саклаган. Бунга оддийгина мисол қилиб гитаранинг куйлашини йиғлаш деб талқин этганини кўрсатиш мумкин. Тонгини ҳам уйғотиш даражасида йиғлаётган гитарани шунчалик усталик билан таърифлайдики гўёки гап гитара ҳақида эмас қандайдир инсон ҳақида кетаётгандек.

“Как вода по каналам-плачет, Как ветра над снегами-плачет, Не моли ее, О молчанье!”. Ўзбек шеърлятида сув мисолида умр талқин этилади аммо испан адиби бу талқинни ўзгача услубда ёритган. Шамолнинг қор билан биргаликда гувиллаб овоз чиқаришини ҳам гитаранинг йиғлашига ўхшатган. “Так плачет закат о рассвете, Так плачет стрела без цели, так песок раскаленный плачет”. Гўёки қуёшнинг ботишию, чиқишини айна уфқ қизаришини гитаранинг ёки кимнингдир йиғлаб қизарган юзларига қиёслаган. Мақсадсиз ўтаётган умр ва ҳар бир йўқотилаётган вақт тимсолида кўрсатган. Гитаранинг йиғлаши гўёки ёш боланинг доимий ҳархашасига ўхшаш аммо у юракни чок-чокидан худди ханжар билан тилаётгандек оғриқ беради.

Машҳур рус таржимони ва шоири М.Цветаеванинг таржимасида ҳам ўхшатишдан фойдаланилган, адиб сингари шу оғриқларни ҳис қилган. Унинг таржима усули шунчалар кенгки, испан тилидан рус тилига қилинган асл таржимаси китобхонга шоирнинг ҳис-туйғуларини етказиб беради.

Р. ТУРҒУНОВА,
ЎзДЖТУ

ТАРЖИМА МАШҒУЛОТЛАРИДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Ҳозирги кунда чет тилини ўқитиш жараёнида интерактив методлар, педагогик ва ахборот технологияларини қўллашга бўлган қизиқиш, таътибор

кундан кунга кучайиб бормокда. Бу эса анъанавий таълимдан бир оз четга чикиб талабаларни ўрганаётган соҳа, мутахассислик бўйича билимларини ўзлари кидириб топиларига ўргатади, натижада улар таҳлил қилиш, ҳулосалаш сингари муҳим жиҳатларни ўргана бошлайдилар. Педагогик нуқтани назаридан эса ўқитувчи бу жараёнда шахснинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади. Ўқитувчи дарс давомида кўпроқ бошқарувчилик, йўналтирувчи шахс вазифасини бажаради. Бундай таълим бериш жараёнида талаба асосий фигурага айланади, яъни дарсда асосий эътибор талабага қаратилади. Бугунги кунда „Тармоқлар“ „3x4 методи“ „Блиц - ўйин“ „Интервью“ техникаси „Иерархия“ техникаси, „Бумеранг“ техникаси „Талаба“ тренинги „Ўқитувчи шахси“ тренинги, „Мулоқот“ техникаси „Бошқарув техникаси“ сингари технологиялар оммалашиб бормокда. Дарсда ўқитувчи бу технологиялардан бирортасининг айнан ўзини қўллаши ҳам мумкин ёки улардан ижодий фойдаланиши ҳам мумкин бўлади.

Инглиз тилидан оғзаки ва ёзма таржимага амалиёт дарсларида, лугатлар билан ишлаш жараёнида биз бу усуллардан бир нечасини синтезлаштирган ҳолда ўзига хос бир усулни қўладик. Масалан „Интервью“ техникаси ва, „Талаба“ тренинги маънавийтимизга, меҳнатсеварликка оид матнни таржима қилиш жараёнида жуда қўл келди гуруҳ талабалари 3 та кичик гуруҳларга ажратилди ва ҳар бир гуруҳ ўқитувчи томонидан берилган сўзларнинг таржимаси устида ишлай бошладилар. Ўзбек тилида берилган сўзларнинг инглиз тилидан таржималарини топиб матнни оғзаки таржима қилиш асосий топшириқ қилиб берилди. Берилган сўзларнинг ҳар бири бўйича инглиз тилидан бир неча муқобилларини аниқлаш зарур эди.

гуруҳ талабаларига қуйидаги сўзлар: *ҳайбаракаллачи*, *ҳайбаракаллачилик*, *ҳашар*, *ҳашарчи* сўзлари.

1-гуруҳ талабалари учун эса *барака*, *баракали*, *баракаси*, *баракалла* сўзлари.

2-гурух талабалари учун эса *донгдор, бунёдкор, бунёдкорлик, ёрдамлашмоқ, ёрдамчи* сўзларининг инглиз тилидан муқобилларини топиш талабалар учун кизиқarli кечади.

Ҳар бир гурух 3 тадан жами 9 та талаба иштирок этган бўлса, қолган 2 та талаба эса эксперт сифатида гурухларнинг таржима натижаларини изоҳлайдилар. 2-гурух талабалари томонидан бажарилган таржима сўзларида муқобил сўзларнинг кўп аниқланганлиги матн таржимасида катта ёрдам беради.

Жумладан, 2- гурух талабалари берилган *барака, баракали, баракасиз, баракалла* сўзларининг таржималари кўйидагича бўлди:

барака – abundance, plenty, profusion, efficiency.

баракали – abundant, plentiful, efficient, productive.

баракасиз – inefficient, unproductive, not fruitful, intangible.

баракалла – brick, good lad, well done, bravo.

Даре эксперт талабаларнинг изоҳлари, ўқитувчининг хулосаси билан якунланади. Бундай технологияларни қўллаш ўқитишнинг самарасини оширишга ёрдам беради. Талабаларда мантикий, ақлий, ижобий, танқидий, мустақил фикрлашни шакллантиришга имкон яратади.

I. JO'RAYEVA,
(O'zDJTU

UNDOW SO'ZLARNING INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDAGI TALAFFUZI

Nutq jarayonida o'ylab olish uchun qisqa tanaffus qilinganda, gaplarni to'la mazmunda yetkazib berish uchun yoki tinglovchining so'zlovchining nutqiga munosabatini bildirish uchun ayrim leksik ma'noga ega bo'lgan so'zlar qo'llanadi. Bunday so'zlar o'zbek tilida undov so'zlar deb ataladi. Undov his-hayajonni, xitobni bildirishga xizmat qiladi. Undovlar boshqa so'z turkumlari singari leksik

ma'noga ega emas. U tuyg'u va emotsiyalarni bevosita ifodalaydi. Lekin bu his-hayajon, emotsiya va tuyg'uning oti bo'lmaydi. Undov gap bo'lagi vazifasida qo'llanmaydi va gap bo'laklari bilan grammatik jihatdan bog'lanmaydi. Undovlarda intonatsiya muhim rol o'ynaydi, chunki undov ma'lum intonatsiya bilan aytilmasa, u his-tuyg'ularni, emotsiyani anglata olmaydi. Shuning uchun intonatsiyaning turlicha bo'lishiga qarab undovlar xilm-xil emotsiyani, his-tuyg'uni bildiradi. Jumladan, oh undovi turlicha intonatsiya bilan aytilganda, quyidagilarni bildiradi:

1) shodlikni: Oh, qanday so'lim kecha-ya.(O)

2) afsuslanishni: Oh, umr o'tdi-ketdi oqar suvday...-shikoyatli ovoz bilan dedi kampir.(O)

3) ajablanish – afsuslanishni: Oh, go'yo o'zing bilmaysan, - dedi ko'zlarini o'ynatib Tansiq.(O)

Xuddi shunga o'xshash tovushlar ingliz tilida ham mavjud bo'lib, ular "fillers" (ma'no to'ldiruvchilar) deb ataladi.

Ingliz tilida fillerlar odatda suhbat jarayonida gaplarni to'la to'kis mazmunda yetkazib berish uchun qo'llanadi. Ular suhbat davomida pauza qilinganda yoki birer kishining gapiga munosabatni bildirmoqchi bo'lganda qo'llaniladi. Ingliz tilida ham fillerlar o'zbek tilidagidek xilma-xil intonatsiya turlarida qo'llanadi va ularni mashq qilishda foydalaniladi. Ingliz tilida intonatsiya tilning melodikasi (ohangi)ni ta'minlaydi. Ingliz tilida 6 xil intonatsiya turi mavjud bo'lib, ular o'z nomlariga egadir.

I.Level (o'rta talaffuz intonatsiyasi): tonda hech qanday o'zgarish bo'lmaydi. U odatda ko'p qo'llanilmaydi.

Let's hope so. Hope that's all you can do.

II.Rising (ko'tariluvchi intonatsiya): gapning oxirida tonda ko'tarilish yuz beradi.

1. So'roq gaplarda qo'llaniladi.

a) maxsus so'roq gaplarda hayronlik, jumboqlilik ma'nolarini bildiradi. Masalan:

-How old are you? -How old am I?

6) umumiy so'roq gaplarda ma'quflamaslik, ishona olmaslik ma'nolarini bildiradi.

-We ought to follow his advice. - Must we do as he says?

2. Buyruq gaplarda iliq ogohlantirish, tinchlantirish ma'nolarini bildiradi. Masalan: Be careful. Don't.

3 His- hayojon gaplarda iliqlilik, suhbatni yaxshi davom ettirish istagi ma'nolarini bildiradi. Odatda salomlashish shu intonatsiyada aytiladi. Masalan:

-It's half past ten. -Well.

- Good morning. -Morning.

III . *Falling*(pasayuvchi intonatsiya): gapning oxirida tonda pasayish yuz beradi.

1. Maxsus so'roq gaplarda jiddiylik, sokinlik ma'nolarini bildiradi.

Where are you studying?

2. Darak gaplarda qat'iyon tugaganlik, tamom bo'lganlik ma'nolarini bildiradi.

-Whose book is this? - It's mother's.

3. Buyruq gaplarda his -hayajonsizlik, jiddiylik ma'nolarini bildiradi. Masalan: - I'll send it to him. - Don't.

4.His -hayajon gaplarda befarqlik, odamovilik ma'nolarini bildiradi.

-Would you like an apple? - Thank you.

IV . *Rising-Falling*(ko'tarilib-pasayuvchi intonatsiya): gap ohangida birinchi ko'tarilish yuz beradi-yu, oxirida ohang pasayadi. Bu holat odatda tanlov so'roq gaplarda uchraydi. Masalan:

Are you studying or working?

V. *Falling-Rising*(pasayib-ko'tariluvchi intonatsiya): gap ohangi avval pasayib, keyin ohirida ko'tariladi. Tasdiq so'roq gaplar xuddi shunday talaffuz qilinadi.

-You're studying aren't you?

Agar darak gaplar xuddi shu intonatsiya turida talaffuz qilinsa, g'am –tashvish, gina – ziddiyat, toptalgan his-tuyg'u, ba'zan tinchlantirish ma'nolarini bildiradi. Masalan:

- I wish we had left earlier. – That wasn't my fault.

Ingiliz tilida bitta filler ushbu intonatsiya turlarida qo'llanganda, ushbu filler turli intonatsiyada turli xil emotsiyani anglatadi. Masalan: - hmm / mmm filler

Level - "o'ylayapman";

Rising - "nima deding", "men bunday deb o'ylamayman";

Falling va Rising-Falling – rozilik, tushunganlik, "ruhsat bering bir ko'ray";

Falling-Rising – "men eshitayapman, davom etavering."
Kabi turli hil ma'nolarni anglatadi.

-well filler

Level – "o'ylayapman";

Rising – "fikringiz qanday?", "nima demoqchisiz?", "nima xohlaysiz?";

Falling – yangi mavzu boshlamoqchiligini;

Rising-Falling – aytilayotgan fikrning qiziqarli ekanligini;

Falling-Rising – biror bir fikrni tanishtirmoqchi bo'lganlik kabi ma'nolarni bildiradi.

Suhbat jarayonida so'zlarning jumladan, fillerlarning to'g'ri intonatsiyada qo'llanishi nutqning chiroyli va ta'sirchan chiqishini ta'minlaydi. Zero, intonatsiya tilning melodikasi (ohangi)ni taminlaydi. Intonatsiya talaffuz qilinayotgan so'zning ma'nosini, talaffuz qiluvchining ushbu ma'noga bo'lgan munosabatini va his-hayajonini ifodalaydi. Og'izdan chiqqan har bir gapning qaysi intonatsiya turida qo'llanishi uning ma'nosini belgilaydi. Fillerlar esa ushbu gapning ma'nosini aniqroq yetkazib berishga xizmat qiladi va ingliz tili og'zaki nutqida tez-tez qo'llanadi. Ingliz tilini xorijiy til sifatida o'rganuvchilar uchun esa ingliz tilining bu muhim qismini o'qib- o'rganish bu tilni bor sehri bilan his etishga zamin yaratadi.

МУИДАРИЖА

1. БЎЛИМ. ЎЗБЕК НАЗАРИЙ ТИЛШУНОСЛИГИ МУАММОЛАРИ

Э.Бегматов (ЎзР ФА ТИ). “Давлат тили ҳақида”ги Қонун берган имконият ва самаралар.....	3
О.Мўминова (ЎзДЖТУ). Мансаб ва унвон номларининг лексик- семантик ясаиш усуллари.....	11
Н.Жиянова (ЎзДЖТУ). Мумтоз адабий асарлар тилида сонларнинг омонимлик хусусияти.....	15
О.Жумаев (ЎзРФА). Реклама эълонлари матнининг асосий хусусиятлари.....	17
Я.Авлакулов (ЎзДЖТУ). Эргонимлар кўлами хусусида	23
Д.Носирова (ТДПУ). Қиёс мазмунли ёрдамчисиз кўшма гаплар.....	27
С.Маҳсумова (ЎзДЖТУ). Эркин Воҳидов асарларида метонимия орқали коннотатив-прагматик маънонинг ифодаланиши.....	29
О.Аметова (ТДПУ). “Юк” сўзи билан алоқадор ибораларнинг поэтик вазифалари.....	32
Г. Раҳимова (УзГУМЯ) Употребление с аффиксами имен, обозначающих родственность в узбекском языке... ..	35
М.Ҳасанов (ЎзДЖТУ). Просодик морфонологиянинг вазифалари.....	38
С.Тошнӣёзова (МРДИ). Рассомлик атамалари устида ишлаш хусусиятлари.....	41

Р.Тўланбоев (ТДПУ). Сўз – асослаш воситаси сифатида.....	44
--	----

2-БЎЛИМ. ТИЛ, ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ

МУАММОЛАРИ

Б.Тўхлиев (ТДПУ). Она тили ва юксак маънавийатли шахс тарбияси.....	46
R.Rasulov, S.Adilova, I.Quvondiqova (TDPU). Тил таълим методлари ҳақида.....	49
Р.Ниёзметова (ТДПУ). Ўзбек тили дарсларида матн устида ишлаш.....	53
Т.Ниязметова (ТДПУ). Бадиий асар матни устида ишлаш тажрибасидан.....	58
Х.Муҳиддинова (ЎзДЖТУ). Ўзбек тилини ўқитишда ўқувчиларнинг индивидуал имкониятларини эътиборга олиш.....	61
Н.Сайидова (Вобкент тумани КХК). Мактабда педагогик жараёни ташкил этишнинг педагогик-психологик томонлари.....	65
М.Мирмахсудова, Ж.Самигова (ТЙМИ академлицейи). Она тили дарсларида грамматик атамаларни ўзлаштиришнинг аҳамияти.....	67
А.Хусанов (ТДПУ). Билим – тараққиёт калити	69
И.Ёқубов (ЎзДЖТУ). Амалий инглиз тилини ўргатишда *қиёслашдан фойдаланиш усуллари	72
Д.Абдувалиева (ТВПИ). Умумий ўрта таълим мактабларида Шарқ халқлари адабиётини ўргатиш методикаси.....	75

Н.Собирова, Д. Газиева (ЎзДЖТУ). Чет тилини ўқитишда диктант ёзишнинг аҳамияти.....	77
Ё.Мадрохимова (Нукус ДПИ). Янги дарслик: сўз ва унинг изоҳлари.....	79
Х.Йўлдошева, М.Абдуқодирова (ЎзДЖТУ). Уй вазифаси – мавзуларни мустахкамлашнинг муҳим омили.....	81
З.Салишева (ЎзДЖТУ). Иншо – монологик нутқ ўстиришнинг муҳим омили сифатида	85
З.Усмонова (ЎзДЖТУ). Хорижликларга давлат тилини ўргатишнинг айрим жиҳатлари.....	88
Ш.Султонова (ЎзДЖТУ). Русийзабон гуруҳларда турғун бирикмаларни ўргатиш тажрибасидан.....	91
М.Эшхушева (ЎзДЖТУ). Ўзбек тили таълимида фонетик интерференцияни бартараф этиш	94
S.Shokirova (TBXK kolleji). O'zbek tili ta'limida iqtisodiy atamalarni o'rganish yo'llari	95
Г.Исломова, Н.Пирназарова (МРДИ). Тилни ўқитишда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш.....	98
M.Dadamirzayeva (O'zDJTU). Chet tilini o'qitish uslubi (Yevropa misolida).....	100
М.Мўминова, М.Мирмаксудова (ТЙМИ академик лицейи). Тил ўқитишда афоризмларнинг аҳамияти	102

3- БЎЛИМ. ЎЗБЕК УСЛУБШУНОСЛИГИ ВА НУТҚ

МАДАНИЯТИ МУАММОЛАРИ

Э.Бегматов, М.Одилова (ЎзРФА ТИ). Нутқий одоб меъёрлари.....	104
---	-----

С.Ҳожиев (ЎзДЖТУ) Параразаланнинг прозаник	
асарларда услубий восита сифатида ишлатилиши.....	108
Б.Қорасева (ЎзДЖТУ). Нотик ва тинчловчи орасидаги ўзаро	
муносабатларнинг педагогик жихатлари	114
О.Дадажонова (ЎзДЖТУ). Ундаймаларнинг услубий	
хусусиятлари (Муҳаммад Юсуф шеърлари мисолида).....	117
Н.Умарова (ЎзДЖТУ). Ўткир Ҳошимов асарларида	
диалектизмларнинг қўлланилиши.....	121
Ф.Тўраева (ЎзДЖТУ). Республикада оммавий-ахборот	
воситалари соҳасидаги ислохот самаралари	127
Ш.Умарова (ЎзДЖТУ). Ўткир Ҳошимовнинг “Икки эшик	
ораси” романида эвфемизмларнинг қўлланилиши.....	131
Ф.Йўлдошев (ЎзДЖТУ). Адабиётимизда ижодкорларнинг сўз	
қўллаш маҳорати	133
Г.Ашурова (ТДПУ). Мақол ва шеърин маъно	
муштараклиги.....	137
Д.Иноятова (Институт ҳудожеств и дизайна). Как развить	
разговорную речь.....	139
М.Тожибоев (ЎзДЖТУ). Бадиий асар поэтик таҳлили.....	141

4-БЎЛИМ. ҚИЁСИЙ ТИЛШУНОСЛИК ВА ТАРЖИМА МУАММОЛАРИ

И.Умиров (ЎзДЖТУ). Термин ва атамаларнинг таржимасига	
доир	144
Н.Қамбаров (ЎзДЖТУ). Ўзбек тилидан инглиз тилига	
таржима муаммолари.....	148
Д. Газиева, А.Мирсанов (ЎзДЖТУ). Ўзбек ва инглиз тили	
грамматикасининг айрим муаммолари.....	151

Д.Джуманова (УзГУМЯ). Использование антонимов в русском и узбекском языках	152
Х.Ўматова (ЎзДЖТУ). Таржима таълими ва тарбиявий восита сифати.....	155
О.Живцова (ТашГИВ). К способам выражения отрицания в узбекском и английском языках.....	158
С.Зияева (УзГУМЯ). Изучение уровней эквивалентности при переводе текстового материала	161
Д.Бахронова (ЎзДЖТУ). Испан тилидаги зоонимик компонентли фразеологик бирикмалардан дарсларда фойдаланишнинг когнитив аҳамияти.....	163
А.Мирсаидов (ЎзДЖТУ). Маънавийтимизга доир тушунчаларнинг ўзбекча- русча-инглизча лугати.....	166
С.Шабанова (ЎзДЖТУ). Испан тилидаги тиббий атамаларнинг ўзбек тилига таржимаси ҳақида.....	168
Д.Ҳайдарова (ЎзДЖТУ). Испан тилидан она тилига таржимадаги асосий муаммолари.....	170
М.Ҳусанова (ЎзДЖТУ). Испан, рус ва ўзбек шеърларида ўхшатиш санъатидан фойдаланиш.....	172
Р.Турғунова (ЎзДЖТУ). Таржима машғулотида педагогик технологиялардан фойдаланиш.....	174
I.Jo'rayeva (O'zDJTU). Undov so'zlarning ingliz va o'zbek tillaridagi talaffuzi	176

